

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Юлдашев А. Сирожиддинов И. Хусаинов М.**

# **МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан бакалавриат босқичи 5230600 – “Молия” таълим йўналишии  
талаabalари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

Тошкент  
«Ворис -Нашриёт»  
2016

Кўлланмада молиявий менежментнинг энг муҳим масалалари - молиявий бошқариш моҳияти ва шакллари, тадбиркорлик фаолиятини молиявий маблағлар билан таъминлаш, жамғармалар ва инвестициялар, молия ва бюджет сиёсати, узоқ муддатли активларни ва айланма маблагларни бошқариш, корхоналарда молиявий режалаштириш, тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва уни бошқариш, харажатлар ва даромадларни бошқаришни оптималлаштириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш, хўжалик субъектларида пул оқимларини бошқариш, солиқ менежментини ташкил этиш, корхоналарда молиявий назорат, молиявий рисклар менежментини ташкил этиш масалалари ёритилган.

Кўлланма олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган. Ундан илмий изланувчилар, ўқитувчилар, амалиётдаги менежерлар ҳамда молиявий менежментни мустақил ўрганувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:**

**Т. С. Маликов,**  
Тошкент Молия институти «Молия»  
кафедраси профессори, иқтисод фанлари  
доктори, профессор

**Ш. Д. Сайтбоев,**  
Наманган муҳандислик-технология институти,  
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси  
мудири, иқт.ф.д., профессор

## КИРИШ

Республикамизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, хусусан иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳамда жамиятни демократлаштириш натижасида шаклланган янги босқичдаги ижтимоий муносабатлар хўжалик юритиш таомилларини давр талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бу, ўз навбатида, бошқарувнинг олдинги услубларидан тубдан фарқ қиласиган услубларни жорий этилишини талаб қилса, бир вақтнинг ўзида, бугунги кундаги сифат жиҳатдан тез ўзгариб бораётган бозор муносабатларига мувоғик тарзда бошқарувни амалга ошира оладиган мутахассисларнинг етишиб чиқишини ҳам талаб қилади.

Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектларни ривожланиши, авваламбор, молия ва меҳнат ресурсларини ташкил этишда, фойдани тақсимлашда, ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ва бошқа иқтисодий муносабатларда тўла бозор механизмини бошқариш усувларини қўллаш ва хўжалик мустақиллиги даражасига боғлиқдир.

Бозор механизми ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доимий интилиб боришга қаратилганлиги билан характерланади. Шу билан бирга корхонани якуний фаолиятига жавобгар шахсларга қарорлар қабул қилишда эркинлик, бозор ҳолатига қараб мақсад ва режаларни доимий равишда ўзгартириб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, бозор муносабатларини тартибга солишда молия муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга молия иқтисодий сиёsatни амалга оширувчи зарурий восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳозирги кунда молиянинг иқтисодий муносабатларда тутган ўрни, табиати ва унинг ҳаракатланиш хусусиятларини яхши ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш мақсадида ундан тўлақонли фойдаланиш ва молиявий бошқариш усувларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Молиявий бошқариш ёки молиявий менежмент деганда корхоналарнинг пул маблағлари, молиявий ресурсларини ташкил этиш ва ҳаракатланиши, уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини бошқариш тушунилади. Бу жараёнда пул маблағларини мақсадли йўналтириш орқали энг самарали натижага эришиш мақсадида иқтисодиётга таъсир кўрсатилади.

Ҳозирги шароитда бошқарувчи мутахассислар чукур ва кенг қамровли билимларга эга бўлишлари, ўзлари танлаган соҳалардаги бошқарув муаммоларини аъло даражада мушоҳада эта олишлари, пухта ўйланган ва ҳар тарафлама асосланган қарорларни қабул қилишга қодир бўлишлари лозим. Бошқарув соҳасида мутахассисларни тайёрлашда молиявий менежмент муҳим аҳамиятга эга.

Молиявий менежмент бозор иқтисодиёти шароитида молия, кредит, пул муомаласи ва солик соҳаларида тез ўзгаришлар содир бўлаётганлигини эътиборга олмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ўкув қўлланмада муаллифлар ўз дикқат-эътиборларини бозор иқтисодиёти шароитида молиявий менежментнинг моҳияти ва аҳамиятига, мулкдор-тадбиркор-молиявий менежер ҳамда молиявий менежментнинг вазифаларини ёритиб беришга қаратганлар.

Мазкур ўкув қўлланма 2001 йилда муаллифлар томонидан чоп эттирилган “Молиявий менежмент” китобининг тўлдирилган учинчи нашридир. Ушбу нашрда муаллифлар Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шароитидаги 25 йиллик мустақил ривожланиши даврида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликка оид ўзгаришлар ва олий таълим соҳасидаги давр талаблари асосида дастлабки нашрни тўлдиришга ҳаракат қилдилар.

Муаллифлар ўкув қўлланманинг сифатини оширишга хизмат қилувчи барча таклиф ва мулоҳазаларни чуқур миннатдорчилик билан қабул қиласдилар.

# **I БОБ. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ МОҲИЯТИ ВА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ ШАКЛЛАРИ**

## **1.1. Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиши хусусиятлари**

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирда "ўзбек модели" деб ном олган йўлини танлаб олди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ушбу моделнинг маъномазмуни — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий испоҳотларни амалга оширишдан иборатдир<sup>1</sup>.

Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг беш тамойилида таърифлаб берилган. Бу қоидалар Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги бўлиб, уларнинг моҳияти қўйидагичадир:

Биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, иқтисодиётнинг мафкурадан холи қилиниши.

Иккинчидан, давлат – бош ислоҳотчи.

Учинчидан, қонунларга риоя қилиш устуворлиги.

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши.

Биринчи, тамойилнинг маъноси шуки, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон ўткинчи сиёсий манфаатлар таъсири остида бўлмаслиги ҳамда бирон-бир мафкурага бўйсундирилмаслиги керак. Бу эса иқтисод сиёсатдан устун турмоғи лозимлигини ифодалайди. На сиёсат, на мафкура иқтисодиётни назорат қилиш, унга тазиик ўтказиш даражасига кўгарилмаслиги, ҳам ички, ҳам гашқи иқтисодий муносабатлар ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши зарур. Аввал иқтисодиёт, кейин сиёсат, "аввал таом, баъд аз калом" деган ҳикматлар бекорга айтилмаган.

Бутун инсоният тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир ишчи, муҳандис, техник ўз иш жойида-корхона, бирлашма, цехларда ўзини

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисидаги маъруза. – “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь

хўжайин деб ҳис қилиши, ўз меҳнатининг пировард натижасидан моддий жиҳатдан манфаатдор бўлиши керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозорда ва жаҳон бозорида, бозорнинг ўзи белгилаб берилган нархлар бўйича, эркин сотилиши керак. Бозор қоидасига кўра кимнинг маҳсулоти юқори сифатли, кўриниши яхши бўлса ва нархи арzonроқ бўлса, ўша маҳсулотга талаб бошқа маҳсулотларга нисбатаи кўпроқ бўлади. Бундай вазиятда бозорга ҳеч қандай снёсат ёки мафкура ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Иккинчи, тамойил, яъни бозор муносабатларпга ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режали равишда, изчиллик билан давлат бошчилигига амалга оширилиши лозимлигини ифодалайди. Кўпчилик мамлакатларда бозор муносабатлари узоқ йиллар ва асрлар мобайнида ташкил топган бўлсада, бу иқтисодий жараёнларга давлат зарур бўлган пайтларда таъсир ўтказиб келган. Бозор муносабатлари тўла ташкил топган, илғор мамлакатларда ҳам давлат иқтисодий жараёнларга бевосита ва билвосита таъсир этишидан воз кечмайди.

Собиқ иттифоқ даврида барча заводлар, фабрикалар, ерлар ва ер ости бойликлари давлат мулки ҳисобланар эди. Давлат ўзининг бошқарув органлари орқали қайси корхона қандай маҳсулот турини ишлаб чиқариши, уни кимга сотишини ва унинг нархини марказлаштирилган режа орқали қатъий тарзда белгилаб берарди. Шу пайтда фойда ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарга, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларидан қатъий назар, улар маҳсулоти учун қанча ҳақ тўланиши давлатга боғлиқ эди. Бунда давлат зарар кўриб ишлаган корхоналарнинг маҳсулот қиймати учун тўланадиган пул миқдорининг катта қисмини ўз ҳисобидан тўлар эди.

Ана шу иқтисодий механизмни йўқотиб, унинг ўрнига бозор механизмини тезда ва бирданига яратса олмаслигимиз тушунарлидир. Бозор муносабатларига ўтиш учун ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг бутун механизмини, бутун давлат ва ижтимоий тузумимиз биносини қайтадан тузиш зарур бўлади. Уни шундай қайта куриш керакки, ундан фойдаланиш пайтида деворлари ва устунлари қулаб тушмасин. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий ислоҳотларни етти ўлчаб, бир кесган ҳолда, пухта ўйлаб, тпупдай ўтказиш керакки, унда жамиятнинг барча қатламларидағи фуқаролар мулкнинг ўзларига тегишли бўлган улушкини олишлари ва бунда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак. Мана шунда мулк ўз эгаларинн топган бўлади. Бу босқичда давлат аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қатламларини қўллаб қувватлади. Вужудга келган ишбилармонлик тизимларини қарор топтириш ва ривожлаширишда кўмаклашади. Мана шундай жуда муҳим ва мураккаб вазифаларнин фақат давлатнинг ўзигина ҳал қиласи, бу бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Мана шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи вазифасини бажаради.

Учинчидан, бозор муносабатларини факат ҳуқуқий меъёрлар ва қонунларга таянган ҳолда шакллантириш мумкин. Уни буйруқбозлиқ, зўравонлик билан шакллантириб бўлмайди. Ислоҳотлар аввало Асосий Қонунга - Республика Конституциясига таянади. Қонунларга кўп укладли иқтисодиётга асосланган жамиятнинг барча қатламлари ҳам бўйсунишлари зарур. Айниқса, бозор муносабатлари энди тикланиб келаётган дастлабки пайтларида баъзи бир қаллоб ва юлғич кимсалар қонунларни менсимай қўйиб, турли фирибгарлик йўллари билан шахсий бойлик ортиришга интиладилар. Бунга мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда жамиятда бошбошдоқлик содир бўлади, муттаҳамлар кучсизнинг молини тортиб оладилар ва талончилик қиласилар. Бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш учун ва бартараф этиш учун қонун ҳамма нарсадан устун турмоғи ва ҳамма учун уни бажариш мажбурий бўлмоғи лозим. Бу борада улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳикматли сўзларини эслаш ўринлидир. У қонунларнинг устуворлиги ҳакида: "Қаерда қонун ҳукмронлик қиласа, шу ерда эркинлик бўлади" деб айтган. Улуғ бобокалонимизнинг бу шиори, бизнинг ёш давлатимиз ҳаётида ўз ифодасини топмокда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган давр мобайнида иқтисодиётга оид, солиқ бўйича, молиявий ва бошқа кўплаб қонунлар ишлаб чиқилди. Ҳар бир ватанпарвар, ўз ватанининг мустақиллигини муқаддас билган, уни ривожланган ва гуллаб яшнаган ўлкага айлантиришни истаган хар бир инсон бу қонунларни оғишмай, ҳеч сўзсиз бажариши лозим. Шундагина биз ҳуқуқий давлат қуришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз, қонун устуворлигини таъминлаш амалда мумкин бўлади.

Тўртинчи тамойил - кучли ижтимоий сиёsat ўтказиш ҳам аҳамиятли. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ҳамма босқичларида кучли ижтимоий-сиёsat ўтказиш кўзда тутилган. Барча иқтисодий демократик ва сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонинг меҳнат, ижтимоий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган муносаб турмуш шароитини яратишдан иборатдир. Кучли ижтимоий сиёsat юритиш зарурлиги, Ўзбекистонда унинг аҳамияти халқнинг турмуши, демографик вазият билан боғлиқ бўлиб:

Биринчидан, Ўзбекистонда аҳоли деярли тўртдан уч қисми шўролар ҳокимияти даврида ҳам ўзларининг энг кам эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлмай, улар давлатнинг мададига муҳтож эдилар.

Иккинчидан, аҳоли таркибида давлат ва жамият ўз ҳимоясига олиши зарур бўлган меҳнатта лаёқатсиз ёшлар, кўп болали оналардан салмоғи катта эди.

Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида дастлаб аҳоли ижтимоий жиҳатдан табақалашади ва ҳимояга муҳтож бўлганлар қатлами кенгаяди. Шу боисдан давлат энг аввало аҳолининг ижтимоий мададга муҳтож бўлган табақаларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистонда аҳолининг ярмига яқини ўн олти ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Уларга меҳр-муҳаббат, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ажойиб фазилатларидан бирига айланган. Давлат ёш авлодни химоялаш, боқиш, тарбиялаш ва жисмоний бакувват, ўқимишли маънавий жиҳатдан етук кишилар бўлиб етишиши учун зарур шароитларни яратиб бермокда.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бу иқтисодий ислоҳотлар йўлининг асосий негизидир. Бозор иқтисодиёти бир қанча босқичларни ўз ичига олган бўлиб, уни амалга ошириш учун маълум вақт талаб қиласди. Бу жиҳат бешинчи тамойилнинг мазмунини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш – қуруқ мақсад эмас, балки биринчи навбатда халқ учун муносаб ва фаровон ҳаётни таъминлаш воситасидир. Шунинг учун асосий вазифа ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик - қашшоқликка йўл қўймасдан, кишиларга зиён-захмат етказмасдан ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг янги босқичига чиқиб олишдир.

Шу маънода Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олган ва шу йўлдан дадил қадамлар билан бормокда. Мамлакатимизда янги ижтимоий-сиёсий тузум ва давлат моделини яратилмокда.

Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл очиқ, эркин иқтисодиётга асосланган одил жамият, кучли демократик ҳукуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда.

Республикамида жамиятнинг янгиланишида ва ижтимоии иқтисодий тараққиётдаги танланган йўл – бу жаҳон тажрибасини, халқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олган йўлдир. Унинг мазмуни қўйидаги босқичларда ифодаланиши мумкин.

I. 1991-1994 йиллар бозор ўзгаришларини юзага келтириш учун шартшароит яратиш:

- иқтисодий ислоҳотлар йўналишлари ва стратегиясининг шаклланиши;
- иқтисодий ислоҳотлар ҳукуқий базасининг яратилиши;
- давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларининг шакллантирилиши;
- ислоҳ этишнинг бошланиши, қишлоқ хўжалиги, аграр муносабатлар янги турининг шаклланиши;
- институционал ислоҳотлар, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг барҳам топиши;
- нархларни эркинлаштириш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва республиканинг дунё ҳамжамиятига интеграцияланиши;
- халқнинг маърифий ва маънавий жиҳатдан қайта туғилиши;

- аҳоли кенг қатламларининг ишончли ижтимоий кафолатлар билан таъминланиши.

II. 1995-1999 йиллар макроиктисодий барқарорликка эришиш, хусусийлаштириш жараёнинг чуқурлашуви ва рақобат муҳитнинг шаклланиши.

- миллий валютанинг мустаҳкамланиши;
- тузilmавий ўзгаришлар дастурининг амалга оширилиши;
- қўп укладли ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг шаклланиши ва ижтимоий ишлаб чиқаришда нодавлат секторлар улушининг ортиши;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялашда мақсадлиликнинг қучайтирилиши.

III. 2000-2005 йиллар. Бозор механизмларининг ишлаши асосида барқарор иқтисодий ўсишга ўтиш:

- сиёсий ва иқтисодий соҳада, давлат қурилишида эркинлаштириш;
- бундан кейинги маънавий янгиланиш;
- моддий фаровонликнинг ўсиши;
- иқтисодиётда тузilmавий ислоҳотлар;
- барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тутувликни таъминлаш.

IV. 2006-2010 йиллар. Иқтисодиётни модернизациялаш ва банк, молия тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ташқи савдода ижобий мувозанатни шакллантирилиши ва аҳолининг реал даромадларини ошишига эришилиши:

- ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланиши;
- ташқи савдо балансида барқарор ижобий сальдонинг шаклланиши;
- маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш;
- иқтисодиётни диверсификациялаш сиёсатининг устуворлиги;
- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
- суд-хукуқ тизимида ислоҳотлар.

## **1.2. Молиявий менежмент тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти**

Молиявий менежмент ёки молиявий бошқарув корхонада унинг фаолияти учун пул жамғармалари шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши жараёнларини ташкил этишга ва бошқаришга қаратилган. Молиявий бошқарув биринчи навбатда қисқа муддатли ва жорий вазифаларни ҳал этишга хизмат қиласада, у корхонанинг стратегик ривожланиши йўналишини белгилашда ҳам жуда муҳим ўрин эгаллади.

Молиявий бошқарувнинг диққат марказида қуйидаги вазифалар туради:

- фойдани кўпайтириш;
- корхонада пул оқимлари узлуксизлиги ва балансланганлигини таъминлаш;
- корхона капитали таркибини оптималлаштириш

- молиявий барқарорликни таъминлаш;
- мулқдорлар(акциядорлар), инвесторлар, кредиторлар учун корхонанинг молиявий-иктисодий аҳволини ойдинлаштириш;
- инвестиция жозибадорлигига эришиш;
- молиявий ресурсларни жалб этишда бозор механизмлардан фойдаланиш.

Молиявий бошқарув корхона фаолиятининг *стратегик ва тактик* мақсадларига самарали эришилишини таъминлаши, яъни у мақсадли тус олиши учун корхонанинг молиявий сиёсати ишлаб чиқилиши зарур. Молиявий сиёсат ишлаб чиқилиши қуидагиларни ифодалайди:

- корхона молиявий-иктисодий аҳволини таҳлил қилиш;
- корхонанинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчи сифатидаги фоалиятини режалаштириш;
- айланма маблағларни, кредиторлик ва дебиторлик қарздорлигини бошқариш;
- харажатларни тақсимлаш ва амортизация сиёсатини бошқариш;
- дивиденд сиёсатини танлаш.

Молиявий-иктисодий аҳволни таҳлил қилишда корхона мулкий таркиби, молиявий қўйилмалари, ўз капиталини шакллантириш манбалари, қарз маблағлари миқдори ва манбалари аниқлаб олинади, корхонага моддий ресурслар етказиб берувчилар ва харидорлар билан ўзаро муносабатлар, сотишдан тушум ҳажми ва сотиш миқдори баҳоланади.

Таҳлил уч асосий йўналишда амалга оширилади. Горизонтал таҳлил - жорий давр кўрсаткичлари аввалги даврлар ёки режа(смета) билан таққосланади. Вертикал таҳлилда умумий якуний кўрсаткичдаги алоҳида моддалар солиширма оғирлигини аниқлаш ва кейинчалик натижани ўтган давр маълумотлари билан таққослаш амалга оширилади. Тренд таҳлилида қатор йиллардаги ҳисботлар кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланади ва тренд(эгри чизик) ясалади. Таҳлил жараёнида таққословларни амалга оширишда турли даврларда қўлланган режалаштириш усуллари, бухгалтерия ҳисботларида қўлланган ҳисоб сиёсати хусусиятлари, корхона фаолияти йўналишлар ўзгариши (диверсификация) ва бошқа омиллар эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Молиявий бошқаришда ахборот базаси бўлиб биринчи навбатда корхонанинг молиявий ҳисботлари ва молиявий ҳисобнинг бошқа маҳсулотлари хизмат қиласди. Айни пайтда молиявий бошқарувни молия ва солиқ органларининг, банк тизимининг маълумотларисиз, товар, фонд ва валюта биржаларининг ахборотларисиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Молиявий бошқарув мамлакатдаги ҳуқуқий ва норматив базага суюнган ҳолда амалга оширилади. Уларга қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг ўз ваколатлари доирасидаги буйруқлари, кўрсатмалари, нормалари ва йўрикномалари, корхонанинг таъсис хужжатлари киради.

Кўриниб турибдики, молиявий бошқарув олдига қўйилаётган вазифалар корхонада унинг молиявий- иқтисодий аҳволини таҳлил этиш билан шуғулланадиган хизматни ташкил этишни тақозо қиласи. Мазкур хизмат муайян давр ичида ишлаб чиқариш харажатлари, корхонанинг пул чиқимлари ва даромадларини таҳлил этиши, турлича базавий кўрсаткичлар билан таққослаши ҳамда ўзгаришлар(тафовутлар) мазмун-моҳиятини, сабабларини ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Корхонага пул тушумлари ва чиқимлари оқимини соғломлаштириш учун, биринчи навбатда, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги айланишини таҳлил қилиш. қарзларни вақти-вақти билан инвентаризациялаш, корхонага қўлланган жарима чораларининг сабабларини ва айбдорларини аниқлаш, зарур ҳолларда даъво ишини олиб бориш лозим бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш стратегияси доирасида сўнгги пайтларда корхоналарга амортизация сиёсатини танлашда муайян имкониятлар яратиб берилмоқда. Корхона жадаллаштирилган амортизациясини қўллаши ва шу йўл билан харажатларни ошириши мумкин. Бу маҳсулот таннархига ва баҳо сиёсатига, мол-мулк солиғи ва фойда солиғига таъсир кўрсатади.

Акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатувчи корхонада дивиденд сиёсати ишлаб чиқилиши зарур бўлади. Бу, бир томондан, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан корхонанинг бўлажак инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш мақсадларига хизмат қиласи. Айни пайтда, корхона эгалари манфаатлари факат дивидендлар олишдан иборатdir деб, тасаввур қилиш тўғри бўлмайди. Фойданинг дивидендларга тўла йўналтирилиши корхонадаги жамғариш жараёнига салбий таъсир этади. Корхонанинг барқарор истиқболини, рақобатбардошлигини, молиявий барқарорлигини таъминлаш учун фойданинг муҳим қисми қайта инвестицияланиши лозим. Демак, дивиденд сиёсати корхонанинг умумий молиявий-иктисодий аҳволидан келиб чиқиб белгиланади.

Молиявий бошқарув олиб борилишида жуда муҳим жиҳатларидан яна бири қарз маблағлардан оқилона фойдаланишидир. Корхона бозорда мустаҳкам мавқега эга бўлса, шу асосда унинг маҳсулотлари сотилиши етарли даражада фойда ҳажмларини таъминлаётган ва бу фойдани оширишнинг реал имкониятлари мавжуд бўлса, ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш учун қарз маблағлар, шу жумладан узоқ муддатли негизда, жалб этилиши мумкин ва бундай имкониятлардан фойдаланиш мутлақо ўринли бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, молиявий бошқарув корхона фойдасини ёки корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган. Албатта, фойда иқтисодий самарадорликнинг жуда муҳим ифодаси, лекин самарадорликнинг бошқа жиҳатлари хам мавжуд. Молиявий менежмент самарадорликнинг барча жиҳатларига таъсир этиши лозим.

Бозор иқтисодиёти турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларининг фаолият юритишини тақозо этгани боис, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида давлат корхоналари, акциядорлик жамиятлари, кўшма корхоналар, чет эл корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар ва бошқалар турдаги субъектлар ўзаро рақобат шароитида фаолият кўрсатмоқда. Бу хўжалик субъектлари ўз молиявий ресурслари ва капиталларини бозор иқтисодиёти қонунлари асосида бошқариб борадилар. Бундай бошқаришни ташкил этиш учун молиявий бошқаришнинг услуби ва методологиясини билиш ва уни ишлаб чиқаришга тадбиқ эта олиш талаб этилади.

Кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий фаолиятини бошқаришни юқори малакали ҳисобчи ёки иқтисодчи олиб бориши мумкин. Лекин катта ҳажмдаги бизнесда кенг кўламли молиявий операциялар олиб боришга тўғри келади. Катта бизнесда миқдордан сифатга ўтиш қонунлари амал қиласди. Катта ҳажмдаги бизнесни олиб бориш учун кўп миқдордаги капитал талаб этилади, катта миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади, сотилади ва истеъмол қилинади. Катта ҳажмдаги бизнес - бу юз миллион ва миллиардлаб сўмлар билан ўлчаниб, бу ерда турли-туман мураккаб молиявий операциялар амалга оширилади. Улар инвестиция дастурига боғлиқ тарзда молиялаштириш, кредитлаш ва капитални ҳаракатларини ифода этади. Мувофиқ равишда катта ҳажмдаги бизнесда молиявий фаолиятни бошқариш учун юқори малакага ва молиявий билимга эга бўлган молиявий менежер (молиявий директор) талаб этилади.

Молиявий менежментда бошқарув субъектлари молиявий муносабатларнинг иштирокчилариdir. Булар энг аввало, мулкдорлар, инвесторлар, кредиторлар, молиявий воситачиларdir. Шунингдек **молиявий бошқариши субъектларига** давлат бошқарув органлари, молия ва солиқ органлари, банклар, сугурта муассасалари ва бошқалар ҳам киради. Бошқаришнинг асосий субъекти - мулкдордир. Мулкдор кўп холларда мулкни бошқаришни молиявий менежерга топширади.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётининг таркибида давлат корхоналари, акционерлик жамиятлар, кўшма корхоналар, чет эл корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар ва бошқалар киради. Бу корхоналарни бошқаришда одатда молиявий менежер шартнома асосида фаолият кўрсатади. Мулкдор билан молиявий менежер ўртасидаги битим тузилиб, унда ўзаро хуқуqlар ва мажбуриятлар келишиб олинади.

Молиявий менежер мулкдор номидан мулкни ва молиявий ресурсларни идора этади.

Корхона мулки қуйидаги манбалардан шаклланади:

- таъсисчи ва қатнашувчиларни пул ва материал улушлари;
- фаолиятнинг барча кўринишларидан олинадиган даромад;
- қимматли қоқозлардан олинадиган даромад ва фойзлар;

- банк кредити ва бошқа корхоналардан олинадиган маблағлар;
- бюджет ва нобюджет ташкилотлардан олинадиган маблағлар;
- ижара тўловидан олинадиган маблағлар ва бошқалар.

Юқоридаги маблағларга асосланган ҳолда корхона иқтисодий ресурслари шаклланади ва кенгайиб боради. Молиявий менежмент корхонани бошқаришда қабул қилинган қарорлар бажарилиши устидан иқтисодий назоратни олиб боришга хизмат қиласди. Шу билан бирга молиявий менежмент жараёнида корхонанинг ўтмиш тажрибаси ҳамда корхона фаолиятининг ички ва ташқи муҳитидаги ўзгаришлар, фаолиятга таъсир этувчи фавқулодда ташқи омилларни эътиборга олиш лозим бўлади.

Корхоналарда молиявий менежмент қўйидаги *асосий вазифаларни* бажаришга қаратилиши лозим:

- корхонанинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадлари орасида оптималь мосликни топиш;
- турли молиявий дастакларни ишлатиш орқали корхонанинг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- молиявий масалалар буйича қарор қабул қилиш, уларни аниқлаштириш ва амалга ошириш усулларини танлаш;
- корхонанинг молиявий ҳисботини тузиш ва таҳлил қилиш орқали ахборот таъминотини таъминлаш;
- инвестицион лойиҳаларни баҳолаш ва инвестиция портфелини шакллантириш, капиталга бўлган харажатни баҳолаш, молиявий режалаштириш ва назорат;
- корхона молиявий-хўжалик фаолияти бошқарув аппаратини ташкил этиш.

Молиявий менежментнинг амал қилишининг қўйидаги *зарурый шартлари* мавжуд:

1. Корхона (корпорация, холдинг, трест ва б.) фаолиятининг молиявий томонини башорат қилиш ва режалаштириш. Молиявий режалаштириш жараёнининг асосий курсаткичлари сифатида сотилган маҳсулот хажми, фойда, капитал қўйилмалари катнашади;
2. Катта микдордаги маблагларни инвестициялаш жараёнида максадга мувофик (ечимларни) қарорларни қабул қилиш.
3. Молиявий фаолиятни барча соҳалар билан мослаштириш (координациялаш). Масалан: маркетинг соҳасидаги қарор сотиш ҳажмига таъсир этади ва бу ўз навбатида, фойда ва инвестиция микдорига таъсир курсатади.
4. Молиявий бозорда қўшимча маблағларни сафарбар қилиш, шахсий акциялар ва облигацияларни сотиш ва бошқа шу каби катта ҳажмдаги операциялар ўtkазиш.

**Молиявий менежментнинг мақсади** умуман корхонанинг ёки унинг фойда маркази бўлган алоҳида ишлаб чиқариш бўғинларининг мақсадга

эришиш учун усууллар, воситалар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни кўллашдан иборатдир.

Мақсадларга қуидагича эришиш мумкин:

- фойдани максималлаштириш;
- режа даврида барқарор фойда нормасига эришиш;
- бошқарув таркиби ва акционерларнинг даромадларини ошириш;
- корхона акциялари курс баҳосини кўтариш ва бошқалар.

### **1.3. Молиявий менежментнинг ривожланиш босқичлари ва назариялари**

Жаҳон амалиётида маълумки, ижтимоий ривожланиш қонуниятларини (иқтисодий, сиёсий ва бошқа) ўрганадиган илмий фанлар соҳаси ва турли даражадаги хўжалик муносабатларининг ҳеч бири молиявий менежмент муносабатлар даражасидагидек аҳамиятли, зиддиятли ва кўп функционал эмасдир.

Молиявий менежмент, яъни молиявий бошқарув пул муносабатлари пайдо бўлган даврдан то ҳозирги кунга қадар, корхоналар бошқарувчилари билан молиявий бошқарувчилар ўртасида кескин мунозаралар соҳаси бўлиб келмоқда

Молиявий менежмент муносабатларини ҳар томонлама ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш оптималь солиққа тортиш тизимини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Уларни бошқаришда молиявий менежмент энг устувор, назорат тамойилига амал қилиниши натижасида корхона хазинаси даромадлари кўпайиши асос бўлади.

XX асрнинг 2 ярими жаҳон хўжалигида революцион ҳам эволюцион бурилиш даври бўлди. Натижада илмий техник тараққиётнинг кескин авж олиши ва жаҳон хўжалигида товар ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши барча соҳаларда бўлганидек бошқарувнинг илмий концепцияларида ҳам тараққиётлар бўлишига олиб келди. Натижада замонавий молиявий *менежмент концепцияси* мустақил шакллана бошлади. Унинг асосий муаммоси сифатида субъектларнинг молиявий муносабатлари, пул маблағлари айланишини ички ва ташқи омилларининг таъсирига асосланган ҳолда самарали ташкил этиш масалаларини ўз ичига ола бошлади.

Молиявий менежмент фан сифатида шаклланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Унинг фундаментал жиҳатларининг ишлаб чиқилиши иккинчи жаҳон уруши арафасида молия назарияси доирасидаги тадқиқотлар таркибида амалга оширилган эди. Хусусан, 1938 йилда Ж. Уильямс таклиф этган молиявий актив қийматини баҳолашнинг модели молиявий бошқарувни илмий асослашнинг дастлабки қадамларидан бири эди. Шунга қарамасдан,

/арбдаги тадқиқотчилар молиявий менежментнинг илмий йўналиш сифатида майдонга чиқишини Г. Марковиц номи билан боғлайдилар. 1952 йилда у ўз мақоласида замонавий портфель назариясини баён қилиб берди. 1963 йилда Г. Марковицнинг шогирди Уильям Шарп математик аппаратнинг соддалаштирилган ва амалда қўлланиши мумкин бўлган вариантини ёки бир омилли моделни (single-factor model) таклиф этди. Бу моделдан фойдаланиб юзлаб молиявий активларни ўз ичига олган йирик портфелларни самарали бошқариши мумкин эди.

Молия назариясининг молиявий активларни бошқаришга қаратилган қисми қимматли қофозларга баҳо белгиланиши, капитал бозори самарадорлиги конценциясини ишлаб чиқиш, хатарни ва даромадлиликни баҳолаш моделларини яратиш, янги молиявий дастакларни ишлаб чиқиши бўйича тадқиқотларда ривожлантирилди. 1960 йилларда У. Шарп, Ж. Линтнер ва Ж. Моссин молиявий активларнинг даромадлилигини баҳолаш моделини (Capital Asset Pricing Model, CAPM) ишлаб чиқдилар. Мазкур моделда портфелнинг даромадлилиги билан системали хатар (бартараф этилмайдиган хатар) ўзаро боғланади. Шундан кейинги даврда CAPM моделининг ўрнини боса оладиган моделларни ишлаб чиқишига кўплаб уринишлар содир бўлди. Улар орасида энг кўп ном қозонгани баҳо белгилашнинг ҳакамлик назарияси (Arbitrage Pricing Theory, APT) деб аталади. Бу назарияни Стивен Росс ишлаб чиқди. Моделга кўра ҳар қандай акияning даромадлилигини иккига ажратиш мумкин: нормал ёки кутилаётган даромадлилик ҳамда хатар билан боғлиқ, яъни ноаник даромадлилик. Иккинчи компонент мамлакатдаги умумий бозор конъюнктураси, жаҳон иқтисодиёти барқарорлиги, инфляция, фоиз ставкалари ўзгариши каби иқтисодий омилларга боғлиқ .

Умуман олганда йирик компанияни молиявий бошқаришда икки муҳим масала мавжуд: молиявий ресурсларни қаердан олган маъқул ва уларни нималарга йўналтириш энг самарали бўлади. Бу борада Ф. Модильяни ва М. Миллернинг асарларини тадқиқотларнинг таянч нуқтаси деб ҳисоблайдилар. Уларнинг гояларини ривожлантирган ҳолда хозирги молиявий назария фанида икки йўналиш муваффақиятли ривожланмоқда - портфель назарияси ва капиталнинг таркиби назарияси.

Хозирги пайтда молиявий менежмент илмий йўналиш, амалий фаолият ҳамда ўкув фани сифатида шаклланиб бўлди. У йирик компаниянинг молиясини бошқариш методологияси ва техникасини қамраб олган. У ўз ичига молия назариясининг қатор бўлимларини, бухгалтерия ҳисобининг таҳлилий бўлимларини бошқарув назариясининг тушунчаларини қўллаган ҳолда қамраб олади.

Жамиятда ижтимоий тузум ривожланиши ва такомили жараёнида молиявий менежмент сиёсати ҳам ўзгарган, молиявий менежмент муносабатлари замонавий мазмун-моҳият касб эта бошлаган. Дастроб , корхоналар давлатни режаси асосида бошқарувни ташкил этишган бўлса ,

ҳозирда молиявий менежмент корхоналарни ривожланиши учун хизмат қилади.

Аждодларимиз иқтисодий фикр юритиш борасида алоҳида ажралиб туришган. Улар савдо-сотик, молларни айирбошлиш, ишлаб чиқаришни талаб даражасига қараб ўстириш кабилар орқали бозор иқтисодиёти асосларига замин яратишган.

Шунингдек, Марказий Осиё ҳалқлари азалдан иқтисодий турмушнинг ажралмас қисми бўлиб келган молиявий бошқарув масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келишган. Бундан ташқари Марказий Осиё худудида ҳам турли даврларда молиявий бошқарувни мазмун-моҳияти, унинг давлат бошқарувидағи тутган ўрни ва мамлакат ривожланишига таъсир турлича бўлган.

XX асрда Ж.Кейнс, М.Фридман, М.Борнс, Г.Стайн, А.Лаффер ва бошқа иқтисодчилар томонидан қатор ўзига хос молиявий бошқарувни назарияларини яратилди. Масалан, америкалик иқтисодчи Ж.Кейнс ўзининг назариясида молиявий менежментнинг асосий омилларини ёритиб берган.

XX аср 80-йилларида М.Бронс, Г.Стайн ва А.Лафферлар томонидан таклиф иқтисодиёти назариясига асос солинди. Ушбу назарияда ҳам молиявий бошқарув ҳақида эътироф этиб ўтилган. Тадбиркорлик фаолияти ҳамда унга мос ҳолдаги фойдаларни тақсимлаш ушбу тамоийил капиталнинг қўлланилиши соҳалари ва иқтисодий фаолият турларидан қатъий назар молиявий менежментда назоратга асосланганлиги билан ифодаланади. Бирок, қатор давлатларда молиявий менежментни назорат функцияси ахамиятли ҳисобланади. Бу хусусида XX асрнинг қатор етакчи мамлакатлар бўйича турли иқтисодчи экспертлар баҳо берадилар.

Иқтисодчилар бизнесни ташкил этишнинг замонавий назариялари (theories of the firm) орқали корхона фаолиятининг устувор мақсадини турлича тушунтирадилар. Энг кенг тарқалган ёндашувда фирма ўз эгаларига максимал даромад келтириши лозим деб қаралади. (Profit Maximisatyon Theory). Анъанавий янги классик иқтисодий моделга кўра фирма фойдани максималлаштириш учун фаолият олиб боради. Эркин рақобат шароитида узоқ муддатли даврда фойданинг максимумига эришиш мумкин эмас, яъни суммар даромад нолга teng бўлади. Шунинг учун бизнеснинг барча иштирокчиларини қониқтирувчи «нормал» фойда вужудга келади.

Мазкур назария доирасида бошқа мезонлар ҳам қўлланади: акцияга даромад ва инвестицияларнинг рентабеллиги (ROI). Бошқарув функциялари ёлланма ходимлар томонидан ижро этиладиган фирмалар учун эгалик қилиш функциялари билан бошқариш ва назорат қилиш функциялари ўртасидаги узилганлик хос бўлади. Бизнеснинг ташкилий шакллари мураккаблашуви билан мазкур муаммо кескинлашади. Бу қатор бошқарув назариялари пайдо бўлишига олиб келди. Улар орасида «Ваколатларни узатиш назарияси ёки Агентлик назарияси» ни (Agency Theory) алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу назариянинг асосида фирма эгалари

манфаатларининг унинг бошқарув ходимлари манфаатларига қарши қўйилиши ётади (Корпорация шаклидаги фирмада унинг эгалари оператив бошқариш билан шуғулланмайдилар, балки тегишли ходимларни ёллайдилар). Ҳозирдаги фойда билан келажакдасидан бирини танлашни назарда тутувчи муқобил ечимлар таҳлил этилишида акциядорлар манфаатлари билан бошқарув ходимлари манфаатлари ўзаро мувофиқ келмаслиги мумкин. Бундан ташқари бошқарув ходимларининг бир-бири билан низолашувчи гурухларга бўлиниб кетиши ҳам истисно этилмайди. Бу гурухларнинг ҳар бири ўз манфаатларини кўзлади.

Шунинг учун «Манфаатдор шахслар назарияси» (Stakeholder Theory) ҳар қандай фирма фаолиятининг мақсадлари мазкур фирмага бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг - акциядорлар, ёлланма бошқарув ходимлари, контрагентлар, давлат органлари - ўзаро низолашувчи мақсадларини уйғулаштиришдан иборат деб қарайди. Хусусан, фирма факат фойдани максималлаштиришга интилиш билан кифояланиб қолмасдан, ўз ходимларининг ижтимоий аҳволи, атроф-мухит ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиши лозим. Сўнгти даврда «Акциядорларнинг бойлигини максималлаштириш назарияси» кенг тарқалди (Welth Maximision Theory). Маълумки, мавжуд мезонлардан ҳеч бири - фойда, рентабеллик, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқалар - қабул қилинаётган молиявий характердаги қарорларнинг самарадорлигининг умумлаштирувчи мезони сифатида қаралиши мумкин эмас. Бундай мезон биринчидан, фирма эгаларининг даромадларини башоратлашга асосланиши, иккинчидан, асосланган аниқ ва равshan бўлиши, учинчидан эса, бошқарув қарорлари қабул қилишнинг маблағлар манбаларини қидириш, инвестициялаш, даромадларни (дивидендларни) тақсимлаш ва бошқалар сингари барча жиҳатлари учун маъқул келадиган бўлиши лозим.

Мазкур

шартларга энг юқори даражада ўз капиталини максималлаштириши мезони, яъни фирма оддий акцияларининг бозор қиймати жавоб беради деб хисоблайдилар. Чунки фирма эгаларининг фаровонлиги жорий фойданинг ортишидагина эмас, балки улар мулкининг бозор баҳоси ортишида ҳам ифодаланади. Шунинг учун келажакда акциялар қиймати ортишини таъминловчи ҳар қандай молиявий қарор корхона эгалари ва бошқарув ходимлари томонидан мақбул деб топилиши лозим.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда фирма акциялари бозор қийматини максималлаштириш мезонини энг асосланган ва устувор деб қараш мумкин. Лекин бу мезон капитал бозорида қимматли қоғозларга баҳолар белгиланишида чекловлар ва камситишлар бўлмаганида, яъни «талаб-таклиф» қоидаси тўла равишда амал қилганида ўзини чинакамига намоён этади. Қимматли қоғозларнинг бозор баҳоси шаклланиши билан боғлик ҳолда инвесторларнинг ҳаракатлари амалга оширилади. Бозор таҳлили назариясига кўра (Market Analysis Theory), баҳоланаётган (котировкаланаётган) қимматли қоғознинг ҳақиқий қадр-қиймати факат

бозор конъюнктураси билан белгиланади, демак, динамикасининг тренд таҳлили натижалари бўйича башорат қилиниши мумкин. Бу назарияга мувофиқ потенциал инвесторлар акцияларни сотиб олиш еки сотиб юбориш бўйича қарорларида асосан уларнинг баҳолари динамикасига асосланадилар. Бироқ, йирик фонд биржалари иш амалиёти мазкур мезонга доимо ҳам риоя этилавермаслигини кўрсатади. Амалий жиҳатдан «Тусмоллаб юриш назарияси» (Random Woek Theory) анча реалроқ кўринишига эга. Бу назарияга биноан акциялар курслари ва фьючерс баҳолар тартибсиз ўзгаради ва уларни ўтмишдаги конъюнктура маълумотларини қайта ишлаш йўли билан ҳам олдиндан айтиб бериш мумкин эмас. Ушбу назарияга таянган ҳолда самарали бозорнинг гипотезаси (Efficient Market Hypothesis, EMH) ишлаб чиқилган булиб, унга кўра, бозорга кириш тўла эркин бўлганда ҳар бир дақиқада акциянинг баҳоси унинг ички қийматининг энг аниқ баҳоланишидир ва, демак, бўлажак баҳосини ҳам энг аниқ ифодалайди.

#### **1.4. Мулқдор - тадбиркор - молиявий менежер**

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан мулқдорнинг ўзи ёки унинг номидан у ёллаган шахс шуғулланиши мумкин. Корхоналарнинг аксарият кўпчилигида (масалан, акциядорлик жамияти) мулкка эгалик корхонани бевосита бошқаришдан ажralган бўлади. Йирик корхоналарда эса тадбиркорлик (умумий иқтисодий бошқарув) жараёнида молиявий бошқарув алоҳида вазифа сифатида ажralиб чиқади ва тегишли ходимлар томонидан амалга оширилади. Кичик корхоналарда эса молиявий бошқарув умумий бошқарувдан ажralмаган ҳолда олиб борилади.

Молиявий бошқарув алоҳида ходим зиммасига юкланганда корхона билан мазкур ходим ўртасидаги муносабатлар шартномавий негизда йўлга кўйилади.

Мулк эгаси ўзи мустақил равишда тадбиркорлик билан шуғулланганда унинг зиммасига қўйидаги вазифалар вужудга келади:


- янги ғояларни топиш ва уни баҳолаш;
- бизнес-режани тузиш;
- маблағ ёки инвестиция манбасини топиш;
- тузилган корхонани бошқариш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажаришда молиявий менежментни қўллаш зарурдир, чунки бу вазифалар молиявий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳолда молиявий менежментнинг зарурлиги қўйидаги омиллар асосида юзага келади:

- ўзини-ўзи молиялаштиришнинг зарурлиги;
- бозордаги баҳолар таъсирини ўрганиш;
- мехнат бозорини ўрганиш лозимлиги;
- пул бозоридаги ўзгаришларни ҳисобга олиш;

-корхонанинг давлат олдидағи мажбуриятларини тартибга солувчи қонунчилык ҳужжатлари талабларини бажариш.

## СХЕМА №1.1 Мулкдор - тадбиркор - молиявий менежер алоқадорлиги



Тадбиркор билан мулкдор ўз фаолиятини бир-биридан ажралган ҳолда олиб борганда мулкдор билан тадбиркор (менежер) ўртасида тегишли шартнома тузилиб, мулкни бошқариш ҳуқуқлари ва уларга мувофиқ мажбуриятлар тадбиркор зиммасига ўтади.

Тадбиркор корхона фаолиятидаги барча муаммо ва масалаларни мустақил ҳал этади ва амал қилаётган қонунларга асосланган ҳолда корхонанинг низомига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Тадбиркорларнинг қўйидаги *ҳуқуқлари мавжуд*:

- банкларда ҳисоб рақами ва валюта счёtlарни очиш;
- ҳар хил битимлар ва шартномалар тузиш, меҳнат шартномасини ҳам;
- корхона ва фирма пул маблағларини тасарруф қилиш, ҳаражатларни қоплаш ва ресурслар харид қилиш учун фойдаланиш;

- корхона номидан иқтисодий ҳуқукий ва маъмурий фаолиятни олиб бориш;
  - корхона, фирмани бошқариш ва бошқалар.
- Тадбиркорликни юритишидаги **асосий мажбуриятлар** қўйидагилардир:
- ишни ташкил этиш ва бошқариш ҳамда корхонада, бўлимлар ичидағи самарали алоқаларни ташкил этиш;
  - жорий ва стратегик режа топшириқларни бажарилишини ташкил этиш;
  - корхонанинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини таъминлаш;
  - корхонани молия-хўжалик фаолияти ҳисботларини тузиб чиқиш ва уни тегишли ташкилотларга тақдим этиш;
  - корхона фаолиятини қонун доирасида юритиш;
  - тижорат сирларини сақлаш ва корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бошқаларга бермаслик;
  - молия, солиқ ва банк органларига бухгалтерия, молиявий ҳисботларни ўз вактида топшириш;
  - "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси" асосида солиқ мажбуриятларни бажариб бориш;
  - бошқа мажбуриятларни бажариш, корхона низомидаги бандларни тўла бажариш ҳамда битим ва шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариб бориш.

Тадбиркор ўзининг вазифаларини бажариш жараёнида корхона фаолиятига қасдан моддий зарар етказган тақдирда, белгиланган тартибда келтирилган зарарни қоплаши лозим.

## **1.5. Молиявий менежментнинг механизми ва стратегияси**

Бозор иқтисодиёти хўжалик субъектлари орқали ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида бозордаги талаб ва таклиф, аниқ исьемолчиларнинг талаблари, ишлаб чиқарувчи учун максимал фойда олиш имкониятини туғдирувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутади.

Бошқарувнинг бозор шарт-шароитлари, Ўзбекистоннинг иқтисодий истиқболлари ва менталитети учун хусусиятли ҳисобланувчи бошқарув тизимини шакллантиришни, мамлактимизда шакллантирилаётган бозор иқтисодиёти аҳоли учун реал иқтисодий эркинликнинг мавжуд бўлишини назарда тутади. Менежмент субъектларнинг бошқарувнинг самарали тизими сифатида бундай имкониятларга эгалигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари, корхоналарининг ташки муҳитини ўрганиш (тадибркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқукий асослари, товарлар, хизматлар, молиявий бозорлар, баҳоларни шакллантириш тизимлари, бухгалтерия ҳисоби тизимлари) ва уларнинг асосий фаолият соҳаларини ўрганишнинг таҳлили (маркетинг тадқиқотлари, молиявий менеджмент, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, бухгалтерия ҳисоби ва персоналларни бошқариш) шуни кўрсатадики, бальзи субъектлар

имконият даражасида бундай ташқи мұхитнинг ўзгаришлари натижасидаги ноананавий янги муаммоларни анъанавий усуллар воситасида ўзига хос фаолият соҳаларини мослаштиришга ҳаракат қиласылар.

Шунинг учун замонавий шарт шароитларда айрим субъектларнинг олдида асосий вазифа сифатида ташқи мұхитнинг ўзгаришларига ўз фаолият соҳаларини тезлик билан мослаштира олиш ва вужудга келган муаммоларни осонлик билан ўз фойдасига ҳал этиш масаласи юзага келади. Худди шунингдек ҳар қандай субъектнинг асосий фаолият соҳаларидан бири молиявий менежмент ҳисобланади. Молиявий менежмент–субъектларда молиявий ресурслар ва капиталларни бошқариш ҳисобланади.

### ***Молиявий менежмент фаолиятининг тури сифатида 2 та иирик соҳани кўриши мумкин:***

-субъектнинг раҳбарияти томонидан қарорлар асосида молиявий ресурслар ва капиталларни бошқаришни ўз ичига олувчи ички хўжалик фаолияти;

-корхона ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларни ўрнатиш жараёнида амалга ошириладиган молиявий ресурслар ва капиталларни бошқаришнинг ташқи жараёни.

Бошқарув тизими бошқарилаётган обьектларга зарурый таъсирини таъминлайди. Бошқарув фаолияти одатда ташкилотнинг маъсул шахслари ўртасида ва маҳсус бўғинлари ўртасида тақсимланади. Бошқарув тизимининг бўғинлари чизиқли, функционал, чизиқли – функционал, функционал- чизиқли ва бошқа турли комбинацияларда бўлиши мумкин.

Молиявий бошқарувнинг замонавий тизими ҳисобланган молиявий менежментнинг асосий мақсади иқтисодий субъектлар ўртасида ўзаро ижтимоий адолатлилик тамойиллари асосида иқтисодий манфаатларнинг тақсимотига эришиш ҳисобланади.

Молиявий менежментнинг мұхим *услубий асоси* сифатида уни ташкил қилишнинг умумий тамойилларини аниқлаб олиш ҳисобланади. Бу ўз навбатида молиявий менеджментнинг ҳаракат фаолиятини аниқлаб олиш учун, уни амал қилишини умумий мезонларини аниқлаб олиш учун зарур ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиш керакки, молиявий менежмент субъектларнинг ички доирасида эмас, балки доимий равишда бюджет, бюджетдан ташқари фонdlар, банклар ва бошқа кредиторлар, молия кредит муассалалари, институционал инвесторларнинг ўзаро муносабатларида ҳам акс этади.

Айрим ҳолларда, молиявий менежмент, режалаштириш, рағбатлантириш, алоҳида элементларнинг ўзаро мувофиқлиги, вариативлиги, мақсадли йўналтирилганлиги кабиларни ўз ичига олувчи бошқарувни ташкил қилишнинг умумий тамойиллари билан ҳам бирининг таъсир доирасида бўлади. Албатта биз таъкидлаганимиздек, молиявий менежмент тизимининг шаклланиши хўжалик субъектларининг иқтисодий мустақиллиги яъни тадбиркорлик фаолиятининг кенг имкониятларини

шаклланиши билан белгиланади. Бунда, бюджет билан ўзаро солиқли муносабатлар тизимининг шаклланиши, субъектлар асосий ва айланма маблағларни шакллантиришда кредит ва инвестицион усулларнинг шаклланиши, бозор механизмлари асосида уларнинг иқтисодий фаолиятидаги турли хатарлар бўйича масъулият, фойдани тақсимлаш имкониятини субъектларнинг ихтиёригага ўтиши ва бошқа омиллар хисобланади. Шунинг учун ҳам **молиявий менежмент концепциясини ўрганишнинг асоси тадбиркорлик фаолияти** хисобланади деб таъкидлашимиз мумкин.

Тадбиркорлик бу мулқдан фойдаланиш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар қўрсатиш натижасида тизимли фойда олишга йўналтирилган мустақил, ҳамда хатар билан боғлиқ фаолиятдир. Молиявий менежмент билан хўжалик юритишга самарали таъсир этувчи молиявий жараёнлар ўзаро боғлиқдир.

Молиявий менежмент субъектларнинг молиявий фаолиятида молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг самарали йўналишларини танлаб олишни ўз ичига олиб, бу жараён таҳлил, режалаштириш, бошқарув, молиявий қарорларнинг қабул қилиш жараёни билан боғлиқдир

## **1.6. Молиявий менежмент концепцияси<sup>2</sup>**

Молиявий менежмент концепцияси қўйидаги ўзаро боғлиқ бўлган асосий концепцияларга асосланади:

1. Пул оқимлари концепцияси.
2. Пул ресурсларининг вақтинча қийматлилик концепцияси.
3. Таваккалчилик ва даромад (фойда) ўртасида муросасозлик концепцияси.
4. Капитал баҳоси концепцияси.
5. Капитал бозорининг самаралилик концепцияси.
6. Ахборотнинг ҳар хиллилиги концепцияси.
7. Агентлик алоқалари концепцияси.
8. Харажатларнинг муқобиллилик концепцияси.

### **1. Пул оқимлари концепцияси** қўйидагиларни назарда тутади:

- пул оқимларининг идентификацияси, унинг давомийлиги ва турлари (қисқа муддатли, узок муддатли, фоизли ва фоизсиз);
- пул оқимлари элементлари ҳажмини белгиловчи факторларнинг баҳолаш;
- вақтнинг турли лаҳзаларида қучавчи пул оқими элементларини таққослашга имкон берувчи дисконтлаш коэффициентларни танлаш;

---

<sup>2</sup> Қаранг: Петросян Н. Э., Аверин А. Ю., Финансовый менеджмент. Под ред. Борисовой В.Д. – Пенза: ПГПУ им. В. Г. Белинского, 2008. -128с.

- мазкур оқимга тааллуқли бўлган таваккалчилик ҳамда уларни ҳисобга олиш усулларини баҳолаш.

## **2. Пул ресурсларининг вақтинча қийматлилик концепцияси.**

Вақтинча қийматлилик – пул ресурсларининг муомаладаги объектив тавсифи.

У қуйидаги З та сабабга асосланади:

а) инфляцияга;

б) кутилаётган даромад (фойда)нинг тўлиқ ёки қисман ололмаслик рискига;

в) айланувчанликка.

**3. Таваккалчилик ва даромад (фойда) ўртасида муросасозлик концепцияси.** Бу тамойилнинг маъноси: бизнесда ҳар доим, узлуксиз равишда ҳар қандай фойдани олиш - катта риск билан боғлиқ ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғри пропорционалдир. Шу билан бирга, фойдани максималлашуви - рискни минималлашуви билан боғлиқ лаҳзалар ҳам бўлиши мумкин.

**4. Капитал баҳоси концепцияси** – у ёки бу молиялаштириш манбасига хизмат кўрсатиш фирма учун бир хилда кечмайди. Натижада капитал баҳоси ҳар бир манбани фаолиятини таъминлаш учун керакли харажатларни қоплаш ва зарар кўрмаслик мақсадида минимал даражадаги даромадга эга бўлади.

Капитал баҳосини миқдорий баҳолаш инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишда ҳамда муқобил вариантларни танлашда асосий ўринни эгаллайди.

**5. Капитал бозорининг самараалилик концепцияси** – молиявий бозорлардаги операциялар (қимматли қофозлар билан), нинг хажми қимматли қофозлар қиймати жорий нархларга қанчалик мувофиқ келишига боғлиқ. Бозор баҳоси кўп факторларга, шу жумладан маълумот ва ахборотларга ҳам боғлиқ бўлади. Ахборотлар оқими энг асосий факторлардан хисобланади, бундан ташқари ахборотларнинг қанчалик тезкорлик билан нархларга таъсир кўрсатишини бозор самарадорлигини ўзгаришига олиб келади.

Бу ерда “самарадорлик” термини иқтисодий маънода эмас, балки ахборотларга нисбатан кўлланилган, яъни бозор самарадорлиги унинг ахборотларга бойлиги ҳамда бозор иштирокчиларига уни етиб бориши билан боғлиқ. Бозорни ахборот самарадорлигига етишиши учун қуйидаги шартлар амалга ошиши лозим:

- бозор кўп миқдордаги харидор ва сотувчиларга мавжудлиги хусусиятига эга;

- бозорда ахборотлар барча субъектларга бир вақтда тарқалади ва уларни олиш учун харажат қилиш шарт эмас;

- битишувларни амалга ошириш учун транзакцион сарфлар мавжуд эмас, яъни шартномалар тузиш учун тусиқлар, солиқлар ва бошқа факторлар йўқ;
- алоҳида юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган шартномалар, бозордаги умумий баҳоларга таъсир кўрсатмайди;
- бозорнинг барча субъектлари рационал равищда кутилаётган фойдани максимал даражага кўтариш учун харакатланади;
- қимматли қоғозлар билан савдо қилишда ортиқча даромад олишни имкони йўқлиги, яъни бозорнинг барча қатнашчилари истиқболдаги натижани тенг эҳтимолли тарзда тузади.

Самарали бозорнинг ўзига хос икки хусусияти мавжуд:

1. Бу бозордаги инвестор инвестицион капитал доирасида белгиланган таваккалчилик даражасидаги ўртacha даромаддан кўпроқ фойда олиш учун асосланган имкониятга эга эмас.

2. Инвестиция қилинган капиталнинг даромадлилик даражаси – бу таваккалчилик даражасининг функцияси ҳисобланади. Бу бозорни самарадорлик концепцияси амалиётда 3 турдаги самарадорлик даражаси билан намоён бўлади:

- 1) паст даражадаги;
- 2) ўртacha даражадаги;
- 3) кучли даражадаги.

**Паст даражадаги** самарадорлик шаротида акцияларни жорий баҳоси ўтган даврдаги баҳолар динамикасини ўзида тўлиқ акс эттиради Бунда нархлар динамикасининг статистикасига қараб курсларни ошиши ёки пасайишини асосли равищда аввалдан таҳминлаштириб бўлмайди.

**Ўртacha даражадаги** самарадорлик шароитида акцияларнинг жорий баҳоси нафақат ўтмишдаги нархлар ўзгаришини, балки барча тенг имкониятли ахборотларни бозорга келиб тушиб нархларда акс этиши билан характерланади.

**Кучли даражадаги** самарадорлик шароитида жорий нархлар барча бозор иштирокчилариiga тегишли ахборот сифатида майдонга чиқади, яъни ҳеч ким қимматли қоғозлар бўйича юқори даражадаги фойда олиш имкониятига эга бўлмайди.

**6. Ахборотнинг ҳар хиллилиги концепцияси** бешинчи концепция билан узвий боғлиқдир. Унинг маъноси қуйидагича: бошқаларга етиб бормаган ахборотларни, алоҳида категориядаги шахслар эга бўлиши мумкин

Бу ахборотлардан фойдаланиш ижобий ва салбий натижа бериши мумкин.

**7. Агентлик алоқалари концепциясини** молиявий менежментга киритилиши бизнеснинг ташкилий-хуқуқий шаклидаги мураккабликлар билан боғлиқ.

Унинг маъноси шундаки: мураккаб ҳуқуқий-бошқарув шаклларида бошқарув функцияси билан эгалик қилиш функцияси ўртасида узилишлар мавжуд, яъни компаниялар эгалари бошқаришдан узоклашади, бошқарувни эса компания менеджерлари бажарадилар

Менеджерлар ҳамда компания эгалари ўртасида ўзаро яхши алоқа ўрнатиш ҳамда менеджерларнинг номақбул ҳаракатларини чегаралаш учун мулк эгалари агентлик харажатларини қоплашга мажбур бўладилар. (масалан, компания олган даромадларни менеджерларга алоқасини чегараланиши).

**8. Ҳаражатларнинг муқобиллилек концепцияси.** Унинг маъноси: ҳар қандай қуйилмалар доимо муқобил манбага эга бўлади.

## 1.7. Молиявий менежментнинг функциялари

Тадбиркорлик жараёнида молиявий бошқарув вазифалари алоҳида бажарилган ҳолларда молиявий менежментнинг бошқарувчи тизими ўз ичига қўйидагиларни олади:

1. Молиявий бошқаришнинг ташкилий таркиби.
2. Молиявий бошқарув кадрлари.
3. Молиявий дастаклар.
4. Молиявий усуллар.
5. Молиявий ахборот.
6. Молиявий бошқарувнинг техникавий воситалари.

Бошқа иқтисодий категориялар каби молиявий менежментнинг моҳиятини уни бажарадиган функциялари орқали аниқлаш мумкин. Корхона ва тижорат ташкилотларининг молиявий фаолиятини ташкил этиш самарали бошқаришнинг илмий жиҳатдан асосланган функциялари бўлишини талаб этади.

Молиявий менежментнинг бажарадиган функциялари тўғрисида олимлар орасида ҳар хил ёндошув ва қарашлар мавжуд. Улар орасида энг кўп эътироф этилганлари қўйидагилардир:


- такрор ишлаб чиқариш ва маблағларни баланслаштириш функцияси;
- маблағларни тақсимлаш функцияси;
- назорат функцияси.

Молиявий менежмент такрор ишлаб чиқариш жараёнида ресурслар ва маблағларнинг баланслашган ҳаракатини таъминлаши лозим. Корхонанинг иҳтиёридаги ресурсларнинг турли қисмлари айланиши муддатлари бир-бирига мувофиқ келмайди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнига авансланган маблағ асосий капитал ва айланма капитал кўринишига эга бўлади. Авансланган капиталнинг таркибий қисмлари ҳар хил муддатларда пул кўринишига қайтади. Айни пайтда такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун асосий капитал ва айланма капиталнинг моддий элементларини мувофиқ равишда янгидан тўлдириб

туриш талаб этилади. Демак, молиявий менежмент корхонада молиявий ресурслар шаклланишини ва такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мос равишда асосий ва айланма капитални тўлдириб туришга йўналтирилишини таъминлайди.

## СХЕМА №1.2

### Корхона ва тижорат ташкилотларда фойдани тақсимлаш схемаси



Молиявий менежментнинг тақсимлаш функцияси унинг такрор ишлаб чиқаришдаги функцияси билан узвий боғлиқдир. Тақсимлаш қоплаш фондини ташкил этишдан бошланади.

Хозирги шароитда фаолият кўрсатаётган корхонава ташкилотларда ялпи олинган тушум қўйидаги тартибда тақсимланади. Даставвал, ялпи олинган тушумдан солик қонунчилиги асосида қўшилган қиймат солиги, акциз солиғи ва бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар ажратилгандан сўнг, корхонани соф тушуми ҳосил бўлади. Соф тушумдан моддий ҳаражатлар, иш ҳақи, ижтимоий суғурта фондига ажратма, амортизация ажратмаси ва бошқа ҳаражатлар қоплангандан кейин корхонанинг ялпи фойдаси шаклланади.

Корхона ва тижорат ташкилотларда ялпи фойдани тақсимлаш жараёнини қўйидаги схемада ёрдамида кўриб чиқамиз.

Молиявий менежмент корхонада фойдани тақсимлаш сиёсатини, унинг такрор ишлаб чиқариш жараёни ва рағбатлантиришдаги ролини белгилайди. Даромадларни тақсимлаш жараёни натижасида пул фонdlари ташкил этилади, молиявий дастурлар ва тадбирлар амалга оширилади, капиталнинг оптимал структураси таъминланади.

Молиявий менежментнинг назорат функцияси сўм билан назорат орқали амалга оширилади. Бунда тўлов ва ҳисоб китобларни олиб бориш жараёнида молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариши устидан назорат ва молиявий стратегия бажарилиши устидан назорат ўрнатилди.

Молиявий менежментнинг назорат функцияси унинг такрор ишлаб чиқариш ва тақсимлаш функцияси билан доимо боғланиб кетади.

Молиявий менежментнинг назорат функцияси корхонада даромад манбаларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида пул фонdlари структурасини аниқлаш, корхона пул фонdlари ва моддий ресурслардан фойдаланишда даромад ва харажатларни тартибга солиш мақсадларига хизмат қиласи.

Корхона моддий ва молиявий маблағларини, даромад ва харажатларини баланслаштиришда хом ашё, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қарз ва тўловларни ўз вақтида тўлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун молиявий менежментнинг назорат функцияси қўйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- корхонада шаклланадиган барча фонdlарни молиялаштириш манбалари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилиши устидан назорат;
- корхонадаги ишлаб чиқариш истеъмоли ва ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларига асосланган ҳолда фонdlар структурасига амал қилиниши устидан назорат;
- молия ресурсларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назорат.

Корхонада назоратни амалга ошириш учун нормативлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунда пул ресурслари фондининг манбалари ва молиялаштирилиши ҳажми аниқланади. Яъни корхонанинг ичида нормативлардан фойдаланиб, молиявий ресурслар тартибга солинади ва иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилади. Пул фонdlаридан фойдаланиш смета бўйича ташкил этилади ва фойдаланишнинг мақсадли ва самарали амалга оширилиши устидан назорат олиб борилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ривожланиш хусусиятларини изоҳланг.
2. Молиявий менежментнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтирганг.
3. Молиявий менежментнинг ривожланиши босқичларини таърифланг.
4. Мулкдор - тадбиркор - молиявий менежер ўзаро муносабатларини таҳлил қилинг.

5. Молиявий менежментнинг механизми нималардан иборат?
6. Молиявий менежмент концепцияларини таърифланг.
7. Молиявий менежмент қандай функцияларни бажаради?

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **2.1. Корхоналарнинг ташкилий-хуқуқий шакллари**

Ўзбекистонда бутун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда мулкчиликнинг турли шаклларининг тенг хуқуқли эканлигини эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: "Мулқдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади", - деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида мулкчилик хуқуқини амалга ошириш шартлари маҳсус белгилаб қўйилган, булар қўйидагилардир:

- мулқдорнинг ўз қонуний хуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги;
- қонун хужжатларда назарда тутилган ҳоллардаги шартлар асосида ва доираларда мулқдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйилиши;
- мулқдор ўзининг устунлик мавқеини сустеъмол қилиб, бошқа шахслар хуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳаққи йўқлиги;
- мулқдор ўз хуқуқини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг соғлигига ва атроф муҳитга зарар келтиришининг олдини олиш чораларини қўриши шартлиги.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан, корхоналар мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) тайинлаган вакиллик органи, меҳнат жамоаси ёки муассислар гурухининг қарори бўйича белгиланган қонун-коидаларга асосан ташкил қилиниши мумкин.

Шунингдек, корхоналар агар корхона мулки эгаси ёки у тайинлаган вакиллик органининг розилиги бўлса, фаолият юритаётган корхона таркибидан бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларни, ушбу бўлинмаларнинг меҳнат жамоалари ташаббусига кўра, ажратиб чиқариш натижасида ҳам ташкил топиши мумкин.

Корхона жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ва улар тўғрисидаги ҳолатларни тасдиқлаш хуқуқига эга бўлган, мустақил хуқуқий шахс мақомидаги шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона-мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклари режали иқтисодиёт шароитларида гидек давлатнинг ўзигагина тегишли бўлмайди. Шу сабабли корхоналар:

- **мулкчилик шаклига** кўра, давлат ва нодавлат (хусусий, масъулияти чекланган жамиятлари, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, чет эл корхоналари, аралаш шаклдаги ва бошқалар ); **тармоқ белгиларига** кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефть ва газ саноати, қурилиш комплекси, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо ва бошқалар;
  - **ишлаб чиқариши миқёси ва ходимлар сонига** кўра, микрофирмалар, кичик ва йирик корхоналар;
  - **фаолият миқёсига** кўра, халкаро (бошқа давлатларда филиалларга эга бўлган), мамлакат миқёсида фаолият юритувчи, локал, яъни бир аҳоли пунктида фаолият юритувчи корхоналар;
  - **фаолият юритиши муддатига** кўра, узлуксиз, мавсумий ва узлукли;
  - **хўжалик юритиши шаклларига** кўра корхоналар шахсий хамкорликда фаолият олиб борувчи (1 киши ёки оила), масъулиятни чекланган, акционерлик жамиятлари (очик ва ёпик турдаги) ва бошқа шаклдаги;
  - **фаолият мақсадларига** кўра фойда олишни мақсад қилиб қўйган ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа корхоналар ҳамда фойда олиш эмас, балки ижтимоий самарани - ҳомийлик, хайрия, беғараз ёрдамни мақсад қилиб қўйган корхоналарга булинади.
  - **ихтисослашув даражасига** кўра, корхоналар ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналар қаторига номенклатуроси чекланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, универсал корхоналар қаторига турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, аралаш корхоналар таркибига эса ихтисослашган ва универсал корхоналар ўртасидаги оралиқ гурухни ташкил қилувчи корхоналар киритилади.
  - **ишлаб чиқариши жараёнини ташкил этиши усулларига** кўра, корхоналар ишлаб чиқаришнинг оқим, партияли ва доналаб ишлаб чиқариш усуллари устувор турувчи корхоналарга бўлинини мумкин.
  - **ишлаб чиқаришини механизациялаштириши ва автоматлаштириши даражасига** кўра, корхоналар тўлиқ ва қисман автоматлаштирилган ёки механизациялаштирилган, қўл-машина ва фақат қўл меҳнатига асосланган корхоналарга бўлинади.
- Бироқ ушбу белгилардан қатъий назар, деярли ҳар бир корхона **Низом** асосида фаолият юритади. Низомда корхонанинг номи, манзилгоҳи, юқори турувчи органи ва бу органнинг номи, Низом жамғармаси, банк муассасаларидаги реквизитлари, корхона раҳбариятининг лавозимлари, раҳбар шахсларнинг мажбуриятлари, тузилмавий бўлинмалар рўйхати, ҳисобот тартиби ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.
- Агар Низомда корхонанинг ташкилий-хуқуқий функциялари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фонdlар, пул маблағлари ва бошқа активлар киравчи

**Низом жамғармасига** таянади. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида муассислар - давлат, хуқуқий ва жисмоний (резидент ва норезидент) шахслар томонидан шакллантирилади.

Амалдаги қонунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина хуқуқий шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш учун биринчи ўринда қуйидаги хужжатлар аҳамиятга эга бўлади: муассиснинг аризаси; корхонанинг Низоми; корхонани ташкил қилиш ҳақида қарор ёки муассислар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида квитанция ва бошқалар.

Корхона ўзига хос бўлган маълум хусусиятларга эга:

*биринчидан*, корхона ўзига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллиги ва ишончлилигини таъминлайди;

*иккинчидан*, корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

*учинчидан*, корхона хўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа хуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш хуқуқига эга;

*тўртинчидан*, корхона қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш хуқуқига эга;

*бешинчидан*, корхона мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисботларни тақдим этади;

*олтинчидан*, корхона ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-хуқуқий шакли ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сонли Фармонига асосан «ўрта корхоналар» тушунчasi бекор қилинди ва 2004 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади:

- **якка тартибдаги тадбиркорлар;**
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат қўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган **микрофирмалар**.

Куйидаги тармоқларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва мебел саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида – 100 кишидан;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида – 50 кишидан;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (сугурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланниш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 25 кишидан ошмаган **кичик корхоналар**.

**Йирик корхоналар** таркибига ишловчилар сони 500 ва ундан ортиқ кишини ташкил қилувчи корхоналарни киритиш мумкин.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимизда янги ташкилий-хукуқий турдаги - **қўшима, ижара, ҳиссадорлик, хусусий, оиласи, кооператив** ва бошқа корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк мулкчилик шаклининг бошқа кўринишлари билан бир қаторда дахлсизлиги ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб кўйилган. Янги қонунчилик хужжатларида янги иқтисодий тушунча - корхонанинг ташкилий-хукуқий шакли тушунчasi киритилган.

Корхоналарнинг қонун хужжатлари ва бошқа хўжалик хукуқи нормаларида кўзда тутилган мулкчилик шакли, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми, капиталнинг шаклланиши, турли хил фирмалараро уюшмаларга аъзо бўлиш усуслари ва олиб борувчи рақобатчилик курашлари билан фарқ қилувчи фаолият тавсифи ва мазмунига боғлиқ бўлган структуравий тузилишининг усул ва кўринишлари **хўжалик юритишнинг ташкилий-хукуқий шаклини** ифодалайди.

**Хозирги вактда мулкчилик шаклига кўра давлат, муниципиал, жамоа, индивидуал (оиласи, хусусий)** турдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириқтириб қўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бошқарув хукуқига кўра ҳам таснифланади.

Хўжалик фаолияти юритувчи ҳар бир субъект бир қатор хукуқларга эга бўлиб, булар бир томондан, уларнинг ички ташкилотчилигини аниқлаб берса, иккинчи томондан, жисмоний ва хукуқий шахслар ҳамда давлат билан ўзаро муносабатларини амалга оширишда кўзга ташланади.

Корхоналар хукуқий шаклининг ҳар бир кўринишида уларнинг эгалари, яъни хусусий мулк эгалари, корхона билан турли даражадаги алоқада бўладилар. Масалан, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти эгалари корхона мулкининг бир қисмигагина эгалик қилиш хукуқига эгалар ҳамда бошқарув функцияларини амалга оширишда ҳам ўз акциялари миқёсида иштирок этадилар.

Хўжалик ўртоқликларида (масалан, масъулияти чекланган жамиятларда) эса мулк эгаси ва мулк яқинлаштирилган бўлиб, корхонани бошқаришда уларга бевосита иштирок этиш имконияти яратиб берилган.

Кенг тарқалган корхона шаклларидан бири хўжалик ўртоқликлари бўлиб, улар ишонч асосидаги тўлиқ ўртоқлик (коммандит ўртоқлиги) кўринишида ташкил қилиниши мумкин.

Қонунга асосан иштирокчилари имзоланган шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолияти юритувчи ҳамда уларга тегишли мулк жавобгарлигига эга бўлган ўртоқликлар - тўлиқ ўртоқликлар ҳисобланади.

**Коммандит ўртоқлиги** бир нечта фуқаролар ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро хўжалик фаолияти юритиш мақсадидаги шартномалар асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлади.

Жамиятларнинг қўпчилигига капиталлар бирлаштирилган бўлади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилиб, Низом жамғармаси ҳужжатларда (Низом ва таъсис шартномаси) белгилаб қўйилган улушларга бўлинган бўлади.

Бундай жамият муассислари жамиятнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар ҳамда жамият фаолиятида ўzlари киритган улушлар доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида очик ва ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятлари кенг фаолият кўрсатмоқда.

Низом жамғармаси акцияларга тақсимланган жамият хиссадорлик жамияти ҳисобланади. Ҳиссадорлик жамияти аъзолари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, бироқ ўzlарига тегишли бўлган акциялар қиймати доирасида зарар кўришлари мумкин.

Хиссадорлик жамиятларининг ижобий жиҳатлари қаторига куйидагилар киради:

- акциядорлик капиталининг teng тақсимланган, эркин муомаладаги улушлар - акцияларга тақсимланиши;

- акциядорлар жамият мажбуриятлари учун жавобгарлигининг акциялар қиймати ҳажмида чекланганлиги;

- акциядорлик капиталининг ҳажми ва аъзолар сонини осонлик билан ўзгартириш имконини берувчи Низом асосида бирлашиш; умумий бошқарув вазфаларининг хўжалик фаолиятини бошқариш вазифаларидан алоҳида юритилиши ва ҳоказолар.

Иқтисодётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чиқаришини жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош корхоналар ташкил қилиш мақсадидаги тузилмавий қайта қуришдан иборат. Бунинг учун интеграция ҳамда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни вақтингчалик ёки доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади.

Кооперация жараёнида концерн, консорциум, хўжалик ассоциацияси каби ташкилий шакллар вақтингчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирликларининг моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз.

**Концерн** умумий маңбаатларга эга ҳамда шартномалар, капитал ва күшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

**Консорциум** – бу аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг муваққат бирлашмасидир.

Консорциум аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари консорциум тўғрисидаги битимда белгилаб қўйилади. Қўйилган вазифани бажариш учун консорциум иштирокчилари бадаллари ҳисобидан ягона молиявий ва моддий фондлар барпо этадилар, бюджет маблағлари ва давлат банкидан кредитлар оладилар. Вазифа бажарилгач, консорциум тарқалади. Консорциумларга бошқарув бўйича қўмиталар, директорлар кенгаши кабилар бошчилик қиласиди. Консорциумлар авиация, космос, компьютерлар, алоқа каби юксак технологик ва катта миқдордаги сармояли соҳаларда кенг тарқалган.

**Концессия** – бу лотинча сўздан олинган бўлиб, рухсат, ён бериш маъносини англатади. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ёки тиклаш, табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида давлат ёки муниципалитетга қарашли ер участкалари, қазилма бойликлар, мол-мулк, корхоналар ва бошқа хўжалик обьектларини муайян муддатга ва шартлар билан фойдаланиш учун чет эллик инвесторга давлат номидан бериладиган рухсатнома, улар билан тузиладиган шартнома ёки келишув. Концессиячилик фаолиятида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Концессиялар тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солиниб турилади.

**Ширкат** – бу кооперациянинг бирламчи бўғини. **Кооперация эса:**

- меҳнатни ташкил этиш шаклларидан бири, кўпчилик ходимлар бир меҳнат жараёнида ёки ўзаро боғлиқ турли меҳнат жараёнларида ҳамкорликда иштирок этадилар;
- гуруҳ мулкчилигига асосланган хўжалик юритиш шарти;
- маълум бир маҳсулотни ўзаро ҳамкорликда тайёрлаш билан банд бўлган корхоналар ўртасидаги узоқ муддатли ва барқарор алоқалар шакли.

**Хўжалик ассоциацияси** жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро ҳамкорлик юритиш мақсадида кўнгилли равища бирлашувини англатади ва унда бирлашувга кирувчи субъектлар ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар.

**Корпорациялар** умумий мақсадларга эришиш, ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида бирлашиб, мустақил ҳуқуқий субъект - ҳуқуқий шахсни ташкил қилувчи шахслар йигиндисини тавсифлайди. Кўпинча улар акциядорлик (ҳиссадорлик) жамиятлари шаклида ташкил қилинади.

Корхоналарнинг концентрация асосида бирлашуви картел, синдикат, холдинг ва молия-саноат гурухлари кўринишида амалга оширилади.

**Картел** – бу монополистик бирлашма шакли. Бир тармоқдаги мустақил корхоналар нархлар, бозор, ишлаб чиқаришнинг умумий

ҳажмида ҳар бир иштирокчининг хиссаси, иш кучи ёллаш, патентлар ва бошқа масалаларда ўзаро битим тузилади. Бу тузилманинг мақсади монопол фойда олишдир.

Интеграцининг бу шаклида корхоналар мустақилликни сақлаб қолган ҳолда кооперация асосида бирлашадилар.

**Синдикат** –бу монополистик бирлашманинг бир тури. Улар бир тармоқ корхоналари ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда:

- буюртмаларни тақсимлаш;
- хом ашё сотиб олиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб, ягона идора тузадилар.

**Холдинглар** иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари билан вазифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг самарали шаклини ифодалайди.

Интеграция жараёнларини амалга оширувчи корхоналар қуйидаги мақсадларни кўзлади:

- \* ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга эришиш;
- \* кооперация асосидаги алоқаларини янгилаш ва мустаҳкамлаш;
- \* мамлакатдаги корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши;
- \* ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг янги шакларини жалб этиш;
- \* ички ва ташқи бозордаги рақобатда муваффақият қозониш мақсадида нарх ва сотиш бўйича ягона сиёsat юритиши.

**Трестлар** юқори даражада марказлашганлиги билан ажralиб туради. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат ва ҳуқуқий мустақилларини йўқотиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

**Венчур корхоналар** – бу кичик бизнеснинг бир тури бўлиб, улар:

- илмий мухандислик ишларини бажариш;
- янги техника, технология, товар намуналарини яратиш;
- ишлаб чиқарishни бошқариш;
- тижорат ишини ташкил этиш усувларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш каби ишларни амалга оширадилар.

Бу вазифаларни улар давлат ва йирик фирмалар буюртмасига биноан контракт-битимлар асосида бажаришади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида фаоллик кўрсатади ва бу билан фан-техника тараққиётига ўз хиссасини қўшади.

**Ижара корхона** – бу мол-мулкни ёллаш бўйича мулк эгаси билан тадбиркор ўртасидаги иқтисодий муносабат.

Ижара шартномасига асосан бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарачи) маълум тўлов эвазига ва маълум шартга қўра молмуркини вақтингча фойдаланиш учун беради.

Ижара ҳақи мулк эгаси мол-мулкининг қийматига ва келтирадиган даромадга боғлиқ бўлиб, ўзаро келишув билан белгиланади.

Ер, уй-жой, савдо-саноат бинолари, саноат ва савдо корхоналари, машина ва ускуналарни ижарага бериш ва олиш жаҳондаги кўпгина мамлакатлар учун хосдир.

Бугунги кунда саноат ва бошқа соҳаларда ижара корхоналари пайдо бўла бошлади ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг бир кўриниши бўлиб, ижара муддати даврида корхона жамоаси шу корхона мулкининг эгаси бўлиб қолади.

**Консалтинг** – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техник лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятдир.

Консалтинг фирмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун шериклар танлаш;
- маслаҳатчилик ташкилотларининг тараққий топишига ва хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;
- ягона ахборот-сўровнома фондини яратиш ва ягона реклама стратегияси (йўналиши)ни амалга ошириш йўли билан уларнинг аъзолари фаолиятини умум мақсадлар йўлида жамлаш ва ҳоказо.

Консалтинг фирмаларининг кичик бизнес соҳасида кенг тарқалган маслаҳат хизматлари қуйидагилардан иборат:

- барча мулк шаклларидағи корхоналарни рўйхатга олиш учун таъсис хужжатларни тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериш;
- маркетинг бўйича изланишлар ўтказиш;
- хусусийлаштириш, акциядорлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ташқи иқтисодий фаолият бўйича маслаҳат бериш;
- реклама стратегиясини ишлаб чиқиш, реклама материалларини тайёрлаш ва уларни тарқатиш;
- ҳуқуқ, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масаласи бўйича маслаҳатлар бериш;
- ишчи хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий топтиришга хизмат қилувчи тадбирларни ўтказиш;
- фирма иш услубини ишлаб чиқиш;
- хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, маданият, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

- инвестицияларни жалб қилиш, имтиёзли кредит олиш, зарурий ресурсларни ва капиталларни сотиб олиш бўйича маслаҳатлар бериш ва х.к..

**Инжинииринг корхона** – мухандислик-маслаҳат хизматларни тижоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширади.

Бундай корхона (фирма):

- ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- маҳсулот сотишни ўюнтириш;
- ишлаб чиқариш объектларини куриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш билан шуғулланади.

Экспорт инжинииринг фирмалари бошқа мамлакатларга хизмат кўрсатади, чет элдаги илмий ғоялар ва техник ишланмаларни хорижда жорий этади, мураккаб ва улкан лойиҳаларни амалга оширади. Инжинииринг билан бирга машина ва ускуналарни экспорт қилиб, етказиб беради<sup>3</sup>.

## 2.2. Масъулияти чекланган жамиятларда молиявий менежмент

**Жамоа тадбиркорлиги** – бу бир гурух фуқароларнинг ўзларига маъқул бўлган мулкчилик шаклларида жамоаларга бирлашиб, жамоа корхоналарини ташкил қилишлари ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишларидир.

Жамоа тадбиркорлиги фаолияти фирмалар фаолиятида ўз ифодасини топади. Фирма – муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишига ихтисослашган, бозордаги талаб ва таклифга қараб иш тутадиган, иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил корхонадир.

Хусусий фирма деганда айрим шахс ёки оиласга тегишли бўлган, якка хусусий мулкка асосланиб фаолият кўрсатадиган корхона тушунилади.

**Ширкат фирма** бир неча соҳибнинг мулкини бирлаштириш ва тадбиркорликдан олинадиган фойдани баҳам кўришга асосланган шерикчилик корхонасидир.

Ширкат фирмаларининг икки тури мавжуд:

- масъулияти чекланмаган жамиятлар;
- масъулияти чекланган жамиятлар.

Масъулияти чекланмаган жамиятлар икки ёки ундан кўпроқ кишиларнинг мулки асосида юзага келади. Шерикларнинг дастлабки мулки фирманинг устав капитали дейилади. Бу капиталга ҳар бир шерик ўз ҳиссасини қўшади. Улар устав фондига қанча пул қўйса, шу ҳиссага биноан фойда олишади. Борди-ю фирма синса, шериклар зарарни ҳамжиҳатлика кўтаради, яъни бир шерик бошқасининг

<sup>3</sup> Каранг: М.Р. Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, Б.К. Фойибназаров, А.Н. Самадов, Р.Ходжаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўкув қўлланма. – Т.: 2010, – 274бет.

жавобгарлигини ҳам зиммасига олади. Масъулияти чекланмаган жамиятда иштирокчилар жамиятнинг мажбуриятлари бўйича қўшган улушлари билан, бу етарли бўлмагандан эса бошқа мулклари билан ҳам жавоб берадилар.

Ширкат аъзолари ўртасида тузилган битим ширкатнинг хуқукий асоси ҳисобланади. Бу битим қуидаги бандларни ўз ичига олади:

- ҳар бир ҳамкорнинг ваколатлари;
- битимнинг муддати;
- ҳар бир вакилнинг умумий ишга қўшган улуси;
- даромадлар ва юз бериши мумкин бўлган заарларни ўзаро бўлиш йўл-йўриқлари;
- уюшма маблағларидан ҳар бир ҳамкорнинг олиши мумкин бўлган аниқ ва белгиланган пул ҳажми;
- уюшмада амалга ошириш зарур бўладиган молиявий ишлар тартиби;
- янги ҳамкорни қабул қилиш тартиби;
- ширкатни тарқатиб юбориш тартиби.

Ширкатга давлат, кооператив, жамоа ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, хорижий ташкилотлар ва фуқаролар ҳам қонун йўл қўйган ҳолларда аъзо бўлиши мумкин.

Масъулияти чекланган ширкат фирмаларнинг устав фонди фақат таъсисчилар маблағ (акция)лари ҳисобига барпо этилади. Жамият қатнашчилари ўзларининг қўшган улушлари доирасида жавобгар бўлади. Жамият ўз фаолияти учун устав фонди миқдорида жавобгар ҳисобланади. Ҳар қандай зарар, хавф-хатар ва тадбиркорлик рисклари жамият аъзолари ўртасида уларнинг улусига мутаносиб тарзда тақсимланиши масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона таъсисчиларининг индивидуал заарлари даражасини ёки банкрот бўлиш эҳтимолини пасайтиради.

Масъулияти чекланган ширкат фирмалар номига «климитед» сўзи кўшилади, бу инглизча сўз бўлиб, «чекланган» маъносини билдиради.

Масъулияти чекланган фирманинг бир қатор турлари мавжуд. Уларнинг энг кенг тарқалган шакли корпорациялардир. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги кичик корхоналар йирик компанияларга нисбатан бозор шароитига тез мослашиш хусусиятига ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорда муваффақиятли ўтишини таъминлашда бир қанча устунликларга эга. Чунки, кичик корхоналар ўз фаолиятларини тор ишлаб чиқариш дастурларига, илфор технологияга, кам туркумли илм-фан талаб қиласидиган маҳсулотлар чиқаришга тезда мослайдилар ҳамда бозор асосларини тез ўзлаштириб борадилар.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги кичик корхоналар хусусиятлари (муомала капиталининг кичиклиги, унинг тез

айланувчанлиги, ишлаб чиқариш воситаларини тезда алмаштириш имкониятлари ва б.) унинг бир қанча афзаликларга эга бўлиши имкониятларини яратади:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш, уларни талабнинг тез ўзгариб туриши хатарини ҳисобга олган ҳолда кичик уюшмаларда ишлаб чиқариш;
- тезкор техник сервиснинг ишончлилиги ва истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш;
- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишини бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;
- ортиқча иш кучини ўзига сингдириш;
- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тез ўзини оқлаши, капитал айланмасида юқори тезлик;

Масъулияти чекланган жамиятларда молиявий менежментни ташкил этишнинг ўзига хослиги қуидагиларда намоён бўлади:

- корхона активларини шакллантиришни нисбатан соддалиги ва тезкорлиги;
- муомала капиталининг кичикилиги ва тез айланувчанлиги;
- ишлаб чиқариш воситаларини тезда алмаштириш имкониятлари;
- бозор конъюктурасига мос равишда товарларни ишлаб чиқаришга тез мослашувчанлиги;
- ҳар қандай зарар, хавф-хатар ва тадбиркорлик рисклари жамият аъзолари ўртасида уларнинг улушига мутаносиб тарзда тақсимланиши;
- молиявий менежернинг молиявий қарорлар қабул қилишида акционерлик жамиятларига нисбатан мустақиллик ва эркинлик даражасини юқорилиги.

### **2.3. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент**

Акциядорлик жамиятларда молиявий менежментни ташкил этишда аввало мазкур шаклдаги корхоналарнинг ташкилий-хуқуқий жиҳатлари ва улардаги молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Акциядорлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ифодаланган. Ушбу қонуннинг 2-моддасига мувофиқ:

Устав жамғармаси муайян миқдордаги акцияларга бўлинган ҳамда жамиятнинг акциядорлар олдида мажбуриятлари аниқ белгиланган хўжалик юритувчи субъект - **акциядорлик жамияти деб аталади**.

Акциядорлик жамияти мавжуд корхоналарни қайта ташкил этиш ёки янгисини барпо этиш йўли билан таъсис этилиши мумкин. Акциядорлик жамияти ҳукуқий шахс бўлиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар, шунингдек таъсис хужжатлари асосида иш олиб боради.

Юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари бўла оладилар. Жамиятнинг устав фонди улар томонидан тузилган таъсис шартномаси асосида шакллантирилади. Шартномада акциядорлик жамиятини барпо этиш юзасидан биргалиқдаги фаолият тартибини, иштирокчиларнинг акцияларга ёзилган шахслар ва учинчи шахслар олдидаги маъсулиятини белгилаб қўйилади.

Жамият жамланган капиталига қараб маҳсус қимматли қоғоз – акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланишади ва фойдадан ўз ҳиссаси – диведендни олиб турадилар. Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади. Акциядорлар жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарлар учун факат ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жавобгар ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди акциядорлар сотиб олган акцияларнинг номинал қийматларидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Акция бўлинмас ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятини таъсис этишда унинг жами акциялари таъсисчилар орасида тарқатилиши керак.

Акция фонд биржаларида муомалада бўлади, бир шахсдан бошқасига эркин ўтади ва акциялар учун унинг ҳиссаси тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади. Акциядорлик жамиятини:

- акциядорнинг умумий мажлиси;
- кузатув кенгаши;
- ижро органи бошқаради.

Акциядорларнинг умумий мажлиси олий бошқарув органи ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, у акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш ҳукуқига эга.

Акциядорлик жамиятида умумий йиғилишлар ўртасидаги муддатда ҳиссадорлар манфаатларини ифодалаш ва уставда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун акциядорлик жамиятининг кенгаши (кузатув кенгаши) тузилади.

Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик аҳамияти ижроия органининг аъзолари бўла олмайдилар.

Уставда кўзда тутилган бошқарув органи акциядорлик жамиятининг ишини ташкил этади, умумий йиғилишга йиллик ҳисботини тақдим этади.

Акциядорлик жамиятининг бошқаруви бевосита умумий йиғилиш ва кенгаши (кузатув кенгаши) ваколатига тааллукли масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қиласи.

Бошқарув ишига унинг раиси раҳбарлик қиласи. Раис акциядорлик жамияти Уставига биноан тайинланади ёки сайланади. Раис жамият номидан ҳаракатларни ишонч қофозисиз бажара олади.

Жамият бошқарувининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси амалга оширади. Активлар қиймати 1 миллиард сўмдан ортиқ жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади оширади. Молия-хўжалик фаолиятининг ташки аудити манфаатлари жамият ва унинг акциядорлари билан боғланмаган мустақил аудитор томонидан бир йилда камида бир маротаба ўтказилиши керак. Молиявий ҳисобот тафтиш комиссияси ва ташки аудит томонидан тасдиқлангач, очик матбуотда эълон қилиниши лозим.

Акциядорлик шаклидаги тадбиркорликнинг қўйидаги афзалликлари бор:

- акциядорлик жамияти – бу бизнеснинг кўпроқ демократик шаклидир. Унга хоҳлаган киши бевосита ёки обуна бўлиш йўли билан акцияни сотиб олиб, аъзо бўлиши ва мулк эгасига айланиши мумкин;
- вақтинча бекор турган сармоялар марказлашувига эришилади;
- нисбатан самарали соҳаларга капитал оқимини ташкил қилиш имконияти туғилади;
- давлат мулкини хусусийлаштириш имкониятлари кенгаяди;
- молиявий барқарорликка эришилади;
- тадбиркорликда таваккалчилик хавфи камаяди (ҳиссадор ўз акцияси миқёсида зиён кўрса, корхона эгаси бутун мулкидан ажралади);
- бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчилар, товар етказиб берувчилар, харидорлар ва маҳаллий давлат органлари манфаатларининг ўзаро мувофиқлашувига эришилади.

Акциядорлик жамияти очик ва ёпиқ турда бўлиши мумкин.

**Очиқ турдаги акциядорлик жамияти** – бу акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф қила оладиган жамият. У чиқарадиган акцияларига очик обуна ўтказиш ва уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ҳам чекланмаган. Очик турдаги АЖ учун устав фондининг энг кичик миқдори АЖ рўйхатидан ўтказилган санада марказий банкнинг курси бўйича 400 минг АҚШ долларига эквивалент суммадан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак.

Очиқ турдаги жамиятнинг акциялари бошқа акциядорларнинг рухсатисиз ҳам қўлдан қўлга ўтиши мумкин.

Очиқ турдаги АЖ ни бошқа турдаги жамиятларга айлантириш мумкин эмас.

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳар йили оммавий ахборот воситаларида:

- ыиллик ҳисоботни;
- бухгалтерлик балансини;
- фойдалар ва заарлар счётини;
- жамият акциялари эмиссиялари проспектини;
- умумий мажлисни ўтказиш санаси ва жойини маълум қилиб туриши шарт.

**Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти** – бу акциялари номланган (эгаси ёзилган) ва улар фақат АЖ таъсисчилари ўртасида тақсимланган жамиятдир. Унинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият Низомига биноан ман этилган ёки чекланган бўлади. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акциялари фақат исми ёзилган бўлиб, уларни бошқа шахсга бериш тартиби уставда белгилаб қўйилади. Мазкур турдаги жамият акциядорлари унинг янги акциялари ёки бошқа акциядорларнинг сотиладиган акцияларини сотиб олишда устунлик хукуқига эга бўлади. Ёпиқ турдаги АЖ учун устав фондининг энг кам миқдори АЖ рўйхатидан ўтказилган санада марказий банкнинг курси бўйича 400 минг АҚШ долларига эквивалент суммадан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак.

Бундай жамиятларнинг таъсисчилари сони энг камида уч кишидан иборат бўлади ва улар акционер бўлиши шарт. Акционерлар сони 50 тадан ошган тақдирда олти ой ичида жамиятни очиқ турдаги АЖга айлантириш зарур.

Биринчи ва иккинчи схемаларда ёпиқ ва очиқ турдаги акциядорлик жамиятларни ташкилий шакллари қўрсатиб ўтилган.

Акциядорлик жамиятини ташкил этиш учун қуйидагилар зарур:

- жамиятни ташкил этиш ва биргаликда фаолият қўрсатиш ҳамда бир ёки бир неча шахсга жамиятни ташкил этиш учун ваколат бериш тўғрисида шартнома тузиш;
- акцияларга обуна ўтказиш;
- таъсис конференциясини ўтказиш;
- жамият ва унинг акцияларини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Жамиятни ташкил этишдаги харажатлар шартномага имзо чеккан шахсларга тақсимланади.

СХЕМА № 2.1





СХЕМА № 2.2



Давлат мулкини хусусийлаштириш орқали қўйидаги усулларда АЖ ташкил этилиши мумкин:

- оддий йўл билан, яъни бунда фуқаролар ёпиқ ёки очиқ АЖ ларининг объектларини аукцион орқали ёки конкурс йўли билан сотиб олишади;

- давлат корхонаси меҳнат жамоаси томонидан ёпиқ АЖ ни ташкил этади ва маълум юридик шахс томонидан корхона сотиб олинади;

- давлат ёки ижара корхоналари очиқ АЖ ларига айлан-тирилади.

Барча жамоа корхоналари учун қўйидаги умумий жиҳатлар мавжуд:

- низом капиталининг тегишли бўлакларга ёки акцияларга мажбурий бўлиниши;

- жамиятнинг ўз мажбуриятлари ва фақат ўзининг мулки бўйича чекланган жавобгарлиги;

- акциядор (шерик)лар орасидаги ўзаро муносабатлар, даромад ва мулкни тақсимлаш, корхонани бошқариш бўйича муносабатлар уларнинг киритган улушлари миқдорига қараб тақсимланади;

- жамият аъзолари унинг капиталига ўз улушларини киритишлари зарур, аммо ўз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этишлари мажбурий эмас.

Устав фонди тенг номинал қийматдаги акцияларнинг муайян миқдорига бўлинади. Жамият, устав фонди натура шаклидаги мол-мулк берилганидан ташқари ҳолларда, агар илгари чиқарилган акциялар номинал қийматидан кам бўлмаган қиймат бўйича тамомила тўланган бўлса, ўз устав фондини ошириш ҳуқуқига эга.

Устав фондини кўпайтириш акциялар номинал қийматини ошириш ва янги акциялар чиқариш йўли билан амалга оширилади. Устав фондини қисқартириш акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларни бекор қилиш мақсадида эгалик қилувчилардан сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятини бошқаришнинг энг асосий ҳужжати уларнинг устави ҳисобланади. Жамиятнинг уставинн акциядорларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқади ва уни тасдиқлади. Уставда жамият фаолияти асосий қоидалари, вазифалари, мажбуриятлари, бошқариш органлари ва молиявий бошқариш органлари кўрсатилади.

Акциядорлик жамияти уставига биноан акциядорлар умумий йиғилиши ҳиссадорларнинг ярмидан кўпи иштирок этганлари тақдирдагина ваколатли ҳисобланади. Умумий йиғилшларда овоз беришга бир акция бир овоз қоидаси бўйича ўтказилади.

Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, унинг уставини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш учун барча акциядорларнинг розилиги зарур бўлади. Бошқа барча масалалар бўйича карорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Акциядорлик жамиятларида молиявий менежментни ташкил этишда молиявий менежерлар жамиятнинг Устав фонди корхона пассивининг жуда муҳим қисми эканлигига алоҳида эътибор қаратишлари лозимдир. Албатта пассивдаги ўз маблағлари манбалари таркибидаги бошқа элементлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларга аввало, қўшилган капитал ва тақсимланмаган фойда киради. Қўшилган капитал мазмунан устав фондига жуда яқин туради. Қўшилган капитал акциядорларнинг номиналдан юқориоқ баҳода сотилиши натижасида ҳосил бўлади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мазкур тафовут акциядорлик жамиятининг даромади деб эмас, балки капиталининг бир қисми деб қаралади. Шунинг учун қўшилган капитални акциядорлар ўртасида даромад сифатида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда худди устав фонди сингари корхона маблағлари барламчи манбани ифодалайди.

Тақсимланмаган фойда ҳам корхона ўз маблағлари манбаидир. У корхонанинг молия-хўжалик фаолияти натижасида ҳосил бўлади ва реал равишда корхона ўз капиталининг бир қисми сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга, тақсимланмаган фойда даромад сифатида тақсимланиши ёки заарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин. Бу ҳол уни ўз капиталини шакллантиришнинг нисбатан бекарор манбаига айлантиради.

Корхона ўз капитали таркибида тақсимланмаган фойда улушкининг катта эканлиги, бир томондан, корхона мувоффақиятли фаолият олиб бораётганлигини, олинган фойдани даромад сифатида истемолга эмас, балки корхонани янада ривожлантиришга йўналтираётганлигини ифодаласа, иккинчи томондан, уни истеъмол мақсадларига ишлатилиши эҳтимоли кучли эканлиги туфайли кредиторлар манфаатлари нуқтаи назаридан у устав фонди ва қўшилган капитал сингари айниқса узоқ муддатли давр учун ишончли манба бўла олмайди.,

Акциядорлик жамияти акциялари сотилишининг бирламчи ва иккиламчи бозорларини фарқлайдилар. Бирламчи бозор акциялар муомалага дастлаб чиқарилишидаги уларнинг сотилишидир. Бу ҳолда жамият таъсис этилаётганда муассислар акцияларни номинал қиймати бўйича баҳоларда сотиб оладилар. Акциялар қўшимча эмиссиясида бозор баҳосида сотилади. Лекин, юқорида қайд этилганидек, акциядорларнинг қўшимча эмиссия акцияларини имтиёзли сотиб олиш хуқуки доирасида, акциядорларга қўшимча акциялар уларнинг устав фондидаги улушкига мутаносиб равишда сотилиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, акциялар бозор баҳоси бирламчи бозорда уларнинг номинал қийматидан паст бўлиши мумкин эмас. Чунки, бу корхонанинг реал қиймати унинг шаклланиши лозим бўлган устав фондидан камроқ бўлишига олиб келади, яъни корхона вужудга келиши биланоқ банкротлик аломатига эга бўлади.

Акцияларнинг иккиламчи бозордаги баҳолари биринчи навбатда кутилаётган дивиденdlарга, қолаверса корхонанинг бозордаги мавқеи, молиявий-иктисодий аҳволи, жамиятдаги нуфузи (ижтимоий аҳамияти),

келажаги ва бошқа омилларга боғлиқ. Албатта, дивидендлар даражаси акция баҳосини белгиловчи энг муҳим омилдир. Шунинг учун молиявий менежерлар ўз фаолиятида жамият акцияларини қийматини оширишга эришишни асосий вазифа деб билишлари керак. Акциялар бозори биржа бозори ва биржадан ташқари бозорга бўлинади. Фонд биржасида асосан биржа рўйхатига кирган акциялар, яъни йирик ва ишончли компаниялар ва корхоналарнинг акциялари олди-сотдиси амалга оширилади. Биржа рўйхатига киритилиш ҳар қандай компаниянинг катта муваффақияти ҳисобланади. Чунки, рўйхатга киритишдан олдин компаниянинг молиявий аҳволи ҳар томонлама таҳлил этилади. Буни биржа хузуридаги эксперт комиссияси амалга оширади. Корхона акцияларининг фонд биржасида сотувга қўйилиши – компаниянинг юксак обрўсидан дарак беради ва унинг рекламаси бўлиб хизмат қиласи.

Акциядорлик жамиятларида молиявий менежментнинг мақсади корхонанинг ёки унинг фойда маркази бўлган алоҳида ишлаб чиқариш – хўжалик звеноларининг мақсадга эришиши учун молиявий усувлар, воситалар ва механизmlарни ишлаб чиқиш ва кўллашдир.

Акциядорлик жамиятларида молиявий менежментнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- акциядорлик жамиятларида молия менежери жамият билан тузилган шартнома асосида корхона пул оқимларини бошқаради;

- молия менежери ўз фаолиятини фақат акционерлик жамиятларига оид бўлган қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар асосида олиб боради;

- молиявий менежер ўз фаолиятини йилнинг натижаларига кўра корхона соф фойдасини оширишга қаратади, чунки пировардида корхонанинг келажаги эришилган соф даромадга қараб белгиланади;

- Акциядорлик жамиятларида молиявий менежментни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири - бу корхона акцияларини қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаларидаги баҳосини ошириш ва уларнинг эмиссион ҳаракатини бошқариш зарурлигидир.

## **2.4. Нотижорат ташкилотларида молиявий менежмент**

Нотижорат ташкилотларда молиявий менежментни ташкил этилишини тадқиқ қилишда, авваламбор, нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий манбаларини шаклланишини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши икки омилга боғлиқ бўлади.

1. Кўрсатаётган хизматлар кўриниши.

2. Истеъмолчига етказиб берилиши усули (пуллик ёки бепул).

Молия иқтисодий муносабатларида ўзига хос ўринни эгаллайди. Унинг ўзига хослиги шундайки, у доим пул шаклида келади, тақсимот характеристига

эга ва моддий ишлаб чиқариш соҳаси қатнашчиларининг турли даромад ва жамғармаларининг шаклланиши ва ишлаталишини акс эттиради.

Хозирги кун тажрибаси далолат бермоқдаки, айрим хизматлар тўлалигича текинга амалга оширилса, айримлари тўлалигича пуллик хизмат сифатида кўрсатилади ва яна маълум хизматлар мавжудки, улар хам текинга хам пуллик усулларини ўзида акс эттиради.

Масалан давлат бошқарув органлари ва мудофаа хизмати ходимларининг хизматларини истеъмол қилаётган ҳар бир юридик ва жисмоний шахс текинга фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Мазкур муассасалар молиявий ресурсларининг шаклланиш манбанини эса давлат бюджет маблағлари ташкил этади.

*Иқтисодиетнинг нотижорат секторининг салмоқли қисми ижтимоий ва маданий тадбирларни амалга оширувчи корхоналар ҳисобига тўғри келади. Булар бехисоб ранг-барангдир. Демак, молиявий ресурслар манбалари хам турлича.*

Нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар молиявий манбаларининг таркиби:

Давлат бюджети маблағлари.

Аҳолига ва бошқа истеъмолчиларга кўрсатилган пуллик хизматлардан даромадлар.

Хайриҳоҳлик бадаллари ва текинга берилган материал бойликлар.

Бошқа даромадлар.

Барча манбалардан шаклланган пул ресурслари корхонанинг молиявий ресурсларини ташкил этиб, қуидаги харажатлар амалга оширилади.

Иш ҳақи тўлаш.

Материаллар ва шунга тенглаштирилган харажатлар.

Бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар.

Иқтисодий рагбатлантириш фонdlарини ташкил этишга ва бошқалар.

Барча нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар, агарда улар мустақил балансга ва ҳисоб-китоб ракамига эга бўлса, банк кредитларидан фойдаланиш ҳукуқига эгадирлар.

Иқтисодиетнинг нотижорат секторида фаолият кўрсатаётган хужалик субъектларининг молиявий ресурсларни жалб қилиши ва фойдаланиши турли хил булиб, у хўжалик юритиш усулига боғлиқдир. Улар асосан сметали молиялаштириш ва тўлик ўз-ўзини коплаш билан фарқланиб туради.

*Сметали молиялаштиришида, молиявий ресурсларнинг асосини давлат бюджети мабагағлари ташкил этади.*

Нодавлат нотижорат фаолият кўрсатаётган муассасалар молия режаларини мустақил равишда ишлаб чиқадилар. Агарда корхоналар бевосита бюджетдан молиялаштирилса, молия режасини смета харажатлари усулида тузадилар. Агарда ташкилот нафақат давлат бюджети ҳисобидан, балки бошқа манбалар ҳисобидан ҳам молиялаштирилса, харажатлар ва

даромадлар сметасини ишлаб чиқади. Смета режасида тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар молия режасидагига қараганда ҳам сметанинг харажатлар қисми чуқурроқ асослаб берилиши талаб этилади.

Муассасалар смета режасини тузища дастлабки маълумотлар сифатида назорат рақамларидан ва иқтисодий нормативлардан фойдаланишади.

Назорат рақамлари маълум бир корхона фаолиятининг хусусиятини, ривожлантириш истикболини белгиловчи кўрсаткичлардир.

Масалан, ўқув муассасаларида ўртacha ўқувчилар сони, ўқувчилар ва студентлар, ставкалар миқдори (мактабларда ўқитувчилар, олий ўқув юртларида эса профессор-ўқитувчилар).

Соғликни сақлаш муассасаларида койкалар сони, врачлар ва кичик тиббий ходимларнинг ставкалари ва бошқалар.

Йиғма харажатларда қуйидагилар кўрсатилади:

- Материал ва шунга тенгглаштирилган харажатлар.
- Иш ҳақи фонди.
- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш фонди.
- Моддий рағбатлантириш фонди.
- Бошқа фондлар ва резервлар.

Йиғма даромадларда қуйидагилар кўрсатилади:

- Бюджетдан молиялаштириш.
- Ахолига қўшимча пуллик хизматлар.
- Юридик шахсларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш.
- Бино ва бошқа жиҳозларини ижарага беришдан шаклланган тушум.

## 2.5. Хусусий (кичик) корхоналарда молиявий менежмент

Ўзбекистон Республикасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- якка тартибдаги тадбиркорлик;
- жамоа тадбиркорлиги;
- микрофирма ва кичик корхоналар.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик** – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргалиқдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

**Жамоа тадбиркорлиги-** Жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргалиқдаги тадбиркорлик фаолиятидир. Тадбиркорликнинг бу шакли эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда дехқон хўжалигини назарда тутади.

Эр-хотинга умумий биргалиқдаги мулк ҳукуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти обьекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, уй-жой мулқдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Жисмоний шахслар факат якка тартибдаги тадбиркорлар тариқасида давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргалиқдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Дехқон хўжалиги ва оддий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Юридик шахс ташкил қилмай, ўз фаолиятини амалга оширадиган тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахсга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади ва у жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш реестрида қайд қилинади. Ушбу гувоҳнома банкда ҳисоб-китоб вараги очиш, солик органларидан рўйхатдан ўтиш, муҳр ва бошқа реквизитларни тайёрлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида хусусий корхоналар асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Руспубликасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги"ти Қонунга мувофиқ тадбиркорлик даромад ёки фойда олиш учун ўз мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида амалга оширилувчи ташаббускор хўжалик фаолиятини англаади.

Хусусий тадбиркорликнинг мулки унинг ўз мол-мулки асосида ёки давлат, кооператив ёхуд бўлак корхона мулкининг ҳаммаси ёхуд бир қисми фуқаронинг мулки сифатида унга ўтиши ёки сотиб олиниши, ижара

мулкини сотиб олиш ёхуд уни қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар билан шахсий жамғармалар, банк қарзлари асосида, давлат мулки ва жамоат таиткилотлари мулкидан тадбиркорликнинг фойдаланиш ёхуд юқорида кўрсатилган усулларини ўйғунлаштирилган ҳолда қўлга киритиш оқибатида юзага келади.

Хусусий корхоналар юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига, муҳрига ва ҳисоб рақамига эга бўлади. Узи жойлашган ердаги туман шаҳар ва шаҳардаги туман ҳокимлигига давлат рўйхатидап ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритиш истагини билдирган тадбиркор ўз турар жойидаги туман, шаҳар ва шаҳардаги туман ҳокимлигига ариза беради. Хусусий корхоналар ўз фаолиятларида тармоқ корхоналарига ва ваколатхоналарига эга бўлиши мумкин. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

Хусусий корхоналар ходимларни ёзма равишда ўзаро тузилган ҳамда томонларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари баён этилган меҳнат шартномаси асосида ишга ёллайди. Меҳнат шартномаси қуидаги маълумотларни ўз ичига олади:

-малака ёки муайян мутахасислик, лавозим бўйича вазифаларини бажариш мажбурияти;

-шартнома амал қиласидиган муддат;

-меҳнат шароитлари ва иш ҳақи, ижтимоий ва тиббий сугурта ижтимоий таъминот тартиби;

-ходимнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш;

-меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик;

-томонлар розилиги билан белгиланадиган бошқа маълумотлар.

Асосий ва айланма маблағлар, шунингдек корхонанинг мустақил балансида қиймати ифодаланган бошқа бойликлар хусусий корхона мулкини ташкил этади.

Мулкдорнинг пул ва моддий ажратмалари, хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар, банклар ва бошқа қарз берувчиidan олинган қарзлар, қимматбаҳо қоғозлар ҳаракатидан ёхуд уларни сотишдан олинган даромадлар; мерос тариқасида, алмаштириш ва совға қилиш йўли билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъкиқланмаган бошқа манбалардаи тушган мол-мулк хусусий корхона мулкинишакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича мулкдорга хусусий ва шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мулк билан жавобгар бўлади.

У ўз ишлаб чиқариши ва капитал қурилишини иҳтисослашган таъминот-савдо ташкилотлари, биржалар, ярмаркалар, ким ошди савдолари хизматидан фойдаланиб ёки бевосита ишлаб чиқарувчилар билан

муносабатга киришиб, шунингдек четдан келтириш йўли билан моддий-техника жиҳатидан мустақил таъминлайди.

Давлат хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлади, эркин ҳолда рақобат учун шарт-шароитларни яратади, моддий-ашёвий, молиявий, ахборот ва бошқа ресурсларга эришувнинг teng имкониятларини таъминлайди, бунда уларнинг бозорга якка эгалигига йўл қўймайди. Давлат ёки бошқа идоралар томонидан ўз ваколатига ёхуд қонун талабларига номувофиқ қарорлар қабул қилинган ва бу хусусий тадбиркор ҳақ-ҳуқуқларини чеклашга сабаб бўлган ҳолларда у бундай ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Давлат идоралари ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг кўрсатмаларини амалга ошириш ва унинг ҳуқуқларига дахл қилиш натижасида тадбиркорга етказилган заарлар бу идоралар томонидан қопланиши керак.

Банк билан хусусий корхона ўртасидаги муносабатлар шартномавий характерга эга. Хусусий корхона mijoz сифатида ўзига кредит ҳисоб-китоб ва касса хизматини кўрсатадиган банкни мустақил таплайди.

Банклар кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш борасида mijozларнинг гаровларини, кафолатларини, ишончномаларини ва бошқа шаклдаги мажбуриятларни қабул этади.

Хусусий корхона ва якка тартибда фаолият кўрсатаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси асосида солиқлар тўлайдилар.

Хусусий корхона ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ўзлари жойлашган жойидан солик идораларига ҳар ой ёзма маълумот берадилар.

Молиявий менежмент тадбиркорлик тузилмаси фаолиятини тўлалигича ёки алоҳида қисмини молиявий жиҳатдан бошқаради.

Тадбиркорлик тузилмасининг молиявий менежменти учун қўйидагилар хос:

- маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва хизматлар кўрсатиш даражасини бозор талаблари асосида оптималлаштириш;
- ўз капиталини жойлаштириш;
- узоқ муддат давомида ўз капиталидан ва унга тенглаштирилган капиталдан фойдаланиш;
- ўз иқтисодий фаолияти бўйича мажбуриятлар олиш, шартномалар битимлар тузиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш;
- ишлаб чиқариш дастурини ташкил этиш ва ўзининг ишлаб чиқараётган маҳсулоти бўйича сотувчи ва истеъмолчилар билан алоқалар боғлаш;
- баҳони шакллантириш;
- иш ҳақи фондини белгилаш ва тартибга солиш, ходимларни рағбатлантиш.

Молиявий менежернинг малакаси, корхона фаолияти ички ва ташки шароитлардаги ўзгаришларни тез пайқай олиши муҳим аҳамиятга зга. Жамиятдаги соғлом муҳит ҳам молиявий менежмент самарадорлигини оширади.

Тадбиркорлик жараёнида молиявий менежер пул ресурслари фондини ташкил этиш ва пул оборотини тартибга солища маълумотлар базасини доимий равища ўзгартириб туриши лозимдир. Бундан ташқари доимий равища иқтисодий қонунчиликни ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш керак. (солиқ соҳасида, тўлов ҳисоб-китоблар, кредит, баҳо ва бошқалар).

Молиявий менежмент, бир томондан, юқори рақобат позициясини яратишга ҳаракат қиласи, иккинчи томондан эса юқори рақобат позициясига таяниб, юқори фойдага эришишга, корхона молиявий аҳволини янада яхшилашга интилади. Юқори рақобат позицияси стратегик мақсадларга, яъни фирмани молиялаштириш манбаларини таъминлашга, молия бозорида алоҳида ўрин эгаллашга, кредит олишга, қўшимча акция ва облигациялар чиқаришга имконият яратади.

## **2.6. Қўшма корхоналарда молиявий менежмент**

Қўшма корхоналар ўзаро манфаатдорлик негизида, ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва бошқа вазифаларни ечишга қаратилган. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, фан ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида таркиб топиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда қўшма корхоналар муҳим рол ўйнайди. "Чет эл инвестициялари, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокидаги корхоналарни, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бу корхоналарнинг фаолият тартиби тўғрисида"ги низомга биноан мулкида ўзбек ва чет эл ҳуқуқий шахслари ҳамда фуқаролари иштирок этувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси худудидаги қўшма корхоналар ҳисобланади.

Кўшма корхоналарни қўйидаги йўллар билан ташкил этиш мумкин:

- янги ҳуқуқий шахсни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ишлаб турган корхонасида чет эл ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари томонидан ҳисса сотиб олиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари томонидан хорижий корхонада ҳисса сотиб олиш йўли билан ташкил этиш.

Кўшма корхоналар бевосита Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари ва хорижий иштирокчилар томонидан ташкил этилади.

Бир ёки бир неча Ўзбекистон ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари ҳамда бир ёки бир неча хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар қўшма корхонанинг иштирокчилари бўла оладилар. Кўшма корхонани устав фонди

Ўзбекистонлик ва хорижий иштирокчиларнинг ҳиссалари улар ўртасидаги келишув бўйича белгиланади.

Ҳиссалар, пайларни бир-бирига бериш, шунингдек уларни учинчи шахсга бериш қўшма корхона иштирокчилари томонидан амалдаги қонунларга биноан ҳал қилинади. Хорижий иштирокчилар ҳиссаларини ёки пайларини сотиб олишда Ўзбекистонлик иштирокчилар устун ҳуқуққа эга бўладилар.

Қўшма корхоналарда молиявий менежментни ташкил этишда корхона Низом жамғармасидаги чет эллик инвесторларнинг улушкига пропорционал равища дивидент ҳисобини юритиш, экспорт-импорт операциялари бўйича нархларни реал белгиланиши устидан назорат ўрнатиш, чет эллик шериклар билан тузилган шартномаларда назарда тутилган молиявий масалалар бўйича мажбуриятларини (иқтисодий санкция, фоиз, жарима ва бошқалар) бажарилишини назорат қилиш, ташки иқтисодий фаолият натижалари бўйича ўзаро teng товар айирбошлиш ва максимал фойдага эришиш чораларини белгилаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

## **2.7. Молия-саноат гурухларида молиявий менежмент**

Молия-саноат гурухи кредит-молия ва инвестиция муассасалари, корхоналар бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг хўжалик ассоциацияси бўлиб, фойда олиш мақсадларини кўзлаб маблағларни бирлаштириш асосида фаолият кўрсатади.

Молия-хўжалик гурухларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта тузилиши ва тугатилиши Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

Мулкчилик туридан қатъий назар, ҳар қандай ташкилий-хуқуқий шаклдаги корхоналар, шунингдек кредит-молия ва бошқа муассасалар, инвестиция муассасалари, ташкилотлари, шу жумладан хорижий ташкилотлар молия-саноат гурухининг иштирокчилари бўла оладилар. Унга кириши мумкин бўлган тижорат банкларининг микдори чекланмайди.

Бунда уларнинг молия-саноат гурухи низомий жамғармасидаги умумий мулки бу жамғарманинг 10% дан ортиб кетмаслиги керак.

Молия-саноат гурухларига қўйидаги тартибда шаклланади:

- иштирокчилари томонидан ихтиёрий тартибда ёки гурух иштирокчиларидан бири томонидан сотиб олинадиган бошқа иштирокчилар акциялари пакетини жамлаш йўли билан;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича;
- Ҳукуматлараро битимлар асосида ташкил этилади.

Молия-саноат гурухларини ихтиёрий тартибда ёки акциялар пакетларининг бирлаштириш тартибida қўйидагича шакллантирилади;

- гурух иштирокчилари томонидан очиқ ёки ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган тартибда таъсис этиш;
- гурух иштирокчилари томонидан гурухга киравчи корхоналар ва молия кредит муассасаларининг ўз тасарруфидан бўлган акциялар пакетларини гуруҳларнинг иштирокчиларидан бирига ишончли бошқарув учун бериб қўйиш;
- гурух катнашчиларидан бирининг гурух иштирокчиларига айланувчи бошқа корхоналар, шунингдек муассасалар ва ташкилотлар акциялари пакетларини сотиб олиш.

Давлатга тегишли акциялар пакетларининг миқдори, давлатга тегишли акциялар пакетини ишончли бошқарувга бериш, ёки сотиб олиш молия-саноат гурухи шаклланишига олиб келувчи давлат мулки бўлган акциялар пакетиииг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан антимонополия қонунларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан молия-саноат гурухини шакллантириш чоғида:

- устав фондида давлат мулкининг, шунингдек жамоат бирлашмалари, ҳайрия ва бошқа жамоат жамғармалари ва уларнинг корхоналари ҳиссаси 15% дан ортиқ бўлган корхонага акцияларни ишончли бошқарувга бериш ёки акцияларни сотиб олишга;
- молия-саноат гурухи иштирокчилари томонидан таркибидаги давлат мулки ҳиссаси 50% дан ошадиган маблағларни ихтиёрий бирлаштиришга;
- маблағлари таркибида моддий активлар 50%-дан кам бўлган хўжалик ассоциация, шунингдек холдингларнинг молия-саноат гурухida ипггиrokига;
- молия-саноат гурухи иштирокчилари гомонидан акцияларга ўзаро кесишган эгалик қилинишига;
- гурухга киравчи молия-хўжалик муассасалари ёки инвестиция муассасасининг шу гурух ишгиrokчиси бўлган ҳар қандай корхона акцияларининг 10% дан кўп қисмига эгалик қилишига, шунингдек шу гурух корхоналарнинг акцияларига кўрсатилган муассасалар активлариниш 10% дан ортигини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Давлат мулкининг 50%-дан зиёд ҳиссаси бўлган давлат корхоналари, ширкат корхоналари, шунингдек бюджетдан маблағ билан таъминланувчи ташкилотлар ва муассасалар молия-саноат гуруҳларида иштирок этиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилиги, ёки унинг топширигига биноан давлат мулкини тасарруф этишга вакил қилинган идоранинг розилиги талаб қилинади.

Технологик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш, савдо ва молия корхоналарининг бирлаштирилиши рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун молиявий маблағларни

инвестицияланиши, сарф-харажатларини камайтирилиши, шунингдек ишлаб чиқариш, молиявий ва савдо операцияларини, ахборот, ҳуқуқий, ҳарид ва таъминот бўлпнмаларини (айниқса, ташқи фаолиятга нисбатан) сақлаб туриш билан боғлиқ муамоларни ҳал этишни енгиллаштирилади.

Бунда давлат, табиийки, янги тармоқ ва минтақавий монополиялар пайдо бўлишидан ва рақобатчиларнинг ички ҳамда ташқи бозорга чиқишини қийинлашувидан манфаатдор эмас. Шунинг учун у товарлар бозорини якка ўзи эгаллаб олмаган горизонтал интеграциялашган молия-саноат гурухларининг вужудга келишининг рағбатлантиради.

Молия-саноат гурухи иштирокчиларининг манфаатлари, қоида тариқасида, давлат манфаатларига асосан тўғри келади. Гуруҳ аъзолари ишлаб чиқариш ва муомала сарф-харажатларини камайтириш ҳисобига ўз фаолиятлари самарадорлигини оширадилар. Улар бупга умумий инфраструктурани вужудга келтириш, бошқа шундай гурухлар иштирокчилари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни мунтазам қўллаб-қувватлаш орқали эришадилар.

Молия-саноат гурухини вужудга келтириш жараёнида иштирокчи корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бу корхоналарнинг ташқи инвесторлари манфаатларини таъминлаш, тўлов кобилиятини мустаҳкамлаш масалалари туғилиши мумкин. Бу каби муаммоларнинг ҳал этилиши молия-саноат гурухларининг ўз доирасида бошқарувнинг оқилона тузилмасининг яратилиши, уларнинг оёққа туриши давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳам кўзда тутади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини тавсифлаб беринг.
2. Акциядорлик жамиятларида молиявий ресурслар қандай ташкил топади?
3. Қўшма корхоналарни бошқаришда молиявий менежмент қандай роль ўйнайди?
4. Хусусий корхоналарни бошқаришда молиявий менежментни роли нималарда ифодаланади?
5. Молия-саноат гурухлари кимлар томонидан ташкил этилади?

### **Ш БОБ. КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ**

#### **3.1. Молиявий режалаштириш - молиявий бошқаришнинг таркибий қисми. Молиявий режалаштиришнинг моҳияти, тамойиллари ва вазифалари**

Бозор муносабатлари шароитида турли шаклдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадбиркорлик субъектларининг молиявий бошқарувида режалаштириш асосий рол ўйнайди. Иқтисодиётнинг барча шаклларида ишлаб чиқариш ва истеъмол бўғинларининг изчил ва бир маромда ишлаши, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

**Режалаштириши** – бошқаришнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у иқтисодий тизимнинг келгуси ҳолатини, унга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини белгилаб берувчи режаларини ишлаб чиқиш ва амалда кўллашдан иборатdir.

**Молиявий режалаштириши** - муайян муддат учун молиявий ресурсларнинг ҳаракати ва тегишли молиявий муносабатларнинг ҳаракатини асослашдан иборат жараёнdir.

Тадбиркорлик субъектнинг молиявий фаолиятида айрим ҳолларда алоҳида олинган ёки бир туркум операциялар унинг фаолиятини муҳим обьекти бўлади. Бунда турли пул маблағлари фонdlарини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун ресурсларнинг ҳаракатигина эмас, балки уларга воситачилик қилувчи молиявий муносабатлар ҳамда юзага келадиган нарх наво нисбатлари ҳам ҳисобга олинади.

Корхона фаолиятини молиявий режалаштиришнинг асосий вазифаси ҳар бир хўжалик ва молиявий операциясининг пул маблағлари эҳтиёжини, ҳаражатлар ҳажми ва таркибини, корхонани бутун иши якунларини ҳисобкитоб қилишдан иборат. Молиявий режалаштириш ёрдамида даромадлар, уларнинг провард натижаларини ҳисобга олган ҳолда оқилона тақсимлаш кабилар прогноз қилинади.

Молиявий режалаштириш иқтисодиёт соҳаларида корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини режалаштиришнинг ассосий ва узвий қисми ҳисобланади.

Молиявий режалаштириш қуйидаги тарзда амалга оширилади. Аввал корхонанинг ривожланиш истиқболлари таҳлил этилиб, мавжуд ривожланиш йўналишини ўзгартиришга қодир тамойиллар белгиланади. Сўнгра корхонаининг рақобатбардошлиги таҳлил этилади, турли фаолият соҳаларидаги тараққиёт истиқболлари таққослаб чиқилиб, молиявий ресурсларни тақсимлашнинг устувор йўналишлари белгиланади.

Хозирги шароитда долзарб бўлган молиявий режалаштириш методологиясини акс эттирувчи тамойиллар қуйидагиларда баён этилади:

- *объектив зарурийлик тамойили* молиявий режалаштиришдан хўжалик юритишининг барча даражаларида молияларини бошқаришнинг бирламчи босқичи сифатида фойдаланиш. Бу шуни англатадики, мазкур жараён молиявий имкониятларини аниқлаш, оқилона қиймат нисбатлари, ва топшириқларни бажариш учун пул ресурсларининг ҳаракатини прогноз қилиш воситаси ва усуллари сифатида зарурдир;

- *самарадорлик тамойили* мазкур жараённинг сифат жиҳатини акс эттириб, уни ҳар бир субъект фаолиятидаги алоҳида операциялар бўйича ижобий ютуқларга эришишга, тегишли иқтисодий ёки ижтимоий самарани кўлга киритишга йўналтиради;

- *уйгунлик ва мақсадлар бирлиги тамойили*, ишлаб чиқариш ва молиявий топшириқларни, моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини турли бошқарув даражаларидағи режаларини мувофиқлаштириб олиб боришни тақазо этади;

- *илмийлик тамойили*, у режалаштиришнинг асосий жиҳатларига алоҳида эътибор бериб, белгиланаётган топшириқлар реаллиги ва самарадорлигини, режадаги топширқларнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун ресурсларнинг мавжудлигини, молиявий топшириқларнинг вақти ва бажарилишини мувофиқлаштирилишни таъминлайди.

Режалаштиришнинг вазифаларига корхонанинг тури ва катта-кичиклигига қараб баҳо бериш мумкин.

Ҳар қандай корхонанинг бошқаруви унинг тури ва катта-кичиклигидан қатъи назар келгуси давр учун иқтисодий фаолият соҳасида қандай вазифаларни режалаштириши мумкинлигини билиши шарт. Шу билан бирга, айрим фаолият турларини режалаштиришда олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун қандай иқтисодий ресурслар талаб қилинишини билиши керак. Масалан, бу сармояни жалб этишга ва сармояларнинг ҳажмини белгилашга тааллуқлидир.

Тадбиркорлик субъектларини режалаштириш таркибида молиявий режалаштиришнинг қуйидаги асосий вазифаларига эътибор берилиши зарур:

- такрор ишлаб чиқариш жараёнини зарурий молиявий маблағлар билан таъминлаш. Бунда молиялаштиришнинг мақсадлари, манбалари, уларнинг шакллантирилиши ва фойдаланилишига;

- хўжалик субъектининг бюджет ва нобюджет фондлари, банклар ва бошқа кредиторлар олдидағи мажбуриятларини бажаришига кафолатларни таъминлаш;

- товар-моддий захиралар ҳаракатланиши узлуксизлиги ва бир маромдалиги жараёнини молиявий қувватлаб туриш;

- корхонанинг молиявий аҳволи тўлов қобилияти ва кредитни тўлашга қодирлиги устидан назорат қилиш.

Молиявий режалаштириш такрор ишлаб чиқаришнинг қиймат жиҳатига қаратилган бўлиб, унинг асосий мақсади белгиланаётган лойихалар ва

уларнинг самарадорлигини таъминлашнинг молиявий имкониятларини асослаб беришдан иборат. Молиявий режалаштириш бўлажак харажат ва даромадларни янада аниқ белгилашдан, зарур маблағларнинг ҳажмини ва бўлажак молиявий натижаларни тўғри ҳисоб-китоб қилишдан иборат бўлади.

**Молиявий прогнозлаш** режалаштиришнинг муҳим элементлари сифатида бюджетни тузиш ва келгусидаги молиявий эҳтиёжларни баҳолашнинг асоси ҳисобланади.

**Молиялаштириш ички ва ташки манбалар** ҳисобидан амалга оширилади. Ички молиялаштириш пул маблағларининг ҳаракати натижасида тадбиркорлик субъектларининг меъёрдаги ишлаб чиқариш фаолиятига монанд равищда амалга оширилади, ташки молиялаштириш тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлари томонидан келиб тушган капитал билан шунингдек, инвесторлар ва банкнинг кредит маблағлари асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари келгусидаги тижорат операциялари ва улар билан боғлиқ бўлган харажатларни чамалаб ички молиялашдаги эҳтиёжларини олдиндан баҳолашлари мумкин.

### **3.2. Молиявий режалаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ва усуллари**

Молиявий режалаштириш муддатлари ва кўрсаткичларига кўра одатда уч турга–узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли режалаштиришга бўлинади.

**Узоқ муддатли режалаштириши.** Узоқ муддатли режалаштириш ўрта ва қисқа муддатли режалаштиришни ўз ичига олиб, жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Узоқ муддатли режа, одатда, **уч ва беш йиллик** даврларни ўз ичига олади. У кўпроқ баён кўринишида бўлиб, корхонанинг умумий стратегиясини белгилаб беради, чунки бундай узоқ муддат учун барча ҳисоб-китобларни аниқ башорат қилиш анча қийин. Узоқ муддатли режа корхона раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилиб, унда корхонанинг истиқболдаги асосий стратегик мақсадлари белгиланади.

Узоқ муддатли режалаштиришда белгиланадиган асосий соҳалар сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- ташкилий таркиби;
- ишлаб чиқариш қувватлари;
- капитал қўйилмалар;
- молиявий маблағларга талаблар;
- тадқиқот ва ишланмалар;
- бозор улуши ва ҳоказолар.

Корхонанинг ташкилий таркиби қўйидагиларни таъминлаши лозим:

- оптимал рентабелликни, яъни унинг имкон қадар оддий, аниқ ва тушунарли бўлишини;
- оралиқ бўғинларни мумкин қадар камроқ ўз ичига олишни, кўрсатма берувчи ва ахборот тизимининг жуда катта бўлмаслиги;
- келажак учун менежерлар тайёрлаш шарт-шароитини яратиши керак.

Пул маблағларининг сарфи, хусусан, сармояни такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш, инвестициялар пул маблағларининг бевосита сарфини кредитлаш ҳамда қимматли қофозларни сотиб олиш орқали амалга оширилади.

Молиявий ресурслар муайян вақт мобайнида ҳал қилувчи даражада маҳсулотни сотишдан пул тушумларидан шаклланади. Айнан сотишдан нақд пул тушумининг ноқилона бошқарилиши молиявий-иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлади, нақд маблағларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги ҳатто фойданинг йўқлигига қараганда ҳам тезроқ синишга олиб келади. Демак, корхона фаолиятига солинган сармоянинг дастлаб нақд пул кўринишида бўлиб товар заҳирасига, сўнгра дебиторлик қарзига ва ниҳоят, яна нақд пулга айланадиган зарур энг кам микдори қанча бўлиши лозимлигини олдиндан белгилаб олиш керак бўлади.

Фойдадан ҳам, харажатлардан ҳам молиялаштириладиган маҳсус заҳира ва жамғармалар барқарорлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Амалиёт корхоналарнинг нақд пулни жамғаришлари шарт эканлигини кўрсатмоқда. Бу келгуси эҳтиёжлар учун чунончи, соликларни тўлаш, қарздан узилиш, асбоб-ускуналарни алмаштириш, пул тўловларини амалга ошириш учун керак.

**Қисқа муддатли молиявий режса** корхона учун алоҳида аҳамиятга эга. Бундай режса барча қолган режаларни ҳисобга олган ҳолда активни таҳлил этиш ва назорат қилиш имконини беради, унга киритилган заҳиралар эса зарур бўлган актив маблағлар ҳақида маълумот беради.

Қисқа муддатли режалаштириш ярим йиллик, ойлик ва ҳоказо бўлиши мумкин. Йиллик қисқа муддатли режса ишлаб чиқариш ҳажмини, фойда ва бошқаларни режалаштиришни ўз ичига олади. Бу режса турли шериллар ва мол етказиб берувчиларни яқиндан боғлайди ва шу сабабли бундай режаларнинг алоҳида жиҳатлари корхона - маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унинг шериги учун умумий бўлиши мумкин, мазкур режалар улар ўртасидаги келишишларнинг қандай даражада ташкил этилишига ҳам боғлиқ.

**Қисқа муддатли молиявий режсалаштириши** қўйидаги режалардан таркиб топади:

- навбатдаги молиявий режадан, жорий харажатлар (ҳом ашё, меҳнат ҳақи), жорий фаолиятдан кўриладиган фойда ёки зарар;
- корхонанинг фаолияти бўйича бетараф томоннинг молиявий режасидан: даромад (эски асбоб-ускуналарни сотиш), харажат, фаолиятидан кўриладиган фойда ёки зарар;

- кредит режадан;
- активларни таъминлаш режаси, у ўзидан олдинги режаларни фойда ёки заарларни ўз ичига олади: фойда ва заарларнинг суммаси, мавжуд актив маблағлар заҳирасининг таркиби билан ҳам боғлиқ.

Юқорида келтирилган режалаштиришнинг турлари ва кўрсаткичларидан тўғри фойдаланилса, жуда катта самара беради. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли режалаштиришни қўллаши лозим. Масалан, кўпчилик ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектини оладиган бўлсак, унда режалаштириш бўйича узоқ муддатли ва қисқа муддатли режалаштиришни биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қўйилган мақсад, унга эришиш муддатлари, товарларнинг тури ва ҳоказолар билан белгиланади.

Корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида молиявий тушумлар ва улардан фойдаланиш истиқболини белгилаш зарурияти туғилади. Молиявий ресурслар ва энг аввало, **фойда молиявий режалаштириш обьекти бўлиб хизмат қиласи**. Фойданинг тақсимланиши молиявий режада ва пул маблағлари фонdlарини ташкил этиш ҳамда сарфлаш сметаларида акс эттирилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молияси *фойданни тақсимлаши ва ишлатиши* жараёнининг динамикасини турли ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш ва назорат этишни ўз ичига олади.

Бозор шароитида микро даражада молиявий режалаштиришнинг аҳамияти ортади. Чунки субъектларнинг ҳар бир қадами таваккал билан боғлиқ бўлиб, унинг даромад ёки заар келтириши турли қўринишларда ҳисоб-китоб қилинган ва асосланган бўлиши лозим.

Режалаштиришдан кўзда тутилган асосий мақсад, корхоналар фаолиятини режалаштиришнинг олдига қўйиладиган **асосий талаб ва вазифаларга жавоб бериши** лозим:

1. Режаларнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши.
2. Режалаштириш тизими, шакллари ва усувлари.

**Режалаштириш усувлари:** баланс усули, ҳисоб-конструктив усули, мақсадли-дастурий усул, иқтисодий-математик усул, меъёрий-ресурс усули ва бошқалар.

3. Қисқа муддатли (жорий, оператив), ўрта муддатли ва узоқ муддатли (истиқболи) режалар. Прогнозлаштириш ва уни тузиш усувлари.

4. Ички хўжалик фаолиятини режалаштириш тизими. Иш дастурлари ва оператив режалар таркиби, уларни тузиш тартиби: ишлаб чиқариш бўйича режа топшириқлари, ишлаб чиқариш ресурсларини сарфлаш меъёрлари, ишлаб чиқариш харажатлари лимитлари, маҳсулот ва материаллар (хизматлар) учун ҳисоб баҳолари, иш ва меҳнат ҳақини баҳолашлар ва бошқа топшириқлар.

5. Йиллик режаларни мазмуни ва таркиби.
6. Молиявий режа. Молиявий режалаштириш тамойиллари.
7. Корхонанинг молиявий фаолиятини прогнозлаштириш, молиявий фаолиятни жорий режалаштириш ва оператив режалаштириш.
8. Корхонанинг молиявий стратегиясини шакллантириш босқичлари. Жорий молиявий режалар тизими: операцион фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, инвестиция фаолияти бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, пул маблағларининг кирими ва чиқими режаси, баланс режаси.
9. Бюджет турлари ва уларнинг хусусиятлари. Жорий бюджет ва капитал бюджетни шакллантириш.
10. Инвестициялар ва кредитларни жалб этишга йўналтирилган бизнес режаларнинг мазмуни ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.
11. Бизнес-режа устида ишлаш, унинг таркиби ва бўлимларини шакллантириш: титул варағи, бизнес режанинг мундарижаси, амалга оширилиши мўлжалланган бизнеснинг қисқача таснифи, корхона тўғрисида умумий маълумотлар.
12. Бизнес-режанинг молиявий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва бошқариш йўлларини, усулларини ташкил этишни таъминлаш.
13. Инвестиция лойиҳаларни амалиётга тадбиқ қилишни бошқариш. Объектларни фойдаланишга киритиш ва қурилиш билан боғлиқ инвестиция фаолияти.

### **3.3. Молиявий режалаштириш ва тахминлаштириш тизими ҳамда уларни қўллаш**

Корхоналарнинг молиявий фаолиятини бошқариш механизмининг асосини **молиявий режалаштириш** ташкил этади. Молиявий режалаштириш ўзида молиявий режа тизимини ишлаб чиқиш жараёнини ва корхоналарнинг ривожланишида зарурий молиявий ресурслар билан таъминлаш бўйича меъёрий режа кўрсаткичларини ва жорий молия йили ҳамда истиқболдаги молиявий фаолиятининг самарали ривожланишини акс эттиради.

Молиявий режалаштириш корхонада (ёки ички фирма молиявий режалаштириш) унинг учта асосий тизимидан фойдаланиш асосида ташил килинади:

- молиявий фаолиятни прогнозлаштириш;
- молиявий фаолиятни жорий режалаштириш;
- молиявий фаолиятни тезкор режалаштириш.

Ҳар бир молиявий режалаштириш тизимининг алоҳида даври ва алоҳида натижаларини амалиётга жорий қилиш шакллари мавжуд.

## Жадвал 3.1

### **Молиявий режалаштириш тизими ва унинг натижаларидан корхонада фойдаланиш шакллари**

<b>Фойдани ривожлантириш тизими</b>	<b>Молиявий режалаштириш натижаларини амалиётга жорий қилиш шакллари</b>	<b>Режалаштириш даври</b>
1. Молиявий фаолиятни прогнозлаштириш	Молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича умумий молиявий стратегия ва молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш	3 йилгача
2. Молиявий фаолиятни жорий режалаштириш	Молиявий фаолиятининг алоҳида жиҳатлари бўйича жорий молиявий режалаштиришни ишлаб чиқиш	1 йил
3. Молиявий фаолиятни тезкор режалаштириш	Молиявий фаолиятининг барча асосий масалалари бўйича тўлов календари, бюджетларнинг ижроси ва бошқа шаклдаги тезкор режа вазифаларини ишлаб чиқиш	чорак, ойлар

Молиявий режалаштиришнинг барча тизими ўзаро алоқада бўлиб, улардан аниқ кетма кетликда фойдаланилади.

Режалаштиришнинг бошланғич (дастлабки) прогнозлаштиришнинг асосий йўналишларини, молиявий фаолиятининг мақсадли параметрларини, корхонани умумий молиявий фаолиятининг **стратегиясини** ишлаб чиқиш, жорий молиявий режалаштириш параметрлари ва белгиланган вазифалари орқали амалга оширишдан иборат. Ўз навбатида жорий молиявий режалаштиришнинг асосларини корхона молиявий фаолиятининг барча жиҳатлари бўйича тўғридан-тўғри тезкор ижро этувчи бюджетларни ишлаб чиқиш ва уларга етказиш лозим.

Корхоналарда молиявий режалаштириш аниқ **молиявий йўналиши (гоя)** асосида шакллантирилади.

Корхоналарнинг молиявий йўналиши (гояси) алоҳида корхонанинг молиявий фаолиятини амалга оширишда ташкил қилувчи тамойиллар тизимини тасвирлайди, улар таъсисчи ва менежерларнинг молиявий минталитети ва «миссиясини» аниқ тавсифлайди.

Корхоналарнинг молиявий йўналиши (гояси) бевосита тадбиркорлик молиявий фаолиятини прогнозлаш ва шу асосида корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишига йўналтирилади.

Корхонанинг молиявий стратегияси ўзида молиявий фаолиятининг узок муддатли мақсадлари тизимини, унинг молиявий гоясини аниқлаш ва самарали натижаларга эришиш йўлларини акс эттиради

**2. Молиявий фаолиятни жорий режалаштириш тизими ишлаб чиқилган стратегия** ва молиявий фаолиятнинг алоҳида жиҳатлари бўйича **молиявий сиёсат** негизида амалга оширилади. Бу режалаштириш тизимининг вазифаси жорий молиявий режанинг аниқ шаклларини ишлаб чиқишдан, корхона ривожланиши олдида турган барча молиялаштириш манбаларини аниқлаш, даромадлар ва харажатлар таркибини шакллантириш, корхонанинг доимий тўловга қобиллигини таъминлаш, режалаштирилган давр якуни, унинг активлари ва капиталлари таркибини олдиндан аниқлашдан иборат.

Молиявий фаолиятнинг жорий режаси жорий молия йили чораклари бўйича ишлаб чиқилади.

**Корхонанинг жорий молиявий режасини ишлаб чиқиш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- Корхона молиявий стратегияси ва молиявий фаолиятнинг асосий ўналишлари бўйича олдида турган даврда мақсадли стратегик меъёрларни ишлаб чиқиш;

- Корхона моливий фаолиятининг алоҳида жиҳатлари бўйича молиявий сиёсатни ишлаб чиқиши;

- режалаштирилаётган ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажми ва корхона операцион фаолиятининг бошқа иқтисодий кўрсаткичлари;

- ишлаб чиқилган меъёрлар ва алоҳида ресурсларнинг харажатлари бўйича меъёрлар тизими;

- амалдаги солиқ ставкаси тўловларининг тизими;

- амалдаги эскиришни ҳисоблаш меъёрлари тизими;

- молиявий бозорда кредит ва депозит фоизларининг ўртача ставкалари;

- ўтган даврдаги молиявий таҳлил натижалари.

Корхонада ишлаб чиқилаётган жорий **молиявий режанинг асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади.**

**Операцион фаолият** бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси Корхона жорий молиявий режасининг асосий турларидан бири бўлиб, жорий режалаштиришнинг дастлабки босқичида унинг молиявий фаолияти тузилади. Бу режани ишлаб чиқишдан мақсад Корхонанинг операцион фаолиятидан олинадиган соф фойда суммасини аниқлаш ҳисобланади.

Бу режани ишлаб чиқиш жараёнида маҳсулот сотишдан олинадиган (ялпи ва соф) даромад, харажат, солиқ тўловлари, корхонанинг соф ва баланс фойдаси бўйича режа кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш талаб этилади.

**Инвестиция фаолияти** бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси ушбу фаолиятнинг асосий молиявий жиҳатларини таъминлашни акс эттиради.

Бу режани ишлаб чиқишдан мақсад белгиланган инвестиция дастурларини амалга ошириш учун молиявий ресурсларга эҳтиёжларнинг ҳажмини, шунингдек, инвестиция фаолияти давомида бундай ресурслар

тушумининг эҳтимолларини аниқлаш ҳисобланади (мулкларни ҳисобдан чиқариш натижасида келадиган даромад, инвестиция фойдаси ва бошқалар).

Бу режа молиявий йилда реал инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар, шунингдек, узок муддатли молиявий қўйилмалар ҳажмининг ўсишини акс эттиради.

**Пул маблағларининг тушуми ва чиқими** режаси пул оқимларини прогнозлаштириш натижаларини акс эттиришга қаратилган.

Бундай режани ишлаб чиқишдан мақсад режалаштирилаётган даврнинг барча босқичларида тўлов қобилиятининг доимий таъминланишини билдиради.

Ушбу режада пул маблағларининг йил бошидаги қолдиқ кўрсаткичи режа давридаги тушум ва чиқими ҳамда пул маблағларининг йил охиридаги қолдиқ кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

**Баланс режаси** ўзида корхонадаги молиявий маблағлардан фойдаланишнинг тузилиши ва активлари таркибининг режа даври охиридаги натижаларини прогнозлаштиришни акс эттиради.

Баланс режани ишлаб чиқишнинг мақсади айрим активлар турларининг ўсиши, ички баланслаштиришни таъминлаш зарурияти, шунингдек, Корхонанинг етарли молиявий барқарорлигини таъминлашда капиталнинг оптимал таркибини шакллантириш ҳисобланади.

### **3.4. Корхона бюджетини тузиш ва бюджет режасини ишлаб чиқиш**

**Молиявий фаолиятни тезкор режалаштириш тизими** хўжалик фаолиятини молиявий таъминлашнинг асосий йўналишлари бўйича қисқа муддатли режа вазифаларини комплекс ишлаб чиқишдан иборат. Бундай молия-режа вазифаларининг асосий шакли **корхона бюджети ҳисобланади**.

Бюджет ўз-ўзидан қисқа муддатли даврда тезкор молиявий режани, бир йилга бўлган даврда (коида бўйича, чорак ёки ойлик давр доирасида), хўжалик фаолиятининг аниқ шаклларининг ҳаракати жараёнида молиявий маблағларнинг тушумини ва харажатларини акс эттиради.

У жорий молиявий режа кўрсаткичларининг ҳар бир бўлими бўйича ва жавобгарлик марказларининг барча шаклларида етказиб берувчи бош режа ҳужжати ҳисобланади.

**Режали бюджетни ишлаб чиқиш** икки асосий вазифани ечишга қаратилган:

а) корхонанинг бўлимлари ва алоҳида таркибий бирликдаги фаолияти билан боғлиқ харажатларнинг таркиби ва ҳажмини аниқлаш;

б) бу харажатларни молиявий ресурслар билан қоплашни турли манбалардан таъминлаш.

Тезкор молиявий режалаштириш жараёнида бюджетларни гурухлаштириш қатор хусусиятли белгиларга кўра қўлланилади.

Корхона фаолиятининг соҳаларига кўра, бюджетлар **операцион, инвестицион ва молиявий фаолият** бўйича ажратилади. Бу бюджетлар жорий молиявий режанинг таркибини ишлаб чиқиш тартибларини чораклар ёки ойлар бўйича деталлаштириб акс эттиради.

Жорий бюджет корхонанинг даромад ва харажатларининг режасини аниқлаштиради. У икки бўлимдан иборат: 1) **жорий харажатлар**; 2) операцион фаолиятдан олинган **жорий даромадлар**. Жорий бюджетнинг тахминий шакли жадвалда келтирилган.

Жадвал 3.2  
**Жорий бюджетнинг тахминий шакли**

Кўрсаткичлар	Чорак бўйича жами	Шу жумладан, ойлар бўйича		
		январ	феврал	март
1	2	3	4	5
<b>I. Жорий харажатлар</b>				
1. Материал харажатлар (харажатларнинг алоҳида моддалари бўйича)				
2. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши				
3. Мехнат ҳақи бўйича харажатлар				
4. Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар				
5. Солиқ тўловлари				
6. Бошқа бевосита харажатлар				
7. Жорий устама харажатлар				
<b>Жами жорий харажатлар</b>				
<b>II. Операцион фаолиятдан даромадлар</b>				
1. Маҳсулотларни сотишдан тушган даромадлар				
2. Бошқа операцион фаолиятдан тушган даромадлар				
<b>Жами операцион даромадлар</b>				
<b>III. Маҳсулот баҳосига кирувчи солиқлар (КҚС, акциз ва бошқалар)</b>				
<b>IV. Соғ даромад (П-П)</b>				
<b>V. Ялпи операцион фойда (IV –I)</b>				

<b>VI. Фойдадан тўланадиган солик тўлови ва йигимлари</b>				
<b>VII. Соф операцион фойда (V-VI)</b>				

**Капитал бюджет** – аниқ ижрочиларга капитал қўйилмаларнинг жорий режасини етказиб бериш шаклидир. У икки бўлимдан иборат. Капитал бюджетнинг тахминий шакли қўйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 3.3

### Капитал бюджетнинг тахминий шакли

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Чорак бўйича жами</b>	<b>Шу жумладан, ойлар бўйича</b>		
		<b>январ</b>	<b>февраль</b>	<b>март</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
<b>Капитал харажатлар</b>				
1. Бино ва иншоотлар сотиб олиш ёки қуриш				
2. Машина ва механизм сотиб олиш				
3. Асбоб – ускуналар сотиб олиш (инвентар ва хўжалик жиҳозларидан ташқари)				
4. Номоддий активларни сотиб олиш				
5. Бошқа турдаги капитал харажатлар				
6. Инвестицион фаолият бўйича солик ва бошқа мажбурий тўловлар				
7. Капитал харажатларнинг захираси				
<b>Жами харажатлар</b>				
<b>Маблағлар тушумининг манбалари</b>				
1. Инвесторнинг капитал харажатларни молиялашга йўналтирилган ўз маблағлари				
2. Акцидорлар(пайчилар)нинг пай бадаллари				
3. Молиявий лизинг				
4. Облигация эмиссияси				

5. Банк кредитлари				
6. Молиявий ресурсларни жалб этишнинг бошқа манбалари				
<b>Жами маблағларнинг тушуми</b>				
<b>Маблағларнинг тушуми ва харажатларнинг қолдиғи</b>				

### 3.4. Молиявий ўсиш режаси

Корхона фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг ўз манбалари кенгайиб бориши молиявий ўсишнинг мазмунини ташкил этади. Қарз манбалар ҳисобига корхона молиявий ресурслари кенгайтирилиши том маънода молиявий ўсиш деб қаралиши ўринли эмас, чунки бунинг ҳисобига эришилган молиявий ўсиш вақтингчалик характерда бўлиб, қарзлар қайтарилганда молиявий ресурслар ҳам мувофиқ равишда камаяди. Демак, корхонадаги молиявий ўсиш жараёни корхона капитали умумий ҳажмининг ортиб боришида ифодаланади. Капитал ҳажмининг номинал равишда ортиши корхона капиталига янги улушлар қўшилиши, тақсимланмаган фойданинг кўпайиши, грантлар ва субсидиялар олиниши, шунингдек корхона активлари балансдаги қийматининг уларни қайта баҳолаш натижасида ортиши орқали содир бўлиши мумкин. Лекин, сўнгги ҳолда капиталнинг реал ҳажми амалда ўзгаришсиз қолади. Чунки активларни қайта баҳолашда ҳеч қандай янги бойлик ҳосил бўлмайди.

Корхона капиталини оширишнинг энг мақбул варианти фойда ҳажмини оширишга эришиш ҳисобланади. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти самарали олиб борилиши лозим. Капитални янги улушлар ҳисобига кенгайтириш энг кўп даражада акциядорлик жамиятларига, айниқса очиқ акциядорлик жамиятларига хос.

Капитални кенгайтириш заруриятига дуч келганда ёпиқ акциядорлик кўринишидаги корхона кўпинча очиқ акциядорлик жамиятига айланиш йўлини танлайди. Чунки, акциялар чиқариш йўли билан капитал жалб этилишида потенциал инвесторлар доираси муҳим равишда кенгаяди. Корхона очиқ акциядорлик жамиятига айланганда бу айниқса яққол намоён бўлади. Оддий акциялар эмиссияси орқали молиявий ресурслар жалб этилиши қуидаги афзалликларга эга:

1) оддий акциялар бўйича қатъий белгилаб қўйилган тўловлар сифатидаги мажбуриятлар мавжуд эмас, масалан, кредит олинганда фоиз тўлаш мажбурий бўлиб қолади;

2) оддий акциялар муайян сўндирилиш муддатига эга эмас, корхона маблағдан доимий фойдаланади;

3) акциялар кўлланиши корхонанинг кредит қобилиятини мустаҳкамлайди, чунки корхона тугатилишида кредиторлар талаблари

қондирилганидан сўнг қолган маблағларгина акциядорларга тақсимлаб берилади;

4) акцияларни тарқатиш, кўпинча, облигацияларни жойлаштиришдан осонроқ кечади.

Шу билан бирга оддий акциялар чиқарилишида қатор масалалар ҳам вужудга келади:

1) овоз бериш хуқуқига эга акциядорлар сони кўпайиши барча инвесторларга ҳам маъқул келавермайди;

2) янги акциядорлар ҳам корхона фойдасидан улушга даъвогар бўладилар;

3) акцияларни чиқариш ва сотишнинг ўзи ҳам харажатларни талаб қиласди;

4) очик акциядорлик жамияти ўз молиявий ҳсоботларини очик матбуотда эълон қилиши лозимлиги ҳам муайян харажатларни келтириб чиқаради.

Янги оддий акциялар беш хил усулда жойлаштирилиши мумкин:

1) мавжуд акциядорларнинг ўзларига пропорционал асосда (айрим ҳолларда кўшимча акциялар акциядорларга турли имтиёзлар билан тарқатилади, бу эса молиявий ресурслар имкондагидан камроқ жалб этилишини билдиради);

2) барча хоҳловчиларга очик обуна йўли билан;

3) харидорларнинг чекланган доирасига ёпиқ обуна йўли билан;

4) корхона ходимларига уларни рафбатлантириш учун;

5) дивиденdlар қайта инвестицияланиши учун акциядорларга.

Умуман олганда молиялашнинг ташқи манбалари одатда бир марталик характерда бўлади. Ташқи инвесторларнинг корхонага маблағ киритиш тўғрисида қарор қабул қилишларида қўйилган сармояга тўғри келадиган фойда миқдори жуда аҳамиятли бўлади. Лекин, акциялар харид қилинишида мақсад факат фойда (дивиденд) олишдангина иборат эмас. Акцияларда мужассамлашган молиявий маблағлар одатда инфляция таъсирига тортилмайди, аксинча, нормал ҳолатларда корхонада жамғарилган фойда ортиши билан бу маблағларнинг реал қиймати ҳам ортиб боради.

Корхонада молиявий ўсишни таъминлашда ички манбалар етакчи роль ўйнаши энг мақбул ҳисобланади. Чунки фойданинг ортиши акцияларга тўланадиган дивиденdlар миқдори орқали акцияларнинг жозибадорлигини ва бозор баҳосини оширади. Иккиласми бозордаги акциялар баҳоси акциялар кўшимча эмиссиясида бирламчи бозордаги баҳоларнинг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Бу ҳолда акциялар эмиссияси орқали жалб этилаётган маблағлар миқдори акцияларнинг номинал қийматидан юқори бўлади ва корхонадаги молиявий ўсишга кўмаклашади. Ўз навбатида корхонанинг фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари молиявий менежментнинг сифатига боғлик бўлади. Шунинг учун молиявий ўсишни режалаштиришда ушбу факторларни ҳисобга олиш лозим бўлади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Йиллик режаларнинг мазмунни ва таркибини тушунтиринг.
2. Молиявий режалаштиришнинг тамойилларини айтиб беринг.
3. Корхонанинг молиявий фаолиятини прогнозлаштириш, молиявий фаолиятни жорий ва тезкор режалаштиришга таъриф беринг.
4. Корхонанинг молиявий стратегиясини шакллантириш босқичлари. Жорий молиявий режалар тизими: операцион фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, инвестицион фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг режаси, пул маблағларининг кирими ва чиқими режаси, баланс режаси ҳақидаги тушунчаларингизни баён этинг.
5. Корхона бюджетининг турлари ва уларнинг хусусиятлари, жорий бюджет ва капитал бюджетни шакллантиришни тушунтиринг.
6. Молиявий ўсиш режасини қандай тушунасиз?

## **IV БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ БОШҚАРИШ**

### **4.1. Тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш**

Корхоналар рақоботбардошлигига уларнинг молиявий ресурсларининг ҳаракатини самарали бошқариш орқали эришилади. Молиявий ресурсларни ташкил этиш ва бошқариш механизми уларнинг моҳиятини тушинишни, амалиётда молиявий имкониятларни бошқариш усуллари ва кўрсатмаларидан, шу жумладан молиялаштириш манбаларини шакллантириш, таҳминлар тузиш ва режалаштириш ҳамда молиявий таҳлиллардан фойдаланишни талаб этади.

Молиявий ресурслар ҳар бир корхонанинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш ҳамда мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун пул жамғармалари ва бошқа молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

Молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш корхонанинг молиявий муносабатлари орқали таъминланади.

Корхонанинг молиявий фаолияти пул фондларини ташкил этиш ва фойдаланишда ифодаланади. Бу пул фондлари корхона хўжалик фаолиятини олиб бориш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, илмий-тадқиқот жараёнини молиялаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, янги техника ва технологияни жорий этиш, бюджет ва банк билан ҳисоб-китобларда ишга солинади.

Корхона молия ресурслари – бу пул даромадлари ва маблағларнинг тушуми бўлиб, хўжалик субъектининг ҳар хил молиявий мажбуриятларини бажариш, харажатларни молиялаш ва иқтисодий рағбатлантириш ишларини олиб бориш учун манбадир.

Корхона пул фондларини ташкил этилишида қўйидаги жиҳатлар мавжуд:

1. Корхонанинг ўз маблағларини шакллантириш:
  - устав капитали;
  - қўшилган капитал;
  - резерв капитали;
  - жамғармалар фонди;
  - мақсадли молиявий маблағлар тушиши;
  - бошқалар.
2. Қарз маблағлари шаклланиши:
  - банк кредитлари;
  - заёмлар;
  - тижорат кредити;
  - факторинг;
  - лизинг;

- кредитлар ва бошқалар.

3. Қарз шаклига эга бўлмаган ҳолда маблағлар жалб этилиши:

- истеъмол фонди учун ажратилган маблағлар;

- тўланмай турган дивидендлар;

- келгуси давр даромадлари;

- ҳисоб-китобларни ва тўловларни олиб бориш жараёнидаги даромад.

4. Оператив равишда пул фондлари ишлатилиши:

- иш ҳақи тўловлари;

- дивидендларни тўланиши;

- бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлари;

- кредит ва қарзлар қайтарилиши;

- бошқалар.

5. Корхона молиявий ресурсларини мақсадли равишда йўналтириш:

- айланма маблағларни шакллантириш;

- инвестицион фаолият;

- валюта жамғармалари ва бошқаларни шакллантириш.

Корхоналарнинг молиявий ресурсларини шаклланишини қўйидаги чизма асосида (Схема № 4.1) келтириш мумкин:

Корхона фаолиятининг кейинги йилларида ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун ўз маблағларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо, бунда корхона жорий ишлаб чиқариш харажатларини қоплашдан ташқари маълум миқдорда фойда олишга ҳам эришмоғи лозим. Дастреблабки йилларда корхоналар ўз қувватлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида фойданинг аксарият қисмини ишлаб чиқаришга қайта молиялаштиришга ҳаракат қиласадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Махсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиши билан боғлиқ харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўрисидаги Низом»га мувофиқ корхоналарда молиявий маблағлар (пул маблағлари)нинг ҳосил бўлиш манбалари қўйидагилардан иборат:

- маҳсулот сотиши, иш ва хизматлар кўрсатишдан олинган пул тушуми;
- асосий фаолиятдан келган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан келган даромадлар;
- фавқулодда даромадлар.

Махсулот сотиши, иш бажариш ва хизматлар кўрсатишдан соф пул тушуми хўжалик даромадларининг асосини ташкил этади. Агар саноат хусусиятига эга маҳсулотлар сотилса, уларнинг қийматига қўшилган қиймат ёки акциз солиғи ҳам қўшилади. Бунда соф пул тушуми қўшилган қиймат ёки акциз солиғини чегириб ташлаш орқали ҳисобланади.





**Схема № 4.1. Тадбиркорлик субъектлари молиявий ресурсларининг ҳосил бўлиш манбалари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий ресурсларни шакллантириш манбаларини кенгайтириш мақсадида асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан бирга бошқа фаолият турларини ҳам олиб боришга интилади. **Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларга** қуидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномаларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари (масалан, кичик бизнес корхоналарининг бой берилган фойдасини тўлаш ёки етказилган маънавий зарарни қоплаш);
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси;
- мол-мулкни қисқа муддатга (бир йилгача) ижарага беришдан рента даромади;
- ёрдамчи тармоқлардан кўрилган даромадлар;
- тадбиркорлик субъектининг ортиқча асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар;
- даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қайта баҳолашдан кўрилган даромадлар;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланадиган молия ва қимматли қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этиб, даромад олишлари мумкин.

**Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга** қуидагилар киради:

- бошқа сармоясига улуш қўйиш натижасида келадиган даромадлар;
- акциялар бўйича дивиденdlар, облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан фоиз кўринишидаги даромадлар;
- мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадлар (лизинг тўловини олиш);
- баланс валюта моддаларининг ижобий курс фарқланиши ва сарфланган маблағларнинг қайта баҳоланишидан олинадиган даромадлар.

Айrim ҳолатларда фавқулодда ҳолатлар (сел, жала, ёнғин, ер силкиниши ва х.к.) натижасида кўрилган зарарни қоплаш юзасидан ҳам даромад олиш мумкин ва уни **фавқулодда даромадлар** деб аталади.

Аммо молиявий маблағларнинг ушбу ҳосил бўлиш манбалари ҳали субъект ихтиёрида қоладиган ҳақиқий даромад (соф фойда)ни акс эттирмайди, чунки, келгуси йилда такрор ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлган маблағ фақатгина йилнинг соф фойдаси ҳамда амортизация ажратмалари ҳисобига таъминланиши мумкин.

## **4.2. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини молиялаштириш**

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жараёнида молиявий маблағлар таъминоти биринчн навбатда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўзини-ўзи молиялашга асосланади.

Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тадбиркор жорий даврда олинган даромадидан қилинган молиявий харажатларни қоплаб, маълум микдорда фойда олиб ишлаётганлигини билдиради.

Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни назорат қилиш ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари калькуляция сметаси орқали, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергиялар учун ўрнатилган нормативлар асосида олиб борилади.

Корхона ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш талабларини амалга ошириши учун жорий харажатларни бошқариш ва тартибга солиш талаб этилади.

М.Х.Мескон ва М.Альберт «Менежмент асослари» китобининг 203-бетида харажатларни бошқариш бу харажатларни қисқартириш эмас, балки даромадларни оширадиган йўналишлар бўйича таъминлаш тадбирларидир деб қўрсатиб ўтилган. Бу тамойил компанияннг барча бўлинмаларидаги харажатларни бошқаришни ўз ичига олади.

Фирма ва компания харажатларни бошқариш орқали корхона айланма капиталини айланишини тезлаштирилади, бу корхонани даромадлилик даражасини оширишга олиб келади.

Катта корхоналарнинг пул капиталларини бошқаришда асосий ролни ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш эгаллайди.

Корхона ўзини-ўзи молиялаштириш жараёнида ўз маблағлари ҳисобига, агар ўз маблағлари етишмаса эса банк кредитидан фойдаланиб иш олиб боради. Бюджет маблағлари ва юқори ташкилотларни маблағларидан фойдаланмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ўзини-ўзи молиялаштиришнинг моҳияти корхона ички имкониятларга асосланган ҳолда ўзини-ўзи молиялашдир.

Ўзини-ўзи молиялаштириш – бу корхона пул маблағлар фондини стратегик бошқариб, капитални жамғариш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Ўзини-ўзи молиялаштириш корхонани юқори даражада капитал жамғариши ва даромадлари оширилишини таъминлайди.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни харажатларини таъминлаш тўрт шаклда амалга оширилади:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш. Бунда корхоналар такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарурӣ харажатларни ички молиявий ресурслар ҳисобига қоплаши мумкин. Унинг молиявий манбаи корхоналар фойдаси ва амортизация ва бошқа ўзига тегишли молиявий ресурслар ҳисобланиши мумкин.

2. Кредитлаш. Бунда хўжалик субъекти харажатларни муддатлилик, қайтарувчанлик, мақсадлилик ва таъминланганлик шакллари асосида банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредитлари эвазига қоплайдилар.

3. Жалб қилинган маблағларни шакллантириш. Бунда такрор ишлаб чиқариш жараёни харажатлари молиявий бозорларга қимматбаҳо қофозлар чиқариш йули билан копланиши мумкин.

4. Давлатдан молиялаштириш. Бунда барча харажатлар бюджет ва бюджетдан ташқари бошқа давлат фондлари воситасида копланади

#### **4.3. Молиявий ривожланиш стратегияси**

Молиявий стратегия—бу корхонани пул маблағлари билан таъминлаш бўйича харакатларининг бош режаси ҳисобланади. У бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича масалаларни қамраб олади. Молиявий стратегия назарияси хўжалик юритишнинг бозор шароитларини объектив қонуниятларига монанд равишда фаолият кўрсатишдаги молиявий усуллар ва шаклларини ишлаб чиқади, молиявий операцияларни юритиш ва тайерлаш стратегиясини асослаб беради.

Корхонанинг молиявий стратегияси ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- ◆ молиявий ҳолатни таҳлил қилиш;
- ◆ асосий ва айланма маблағларни оптималлаштириш,
- ◆ фойдани тақсимлашни оптималлаштириш,
- ◆ нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оптималлаштириш,
- ◆ солиқ сиёсати;
- ◆ баҳо сиёсати,
- ◆ қимматбаҳо қофозлар бўйича сиёсатни оптималлаштириш.

Юқоридагиларга асосланиб, корхонанинг молиявий стратегияси қуйидаги қисмлар бўйича тузилади:

- ◆ даромадлар ва маблағларнинг тушуми;
- ◆ харажатлар ва ажратмалар;
- ◆ бюджет билан ҳисоблашишлар;
- ◆ кредит ва банк билан муносабатлар.

Молиявий стратегия ҳар томонлама корхонанинг молиявий имкониятларини, ички ва ташқи омилларининг объектив хусусиятларини ҳисобга олади. Агар корхонанинг молиявий стратегияси маҳсулотлар бозоридаги вужудга келган шароитга ва корхонанинг молиявий-иктисодий имкониятларига жавоб бермаса бу салбий оқибатларга олиб келади.

Бош стратегик мақсадлари ва айрим стратегик вазифаларнинг бажарилиши стратегиясига (айрим стратегик мақсадларга эришишлар) қараб **бош ва тезкор молиявий стратегияни** фарқлаш лозим.

**Бош молиявий стратегия** деб бир йилга корхонанинг фаолиятини аниқлайдиган, унинг ҳамма даражадаги бюджетлар билан ўзаро муносабатларини, корхонанинг даромадини шакллантириш ва ундан фойдаланишни, молиялаштириш манбалари ва талаб микдорларини аниқлайдиган молиявий стратегияга айтилади.

Жорий даврда мавжуд молиявий ресурсларга мослашиш учун, ички заҳираларни жалб қилиш ва маблағларни фойдаланиш устидан назорат қилиш учун, баъзан эса иқтисодий ночор шароитда, молиявий стратегиялар бир чорак, ойга ёки зарур бўлганда ундан ҳам қисқа муддатга ишлаб чиқилади.

**Тезкор молиявий стратегиянинг бош молиявий стратегиядан фарки** шундаки, у барча ялпи даромадни ва маблағлар тушумларини (иш ҳақи, сотилган маҳсулотлар учун сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоблар, кредит операциялар бўйича тушумлар) ва барча ялпи чиқимларни(етказиб берувчиларга тўловлар, иш ҳақи, барча даражадаги бюджетлар ва банклардан қарзларни қоплаш) қамраб олади. Бундай тушумларнинг ва харажатларнинг таркибини синчиклаб ўрганиш режалаштирилаётган даврга пул тушумлари ва харажатлари бўйича оборотларни олдиндан аниқлашга имкон беради. Даромадлар билан харажатларнинг тенглиги ёки даромадларнинг харажатларга нисбатан ошиши нормал ҳолат ҳисобланади.

Молиянинг бош стратегик мақсади корхонани зарур ва етарли даражадаги пул ресурслари билан таъминлаш ҳисобланади. Шунинг учун бозор талабига ва корхонанинг имкониятларига мос келадиган молиявий стратегия ишлаб чиқилади ва шунинг асосида ишнинг йўналишлари ва бажарувчилари бўйича молияни ташкил қилиш вазифалари аниқланади ва тақсимланади.

Корхонанинг молиявий стратегияси бош стратегик мақсадга эришиш учун қўйидаги усусларни ва ҳаракатларни ўзига қамраб олади:

- молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни марказлашган ҳолда стратегик бошқариш;
- ечими топилиши лозим бўлган асосий молиявий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш учун корхонанинг молиявий бошқаруви томонидан заҳиралардан фойдаланишни ташкил этиш;
- мақсадларни босқичларга ажратиш ва ҳар бир босқич бўйича мақсадларни белгилаб олиш;
- молиявий ҳаракатларнинг корхонанинг моддий имкониятлари ва иқтисодий шароитига мос келиши;
- ҳар бир вақт мобайнида корхонанинг реал молиявий аҳволини ва молиявий-иқтисодий шароитини объектив ҳисобга олиш;
- стратегик заҳираларни тайерлаш ва шакллантириш;
- ўзининг ва рақобатчиларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларини ҳисобга олиш;

- рақобатчилар томонидан бўладиган бош таҳдидларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш учун асосий кучларни жалб қилиш ва молиявий операцияларнинг йўналишларини танлаш;

- рақобатчилар устидан ғалабага эришиш учун саъй-харакат қилиш.

Айрим мақсадларга эришиш стратегияси бош стратегик мақсадларни амалга оширишни таъминлашга йўналтирилган молиявий операцияларнинг бажарилишини ташкил этишга қаратилган бўлади.

Молиявий стратегиянинг вазифалари қуидагилар ҳисобланади:

- хўжалик юритишнинг бозор шароитида молиянинг шаклланишининг қонуниятини ва характеристини тадқиқ қилиш;

- ночор ва молиявий кризис ҳолати шароитида молиявий бошқарув фаолияти ва корхонанинг молиявий ресурсларини шакллантиришнинг имкониятли вариантларини тайёрлаш шартларини ишлаб чиқиш;

- етказиб берувчи ва харидорлар, барча даражадаги бюджетлар, банклар ва бошқа молиявий институтлар билан молиявий муносабатларни аниқлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлар ва айланма маблағлардан рационал фойдаланиш учун корхонанинг резервларини аниқлаш ва ресурсларини жалб қилиш;

- корхонани ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш;

- корхонанинг вақтинча бўш турган пул маблағларини максимал фойда олиш мақсадида самарали жалб қилишни таъминлаш;

- молиявий стратегияни амалга ошириш ва молиявий имкониятларни стратегик фойдаланиш усулларини аниқлаш;

- рақобатчиларнинг молиявий стратегияси қарашларини, уларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятлаврини ўрганиш, молиявий мустаҳкамликни таъминлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- кризис молиявий ҳолатда ва ночор шароитда кризисдан чиқишига тайергарлик усулларини ишлаб чиқиш.

Молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда асосий эътибор корхонанинг пул даромадларини максималлаштиришга, ички ресурсларни жалб қилишга, маҳсулотларнинг таннархини максимал даражада пасайтиришга, фойдани тўғри тақсимлаш ва фойдаланишга, айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга қаратилади.

Молиявий стратегиянинг аҳамиятли кўсми булиб ички нормативларни ишлаб чиқишидир. Масалан, фойдани тақсимлаш йўналишларини аниқлаш нормативлари. Бундай ички нормативлар ҳозирги кунда чет эл компаниялари амалиётида фойдаланилмоқда.

Молиявий стратегияда инфляциянинг тебранишлари, тўлай олмаслик рисклари ва бошқа форс-мажор (олдиндан кўзга кўринмайдиган) ҳолатлари ҳисобга олиниб, тегишли чоралар назарда тутилади. Улар ишлаб чиқариш

вазифалари билан мос келишлари керак ва зарурият туғилганда ўзгартырлади ва тұғриланади.

Молиявий стратегияни амалга ошириш устидан назорат қилиш даромадларни тушумини текширишга, ундан тежамли ва рационал фойдаланишни таъминлашга имкон беради. Яхши йулга қуйилган молиявий назорат пул оқимларини ошириш йули билан ички захираларни кенгайтиришга, хұжаликнинг рентабеллигини оширишга ёрдам беради.

Стратегик молиявий менежментнинг ўзига хос хусусияти ва мезони – бу доимий равища жамғаришни таъминлашдан иборатdir.

Стратегик молиявий менежментнинг асосий элементи – бу унинг ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлигидир. Фирмалар стратегик ривожланишни белгилашда самара бермайдиган ишларни молиялаштириш ишлари билан шуғулланмайдилар.

Стратегик молиявий менежмент воситасида самарали ривожланишга иккита асосий йүл билан эришиш мүмкін: ички ва ташқи. Ички йүл корхонанинг ўз тажрибаси ва имкониятларига сұянади. Ташқи йүл – бу бошқа самарали ишлаёттан корхоналарни ютуқ ва тажрибаларининг ишлаёттан корхонага жорий этилиши.

Молиявий менежмент молиявий қўйилмаларга, молиялаштириш жараёни ва юқори фойда олишга табақалаштирилган ҳолда ёндошади. Капитал ҳаракатини олиб бориш жараёнида корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш, тўлов қобилиятини яхшилаш ва банкротликнинг олдини олишга ҳаракат қилиш лозим. Молиявий менежментни стратегияси мақсади - доимий узок йиллар давомида фойда олишdir.

#### **4.4. Факторинг ва траст операцияларини бошқариш**

**Факторинг** – субъектлар ўртасида қарзларни ундиришда воситачилик фаолиятидир. Факторингда ўртада турувчи субъект (одатда банк) қарз берган субъектдан маълум бир комиссion тўлов эвазига қарздордан маблагни ундириш ҳуқуқини қўлга киритади. Факторинг шартномаси тузилиши билан субъект ундиrolмай турган қарзнинг аксарият қисмини факторинг субъекти (ёки банк)дан қўлга киритади. Сўнгра факторинг субъекти дебитор субъектга қарзни ундириш бўйича даъво қўзғатади.

Факторинг операциялари кредитнинг кичик бизнес субъектлари учун қулай шаклларидан биридир. Ўз хусусиятига кўра, уни кредитнинг билвосита шакли деб ҳам аташ мүмкин.

Банк томонидан мижозларга факторинг хизмати кўрсатишнинг асосий мазмуни мижозларнинг дебитор ҳисобларини инкассолаш ва бошқа иқтисодий субъектлардан улар учун тўловларни ундириб олишдан иборат бўлиб, банк бундай хизматни икки хил йўл билан амалга ошириши мүмкин.

Биринчисида банк мижоз учун тўловни унинг қарздоридан ундирилишида воситачи бўлиб майдонга чиқади ва бу мижознинг ўз қарздори билан тузган хўжалик шартномасида қайд этилган бўлади.

Иккинчи ҳолда банк мижоздан унинг тўловни талаб қилиш хуқукини берувчи ҳужжатни сотиб олади (тегишли равишда дисконтланган ҳолда) ва тўловни тўловчидан мустақил равишда ундиради. Иккинчи ҳол ўз мазмуни бўйича мижоз банк кредитидан фойдаланаётганилигини билдиради.

Факторинг хизматлари кўрсатилганда банк мижоздан комиссион ҳақ ёки факторинг кредити бўйича фоиз олиши мумкин. Факторинг кредити бўйича фоиз ставкалари қайта молиялаш ставкаларидан юқорироқ бўлгани маъкул, чунки факторинг операцияларининг таваккалчилик даражаси анча юқори ҳисобланади.

Факторинг хизматлари кўрсатиш банк мижоз билан ўзаро шартнома тузади. Шартномада бевосита факторингдан ташқари у билан боғлиқ бошқа қатор хизматлар кўрсатилиши ҳақида ҳам шартлашиб олиш мумкин:

- мижоздаги дебитор қарзлари бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- мижозга хўжалик шартномалари тузиш, тўловларни ўз вақтида ундириш, ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш бўйича маслаҳатлар бериш;
- мижозни бозор ва ундаги баҳолар ҳакида, потенциал харидорларнинг тўлов қобилияти ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш ва бошқа хизматлар.

Шартномада факторинг тури, факторинг кредити ҳажми ва фоизлари, воситачилик ҳақи, ўзаро мажбуриятларнинг адо этилиши кафолатлари ва мажбуриятларни бажармаганлик учун моддий жавобгарлик, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва бошқа жиҳатлар батафсил баён этилиши лозим.

Факторинг шартномаси тузишдан олдин банк мижознинг молиявий аҳволини синчиклаб ўрганади: баланс ликвидлиги кўрсаткичлари, дебитор қарзлари таркиби ва муддатлари таҳлил қилинади, корхона маҳсулотини сотиш имкониятлари, бозор конъюнктураси, харидорларнинг тўлов қобилияти аниқлаб олинади. Факторинг шартномаси суммасини белгилашда мижознинг харидорлар билан хўжалик шартномаларига асосланиш мақсадга мувофиқдир.

Банкнинг мижозлардан бошқа эмитентлар векселларини сотиб олиши (векселларни ҳисобга олиш) ҳам ўз мазмунига кўра факторинг операциясидир. Чунки бунда банк вексел бўйича тўловни ундиришни ўз зиммасига олади.

Тижорат банкларининг асосий молиявий хизмат турларидан яна бири - **траст операцияларидир.**

Маълумки, ҳар бир кредит муассасаси амалга оширадиган операцияларнинг тури ва таркиби кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Банкнинг ҳажми ва стратегияси, шўйбалараро алоқаларининг ривожланганлиги, керакли барча рухсатномаларнинг мавжудлиги, қўшимча даромад олишга бўлган интилиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу жиҳатдан олиб

қараганда, күп банклар асосий операциялар билан бир қаторда, бошқа операциялар деб номланадиган операцияларни хам амалга оширадилар. Ушбу операциялар қаторидан траст операциялари бевосита салмоқли ўрин эгаллади.

Траст операциялари – бу мижозга тегишли бўлган ва бошқа активларни бошқариш бўйича олиб бориладиган операциялардир. Ҳозирги пайтда банкларнинг ўз мижозлари ва бозор ўртасида тўла ҳуқуқли воситачи агент сифатида иш олиб бориши, натижада бир қатор даромад манбаларини қўлга киритиши боис траст операциялари анча муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Траст туфайли банк бир қанча имкониятларга эга бўлади:

- қўшимча маблағларни қўлга киритади ва уларни ўз манфаати йўлида тасарруф этади;
- траст шартномаси бўйича комиссия даромадларига ёки тасарруфдаги қимматбаҳо коғозлардан келадиган фойдадан ҳиссага эга бўлади;
- ўзга капитал билан иш олиб бориши давомида банк фақатгина траст шартномаси чегараларида жавобгар бўлади;
- траст операцияларининг ҳисоби банкнинг баланс ҳисобварағига таъсир кўрсатмайди, аммо улардан келадиган даромад банкнинг умумий даромадига қўшилиб кетади.

Траст шартномасини тузишдан асосий мақсад – бу бир тарафнинг иккинчи тараф фойдасини кўзлаган ҳолда маълум бир мулкни (пул маблағлари, қимматбаҳо коғозлар, мулкий ва бошқа ҳуқуқлар) бошқариш вазифасини ўз зиммасига олиши бўйича икки тарафлама ишонч муносабатларини ўрнатишдан иборат.

Трастнинг обьекти сифатида қонун талабларига жавоб берадиган ҳар қандай турдаги, шу жумладан, гаровга қўйилган мулклар олиниши мумкин. Яъни, бу корхоналар ва уларнинг активлари, маҳсулотлар, ер майдонлари, кўчмас мулк, пул маблағлари, қимматбаҳо коғозлар, валюта ва моддий бойликлари, мулкий ҳуқуқлар бўлиши мумкин.

Траст операциялари бўйича муносабатлар муассис ва мулк эгаси томонидан тузиладиган шартноманинг имзоланишидан сўнг бошланади. Траст операцияларини бошқариш активларга эгалик қилишнинг барча ёки айрим томонларини ўз ичига олиши мумкин. Яъни:

- сақлаш;
- ишончли шахснинг манфаатини қўзлаб чиқиш (хиссадорлар мажлиси, ссуда ва хоказо);
- даромад ва инвестициялаш фаолиятини бошқариш;
- активлар олди-сотдиси;
- коғозларни жалб қилиш ва тўлаш, қимматбаҳо коғозлар чиқариш ва жойлаштириш;
- юридик шахснинг ташкил этилиши, кайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ расмиятчиликларни амалга ошириш;

- мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказилиши (совға, мерос, ҳадя ва б. сифатида);
- мижознинг шахсий банк ҳисоб рақамини, касса ва молиявий хўжалик ишларини юритиш хамда мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- корхонанинг кайта ташкил этилиши ёки банкротликка учраши чиқаида чиқаинчалик бошқарувни ўз қўлига олиши ва бошқалар.

Жаҳон амалиётида одатда, банк траст операциялари уч турга бўлинади:

1. Жисмоний шахсларга кўрсатиладиган траст хизматлари.
2. Тижорат корхоналарига кўрсатиладиган траст хизматлари.
3. Нотижорат ташкилотларга кўрсатиладиган траст хизматлари.

Жисмоний шахсларга кўрсатиладиган траст хизматлари чет эл банклари томонидан кенг такдим этилади. Улар шахсий мулкни бошқариш, воситачилик, ўз таъминотига олиш ва бошқалардир.

Мерос бўйича ташкил этиладиган трастлар „мерос трастлари“ дейилади ва фақатгина мулк эгасининг вафотидан сўнг кучга киради. Жисмоний шахслар шунингдек, хаёт давомидаги трастларни ташкил этиши мумкин. Бунда траст мулк эгасининг хаётлигига ҳам ишлайверади. Мерос трастлари кўпинча мулк эгасининг ўз мулкини траст шаклида бўлиб бериш нияти пайдо бўлган пайтларда ташкил этилади.

Бундан ташқари, банк оталиқ вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бу борада банк активларининг жамланиши ва сақланиши, барча даъволар бўйича жавоб бериш, керакли қарз ва мерос тўловларини амалга ошириш ишларини ўз зиммасига олади.

Шахсий траст хизматларининг яна бир тури бу „хусусий агентлик ҳисобварағи“ни олиб бориш ҳисобланади. Унга асосан банк агент сифатида жисмоний шахснинг асосий активлари, молиявий ишларини бошқариш ва кунлик харажатларини амалга ошириш ишларини ўз зиммасига олади.

Бунда банк жисмоний шахс учун маош олиши, фоиз ёки дивидендлар олиши ва тўлаши, аренда ва карз мажбуриятларини, шахсий харажатларни тўлаш ишларини амалга ошириши мумкин. Трастнинг ушбу турида банк ходимлари керак бўлганда ўз иродаларига мувофиқ иш юритишлари мумкин. Унда бу траст „бошқариш ҳуқуқига эга ишонч счёти“ деб номланади.

Тижорат корхоналарига кўрсатиладиган траст хизматларини икки турга ажратиш мумкин: агентлик ва кафиллик.

Агентлик трастларига, асосан, банк фирманинг хусусий агенти сифатида иш юритиб, кўпинча мижоз манфаатини қўзлаган ҳолда қимматбаҳо коғозларни чиқаради, улар бўйича дивидендлар тўлайди ҳамда ҳиссадорларнинг талабларига асосан, уларни қайтадан молиялаштиради ва муддати келган мажбуриятлар бўйича қарзини узади.

Кафиллик операциялари бўйича эса трастлар, асосан, катта компанияларнинг таъминланмаган маблағлари сотиладиган тижорат коғозлар бозорининг ишлаши билан боғлик. Банклардаги траст бўлимлари тижорат

коғозларни сотиб олиш бўйича ҳисобни юритади, реализация килинадиган қимматли қоғозларни инвесторларга етказиб беришни таъминлаш ҳамда муддати келган қимматли қоғозларнинг эгаларига қайтариш ишларини бажаради.

Хозирда жаҳон микёсида нотижорат ташкилотларга кўрсатиладиган траст операцияларига бўлган рақобат кучайиб бормоқда. Улар қаторига асосан пенсия, корпоратив ва ҳукумат фондлари киради. Траст бўлимлари худди шу ташкилотларнинг фондларини бошқаришга интилади. Бу жараён тўғридан тўғри ва дискремион шаклларда амалга оширилиши мумкин. Тўғридан тўғри агент трастга ишонч тариқасида топширилган шахсий мулкнинг ҳамда улар бўйича ҳисботларни юритилиши учун жавоб беради. Дискремион агент эса аксинча, инвестицион қарорлар қабул қиласи ва аксарият ҳолларда ўзининг хоҳиш-иродасига қараб иш олиб боради.

Траст фаолиятининг энг асосий масалаларидан бири – тижорат банклари мижозларининг қимматли қоғозлари портфелини бошқаришдан иборат. Катта-катта компаниялар, пенсия фондлари, ўзларининг маблағларини тижорат банкларига ишониб топширади. Ушбу катта компаниялар бўйича банкларга катъий қоидалар ўрнатилади. Унга банклар резервларини ишончлилик, диверсификация, қайтариб беришлик, фойдалилик ва ликвидлилик принципларига амал қилган ҳолда жойлаштиради.

Ғарбдаги кўплаб банкирлар траст бўлимларини „дунёning бошқа бир қисми“ сифатида кўрадилар. Бундан асосий мақсад траст хизматларини оддий банк ишидан ажратиб олишдир. Чунки траст бўлимининг ходимлари ўз мижозларининг манфаатларини кўзлайди, банкнинг манфаати билан мижознинг манфаати аксарият ҳолларда бир-бирига мос хам келмайди. Лекин шунга қарамасдан, траст бўлимлари ўзининг фаолияти билан банкка катта миқдорда қўшимча даромад келтиради.

Траст бўлимининг даромадлари бевосита ва билвосита даромад шаклида 2 га бўлинади:

- бевосита даромодлар асосан хизмат учун гонорар ва комиссия тўловларидан иборат бўлади;
- билвосита даромадларга эса – хизмат учун тўланадиган катъий ёки ўзгарувчан фоиз ставкалари ҳамда траст активларининг ҳажми ва қийматига боғлик равища белгиланадиган комиссия тўловлари киради.

#### **4.5. Лизинг операциялари. Молиявий лизинг**

«Лизинг» сўзи инглизча бўлиб, «Lease» феълидан келиб чиқкан ва таҳминан, «мулкни ижарага бериш» ёки «мулкни ижарага олиш» маънолари ифодасини билдиради. Баъзи манбаларда таъкидланишича, машина, жиҳоз,

транспорт воситалари ва бошқа ишлаб чиқаришга тааллуқли ҳаракатланувчи мулкни узоқ муддатли ижарага олишдир<sup>4</sup>.

Бир қатор маҳсус адабиётларда ҳам шунга яқин таъриф берилади, уларнинг муаллифлари, лизинг бизнесига хос ижара муносабатларининг узоқ муддатлигини таъкидлайдилар<sup>5</sup>. Бироқ ўз моҳиятига кўра, бу муносабатларнинг кредит хусусиятига эга бўлган табиатини кўпинча инкор этадилар. Кўпчилик муаллифлар лизингнинг моҳиятини очиб берувчи ўзига хос хусусиятларни назардан четда қолдирадилар. Маълумки, лизинг оддий ижара эмас, балки бу — унинг ўзига хос — кредитга яқинлаштирувчи хосса. Ижарадан фарқли ўлароқ унда, қоидага кўра, учта ва ундан ортиқ субъект қатнашади: ускуналарни етказиб берувчи, лизинг (молия) компаниялари ва фойдаланувчилар.

Иқтисодчилар орасида, «лизинг — ижара ҳақидаги оддий кенгайтирилган битим» ёки «ижара бутун муддати мобайнида ижарага оловчининг мулкка эгалик хуқуқи сақланган ижара шартномаси» ёки «лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури»<sup>6</sup> деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд.

Лизинг моҳиятини қуидаги ибора билан орқали ифода этсак бўлади: “Бойик, мол-мулкка эгалик қилишдан эмас, балки ундан фойдаланишдан иборат бўлади”. Мазкур жумла лизингнинг асосий ғоясини тўлиқ намоён этади. Корхона ёки тадбиркорга ишлаш ва даромад топиш учун мол-мулкка эгалик қилиш шарт эмас, балки муаян муддат давомида ундан фойдаланишнинг ўзи кифоядир. Бу айниқса асбоб-ускунани мул қилиб сотиб олиш молиявий имкониятлар чекланган корхоналар учун муҳимдир. Лизинг механизми бундай корхоналарга асбоб-ускунадан муаян муддат давомида мақбул миқдордаги лизинг тўловлари эвазига фойдаланиш хуқуқини қўлга киритиш имкониятини беради. Шунингдек, ушбу асбоб-ускунадан фойдаланиш муддати тугагандан сўнг уни корхонананинг мулкига ўтказиш имконияти ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизингга қуидагича таъриф берилган: «Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг оловчининг) топшириғига биноан учинчи

<sup>4</sup> Кредиты. Инвестиции — Москва, «Приор» 1994, — 144, — VIII — Л.О. 97-107 б.

<sup>5</sup> Бланк И. А. Инвестиционный менеджмент — Киев, МП «ITEM» ЛТД, «Юнайтед Лондон Трейд Лимитед», 1995 — 448 б. Л-408 с; Марков О. М., Сахарова Л.С., Сидоров В. Н. Коммерческие банки и их операции: Учебное пособие. — М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995. — 65-75 б; Ричард Брейди, Споарт Майерс. Принципы корпоративных финансов: Б 87. Пер. с англ. — М.: ЗАО «Олимп — Бизнес», 1997. — 1120 б. Л 715-732 б; Букато В. И., Львов Ю. И. Банки и банковские операции в России\Под ред. М. Х. Лапидуса. — М.: Финансы и статистика, 1996., 226-332 б.; Российская банковская энциклопедия. Редколлегия: О. И. Лаврушки и др. М.: Энциклопедическая творческая Ассоциация, 1995, 227 б.

<sup>6</sup> Ричард Брейли, Стоарт Майерс. Принципы корпоративных финансов: Б 87. Пер с англ. — М.: ЗАО «Олимп — Бизнес», 1997. — 1120 б. Л. 715-732 б; Козлова Е. П. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. — М.: Финансы и статистика. 1996. — 432 б.; Банки и банковские операции: Учебник для ВУЗов\Е. Ф. Жуков, — М.: Банки и биржи «ЮНИТИ», 1997.; Европейская федерация национальных ассоциаций по лизингу оборудования (Leaseurope).

тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Лизинг шартномаси одатда лизинг объектиниг ижарачи томонидан ижара муддати сўнгида бутунлай сотиб олинишини назарда тутади ва тўла берилган ижара суммалари объект баҳосининг тўланган қисми деб қабул қилинади. Лизинг обьекти ижарачи томонидан сотиб олинишини назарда тутмайдиган ижара оператив лизинг деб аталади ҳамда у кўпинча қисқа муддатли (бир йилгача) бўлади. Лизинг обьекти ижарачи ихтиёрида бутунлай қолиши эса **молиявий лизинг** деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизиннинг икки тури, яъни молиявий ва оператив турлари белгиланган. 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ лизингни молиявий тури қолдирилди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан молиявий лизингда қўйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг лизинг обьекти лизингга олувчи ихтиёрида қолиши лозим;
- лизинг шартномасининг муддати лизинг объектиниг хизмат муддатини 80 фоизидан ошадиган муддатни ёки шартнома муддатини тугашига лизинг обьектиниг қолдиқ қиймати бирламчи қийматининг 20 фоиздан оз миқдорни ташкил этиши керақ;
- лизинг шартномасининг муддати тугаши билан лизингга олувчи лизинг обьектини сотиш кунидаги бозор баҳосидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим;
- шартноманинг амал қилиш даврида амалга оширилган лизинг тўловларининг умумий ҳажми лизинг обьекти қийматининг 90 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этган бўлиши лозим .

Мазкур шартларларнинг биттаси бажарилмаган тақдирда лизинг тури оператив лизинг бўлади.

Оператив лизинг учун одатда қўйидаги белгилар хос бўлади:

- ижара муддати ижарага берилаётган мулкнинг тўла жисмоний эскириши даврини қамраб олмайди;
- мулк бузилиши ёки йўқотилиши таваккалчилиги ижарага берувчи зиммасида қолади;
- ижара муддати тугагандан сўнг мулк бошқа ижарачига ижарага берилади ёки бутунлай сотиб юборилади.

Бир йилгача муддатга ижарани билдирувчи лизинг рентинг деб аталади, бир йилдан уч йилгача муддатга эса хайринг деб номланади. Бундай

операциялар билан банклар деярли шуғулланмайдилар, улар ихтисослашган лизинг компаниялари учун хос.

Мулкни унинг ҳақи қисмларига бўлиб турадиган тарзда сотиб олиш ёки ижарага олиб фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан маъқулроқ бўлган ҳолларда лизинг хизматларига мурожаат қилинади. Ижараби мулкдан амалда ўзига тегишли мулк каби фойдаланади, лекин юридик жиҳатдан мулкнинг қонуний эгаси деб лизинг берувчи ҳисобланади. Лизинг оловчи (ижараби) лизинг бўйича харажатларни тўла-тўқис таннархга қўшади ва шу орқали ўзининг молиявий таваккалчилигини анча камайтиради.

Банклар асосан **молиявий лизинг** билан шуғулланишни маъқул кўрадилар. Молиявий лизинг хизмат қўрсатиш билан биргалиқдаги лизинг, ловериж-лизинг ва "пакет" таркибида лизинг каби турларга бўлинади. Хизмат қўрсатиш билан биргалиқдаги лизингда молиявий лизинг билан биргалиқда ижарага берилаётган мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ қўшимча хизматлар қўрсатилиши ҳақида ҳам шартнома тузилади. Ловериж-лизингда топширилаётган мулкнинг бир қисми банқдан, иккинчи қисми (кўпроги) учинчи томондан ижарага олинади. "Пакет" таркибидаги лизингда бино ва иншоотларни корхона кредит ҳисобига сотиб олади, ускуна эса корхонага лизинг шартлари билан топширилади.

Ижарадаги мулк эксплуатацияси билан боғлиқ харажатлар, ижараби зиммасига юкланадиган лизинг муносабатлари соф лизинг, бу мулкка техникавий хизмат қўрсатиш ижарага берувчи зиммасида бўлган лизинг эса тўла лизинг деб аталади.

Ўз мазмунига кўра лизинг кредит битимиdir. Ижараби лизинг обьектида мужассамлашган қийматни қайтариб бериш, муддатлилик ва ҳақ тўлаш шартлари билан вақтинча фойдаланиш учун банқдан қарзга олади.

Лизинг ўзининг ташки шакли бўйича ижара кўринишида бўлса ҳам, мазмuni бўйича ундан муҳим равишда фарқланади. Лизинг оловчи ижараби каби мулкни узоқ муддатли фойдаланиш учун олади. Шу билан бирга лизинг оловчига мулкка эгалик ҳуқуки билан боғлиқ мажбуриятлар ҳам юкланади: мулкнинг қийматини тўлаш, мулк тасодифан нобуд бўлиши талофатларини қоплаш, мулкни суғурталаш, техникавий хизмат қўрсатиш, таъмирлаш. Бироқ, молиявий лизинг муносабатлари тугагунга қадар лизинг берувчи мулкнинг эгаси бўлиб қолаверади.

Лизинг обьекти нобуд бўлиши ёки обьектдан фойдаланиш имкоиияти йўқлиги лизинг оловчини қарзни тўла равишда тўлаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Лизинг оловчи ижарабидан фарқли равишда мулкнинг бутун қийматини тўлаб беради.

Лизинг обьектида нуқсонлар аниқланган ҳолларда лизинг берувчи кафолат мажбуриятларидан озод ҳисобланиб, лизинг оловчи барча даъволарни обьектни етказиб берувчи (сотувчи) га йўналтирилиши лозим.

Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган лизинг операцияларининг асосий тури соф молиявий лизинг, яъни ижарадаги мулкка

хизмат кўрсатиши харажатлари тўласича ижарачига юкланган ва ижара муддати давомида мулк қиймати тўла тўлаб бериладиган лизингдир. Соғ молиявий лизингда ижара муддати ижара объектиning иқтисодий ҳаёт муддатига мувофиқ келади. Ушбу жараёнда банк молияловчи вазифасини ижро этади.

Банк билан ижарачи ўртасидаги муносабатлар улар ўртасида тузиладиган лизинг шартномасида расмийлаштирилади. Шартномада банкнинг лизингдаги мулқдан ижарачи томонидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни текшириш ҳуқуки қайд этилади. Шартномага биноан, лизингдаги мулқдан мақсадга мувофиқ келмайдиган йўналишда фойдаланилганда, нотўғри фойдаланиш натижасида унинг ҳолати ёмонлашганда, мулк йўқотилган ёки нобуд бўлган тақдирда банк лизинг шартномасини бекор қила олади. Ижара ҳаки тўловлари узок муддатга кечикирилганда ҳам банк томонидан шартномани бекор қилиниши ҳуқуки назарда тутилиши мумкин. Шартномада шартнома ижарачининг айби билан бекор қилинган ҳолларда ижарачи томонидан банкка ижара битимининг тўлиқ суммасидан кам бўлмаган миқдорда товон тўланиши (шу жумладан муайян миқдорда жарима ҳам) келишиб олинган бўлиши керак.

Ижарачи банкрот бўлган ҳолда мулк банкка қайтариб олиниши ҳамда лизинг шартномаси бекор қилинишидан банк талофотлари ижарачидан тўлаундирилиши лозим.

Ўзбекистонда лизинг муносабатларини кенг йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. 1995 йилда устав фонди 4,0 млн. АҚШ долларидан иборат "Ўзбеклизинг Интернешнл АЖ" қўшма лизинг компанияси (кейинчалик 2001 й. да 10,0 млн. АҚШ долл.га оширилди), 1996 йилда "Банклизинг" универсал лизинг компанияси (Устав фонди 200 млн. сўм), 1997 йилда устав фонди 5,0 млн. АҚШ долларидан иборат "УзКейсАгролизинг" қишлоқ хўжалик лизинг компанияси, устав фонди 24,5 млн. АҚШ долларидан иборат "Ўзавиализинг" акциядорлик-лизинг компанияси, устав фонди 1,5 млрд. сўмдан иборат "Ўзмед-лизинг" очик акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниялари ташкил этилган.

Бундан ташқари, лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2011 йилда "Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинган.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Корхоналар молиявий ресурслари таркибига нималар киради?
2. Корхона ўз маблағлари таркибига қандай маблағлар киради?
3. Молиявий ривожланиш стратегиясини изоҳланг.
4. Факторинг операцияси нима?

## **V БОБ. КОРХОНАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ**

### **5.1. Банк кредитининг моҳияти ва асосий тамойиллари**

Бозор иқтисодиёти шароитида банк кредити ссуда капитали ҳаракатланишини шаклидир. Кредит воситасида ахолининг, корхоналарнинг ва давлатнинг бўш пул маблағлари банк ихтиёрида тўпланади ҳамда муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун хўжалик юритиш субъектларига берилади.

*Кредит* (лот. Creditum - қарз, credo - ишонаман) – пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш. Кредитнинг моҳиятини янада мукамалроқ ёритишида унинг баъзи муҳим томонларига этибор берамиз. қарзга маблағ берувчи томон кредитор (давлат, банк, субъект, хусусий шахс ва б.), қарз олувчи томон эса дебитор дейилади. Кредит келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади. Кредит муомаласи – қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир. Лекин ҳар қандай қарз муносабати ҳам кредит бўла олмайди. Кредит муносабатида олинган маблағ қайтариб берилиши, фойдаланилгани учун ҳақ (келишилган фоизда) тўланиши, муддатли, маълум товар ва номоддий активлар билан таъминланган бўлиши, мақсадли ишлатилиши шарт.

Жисмоний кўринишдаги капиталнинг тармоқдан тармоқга ўтиш имкониятлари жуда чекланган. Лекин иқтисодиётда ҳар доим иқтисодии ресурсларни, энг аввало капитални тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити адо этади.

Баик кредити воситасида молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва корхоналар ўртасида бозор механизmlари асосида тақсимланади. Кредитни белгиланган муддат давомида қайtариш ва кредитдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан улар юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдаланишга мажбур этади. Шундай қилиб, кредит иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, уни ижтимоий эҳтиёжлар таркибига мослаштириш, иқтисодиёт самарадорлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Банк кредитининг муҳим вазифаларидан бири ишлаб турган корхоналар маблағлари доиравий айланиши узлуксизлигини таъминлаш бўлиб, бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади. Қисқа муддатли кредит корхона ишлаб чиқариш заҳираларини тўлдиришга, товар-моддий бойликлари сотиб олишга, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш жараёнида вужудта келтан маблағлар вақтинча етишмовчилигини тўлдиришга ва бошқа шу каби мақсадларга йўналтирилади.

Банк кредити корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши туфайли миллий иқтигодиётда фойданиш капиталлашуви жараёнини тезлаштиради.

Банк кредити мамлакатда пул массаси ҳажми ва таркибига, тўлов оборотига, пул муомаласи тезлигига жуда кучли таъсир кўрсатади. Банклар векселлар, облигациялар, сертификатлар ва бошқа муддатли мажбуриятли қимматли қоғозлар чиқариш орқали кредит пуллари вужудга келтирадилар. Берилган кредит маблағлари билан бир қаторда кредит пуллари ҳам мамлакатда жами штабга таъсир кўрсатади ва жами миллий маҳсулот сотилишини тезлаштирилади.

Банк кредити бозори давлат томонидан тартибга солинади. Кредитлаш тартиб- қоидаларни ўз вақтида ваколатлари доирасида Марказий банк белгилайди.

Муайян тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланиши рағбатлантириш мақсадларида қарз олувчилар турли групкаларига давлат кафолаглари ва имтиёзларп жорий этилади. Кредитдан мамлакат экспорт потенциаллини юксалтириш, уй-жой қурилиши, капитал қўйилмаларни рағбатлантириш, алоҳида тармоқларни жадал ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Таъминланганлигига қараб банк кредитлари *гаровли, кафолатли ва сугурталанган* кредитларга бўлинади. Таъминланиши талаб этилмасдан берилган кредитлар ишонч (бланк) кредити деб аталади.

Банклар томонидан кредит бериш **муддатлилик, қайтаришлиқ, тўловлилиқ ва таъминланганлик тамойиллари** асосида амалга оширилади.

**Муддатлилик тамойили** шуни билдирадики, кредит берувчидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб бериш муддати уларни қандай муддатларда берилганлиги билан ҳарактерланади. Мана шу тамойилга асосланиб, кредитлар сўндириш муддатига кўра, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларга ажратилади.

**Қисқа муддатли кредитлар**, одатда, субъектнинг жорий фаолиятини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида, нисбатан юқори фоизларда ва бир йилгача муддатда қайтариш шарти билан берилади.

**Ўрта муддатли кредитлар** 1 йилдан 5 йилгача муддатга, ишлаб чиқариш хусусиятига кўра, сарфланган инвестицияларни шу муддат ичида тўла қоплаш имконига эга бўлган соҳаларга берилади. Мазкур кредитларга бўлган эҳтиёж ишлаб чиқариш даврийлигининг ўзига хос хусусиятлари ва битимлар (шартномалар)дан юзага келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Ўрта муддатли кредитнинг амал қилиш муддати 5 йилдан ошмаслиги лозим.

**Узоқ муддатли кредитлар** 5 йилдан кўп муддатга, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун, одатда, ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш мақсадларига берилади.

Кредитлашнинг муддатлилиги икки томонлама ҳусусиятга эга. Биринчидан, кредитнинг моҳияти вақтинча фойдаланишга берилган маблағларнинг қайтарилишини билдирибгина қолмай, балки улар қайтариладиган аниқ муддатларнинг белгиланишини ҳам тақоза этади.

Муддатлилилик кредитга берилган маблағ қайтарилиши таъминланишининг зарурий воситасидир. Кредит қатъий белгиланган муддатда қайтарилиши лозим. Кредитнинг қайтарилиши муддати кечикирилиши кредитнинг моҳияти бузилганлигини билдиради. Муддатида қайтарилмаган кредит пул муомаласига салбий таъсир кўрсатади, чунки у муомалада товар таъминотига эга бўлмаган пул мавжудлигини билдиради. Кредитга берилган пул маблағи банкка қайтиб келмаслиги туфайли шу кредит ресурсларидан бошқа хўжалик юритиш субъектлари маҳрум этиладилар. Тижорат банкининг ликвидлиги ёмонлашади. Булардан ташқари қарздорнинг ўзи ҳам банқдан янги кредитлар олиш имкониятидан маҳрум бўлади ва кечикирилган кредит учун оширилган фоизлар тўлашга мажбур бўлади.

**Қайтаришлиқ тамойили** қарздорнинг кредитни тўлиқ ҳажмда кредиторга қайтарилиши бўйича жавобгарлигини англаради. Қайтаришлиқ тамойилининг асосида банклар берган кредитларни қайтарилишининг иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги ва маблағларни узлуксиз доиравий айланиши ётади. Кредитнинг муддатлилик тамойили қайтаришлиқ тамойили билан узвий боғлиқ.

Кредит иқтисодий муносабатларнинг белгиланган тизими сифатида бошқа пулли муносабатлардан фарқ қиласи. Бунда пулнинг харажати қайтариб бериш шарти билан амалга ошади.

**Тўловлилиқ тамойили** қарздор банкка кредитдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаши лозимлигини билдиради. Тўланадиган ҳақ кредит суммасига нисбатан фоизда белгиланади. Банк амалиётида йиллик (кредитдан бир йил фойдаланганлик учун фоиз даражаси) фоизлар қўлланади. Кредит учун фоиз даражаси ўз моҳиятига кўра кредитнинг баҳосидир. Бозор иқтисодиёти шароитида қарзга берилаётгай маблағ ўзига хос товарга айланади. Бу товарнинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, унинг ўзи эмас балки ундан фойдаланиш имконияти (хуқуқи) сотилади ва бунинг учун фоиз кўринишида ҳақ тўланади.

Кредитнинг тўловлилиги қарз олувчиларни имкони борича ўз маблағларидан фойдаланишга мажбур қиласи. Олинган фоиз воситасида банк ўз харажатларини қоплаш ва жалб этилган маблағлар эгаларига фоиз тўлаш имкониятига эга бўлади.

Банк кредити учун фоизнинг номинал ва реал даражасини фарқлаш лозим. Фоизнинг реал даражаси унинг номинал даражасидан инфляция суръатларини чегириб ташлаб аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фоиз даражалари асосан қўйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- а) кредит бозоридаги талаб ва таклиф;
- б) кредитнинг муддати (узоқ муддатли кредитларда таваккалчилик юқори, шунинг учун фоизлар ҳам юқори) ва кредитланаётган соҳадаги иқтисодий хатар даражаси;
- в) Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражаси;
- г) инфляция суръатлари.

**Таъминланганлик тамойили,** кредитлаш шартларига кўра, қарздор кредиторга кредитни қайтариш кафолатини таъминлаши лозимлигидан келиб чиқади. Чунки, қарздор кредитни қайтаришдан бош тортганда, кредитор қарздорнинг (ёки унга кафолат, кафиллик берган юридик шахснинг) молмулкидан тегишли миқдордаги маблағларни ўз тасарруфига олиш имкониятига эга бўлиши керак. Банклар ўzlари билан доимий алоқада бўлган, банкнинг ҳисоб рақамида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, бу таъминот турларини талаб қилмай, бланкали (ишончли) кредит беришлари мумкин. Шуни алоҳида такидлаш лозимки, кредитнинг бош тамойили унинг мақсадга йўналтирилишидир. Бунда аниқ хўжалик жараёнларининг кредит билан боғлиқлиги таъминланади. Кредитлар бизнес-режа асосида берилади. Кредитларнинг берилиши ва ресурсларнинг режали тақсимланишида таъминланганлик тамойили муҳим ўрин тутади. Қисқа муддатли кредитларнинг амал қилиш муддати 12 ойдан ошмайдиган ссуда бўлиб, уни муддатининг узайтирилиши кредитланаётган тадбирларни утказиш муддати, уларнинг қопланиши ва бошқа шартлардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Қисқа муддатли ссудалар кредитларнинг бошқа турларига нисбатан ликвидлироқ ҳисобланади.

Кредитлаш жараёнида банк билан қарздорларнинг ўзаро муносабатлари ўз ичига қўйидагиларни олади:

- қарз олувчининг ўз маблағларини ҳам қарз йўналтирилаётган хўжалик тадбирларида иштирок этиши, бу иштирокнинг тартиби ва даражасини аниқлаб олиш. Бозор иқтисодити шароитида қарз олувчи ўз маблағларининг кредит йўналтирилаётган тадбирларда иштироки қатий белгилаб қўйилган эмас. Бироқ, банк мижознинг кредит кобилиятини аниқлаш орқали унинг ўз маблағлари билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда кредит беради;

- кредитни аниқ мақсадга берилиши. Кредит банк томонидан корхонага аниқ мақсадларга ишлатиш учун берилади. Бу мақсадлар корхона тақдим этадиган бизнес-режада ўз ифодасини топади. Банк кредитнинг мақсадли ишлатилишини текшириб боради. Бозор муносабатлари чуқурлашуви билан хўжалик объектларини кредитлашдан хўжалик субъектларини, уларнинг тўлов оборотидаги ўзгаришларни кредитлашга ўтиб борилади;

- кредитлаш методлари. Бу кредитнинг берилиши ва қайтарилиши усуслариидир. Тижорат банкларида кредитлашнинг икки хил методи қўлланилади. Биринчисида кредит муайян мақсадга ва муайян муддатга берилади (кредит линияси очмасдан). Иккинчи методда банк томонидан

белгилаб қўйилган лимитдан ортмаган ҳолда кредитлаш амалга оширилади, қарздорнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда муайян давр мобайнида унинг билан кредит шартномасида келишилган мақсадлар учун тўлов ҳужжатлари банк томонидан кредит ҳисобидан тўлаб берилади (кредит линияси очиш);

- ссуда ҳисоблари шакллари кредитлаш методларига боғлиқ равишда танлаб олинади. Махсус ссуда ҳисобидан мижознинг тўлов ҳужжатлари мунтазам тўлаб борилади ва айни вақтда корхонанинг маҳсулот сотишдан тушумлари ҳам тўла равишда шу ҳисобдаги қарзни сўндиришга йўналтирилади (Ўзбекистонда бу ҳисоб ҳозирда қўлланилмайди). Алоҳида (оддий) ссуда ҳисобидан бир марталик кредитлар берилади. Қарзни қайтариш мижознинг ҳисоб-китоб (депозит) ҳисобидан амалга оширилади. Банк ишончли мижозларни конгокоррент ва овердрафт ҳисобларидан кредитлаши мумкин.

## **5.2. Кредит олиш тартиби, гаров ва кафолат**

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан хўжалик юритиш субъектларини кредитлаш, қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъмииланганлик, муддатлилик ва мақсадга мувофиқ ишлатиш шартлари асосида амалга оширилади.

Қайтариш муддати етиб келмаган кредитлар муддатли кредитлар дейилади. Кредит шартномасида белгиланган қайтариш муддати тугаган кредитлар муддати ўтган кредитлар деб аталади. Қайтариш муддатини кейинроқ муддатга кўчириш ҳақида қарор қабул қилинган кродпвлар кечикирилган кредитларни ташкил этади.

Қисқа муддатли кредитлар одатда хўжалик юритишининг жорий эҳтиёжлари учун, ўрта муддатли кредитлар янги техника, технология ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифаларини ҳал этишга, узоқ муддатли кредитлар инвестицион мақсадларга (асосий капитални янгилаш ва кенгайтиришга) берилади.

Банк кредитлари фаолият кўрсатаётган юридик шахс мақомидаги мустақил хўжалик юритувчиси субъект бўлган ўз капитали ва балансга эга бўлган хўжалик юритиш субъектларига берилади. Кредитлаш шартнома асосида, мижознинг ҳисоб-китоб ҳисоби жойлашган банқдан амалга оширилиб, банк томонидан бошқа банкларнинг мижозларга кредит бериш тақиқланади. Берилган кредитдан молиявий ўпирилишлар, хўжасизлик ва заарларни қоплаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Заарда ишлаётган, ноликвид балансли хўжалик юритиш субъектларига кредит берилмайди ва берилгаи кредитлар белгиланган тартибда муддатидан аввал ундириб олиниши керак.

Олинган кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга

эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш хуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қофозларнинг гарови;
- банк ёки сұғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- сұғурта субъектининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини сұғурта қилгани тўғрисидаги сұғурта полиси;
- фуқаролар йиғинлари маҳалла, қишлоқ, овул кенгашларининг кафиллиги.

Кредитларни қайтарилиш таъминотининг шаклларидан бири сифатида мол-мулк гарови хизмат қилади.

Таъминланганликнинг асосий кўринишлари мулк ва қимматли қофозларни гаровга олиш, кафиллик ва кафолат (гарантиядир). Таъминланганлик ҳақидаги хужжатлар банкка кредит шартномаси тузилмасдан ва кредит берилмасдан олдин тақдим этилади.

Мулкни гаровга олишда банк гаровга қўйиладиган мулк бошқа гаровдан ҳоли эканлиги ва юқори ликвидликка эга эканлигини ҳисобга олиши лозим. Гаров буюми қарздорнинг мулки бўлиши ёки тўла хўжалик юритиш хуқуқи асосида унга тегишли бўлиши лозимлиги ҳамда қонунчиликда белгилангаи гаровга қўйилиши мумкин бўлмаган мулк рўйхатига мансуб эмаслиги эътиборга олинади. Гаровга олиш ва гаров шартномасини тузиш "Гаров тўғрисида" қонун талабларига суюнмоқ керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин. Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, мазкур кредит бўйича шу мулк қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Гаровни расмийлаштиришда тижорат банки қарз олувчи билан гаров шартномасини тузади. Кўчмас мулк гаровида тузилган гаров шартномаси нотариал тасдиқланган ва адлия органидан рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Гаров шартномасида гаровга қўйилган мулк рўйхати, жойлашган жойи, баҳоси кўрсатилади. Гаров бўйича мажбуриятлар мазмуни, ҳажми ва бажарилиши муддатлари қайд этилиши лозим.

Гаров шартномасида қуидагиларни акс этириш мақсадга мувофиқ:

- шартнома тузилаётган сана ва жой;
- шартнома томонлари номланиши ва улар номидан шартномани имзолаган раҳбарларнинг фамилияси, исми ва шарифи;
- шартнома мазмуни (қайси кредит шартномасига асосан қанча миқдорда берилган кредит суммаси гаровга қўйилаётган қанча миқдордаги мол-мулк билан таъмин этилмоқда);

- гаровга қўйилган мулк мукаммал рўйхати (рўйхат шартномага илова қилинса, рўйхат шартномани имзоланган шахслар томонидан имзоланади);
- гаровга қўйилаётган мулк баҳоси (рақамда ва сўзда);
- гаров ҳукуқини амалга ошириш тартиби (суд орқали ёки тўғридан-тўғри гаровдаги мулкни сотиб);
- гаровдаги мулк кимнинг ихтиёрида сақланиши;
- гаров шартномаси амал қилиш муддати;
- гаров шартномасини ким нотариал тасдиқдан ва адлия органларида рўйхатдан ўтказиши ва бу харажатлар кимга юкланиши.

Гаров шартномаси тузишда банк қуидагиларга алоҳида эътиборини қаратиши лозим:

- қарз олувчининг юридик мавкеъи ва ўз мулкини ўзи тасарруф эта олишда иқтисодий масъулияти чегаралари. Давлат корхоналарига нисбатан алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади, чунки уларнинг мулкга эгалик ҳукуки давлат мулкини бошқариш қўмитаси томонидан тан олинмаслиги мумкин;
- мулк гаровда эмаслиги, узоқ сақлашга яроқлилиги, сотишга тўғри келиб қолса қанчалик даражада харидоргир;
- гаров предмети стихияли офат, ёнгин, ўғирлик ва шу каби ҳоллардагина эмас, балки давлат томонидан қарздорларнинг фаолияти чеклаб қўйилиши ёки тўхтатилиши, қарздор тугатилиши ёки тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиниши ҳоллари бўйича ҳам суғурта қилиниши лозим. Гаровга берувчининг мазкур мажбурияти гаров шартномасига ёзиб қўйилиши керак;
- банк гаров предмети дахлсизлиги ва гаров шартномаси шартлари бузмаслигини назорат қила олиш имкониятига эга бўлиши, зарур пайтда гаров предметини сота олишга қодир бўлиши лозим.

Гаров буюми бўлиб юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар, яъни давлат қимматли қоғозлари, акциялар ва облигациялар, векселлар ва депозит сертификатлари хизмат қилиши мумкин.

Қимматли қоғозларни гаровга олиш шартнома билан расмийлашгирилади ва қарздор қимматли қоғозларни сақлаш учун банкка тошииради. Қимматли қоғозлар қарздорга кредит ва фоизлар тўла тўлаб берилгандан сўнг, ҳаммаси бирданига қайтариб берилади. Уларни қисмларга бўлмб қайтаришга йўл қўйилмайди.

Кредит таъминланганлиги бўлиб учинчи томоннинг кафиллиги ва гарантияси ҳам хизмат қилиши мумкин. Кафиллик бир томонлама мажбуриятдан иборат шартнома бўлиб, кафил зарур бўлганда қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятларини бажариб беришини ўз зиммасига олади. Тўловга қобилиятли субъект обрўсига эга юридик ва жисмоний шахслар кафил бўлишлари лозим.

Кредит таъминланганлигининг яна бир шакли – кафолат. У кафолат берувчининг қарздорнинг берилган ссуда бўйича қарзини тўлаш муддати етиб келганда маълум суммани тўлаб бериш ҳақидаги мажбуриятидир. Кафолат хати банкка кредит бериш масаласи кўриб чиқишидан олдин тақдим

етилади. Фуқаролик кодексига биноан кредит муассасалари кафолати бўла оладилар.

### **5.3. Кредит шартномасининг моҳияти ва уни тузиш тартиби**

Кредит шартномасини тузишдан олдин тайёргарлик ишлари бажарилиши, яъни кредит ҳужжатлари пакети шакллантирилиши ва таҳлил этилиши лозим. Бу жараён ўз ичига тўрт босқични олади:

- 1) кредит олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш ва бўлажак қарздордан интервью олиш;
- 2) қарз олувчининг кредит қобилиятини баҳолаш ва ссуда бериш таваккалчилигини аниқлаш;
- 3) кредит баҳосини (фоизини) аниқлаш;
- 4) кредит шартномаси лойиҳасини тайёрлаш.

Бўлажак қарздорнинг кредит олиш учун буюртмаси бир неча қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмида бўлажак қарздорларнинг номи, кммга итоат этиши, манзили, раҳбарнинг фамилияси, исми ва насаби, корхонанинг ташкилий-хуқуқий шакли, асосий таъсисчилари, қайси банкнинг мижози эканлиги, мулкнинг қиймати, шу жумладан ўз маблағлари ва устав фондининг ҳажми, банк ссудалари бўйича қарзи, фаолиятининг асосий турм ва маҳсулоти кўрсатилади.

Буюртманинг иккинчи қисмида кредитнинг мақсади, қайси санага қанча кредит олиш мўлжалланаётганлиги, кредитнинг қайтарилиши гарантиянинг қайси тури билан қанча суммага таъминланиши баён этилади.

Буюртманинг учинчи қисми корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан иборат. Бу қисмда корхона ўтган йилда қанча маҳсулот ишлаб чиқаргани ва даромад олгани кўрсатилиб, расмийлаштираётган давр учун қанча маҳсулот чиқарилиши ва даромад олиши мўлжалламаётганлиги, корхонага асосий маҳсулот етказиб берувчилар, етказиб бериш ҳажмлари ва тузилган шартномалар суммаси, корхонанинг асосий истеъмолчилари ва товар сотишга тузилган шартномалар суммаси, молиявий кўрсаткичлар (ўз оборот маблағлари мавжудлиги, унинг оборот маблағларидағи ҳиссаси, товар ва маҳсулот заҳиралари ҳажми, режалаштираётган давр охирига ўз оборот маблағлари суммаси, дебитор-кредитор қарзлари ахволи ҳақида маълумотлар, муддати ўтган дебитор қарзларига солишириув далолатномалари) акс этирилади.

Буюртманинг дастлабки уч қисми якунига корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекадилар.

Буюртманинг тўртинчи қисми банк хулосасидан иборат бўлиб, уни кредит бўлими бошлиғи ва иқтисодчиси имзолайдилар. Ву қисмда қарз олувчининг кредит қобилияти аниқланиб, кредитни қандай шартлар асосида, қанча муддатга, қанча суммаси, қанча фоиз тўлаши эвазига берилиши мукинлиги ёки кредит бериш мумкин эмаслиги кўрсатилади.

Кредит бериш мумкинлиги ҳақида банк кредит бўлимининг хulosаси бўлажак қарздордан интервью олиш орқали асосланган бўлиши лозим.

Бунда даставвал мижоздан бизнес-режа талаб қилиб олинади. Қисқа ва ўрта муддатли кредитлашда бизнес-режа 3-5 йилга мўлжаллаб тузилган бўлишин мумкин. Биринчи йил учун кўрсаткичлар ойма-ом, иккинчи йил учун чоракма- чорак, учинчи йил учун йиллик ҳолда ҳисоблаб чиқилган бўлиши тавсия этилади. Бизнес-режанинг тузилиш таркиби корхона фаолияти характерига боғлиқ. Даставвал, корхонада амалга ошириладиган ўзгаришлар қисқача таърифлаб берилади. Режанинг асосий бўлимларида маҳсулот ишлаб чиқариш, харажатлар ва жами даромадлар, маҳсулот сотиш бозори, маркетинг (бозорни кенгайтириш тадбирлари), ишлаб чиқариш қувватларини таъминлаш, режани амалга ошириш натижасида қанча фойда олишни мўлжалланаётганлиги батафсил ёритилиши керак.

Кредит олиш учун буюртмада келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ҳамда таҳлил этиш учун қарз оловчиidan унинг бухгалтерлик баланси ва бошқа ҳисобот ва режа хужжатларини банкка тақдим этиш суралади. Олинган баланс ва бошқа маълумотлар асосида банкнинг кредитлаш бўлими бўлажак қарз оловчининг кредит қобилиятини аниқлайди. Бунда йил охири ва йил бошига ликвидлик коэффициенти, қоплаш коэффициенти, автономия коэффициенти (мулк таркибида ўз маблағлари улуси), ўз оборот маблағлари мавжудлиги, оборот маблағлари айланиши тезлиги, тўланмаган тўловлар ва кредит қобилияти даражаси ҳисоблаб чиқарилади.

Қарз оловчи кредит олиш ҳақида аризани қўйидагиларни илова қилган ҳолда топширади:

- а) кредит олиш учун илтимоснома (алоқа хати);
- б) корхонага пул даромадлари тушиши ва сарфланишини таҳлил этган ҳолда бизнес-режа;
- в) дебитор-кредитор қарзлари рўйхати ва 60 кундан ўтиб кеттан дебитор қарзларига солиштириш далолатномаларини илова қилган ҳолда охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси;
- г) фойда ва заарлар ҳақида ҳисобот;
- д) оборот маблағларининг айланиши ҳисоби;
- е) бошқа кредитлардан қарзлари, бошқа банкларда сақланаётган бўш пул маблағлари ҳақида маълумотнома;
- ж) бошқа корхоналар ташкил этилишида ўз капитали билан иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар.

Санаб ўтилган хужжатлар қабул қилингандан сўнг банкнинг кредит ходими уч кун муддат ичида юқорида қайд этилган кредит қобилияти кўрсаткичларини, корхона тўлов қобилиятини, кредит мақсадлари корхотта устав фаолиятига мос келишини, кредит турини аниқлайди. Кредит пакетини шакллантиришда корхона раҳбарларининг шахсий фазилатлари ҳам ўрганиб чивилиши ва баҳоланиши керак.

Кредит олиш учун ариза ва унга илова қилинаётган хужжатларни чукур ўрганиб чиқиш асосида банк ходими кредит шартномаси тузиш мумкинлиги ҳакида хulosса расмийлаштирилади. Хulosада кредит бериш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги, тақдим этилган хужжатларнинг кредитлаш қоидаларига мувофиқ ёки номувофиқлиги, қанчалик даражада сифатли эканлиги, қайси сабабларга кўра кредитни бериш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги қайд этилади. Ссуда қандай ресурслар ҳисобидан, қандай суммада, қанча муддатта, қандай фоиз эвазига, таъминланганлиги қайси шартларига риоя этилган ҳолда берилиши кўрсатилади. Хulosса кредит ходими имзоси билан кредит комиссиясига тақдим этилади. Хulosса кредит берилишини тасарруф этувчи шахс томонидан тасдиқланади.

Кредит комитети тақдим этилган хulosани уч кун ичида кўриб чиқади ва ўз ваколатларига биноан қарор қабул қиласди. Кредит комитетининг ижобий қарори комитет аъзоларининг барчаси розилиги билан қабул қилинади. Улар бу ҳакда қайдномага имзо қўядилар. Кредит комитети қарори асосида кредит комитети раиси хulosани тасдиқлайди. Шундан сўнг хulosага мувофиқ равишда кредит шартномаси тузилади ёки қарз олувчига сабабларни кўрсатган ҳолда ёзма рад жавоби берилади.

Кредит комитети ижобий хulosасидан сўнг кредит шартномаси тузилиши мумкин. У банкнинг ва қарз олувчининг раҳбарлари томонидан имзолангач, юридик кучга эга бўлади.

Кредит шартномасида қуйидагилар қайд этилган бўлиши лозим:

- кредит мақсади ва суммаси, кредитни бериш ва камайтирилиши тартиби ва шакллари;
- мажбуриятлар таъминланганлиги шакллари, фоиз даражалари, уларни ҳисоблаш гартиби ва тўланиши шакли;
- кредитни берилиши ва қайтарилишида томонларнинг ҳукуқ ви мажбуриятлари;
- кредитни бериш, мақсадга мувофиқ ишлатилиши, таъминланганлигини назорат қилиб туриш учун зарур маълумотлар, ҳисобкитоблар ва хужжатлар рўйхати ва тақдим этилиши муддатлари;
- банк томонидан корхонада ҳисоб, ҳисобот ва кредит қайтарилиши таъминланганлигини текшириб бориш имкониятлари;
- шартноманинг ва томонларнинг шартнома бўйича ҳукуқ ва мажбуриятларини амал қилиш муддатлари;
- бошқа зарур шартлар.

Кредит шартномаси тузилгач, кредит ходими бухгалтерияга муддати ва фоиз даражасини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисоби очиш ҳакида фармойиш беради. Кредит устидан назорат ўрнатиш учун қарз олувчига кредит варақаси очилиб, унда кредит олиниши, ишлатилиши ва қайтарилиши ва камайтирилиши билан боғлиқ маълумотлар ёритиб борилади.

Кредит комитетининг хulosасида кредит учун фоизни белгилашда Марказий банкнинг фоиз даражасини ўрнатиш бўйича тавсиялар эътиборга

олинади. Бу тавсияларга мувофиқ тижорат банклари кредит учун фоиз даражасини Марказий банкнинг қайта молиялаш даражаси нормасининг бир ярим бараваридан юқори бўлмаган ҳолда белгилашлари лозим. Бу кредит учун фоиз даражасини белгилашдаги энг юқори чегара ҳисобланади. Кредит шартномасида назарда тутилган ҳолда кредитни қайтариш муддати 30 кунгача муддатга кечикса фоиз даражаси 1,3 мартаға, 90 кунгача кечикса 1,5 мартаға оширилади.

Муддати ўтган кредитлар учун фоиз ҳисоблаш 90 кунгача амалга оширилади, шундан сўнг фоизлар ҳисоблаш тўхтатилади. Демак, кредит ва фоизлар шу муддатда хўжалик судига мурожаат қилиши ёки бошқа чоралар орқали ундириб олиниши керак.

Муддати ўтган фоизлар бўйича қарз муддатли мажбуриятнома билан расмийлаштирилиб, мажбуриятнома 2-карто текага қўйилади ва календар навбатга биноан ундирилади. Фоизлар ссуда қарзидан олдин ундирилади.

#### **5.4. Кредитлаш шакллари ва уларни бошқариш**

##### **Кредитнинг қўйидаги шакллари мавжуд:**

- **тижорат кредити** бир хўжалик юритувчи субъект томонидан бошқасига берилади ва одатда, вексель билан расмийлаштирилади. Тижорат кредити асосан икки ҳолатда амалга оширилади. Биринчи ҳолатда сотиб олувчи товар хужжатларини олганидан сўнг ўтказилиш сотувчи томонидан қўйилган векселни (траптани) тасарруф этади(тўланишини ўз зиммасига олади) ёки оддий вексел расмийлаштирилади. Иккинчи ҳолатда ишлаб чиқарувчи харидорнинг қарз мажбуриятларини вексель кўринишида қайд этмайди, балки қарз бўйича ҳисоб очади;

- **банк кредити** жисмоний ва юридик шахсларга пул шаклида банклар томонидан берилади. Банк кредитининг обьекти пул маблағларини бевосита ссудага бериш жараёни ҳисобланади. Банк кредитининг форфейтинг, факторинг, харидорга қарз бериш каби кўринишилари бор;

- **давлат кредити** давлатнинг қарз берувчи ва қарз олувчи сифатида иштирокини назарда тутади. Давлат қарз берувчи сифатидаги банк тизими орқали бюджетдан тармоқ, худуд, субъетларни кредит ажратиб, молиялаштиради. қарз олувчи сифатида аҳолига давлат заёмларининг, облигацияларини сотиш билан жисмоний ёки юридик шахслардан қарз олади, натижада давлатнинг ички қарзи пайдо бўлади. Чет давлатлардан олинган кредитлар ҳисобидан давлатнинг ташқи қарзи юзага келади;

- **истеъмол кредити** аҳолига истеъмол товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой қурилиши харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам кассаси ва бошқа кўринишиларда берилади. Бу кредитни шакли аҳолининг истеъмол талабини қондириш мақсадида асосий восита сифатида хизмат қиласида ва тавар ёки пул шаклида ташқил қилинади;

- **халқаро кредит** муддатли, қайтимли ва фоиз тўлаш шартлари билан бир мамлакатдаги кредитор томонидан иккинчи мамлакатдаги қарз олувчига пул ёки товар шаклида бериладиган қарз, шунингдек, чет эл облигациялари, чет эл корхоналарининг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига фойда олиш мақсадларида капитал қўйиш.

Кредит иқтисодиётда муҳим вазифаларни бажаради. Уларнинг орасида молия ресурсларини қайта тақсимлаш асосий ўринда туради. Кредит ёрдамида капиталнинг бир тармоқдан иккинчисига, бир мулқдордан иккинчисига оқиб ўтиши таъминланади. Шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, маблағларни капитал қўйишнинг энг фойдали ва истиқболли йўналишларида тўплаш имкониятлари юзага келади.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини жадал ривожлантиришга йўналтирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказлаштирилган кредитлари мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш субъектларини барпо этишга ажратилмоқда. Шунингдек, мамлакатнинг тижорат банклари ҳам янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга кредитлар ажратиш билан бирга кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳам амалга оширмоқда. Имтиёзли шартларда ажратилаётган кредитлар ва микрокредитлар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда **четдан қарзга маблағ** жалб этишга эҳтиёж юзага келади. Четдан жалб этиладиган бундай қарз маблағларини қўйидаги молиявий муассасалар ёрдамида ва бошқа манбалар эвазига олиш мумкин:

1. Тижорат банкларининг кредитлари.
2. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари.
3. Халқаро молия ташқилотларининг маблағлари (тижорат банкларининг лойиҳалари орқали).
4. Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кредитлар.
5. Кредит иттифоқлари ва шунга ўхшаш субъектларнинг кредитлари.

Банк кредитлари лойиҳанинг хусусиятига кўра, **имтиёзли** ёки **имтиёzsiz шартларда** берилиши мумкин. Имтиёзли кредитлар устувор йўналишлар учун, одатда, давлат дастурлари доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига хизмат қиласи. Масалан, Ўзбекистонда кичик тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат дастурларига киритилганлиги туфайли ҳукуматнинг пул-кредит сиёсатида тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар тизими жорий этилган.

Айрим ҳолларда давлат баъзи тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

мақсадида қисқа муддатли кредитларни қайтариш муддатини узайтиришга имконият яратади. Хусусан, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун айланма маблағларни тўлдириш мақсадидаги қисқа муддатли кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташқил этиш учун фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликларига, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари қарз оловчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида белгиланади.

Кредитларни олиш учун қарз оловчилар банкка қуийдаги ҳужжатлар (кредит пакети)ни:

- кредит буюртмаси;
- қарз оловчининг банк ҳисоб варагидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес-режаси;
- охирги ҳисбот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликнинг солиштирма далолатномалари;
- молиявий натижалар ҳақида ҳисбот;
- таъминот шаклларидан бирини тақдим этадилар.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 7 марта рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тўрисида»ги 907-сонли тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур тартиб тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектлари ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган дехқон хўжаликлариға кредит беришни тартибга солади. Бу тартиб кичик ва ўрта бизнес субъектларини, фермер ва дехқон хўжаликларини ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларни банклар томонидан микрокредитлашга татбиқ этилмайди.

Берилаётган кредитларнинг муддати кредитланаётган тадбирнинг қопланишига боғлиқ чунончи:

- бизнес субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун фермер хўжаликлариға, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликлариға айланма маблағларни тўлдириш учун бериладитан кредитлар, одатда, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади;
- бизнеснинг барча субъектларига, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва дехқон хўжаликлариға инвестиция

лойиҳаларини молиялаш учун бериладиган кредитлар, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз, 5 йилгача муддатта берилиши мумкин.

Бизнес субъектларига айланма маблағларини тўлдириш мақсадида берилган кредитларнинг қайтарилиш муддати, уларнинг қайтарилишининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, форс-мажор ҳолатларини истисно қилганда, 12 ойдан;

дехқон на фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларни тўлдириш учун берилган кредитларни қайтариш муддати, бу муддат узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, форс-мажор ҳолатларини истисно қилганда, 30 ойдан;

фермер ва дехқон хўжаликларининг ўз айланма маблағларини тўлдириш мақсадида, қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган фаолияти учун олинган кредитдан фойдаланиш муддати, уни қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойдан ошмаслиги керак.

Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар имтиёзли давр белгилашлари мумкин. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаларининг микдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида белгиланади.

Айланма маблағларни тўлдиришга кредит олиш учун кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолдаги буюртма банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу кредит бўйича банк хулосасини беришгacha бўлган муддат тижорат банклари бўлимлари, таркибида бўлимлари бўлмаган тижорат банклари, шунингдек, хусусий банклар учун – 10 иш кунидан, банкларнинг вилоят бўлимлари учун – 15 иш кунидан ва бош (республика) банклар учун – 20 иш кунидан ошмаслиги керак.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит сўраб берилган кредит буюртмаларини банклар томонидан кўриб чиқиш муддати, мос равишда, кўпи билан 2 баравар оширилиши мумкин.

Субъектларни молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан ҳарактерланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўрисида»ги 195-сонли қарори билан тижорат банкларининг кичик бизнесни ривожлантиришга фаол қатнашишларини таъминлаш мақсадида **«Имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармаси»** ташкил этилди. Жамғарма маблағлари банклар фойдасининг 25 фоизгачасини ажратиш ҳисобига шакллантирилмоқда.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармаси ресурсларини кўпайтиришига йуналтириладиган ва жамғарманинг берилган кредитлари ҳисобига олинган даромадлари даромад (фойда) солиғидан 5 йил муддатга озод қилинади. Тижорат банкларининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқка тортиладиган база жисмоний шахсларнинг

муддатли омонатлари (депозитлари)нинг кўпайган суммасига камаяди, бунда бўшайдиган маблағларда кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтирилиши шарт.

Имтиёзли кредит бериш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан кредитларни бериш муддатлари кредит берилаётган тадбирларнинг ўзини қоплашига боғлиқ, чунончи:

- ишлаб чиқариш захираларини ҳарид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни хом ашё материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бошқаларга кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига, қоидага кўра, 1 йил муддатгача;
- қишлоқ, хўжалиги ишлаб чиқаришини ташқил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахс бўлган дехқон хўжаликларига, қоидага кўра, камида 2 йил муддатга берилади;
- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланувчи барча субъектларга, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва дехқон хўжаликларига тўлов муддатини кечикириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар қарз олувчиларга маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари) билан боғлиқ бўлган, амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятини ташқил этиш, ривожлантириш ва кенгайтириш учун хусусан:

- ишлаб чиқариш биноларини қуриш, техника билан жиҳозлаш ва реконструкция қилиш;
- машиналар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, инвентарлар, уруғлик, ҳайвон ва паррандаларни сотиб олиш;
- хом ашё ва материаллар, шу жумладан, ҳайвонлар учун ем, омихта озука, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва экин майдонларига ишлов бериш бўйича механизациялаштирилган хизматларни сотиб олиш учун ажратилади.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш бўйича кредит берилган кунда белгилаган ставканинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Тижорат банклари «Имтиёзли кредит бериш жамғармаси»ни ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта субъектларга, дехқон ва фермер хўжаликларига, шунингдек, юқори технологияли ва инновация лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида имтиёзли кредит бериш учун ташкил этадилар.

**Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш шаклларидан бири *микрокредитдир*.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 2000 йил 29 февралда 902-рақам билан рўйхатга олинган «**Тижорат банклари томонидаи юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётгаи якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби**» ва 2000 йил 29 февралда 903-рақами билан рўйхатга олинган, «**Тижорат банклари томонидаи юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби**» Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб ёки олмасдан фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредитлар бериш тартибини белгилаб берди.

**Юридик шахс мақомини олмасдан** фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига бериладиган **микрокредитлар деганда**, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериладиган кундаги курси бўйича 5000 (беш минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади. Микрокредитлар фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларигагина берилади.

**Юридик шахс мақомини олиб** фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига бериладиган **микрокредитлар деганда**, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 10000 (үн минг) АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Кредитлар мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади. Микрокредитлар 50 фоизгача миқдорини 1,5 йил (18 ой) гача бўлган муддатда қайтариш шарти билан, нақд пулда берилиши мумкин.

Банклар кичик тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар, шунингдек, микрокредитлар бериш учун **«Имтиёзли кредит бериш жамғармаси»**ни ташкил этадилар.

Имтиёзли кредит бериш жамғармаси ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкининг микрокредит берилган кундаги қайта молиялаш ставкасига нисбатан **50 фоиздан ортиқ бўлмаган даражада белгиланади**.

Микрокредитлар қарз олувчиларга куйидаги мақсадлар учун берилади:

- кичик(мини) ускуналарни ҳарид қилиш;
- хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омихта ем,

ветеринария дори-дармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш;

- хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;
- меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни ҳарид қилиш;
- халқ, бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнати (касаначилик)ни ташкил қилиш;
- сервис хизмати ва майший хизмат қўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни асрарни ривожлантириш;
- сайёхлик (туризм) соҳасини ривожлантириш;
- кичик кўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Микрокредитлар илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қоплаш, тамакичилик ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик фаолиятини амалага ошириш, ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган, шахсий мулкни ҳарид қилиш мақсадлари учун берилмайди.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаларининг миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида, аммо Марказий банк томонидан расман ўрнатилган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

Тижорат банклари ўз Низомларига ва валюта операцияларини амалга ошириш учун уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияда белгиланган хуқуқларга мувофиқ, факат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб ускуналар, хом ашё ва бутловчи қисмларни импорт йўли билан ҳарид қилишга чет эл валютасида микрокредитлар беришлари мумкин.

Чет эл валютасида микрокредитлар банклар билан қарз олувчилар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида белгиланадиган тижорат шартлари асосида нақдпул шаклда берилади. Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови, тўлов санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Сўнгги пайтларда молиялаштиришнинг янги шакларидан бири сифатида банкларнинг фаолиятига **овердрафт** кириб келмоқда. Овердрафт қисқа муддатли кредитлаш шакли бўлиб, банклар амалиётида ишлатилади. Унинг шундаки, банк ўз мижози ҳисоб рақамида вақтинча маблағ бўлмаган ҳолатларда унинг фаолиятини молиялаштириш учун овердрафт шартномасини тузади. Мижоз ўз ҳисоб рақамига маблағ тушиши билан

овердрафт шарти билан олган қарзларини банкка маълум бир фоизлар эвазига қайтаради. Овердрафт, одатда, банкнинг энг ишончли мижозларига нисбатан кўлланилади.

Кишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектлар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида доимий равишда молиявий маблағларга эҳтиёж сезадилар. Чунки, экинларни экиш ва парваришлаш даври узоқ давом этиб, ҳосил йифиб олингунга қадар пул тушуми бўлмайди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун айланма маблағларни шакллантиришга маблағ излашни талаб этади. Бундай ҳолатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кўлланиладиган **фьючерс операциялари** муҳим аҳамият касб этади. Фьючерс операцияларида маҳсулотни сотиб оловчи ҳаридор йил бошидан келгуси ҳосил учун *бўнак* (ҳосил қийматининг бир қисмини олдиндан тўлаб қўйиш) сифатида маблағ бериб туради.

## 5.5. Банкларнинг вексель операциялари

Вексель-белгиланган шаклда тузилган ёзма кўринишдаги шартсиз қарз пул мажбурияти. У вексель берувчининг вексель эгаси олдидаги мажбурияти бўлиб, давлат томонидан қайд этилган расмий мақомга эга.

Векселлар оддий ва ўтказма вексель бўлиши мумкин. *Оддий вексель* белгиланган пул суммасини белгиланган муддатда ва белгиланган жойда вексель чиқарувчи (вексель берувчи) томонидан вексель эгасига ёки унинг буйруғи бўйича ҳеч қандай шартсиз тўлаб бериш мажбуриятини билдиради. Оддий векселда албатта қўйидагилар бўлиши лозим:

- "Вексель" деган ном;
- белгиланган суммани шартсиз тўлаб бериш мажбурияти (сумма рақамда ва ёзувда кўрсатилади);
  - тўлов муддати ва жойи;
  - кимга ёки кимниг буйруғи бўйича тўланади;
  - вексель берувчининг имзоси.

*Ўтказма векселнинг* оддий векселдан фарқи шундаки, векселдаги пул суммасини тўлаб берувчи вексель берувчининг ўзи эмас. Шунинг учун ўтказма векселда юқоридагиларга қўшимча равишда векселни ким тўлаб бериши ҳам алоҳида кўрсатилади.

Ўзининг иқтисодий мазмуни жиҳатидан вексель сотувчилар томонидан ҳаридорларга товарлар қўринишида бериладиган кредитни расмийлаштириш шаклидир. Шу жиҳатдан вексель халқ хўжалигида айланма маблағлар айланишини тезлаштиради, корхоналарнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжларини камайтиришга хизмат қиласи. Векселни қўлдан қўлга ўтказиш мумкинлиги уни муомала ва тўлов воситасига айлантиради ва натижада пул маблағларига эҳтиёжни камайтиради.

Векселларни муомалага чиқариш ва уларни рўйхатга олиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қофозлар бозори тўғрисида"ги қонунига (2008 йил 22 июль, ЎРҚ-163-сон) биноан тартибга солинади.

Вексель бланклари марказлашган ҳолда тайёрланади ва ваколатли банкларга етказиб берилади. Корхопа ва ташкилотлар вексель бланкларини ўзларининг асосий ҳисоблари олиб бориладиган жойдаги ваколатли банклардан ҳарид қилиб оладилар. Бланкларни беришда банк корхонанинг хўжалик-молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятини текшириб чиқиши лозим. Корхона томонидан берилган векселлар ваколатли банқда маҳсус дафтарда рўйхатга олнб борилади.

Банклар ўз векселларини чиқариш шартларини Марказий банкда рўйхатдан ўтказадилар. Банклар, одатда, муомалага оддий векселларни чиқарадилар.

Банк векселлари бланклари камида 4-даражали ҳимояланиши, катталиги А-4 стандарт форматга мувофиқ бўлиши лозим.

Вексель бланклари Марказий банкнинг лицензиясини олган корхоналарда тайёрланади. Банк вексель тайёрлашга буюртмани мустақил равишда жойлаштиради.

Векселни Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган ҳар қандай юридик шахс сотиб олиши (эгалик қилиши) мумкин.

Юридик шахслар вексель учун пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайдилар.

Вексель бир йилгача муддатга ёзиб берилади. Вексель бўйича тўлов муддати тақдим этилган пайтда, тақдим этилган кундан бошлаб муайян муддатда, белгилаб қўйилган кунга бўлиши мумкин. Булардан ташқари муддат қўйилган ёки кетма-кет тўловлар муддатлари қўйилган векселлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Тақдим этилган муддатда тўланувчи вексель тақдим этилиши билан тўлаб берилади. Ёзиб берилгандан ёки тақдим этилгандан бир ёки бир неча ой муддат белгиланган векселни тўлов муддати тўлов бажариладиган ойнинг вексель берилган ёки тақдим этилган санага мувофиқ кунида, агар ойда бундай кун бўлмаса ойнинг охирги кунида етиб келади.

Банк векселлари чегирма билан (дисконт) сотилиши ёки сотилган векселга фоиз ҳисобланиши мумкин.

Чегирма ва фоизлар вексель чиқарилган кундан то вексель тўлаб берилган кунгача даврни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Фоиз даражаги векселнинг амал қилиш муддати давомида ўзгартирилмайди. Янги чиқарилган векселларда янги фоиз даражалари белгиланиши мумкин. Вексель эгаси векселни муддатидан олдин тўлатиб олиш хукуқига эга.

Вексель биринчи сотиб олувчи номига тузилади ва ўтказиш ёзуви асосида (индоссамент) бир вексель эгасидан бошқа эгага ўтказилиши мумкин. Барча вексель берувчилар, векселни бир-бирига ўтказганлар вексель эгаси олдида биргаликда масъулдирлар. Вексель эгаси уларнинг хохлаган

биттасига ёки ҳаммасига нисбатан векселни тўлаб бериш ҳақида талаб билан чиқиши мумкин. Бунда ким кимдан сўнг мажбурият олганлигига эътибор қилинмайди. Векселга имзо қўйган ҳар бир шахс векселни тўлаб бергач, векселга имзо қўйган барча бошқа шахсларга нисбатан даъво қилиш ҳукуқига эга. Бу ерда у ўзидан сўнг имзо қўйганларга нисбатан ҳам даъво ҳукуқига эга.

Вексель эгаси топшириги билан банк векселни масъул сақлаб бериш учун тўлангунга қадар муддатга қабул қилиши мумкин.

Вексель йўқотиб қўйилган тақдирда янги ёзиб берилмайди. Йўқотилган вексель эгаси векселни чиқарган банкка (банк-эмитент) вексель йўқолганлиги ҳақида ариза беради. Ариза банк бошқаруви тузган комиссия томонидан кўриб чиқилади. Векселни тўлаб беришда уни йўқотганлик учун комиссия белгиланган миқдорда жарима ушлаб қолиши мумкин. Ариза даъво муддати ўтмаган ҳолда қабул қилинади.

Вексель олиш учун харидор банк билан шартнома тузади ва банкнинг ҳисобига пул ўтказади. Тўлов топшириқномасида тўловнинг мақсади ҳақида сатрда сотиб олинаётган векселлар сони, вексель суммаси ва муддати (кунларда) кўрсатилади. Харидорга биринчи талабдаёқ векселни белгиланган шаклдаги ишончнома асосида берилади.

Векселни тўлов учун тақдим этишда вексель суммаси ва унга ҳисоблаган фоизларни ўтказиб бериш учун тўлов реквизитлари кўрсатилган ҳолда икки нусхада ариза берилди. Агар вексель масъул сақловга берилган бўлса, векселни сақловга қабул қилиш ҳақидаги аризанинг нусхаси ҳам топширилади.

Банкнинг вексель бўлимида векселлар билан операцияларни ҳисобга олиш журнали юритилади. Журналда векселнинг тўловга тақдим этилиши ёки тўлаб берилганлиги ҳақида ёзиб борилади. Векселнинг ўзида маҳсус штамп билан тўлаб берилганлиги ҳақида белги қўйилади. Аризанпнг бир пусхаси банкнинг вексель тўлаб берилганлиги ҳақида белгиси билан мижозга қайтарилади.

Тўланган векселлар шу куни ваколатли шахс тузган рўйхат асосида касса операциялари бўлимига сақлаш учун топширилади. Бунда балансдан ташқари "Банк муассасаларидан йўқ қилиш учун олинган облигациялар ва акциялар бланклари" ҳисоби бўйича кирим ордери тузилади.

Тўлов муддати етиб келгач, тўлов бажарилмаса вексель эгаси вексель берувчи ва индоссантларга нисбатан даъво билан чиқиши мумкин. Тўловчи тўловга лаёқатсиз бўлиб қолса ёки тўловларни тўхтатиб қўйса ҳам (тегишли суд қарори бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар) вексель эгаси даъво билан чиқиши мумкин.

Вексель бўйича тўлов рад этилган ҳолда вексель эгаси векселни тўловчи жойлашган жойдаги нотариал идорага норозилик (протест) учун тақдим этади. Норозилик учун векселни тақдим этиш тўлов куни эртасига ва ундан кейинги кун соат 12 қадар амалга оширилиши лозим. Тўловчи

векселни акцентлашдан бош тортганда вексель эгаси норозилик билдиргандан сўнг тўрт кун ичида ўзидан олдинги индоссантга ва вексель берувчига хабар қилади. Ҳар бир индоссант ўзидан олдингисига икки иш куни ичида хабар беради.

Вексель эгаси ўз даъвосида вексель суммасини, тўлов муддати ўтган вақтдан бошлаб давр учун Марказий банк ҳисоб даражаси миқдорида фоизларни, норозилик бўйича харажатлар қоиланишини, Марказий банк ҳисоб даражаси ярми миқдорида жаримани тўлашни талаб қилиши мумкин.

Векселни тўлаб берган ўз навбатида вексель бўйича ўзи олдида масъуллардан тўлаб берилган суммани, тўлаб берилган иайтдан кейинги давр учун Марказий банк ҳисоб даражасига мувофиқ фоизларни ва ўзининг бошқа харажатларини қоплаб берилишини талаб қилиши мумкин. Индоссант векселни тўлаб бергач, ўзининг ва ўзидан кейингиларнинг индоссаментининг устидан чизиб қўйиши мумкин.

Ўтказма векселда (тратта) вексель берувчи ва тўловчи (трассат) бошқа-бошқа шахслар бўлгани учун тўловчининг вексель бўйича мажбуриятлари у векселни акцентлагандан сўнг вужудга келади. Шунинг учун ўтказма векселнинг эгаси уни ўз муддатларида акцептга ёки тўловга тақдим этиши лозим.

Ўтказма векселда вексель берувчи векселни акцептга тақдим этиш муддатини белгилаб қўйиши ёки белгиламаслиги мумкин. Тақдим этилган пайтдан бошлаб бир йил ичида акцептга тақдим этилиши лозим.

Белгиланган муддатларда акцептга ёки тўловга тақдим этилмаган вексель, ўзининг тўлов қобилиятини йўқотмайди. Бироқ, мазкур вексель эгаси вексель бўйича нотариус орқали норозилик билдириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бунинг натижасида вексель эгаси ўтказма вексель бўйича вексель берувчи ва индоссантларга нисбатан даъво ҳуқуқини йўқотади, лекин акцептловчи (тўловчига) нисбатан даъво ҳуқуқини З йил мобайнида сақлаб қолади. Демак, векселни ўз муддатида тўловга тақдим этилмаслиги тўловчини тўловдан озод килмайди.

Оддий вексель ўз муддатида тўловга тақдим этилмаган ҳолда вексель эгасининг тўловни ундириш ҳуқуки вексель берувчига нисбатан сақланади.

Банклар вексель муомаласига оид қуйидаги операцияларни ижро этадилар:

- 1) векселни ҳисобга олиш;
- 2) маҳсус ссуда счётидан вексель таъминоти асосида йўқлаб олингунга қадар муддатга қарз бериш;
- 3) вексель бўйича тўловларни ундириб бериш учун уларни инкассога олиш;
- 4) мижозларнинг топшириқлари бўйича векселларни тўлаб бериш (домициляция).

Векселни ҳисобга олиш вексель банк томонидан сотиб олинишини билдиради. Бунда банк мижоздан векселни муддатидан илгари сотиб

олаётганлиги туфайли вексель номинал қиймати келишилган чегирма билан түлаб берилади. Ушбу чегирма ҳисоб фоизи ёки дисконт деб аталади.

Банк ҳисобга олинган векселнинг эгасига айланади ва вексель берувчига ёки тўловчига нисбатан хукуқлар унга ўтади. Шунинг учун ҳам у ҳисобга олинаётган векселнинг иқтисодий ва юридик жиҳатидан ишончлилигини текшириб кўради. Векселдаги барча зарур реквизитлар тўлдирилган бўлиши лозим. Вексель тўловчининг, векселда имзоларини қолдирган индосантларининг молиявий ахволига эътибор берилади. Векселда унинг қўлдан қўлга ўтиши ҳақида ёзувлар кўплиги векселнинг ҳақиқийлигини билдиради. Муддати қисқароқ векселлар бўйича таваккалчилик ҳам камроқ. Ўз векселлари бўйича норозилик билдирилишига (протест) йўл қўйган вексель берувчилар (тўловчилар) векселларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳисобга олинган векселлар қийматини банк тўловчилардан муддатидан олдин ёки ўз муддатида ундириб олади. Муддатида тўланмаган вексель ўша куннинг эртасига банк томонидан нотариусга норозилик билдириш (протест) учун тақдим этилади. Векселни нотариусга топширганлик ҳақида тегишли квитанцияни олган ҳолда топширилиши керак. Нотариус векселга норозилик билдирилганлиги ҳақида ёзиб қўяди ва векселни банкка қайтаради. Шундан сўнг банк векселни тўлаб берувчига векселни энг қисқа муддатга тўлаб берилиши лозимлиги ҳақида талабнома жўнатади. Талабнома бажарилмаса, банк вексель қарзини мажбурий ундирилиши масаласида судга мурожат қиласи.

Банк вексель эгаларининг векселлар бўйича тўловини ундириб бериш ҳақидаги топширикларини ҳам бажариши мумкин (векселларни инкассога қабул қилиш). У ҳолда банк ўз зиммасига векселни муддатида тўловчига тақдим этиш ва тегишли суммани ундириш бўйича мажбурият олади. Тўловчи векселни тўлаб бермаган ҳолда банк вексель норозилиги (протест) ишини ҳам бажариши лозим. Векселни ҳисобга олишда банк муайян таваккалчилик асосида ишласа, векселни инкассога олишда банк мижозни топшириғи бўйича ва мижоз номидан нтп олиб боради. Инкассо операциялари учун бак воситачилик ҳақи олади.

Векселнинг тўловчиси бошқа жойда бўлган ҳолларда банк мижоздан векселни тўловчи жойидаги банк номига топшириш индоссаменти ёзуви билан қабул қиласи. Тўловчи жойидаги банк вексель суммасии ундириш ишларини бажаради. Тўловчидан маблағ тушмаган ҳолда ҳам мижоз банкнинг вексель суммасини ундириб бериш бўйича харажатларини тўлаб бериши лозим.

Банк вексель берувчи ёки трассат (вексель суммасини тўловчи) номидан векселларни тўлаб бериши мумкин (домициляция). Банк вексель суммасини тўловчи банкка олдиндан ўтказиб қўйган бўлса ёки тўловчи ҳисоб-китоб счётида маблағ бўлсагина тўлайди.

Векселнинг қўлдан-қўлга ўтишига олиб келадиган барча шартномалар банқда рўйхатга олинади, шу жумладан векселларнинг олди-сотдиси, моддий бойликлар, товарлар, ишлар ва хизматларга вексель билан ҳақ тўлаш шартномалари ҳам рўйхатга олинади.

Векеель эгаси банкка бошқа юридик шахсга ўтказилаётган векселларнинг рўйхати ва реквизитлари кўрсатилгаи тегишли шартномани ҳамда вексель бланкларини тақдим этади. Банк бланклар реквизитларининг шартномада кўрсатилган векселлар реквизитлари билан бир хиллигини текшириб кўради.

Рўйхатдан ўтказишда шартноманинг ўнг томонида "рўйхатдан ўтказилди" деган ёзувли тўртбурчак муҳр, банк масъул ходими имзоси ва банк муҳри қўйилади. Шартномаларни рўйхатга олиш маҳсус дафтарда рўйхатга олиш санаси ва рақамини, рўйхатга олган банк номини кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Банкда юритилаётган "Векселлар муомаласи билан боғлиқ шартномаларни рўйхатдан ўтказиш дафтари"да шартномани рўйхатдан ўтказиш номери, санаси, вексель эгаси номи, шартнома реквизитлари ва санаси, вексель номинал қиймати, вексель серияси, вексель рақами, вексель тўланиши муддати, эмитент номи, вексель олувчининг номи кўрсатилади.

Бюджетга тўловлар бўйича қарздор хўжалик субъектлари ёки бюджетга қарздор хўжалик субъектларининг дебиторлари бўлган корхона ва ташкилотларига банк векселлари билан ва векселлар қиймати тўланадиган ойда корхона векселлари билан товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш таъкиқланган. Бундай ҳолда банкда мазкур векселлар муомаласи бўйича шартномаларнинг рўйхатга олиниши ҳам тақиқлаб қўйилган.

Векселлар турига боғлиқ равишда (банк вексели ёки корхона вексели) бюджетга қарзлар ундирилишининг икки хил варианти қўлланади.

Банк векселлари эгалари векселларни банкка муддатидан олдин тақдим этадилар (бюджетдан қарзлар миқдорига монанд суммаларда) ва олинган маблағни бюджетдан қарзни тўлашга йўналтирадилар. Банк-эмитент бундай векселларнинг муддатидан олдин тўлаб берилишини таъминлашга мажбур. Албатта, муддатидан олдин тўлаб берилган вексель учун тегишли дисконт суммаси чегириб қолинади.

Бюджетдан қарздор вексель эгаси қўлида тўлаб берилиши муддати 30 кундан оз вақт қолган корхона векселлари бўлганда эса, бу векселлар эмитентининг банкига масъул сақлаш учун топширилади. Топшириш пайтида вексель эгаси қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- векселни масъул сақлашга топширилаётганлиги ҳақида ва тўлов муддати етиб келганда тўловчидан вексель қийматини ундириб берилишини сўраб уч нусхада ариза;
- уч нусхада векселлар реестри;
- бир нусхада ишончнома.

Ариза ва реестрнинг биринчи нусхалари, ишончнома банқда колади. Ариза ва реестрнинг векселлар банкка масъул сақлашга учун қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси қўйилган иккинчи ва учинчи нусхалари вексель эгаси рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органларига юборилади. Ариза ва реестрнинг учинчи нусхалари солиқ органи белгиси билан қарздор корхонага (вексель эгасига) қайтарилади. Ариза ва реестр солиқ органида рўйхатга олингач, бюджетга тўловлардан қарз бўйича (вексель суммаси миқдорига мувофиқ) боқиманда (пеня) ҳисоблаш тўхтатилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Банк кредитининг моҳияти нимадан иборат?
2. Кредитлашнинг асосий тамойилларини тушунтиринг.
3. Кредит олиш тартибини тушунтиринг.
4. Кредит шартномасини тузиш тартиби қандай?
5. Вексель операциялари мазмунини изоҳланг.

## **VI БОБ. ЖАМГАРМАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ**

### **6.1. Жамғармалар ва инвестициялар ҳақида түшүнчә**

Инвестициялашдан мақсад капитални жойлаштириш ва ундан фойда олишдир. Жамғарма инвестициянинг манбаси сифатида хизмат қилади. Қуйидаги схема ёрдамида инвестиция ва жамғарманинг алоқадорлигини күриб чиқамиз.

**СХЕМА № 6.1**

**Инвестиция ва жамғармаларнинг бир-бирлари билан алоқадорлык схемаси**



Схемада ифодаланганидек, иқтисодиёт субъектлари даромадлари бир қисми жамғармага айланади. Жамғармалар эса инвестицияларнинг манбай бўлиб хизмат қилади. Инвестиция воситасида ишлаб чиқариш кенгайтирилади, техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилади. Инвестиция тадбиркорлик фаолиятининг моддий-иқтисодий негизидир. Инвестиция самараси, бир томондан тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий натижаларида, қиймат кўринишида ифодаланса, инвестициянинг қанча муддатда ўзини оқлаши мумкинлиги унинг самарадорлигини вақт бирлиги орқали ифодалайди.

Инвестиция түшүнчаси капитал кўйилмалар түшүнчасига нисбатан мазмун жиҳатдан олганда кенгроқдир.

Асосий фонdlарни янгилашга ва кенгайтиришга сарф этиладиган маблағларга капитал кўйилмалар деб аталади. Инвестиция - бу пул, молиявий маблағлар. У орқали материаллар, меҳнат ресурслари ва реал капитал ишлаб

чиқаришни кенгайтириш, модернизация ва реконструкциялашга йўналтирилади.

Инвестиция қўйиш обьектлари капитал қўйилмалар обьектларига нисбатан анча кенгроқдир. Капитал қўйилмалар обьектига асосий фондлар кирса, инвестиция обьектларига айланма маблағлар, акция, облигация ва бошқа молиявий обьектлар, шунингдек мулклардан фойдаланиш ва эгалик қилиш хуқуқлари, илмий-техника маҳсулотлари, ноу-хау, кадрлар тайёрлаш ва бошқалар ҳам киради.

Инвестициялар, қўйиладиган обьектларга қараб, реал, молиявий ва интеллектуал инвестицияларга бўлинади.

Асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар қўядиган барча турдаги маблағлар реал инвестиция деб аталади.

Хозир Республикаиз миллий иқтисодиётини таркибий қайга кўриш учун янги техника, технология ва катта ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга оширийт зарурлиги сабабли реал инвестицияларга эҳтиёжи жуда каттадир. Бу эҳтиёжни қондиришнинг асосий йўналишларидан бири корхопалар инвестицион фаолиятнни рағбатлантириш ҳисобланади.

Акция, облигация ва бошқа турдаги қиммат баҳо қоғозларга инвесторлар қўядиган барча турдаги маблағларга молиявий инвестиция дейилади.

Республикамизда молиявий бозор энди шаклланиб ривожланаётганлиги сабабли молиявий инвестициялар қўйиш яхши ривожланмаганлиги кўриниб турибди. Инфляция туфайли корхоналар ва фуқароларнинг қимматбаҳо қоғозлар билан фаол муомала қилишга кучли интилишлари йўқ. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, антимонопол қонунларнинг амал қилишини қўчайтириш, эркин тадбиркорлик йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш ёрдамида молиявий бозорни ривожлантириш натижасида молиявий инвестициялар активлашади. Бу орқали вақтинчалик бўш бўлган молиявий ресурслар соҳалар, тармоклар, хуқуқий ва жисмоний шахслардан зарур соҳаларга оқа бошлайди. Оқибатда эса бутун иқтисодиётда умумий инвестицион фаолият ривожланади.

Жаҳоннинг қўпчилик мамлакатларида илмий техник тараққиёт жадаллашган ҳозирги даврда интеллектуал потенциал иқтисодиётнинг энг фаол элементи бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бизинг мамлакатда ҳам кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва умумий таълим соҳаларига сарфланаётган инвестициялар ошнб бормоқда.

Интеллектуал инвестиция бу кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот, таълим ва бошқа интеллектуал потенциал соҳаларига инвесторлар қўядиган барча турдаги маблағлардир.

Инвестициялар ички ва ташқи ёки чет эл инвестицияларга ҳам бўлинади. Республикаизга чет эл инвестицияларини киритиши иқтисодиётни соғломлаштириш, ижтимоий кескинликни бартараф этиш, миллий

иқтисодиётни тартибга солиш, қайта кўриш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстирган ҳолда экспорт имкониятини ошириш муаммоларни ҳал этишга катта ёрдам беради.

## **6.2. Давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялар**

Давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялар ҳар бири ўзига хос муаммоларни ҳал этади. Уларнинг йўналишлари, ташкил этилиши ва бошқариш тартиби фарқ қиласи.

Хусусий инвестнция мулкдорнинг ўз маблағлари ҳисобига ва жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Хусусий инвестипиялаш жараёнини тадбиркор ёки молиявий менежер бошкаради.

Давлат иинвестициясини асосий ташкил этиш манбалари бюджет маблағлари ва узоқ муддатли кредит ҳисобланади. Давлат инвестиациялари бюджетдан ташқари фондларни тузиш орқали ҳам амалга оширилади. Бу фондлар узоқ муддатли қўйилмаларни молиялаштиришга, истеъмол фонди ва жамғармага йўналтирилади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмида инвестпцпои компаняларни ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир.

Давлат бюджетидан инвестициялар учун маблағларнинг қўп ажратилиши ўз навбатида давлат харажатларининг кўпайишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилларда бюджет камомади юқорилиги туфайли инвестиция учун маблағлар оз миқдорда ажратилди. Инвестиция учун маблағларнинг камайиши туфайли янги капитал қўйилмалар олиб борилиши камаяди, маҳсулот ишлаб камаяди ва ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш ёмонлашади.

Инвестиция фаолиятини бошқариш давлат ва йирик банклар аралашувини ҳам тақозо этади. Тадбиркорни жамият миқёсидаги муаммолар (иҳисизлик, товарлар ортиқчалиги ёки етишмовчилиги) қизиқтирумайди. Давлат мамлакат ичida иҳисизликни йўқотиш, ҳеч бўлмаса камайтириш учун янги иш жойларини яратиш мақсадида капитал қўйилмаларни кўпайтиришга интилади. Давлат билан тадбиркорнинг инвестиция сиёсати бандликни таъминлашдагина эмас, балки атроф муҳитни муҳофаза қилишда ҳам фарқланиши мумкин.

Давлатнинг инвестиция сиёсатида икки хил натижавий йўналиш биринчиси, ижгимоий-иқтисодий тараққиётнинг моддий асосини ташкил қилувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва, иккинчиси, вақтинча иқтисодий жиҳатдан самарасиз, лекин жамият ҳаёти учун зарур бўлган номоддий соҳаларга маблағ сарфлаш мавжуд бўлади.

Эркин бозор иқтисодиётида давлат юксак мақсадларни кўзлаб юқори инвестиция фаоллигини таъминлашга ҳаракат қиласи.


Инвестиция фаоллиги макро ва микро даражаларни қамраб олади. Макро даражада, давлат миқёсида амалга ошириладиган лойиҳалар,

масалан темир йўл қурилиши, магистрал йўллари (шоссе) қуриш, давлат аҳамиятига эга бўлган корхоналарни қуриш учун капитал маблағ сарфлаш тушунилади. Бунда даромадга нисбатан пассив жамғариш бўлади.

Микродаражадаги инвестиция, алоҳида оиласарнинг бюджетлари даромадларининг бир қисмини жамғаришга ва ишлаб чиқаришга сармоя сифатида йўналтиришни билдиради. У алоҳида шахсларнинг истеъмолга ва жамғаришга мойилликларига боғлиқ бўлади.

Куйидаги схемада инвестицион потенциалга эга субъектлар кўрсатиб берилган.

**Схема № 6.2**



Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвесторларнинг орасида етакчи ва асосий ролни давлат органлари эгаллайди. Хусусий сектордаги капитални жамғарилиши ҳозирги кунда бюджетдан молиялаштириш ва кредит

ташкылтлардан молиялаштириш билан рақобатлаша олмайди. Чунки хусусий сектор энди секин асталик билан шаклланиб бормоқда. Ҳозирги кунда молия- кредит институтлари кенгайиб, бу ерга ахолини жамғармалари йиғилмоқда.

Иқтисодиётни қайта күриш шароитида инвестицияларни бир қисми акциядорлик корхоналарни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Капитал қўйилмаларга маблағларни жалб этишда муомалага қимматли қоғозларни чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

### 6.3. Инвестиция портфели

Корхона маблағлари инвестицияланган қимматли қоғозлар йигиндиси инвестиция портфели деб аталади. Инвестиция портфелини шакллантиришда қўйидаги тамойилларга риоя қилинади: хавфсизлик (тавакалчиликни камайтириш), даромадлилик, ликвидлик ва қўйилмаларнинг ўсишига эришиш. Бу тамойиллар муайян даражада бир-бирига нисбатан муқобил характерда бўлади. Масалан, даромадлиликни оширишга интилиш таваккалчиликни кучайтиради, яъни инвестиция қийматини бой бериш хавфи ортишига олиб келади. Юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар ҳамма вақт ҳам юқори даромад келтирмайди. Давлат қимматли қоғозлари ликвидлик даражаси юқори, таваккалчилик паст, лекин корхоналар қимматли қоғозларига нисбатан пастроқ даромад келтиради.

Янги ташкил топган, инновацион характердаги (фан-техника янги йўналишларига асосланган) корхоналар акцияларига даромадлар паст даражада кафолатланади, лекин капиталнинг келажакда ўсиши нуқтаи- назаридан улар истиқболли ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган барча тамойилларга муҳим даражада риоя этилишига эришилган инвестицион портфель мувозанатли портфель дейилади. Таниқли ва ишончли фирмаларнинг қимматли қоғозларидан шаклланган портфель, консерватив портфель бўлади. Агрессив портфель ликвидлиги юқори бўлмаган, хатар даражаси кучли, лекин келажакда тез юксалиши кутилаётган компаниялар қимматли қоғозларидан ташкил топади.

Инвестицион портфель ўз таркибиға қисқа муддатли қимматли қоғозларни ҳам, акциялар ва облигацияларни ҳам олиши мумкии.

Инвестицион портфелни шакллантириш усуллари қўп. Улардан энг обрўлиси Уильям Шарп ва Гарри Марковицларнинг инвестицион портфель назариясидир. Бу назариянинг қоидалари қўйидагича:

- 1) инвестициялар активлар турлари бўйича тўғри тақсимланиши лозим;
- 2) муайян турдаги қимматли қоғозга инвестиция таваккалчилиги фойданинг кутилаётган даражадан фарқланиши эҳтимоли билан белгиланади;
- 3) инвестицион портфелнинг умумий даромадлилиги ва хатарини унинг таркибини ўзgartириш орқали ўзgartириш мумкин;

4) инвестицион портфелни шакллантиришда назарда тутилаётган барча мўлжаллар ва мезонлар эҳтимолий характерда.

Портфелнинг бир неча турлари мавжуд:

- ўсиш портфели – нархи тез усаётган қимматбаҳо қоғозлар тўплами;
- даромад портфели – юқори ва қатъий жорий даромадни таъминловчи қимматбаҳо қоғозлар тўплами;
- хатарли сармоя портфели – янги, "ёш" ва агресив корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозлар тўплами;
- маҳсус (ихтисослашган) портфель – қимматбаҳо қоғозларнинг айрим гурухларинигина ўз ичига олади;
- балансдаги ёки аралаш портфель – турли хилдаги қимматбаҳо қоғозлар тўплами.

Портфелни шакллантиришдаги асосий мақсад таваккалчилик билан даромаднинг инвестор учун оптимал нисбатига эришиш ҳисобланади.

Оптималлик иложи борича хатар ҳисобига йўқотишларни камайтириш ва энг юқори даромадлилик билан ҳарактерланади. Хатарни минималлаштиришга кўпинча диверсификация, яъни хилма-хил фонд қийматликларини сотиб олиш ҳисобига эришилади. Бир турдаги қимматбаҳо қоғоздан олинган паст даромад бошқа турдаги қимматбаҳо қоғоздан олинган юқори даромад ҳисобига қопланади.

Портфелни ташкил қилишда сармоядор қўйидаги мақсадларга эътибор бериши лозим:

- 1) портфелдан даромадни максималлаштириш мақсади;
- 2) портфелга кирган қимматли қоғозларни курс бўйича баҳосининг оширишга мўлжалланган мақсадлар;
- 3) ўзи учун мақбул бўлган таркибдаги хатар ва даромадлилиги даражаси бўйича салмоғини аниқлаш.

Портфелни назарий ва амалий бошқаришда 2 хил ёндашиш мавжуд: анъанавий ва замонавий.

Анъанавий ёндашиш фундаментал ва техник таҳлилга асосланган. У кўпроқ қоғозларни тармоқлар бўйича кенг доирада сотиб олишга мўлжалланади.

Портфелларни замонавий бошқариш назарияси статистик ва математик усуллардан фойдаланишни назарда тутади. Унинг ўзига хос хусусияти – бозор таваккалчилиги ва даромадлилиги орасидаги боғланиш оптималлик мезони орқали аниқланади. Бунда компьютер техникиси ва математик ҳисоблаш усуллари ишга солинади.

Портфеллар стратегияси молиявий менежментни стратегиясининг ажралмас қисмини ташкил қиласди. Портфеллар стратегиясини вазифаси ташқи инвестицион структурадан самарали фойдаданишига шароит яратиш.

Портфеллар стратегияси корхона ва тижорат ташкилотидаги молиявий менежмент стратегиясига бўйсундирилади.

## **6.4. Қимматли қоғозлар эмиссияси**

Тадбиркорликни молиявий маблағ билан таъминланишда ва қимматли қоғозлар бозорида иштирок этишда асосий вазифалардан бири акциядорлик жамиятининг эмиссион фаолиятини ташкил этишдир.

Қимматли қоғозларнинг эмитентлари бўлиб юридик шахслар, шу жумладан давлат органлари ва маҳаллий органлар майдонга чиқадилар. Эмитент ўз зиммасига қимматли қоғозлар бўйича муайян мажбуриятларни олади.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари – булар эмитентлар, инвесторлар, инвестиция институтлари ва банклардир. Улар қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олишда молиявий воситачи вазифасини бажаради. Эмиссион жараён бир қанча бир-бирига боғланган босқичлардан иборат:

- дастлабки эмиссия;
- қимматли қоғозлар муомаласини ташкил этиш ва дивиденdlар (даромадлар) тўлаш;
- муомаладан қимматли қоғозларни олиш.

Акциядорлик жамияти акцияларини таъсисчилар ўртасида бирламчи жойлаштириш, устав капитали кўпайишида кўшимча акциялар жойлаштирилиши, облигацияларни бирламчи жойлаштириш дастлабки эмиссиянинг мазмунини ташкил этади. Дастлабки эмиссия жараёни ўз ичига қуидагиларни олади:

- эмитентлар томонидан қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши;
- қимматли қоғозлар чиқариш бўйича эмиссия проспектини тайёрлаш ва тасдиqlаниши;
- қимматли қоғозлар чиқарилишининг рўйхатга олиниши;
- қимматли қоғозларни эмиссия ҳажми обунаси эълон қилиниши;
- қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиш.

Қимматли қоғозларни ёпиқ усулда жойлаштирилиши қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

- қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиниши;
- қимматли қоғозларнинг рўйхатга олиниши;
- қимматли қоғозларни жойлаштирилиши.

Жаҳон амалиётида қабул қилинган давлат қимматли қоғозлари жумласига қуидагилар киради:

1. Хазина векселлари – қисқа муддатли давлат қарз мажбуриятлари; одатда, чиқарилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида сўндирилади ва дисконт тарзда, яъни сўндириладиган номиналидан паст нархда сотилади.

2. Ўрта муддатли хазина векселлари, хазина банклари бир йилдан беш йилгача муддатда сўндириладиган мажбуриятлари; одатда, белгиланган фоиз тўлаш шарти билан чиқарилади.

3. Узоқ муддатли хазина мажбурнятлари ўн йил ва ундан ортиқ муддатда сўидирилади. Улар бўйича купон фоизлари тўлаб борилади. Бундай давлат қимматли қоғозларининг эгаларига муддат тугаганидан сўнг уларнинг қийматини нақд пул билан берилади ёки бошқа қимматли қоғозларга қайта молиялаш мумкин.

4. Давлат (хазина) облигациялари – ўз моҳияти ва вазифасига кўра ўрта муддатли ва узоқ муддатли хазина мажбуриятларига яқин. Давлат облигацияларининг айrim турлари хусусан, жамғарма облигациялари бозордан ташқари асосда ҳам тарқалиши мумкин.

Қимматли қоғозлар – товарларининг энг мураккаб тури ва шунинг учун эмитентлар билан инвесторлар ўртасидаги молиявий воситачилик, фондлар бозорида қимматли қоғозлар бўйича хизматлар кўрсатиш ишлари шу бозорнинг малакали иштирокчилари – брокерлар, дилерлар, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, банклар томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори хозирги кунда шаклланмоқда. Бунда асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан фонд биржасида ва фондлар дўконлари орқали хусусийлаштирилган корхоналарнинг эркин сотиш учун мўлжалланган акциялар мажмуаси сотилади. Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори устувор фаолият кўрсатмоқда. Иккиламчи бозор эса эндиғина шаклланмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорининг асосий вазифаси кўп сонли инвесторларнинг бўш пул ресурсларини тўплаб, уларни иқтисодиётининг ишлаб чиқариш соҳасига йўналтиришdir.

Фонд бозорининг воситалари бўлган қимматли қоғозлар-уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгалари ўртасидаги мулкий ҳуқуқни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ва шу ҳужжатлардан келиб чиқувчи ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имконини кўзда тутувчи пул ҳужжатлариdir.

Қимматли қоғозларнинг энг асосий хоссалари айланувчанлик (муомалада бўлишлик) ва тўловга лаёкатлилик (ликвидлилик) дир.

Айланувчанлик – қимматли қоғознинг бозорда ҳарид қилиниши ва сотилиши, шунингдек кўп ҳолларда мустақил тўлов воситаси сифатида ишлатиш хусусияти.

Ликвидлик – қимматли қоғознинг унинг эгаси учун йўқотишларсиз, бозор қиймати ва сотиш чиқимларидағи кичик ўзгаришлар билан тез сотилиш ва пул маблағларига айланиш (нақд пул ёки нақд пулсиз шаклида) хусусияти.

Қимматли қоғозларнинг энг кенг тарқалган тури акциялар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги Конунига мувофиқ, акция – амал қилиш муддати белгиланмаган, юридик ёки жисмоний шахс томонидан акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян улуш қўшилганлигини, акция эгасининг

ушбу жамият мулкидаги иштирокини тасдиқлайдиган, шу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз.

Қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгалари (инвесторлар) юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан муомалага чиқариши эмиссия деб аталади. Эмиссия бирламчи ва такрорий (иккиламчи ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг бирламчи эмиссияси қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- мавжуд корхонани ўзгартириш ёки янгисини тузиш йўли билан акциядорлик жамиятини таъсис қилишда;

- юридик шахслар, давлат, давлат ҳокимияти органлари томонидан облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятларини дастлабки чиқариш йўли билан карз сармоясини жалб қилишда.

Қимматли қоғозларнинг такрорий эмиссияси акциядорлик жамиятлари, давлат, давлат ҳокимияти органлари томонидан акциялар, облигациялар ёки бошқа қарз мажбуриятларини қўшимча чиқариш йўли билан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятлари қўшимча чиқарувдан сармояни тартибга солиш, самарадорлигини кўтариш учун фойдаландилар. Бошқарувчининг мақсадига қараб такрорий эмиссия тури – ациялар ёки облигацияларнинг маълум хили танланади.

Агар сармояни бошқаришдан мақсад хусусий маблағлар улушини кўпайтириш бўлса, устав фондиии ошириш ва қўшимча акциялар чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш мумкин.

Агар қарз маблағларини тез жалб қилиш зарурияти туғилса, облигациялар чиқарилади. Агар акциядорлар сонини аста-секин оширишга келишилса, алмаштириладиган облигациялар чиқарилади ва кейинчалик уларни оддий акцияларга алмаштирилади.

Маблағ билан таъминланишини кенгайтириш, лекин акциядорлик жамияти устидан назоратни сақлаб қолиши зарур бўлган ҳолда облигациялар ёки овоз беришда қатнашмайдиган акциялар чиқарилади.

Агар бошқарувнинг манфаатлари илгари чиқарилган қимматли қоғозларнинг бозор курсини тутиб туришни талаб қилса, акцияларни бўлиб юбориши ёки аксинча жамлашга киришиш мумкин.

Жаҳон амалиётида қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш механизми бундай шаклланган: одатда, эмитент корхона томонидан воситачи фирмаларга таклиф шакллантирилади, қимматли қоғозларнинг хусусий ва оммавий жойлаштирилишини ташкил қилинади.

Ёпиқ (хусусий) жойлаштириш оммавий тарзда эълон қилинмасдан, реклама компанияси уюштирилмасдан, эмиссия проспекти чиқарилмасдан ва қайд қилинмасдан, илгаридан маълум чекланган инвесторлар доирасида амалга оширилади.

Очиқ (оммавий) жойлаштиришда қимматли қоғозларни оммавий эълон қилиш, реклама компанияси ўтказиш, эмитент ҳақида етарлича тўлик

маълумотни ўз ичига олган эмиссия проспектини чиқариш ва қайд қилиш ишларини оширган ҳолда бўлғуси чекланмаган инвесторлар доираси ичидаги тарқатилади.

Эмигентлар ўз қимматли қоғозларини мустақил равишда, воситачилик ҳақи эвазига банклар, инвестиция компаниялари ва молия брокерлари орқали сотишлари мумкин.

Қимматли қоғозларни очиқ жойлаштириш ишини тез ва самарали ўтказиш учун эмитент воситачи-фирмаларни жалб қиласди; у инвестиция компаниялари ва молия брокерлари бўлиши мумкин. Улар қимматли қоғозларни эмитент номидан бегона инвесторларга сотиш учун барча имкониятларини ишга солиб мажбуриятларини олади.

Воситачи кейин бегона инвесторларга қимматроқ сотиш мақсадида чиқарилган барча қимматли қоғозларнинг кўрсатилган муддат мобайнида бегона инвесторларга сотиб улгурилмаган қисмини белгиланган нарх бўйича ўз хисобидан сотиб олиш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олиши мумкин. Бу операцияларнинг ҳаммаси биргаликда андеррайтинг деб аталади.

Жаҳон амалиётида андеррайтинг эмитентга қимматли қоғозларнинг сотиш натижасида минимал, лекин муайян пул суммасини олиш кафолатини беради. Бу кафолат эмитентнинг чиқариш учун таклиф қилаётган барча акциялари миқдорининг сотилишига ишончини мустаҳкамлайди. Чет элларда йирик эмитентлар одатда қимматли қоғозларни жойлаштириш ишларини инвестиция банкларига топширади: бу банклар чиқарилган қимматли қоғозларни тарқатиш учун синдикатлар ташкил қиласди.

Қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштиришда эмитент ва чиқарилган қимматли қоғозлар кафили, яъни эмитент билан келишув бўйича қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгаларига сотадиган инвестицияси муассасаси ҳар бир харидорга у шу қоғозларни сотиб олгунига қадар сотиш шартлари ва эмиссия проспекти билан танишиш имконини таъминлашлари зарур.

Эмиссия проспектида эмитент ўзи ҳақидаги, сотиш учун таклиф қилаётган қимматли қоғозлар ҳақидаги, уларни чиқариш тадбирлари ҳамда таркиби ҳақидаги ва бошқа шу каби маълумотлар бўлиши шарт. Бу ахборотлар шу қимматли қоғозларни сотиб олишга ёки бундай ҳаридни рад қилишга таъсир кўрсатиши мумкин.

## 6.5. Қимматли қоғозлар бозори инфраструктураси

Қимматли қоғозлар бозорида муомалада уларни эркин ҳолда сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун ҳужжатларида кўрсатилганидек, қимматли қоғозлар эгаларининг ўзгаришига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорларда айланади. Бирламчи бозорда янги чиқарилган қимматли қоғозлар сотилади ва сотиб

олинади, иккиламчи бозорда илгари чиқарилган қимматли қоғозлар айланади. Бирламчи бозорда қимматли қоғозлар сотилади, иккиламчи бозорда эса қайта сотилади.

Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорда давлат ва муниципиал облигациялар, шунингдек ҳам молиявий, ҳам номолиявий соҳалардаги турли акциядорлик жамиятлари чиқарадиган акция ҳамда облигациялар эмиссияси амалга оширилади.

Бирламчи бозорнинг энг муҳим вазифаси инвесторга ўз пул маблағларини қўйиш учун қимматли қоғоз турини ишонч билаи танлашга имкон яратадиган эмитент ҳақидаги маълумотни тўлиқ очиб беришdir.

Қимматли қоғозлар бирламчи бозорида, одатда, бевосита инвесторлар сифатида акция ва облигацияларни тўғридан-тўғри ёки биржа фирмалари ва инвестиция банклари орқали сотиб оладиган инвестиция ҳамда тижорат банклари, инвестиция фондлари, компаниялари, муассасавий инвесторлар намоён бўлади.

Иккиламчи бозорнинг муҳим хусусияти унииг ликвидлиги, яъни курслар унча ўзгармаган ва сотишдаги чиқимлар паст бўлган холда қисқа муддат ичida катта микдордаги қимматли қоғозларни ўзлаштириш хусусиятидир.

Қимматли қоғозлар иккиламчи бозори ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик бирликлари ўртасида молия маблағларининг эркин оқимини ана шу бозор таъминлайди. Амалда бу қоғозлар фирманинг заҳира сармояси ҳисобланади ва молия маблағлари етишмай қолганда у ўз активидаги қимматли қоғозларининг бир қисмини иккиламчи бозорда сотиши мумкин.

Иккиламчи бозорда қимматли қоғозларнинг қайта сотилиши хўжалик субъектларининг умумий сармоясини ўзгартирумайди, чунки қоғозлар бир эгадан иккинчисига ўтади, холос. Фирма янги қимматли қоғозларни чиқарганда сармоя қарз ёки хусусий сармоя кўпаяди. Шундай қилиб, бирламчи бозор сармоянинг кўпайишига ва маблағ билан таъминлашининг янги манбани самарали тақсимлашига ёрдам беради, иккиламчи бозор эса молиявий маблағларнинг қулай ва тез харакатланишига шароит яратиб, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта ташкил қилинишини анча енгиллаштиради.

Сармояга муҳтоҷ бўлган ва сотиш учун қандайдир активлар чиқарган ташкилот, одатда уларни тарқатишни воситачи банкларга, шунингдек кўпгина хусусий молия ташкилотларига топширади. Баъзан, корхона акцияларини обуна бўйича ўзи тарқатади.

Хозирги вақтда Республикаизда қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг ўзнга хос хусусияти – қимматли қоғозлар, иккиламчи бозори хали яхши шаклланмаган.

Қимматли қоғозлар биржа бозорларида, шунингдек биржадан ташқари ("кўча") бозорларда ҳам айланади.

Биржа бозори махсус муассаса сифатида ташкил қилинган бозор – фонд биржаси орқали ҳаракатланади. Фондлар биржасида энг юқори сифатли қимматли қоғозлар айланади ва операцияларни малакали мутахассислар амалга оширади. Фонд биржасини ташкил қилиш ва унинг фаолият кўрсатиш қоидалари қўйироқда кўриб чиқилади.

Биржадан ташқари бозорда қуйидаги битимлар амалга оширилади:

а) биржада рўйхатдан ўтказилмаган қимматли қоғозлар билан;

б) биржада рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар билан воситачилар орқали. Бунда иштирокчилар фондлар биржалари белгилайдиган анча юқори воситачилик ставкаларини четлаб утишга интиладилар;

в) воситачиларсиз – компьютер тизими орқали.

Биржадан ташқари бозорни тартибсиз ва дилер бозорларига бўлиш мумкин.

Дилерлар, одатда, қимматли қоғозларни ўз мулклари қилиб сотиб олади ва кейин яна сотади. Хўжалик бирликлари томонидан қимматли қоғозларга бўлаётган талаб ва таклифларга жавоб бериш мақсадида дилерлар одатда етарли даражада қимматли қоғозлар ҳажмини ўзларида сақлаб туради ва ўз номидан сотади. Дилерларнинг даромади қимматли қоғозларни сотиш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқдан ҳосил бўлади.

Инвестиция компанияси юридик шахс бўлиб, қимматли қоғозлар бозорида мижоз ҳисобига эмас, балки ўзининг ҳисобига ишлайди, яъни молия брокеридаи фарқли ўлароқ, у дилер ҳисобланади.

Инвестиция компанияси қимматли қоғозлар чиқаришни ташкил этади, учинчи шахслар фойдаси учун уларни жойлаштириш юзасидаш кафолатлар беради, қимматли қоғозларга маблағ қўяди. Ўз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси билан шуғулланади, жумладан қимматли қоғозларни котировкалашни амалга оширади.

Инвестиция компаниялари ўз ресурсларини факат ўз маблағи ва юридик шахсларга сотиладиган ўз қимматли қоғозлари эмиссияси ҳисобидан шакллантирилиши лозим.

Инвестиция фондлари фойда (даромад) олиш, Республика аҳолиси ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларга қўйилган маблағларини химоя қилиш, ижтимоий кафолатларини таъминлаш ҳамда акциядорларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги таваккалини камайтириш мақсадида тузилади.

Инвестиция фондлари қимматли қоғозларни уни қайта сотиб олиш мажбурияти билан ёки қайтариб сотиб олиш мажбуриятисиз (ёпик шакли) чиқаришлари мумкин.

Инвестиция фондлари очик акциядорлик жамиятлар сифатидагина ташкил этилиши мумкин.

Банклар ва суғурта компаниялари инвестиция фондлари бўла олмайдилар.

Инвестиция фонди ўз фаолиятини бошқа хўжалик ва молиявий амалиётлар билан қўшиб боришига йўл қўйилмайди.

Инвестиция фонди камида 2 та муассисга эга бўлиши керак. Давлат ҳокимият ва бошқарув органлари инвестиция фондлари фаолиятида иштирок этиши мумкин эмас.

Юридик ва жисмоний шахслар инвестицияси фонднинг муассислари бўлиши мумкин. Уларнинг ўзаро муносабатлари таъсис шартномаси билан тартибга солиб турилади.

### **Мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Жамғариш нима?
2. Инвестиция ҳақида тушунча беринг.
3. Давлат инвестициялари нима ?
4. Хусусий инвестияларги нималар киради?
5. Инвестицион портфель нима?
6. Қимматли қофозлар нима?
7. Қимматли қофозлар эмиссияси қандай амалга оширилади?
8. Қимматли қофозлар бозори инфраструктураси нима?

## **VII БОБ. КОРХОННИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

### **7.1. Корхона активларининг иқтисодий моҳияти ва гурухланиши**

Корхона ихтиёридаги иқтисодий ресурслар корхонанинг активлари деб аталади. Активларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, улар жорий даврда ва (ёки) келажакда корхонага иқтисодий наф келтиради. Ўз навбатида бу иқтисодий наф корхона активларининг кўпайишида ёки иқтисодий мажбуриятларнинг камайишида ифодаланади.

Корхонанинг жорий даврда иқтисодий наф келтирувчи активлари жорий (қисқа муддатли) активларни ташкил этади. Жорий даврдан ташқарида наф келтирувчи активлар эса, узоқ муддатли активлар деб юритилади. Жорий активларда мужассамлашган маблағлар корхонанинг **айланма маблағлари**. Узоқ муддатли активларда мужассамлашган маблағларни баъзан **оборотдан ташқаридаги активлар** деб айтадилар. Уларнинг қайтадан пул ресурсларига айланниши айланма маблағларга нисбатан анча секин кечади.

Корхона капиталининг узоқ муддатли активларни шакллантиришни молиялаш учун хизмат қилаётган қисми **асосий капитални** ташкил этади. Узоқ муддатли активлар таркибига **асосий воситалар, номоддий активлар** узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, капитал қўйилмалар ва узоқ муддатли дебиторлик қарзлари киритилади.

Хўжалик амалиётида **асосий воситалар** ва **номоддий активлар** таркибига бир йилдан кўпроқ муддат хизмат қиласидиган, ишлаб чиқариш, тижорат ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган, қайта сотиш учун мўлжалланмаган активлар киритилади.

Қийматининг маҳсулот таннархига ёки давр харажатлари таркибига ўтиб бориши хусусиятларига кўра моддий активлар уч гурухга бўлинади:

- 1) амортизация қилинадиган моддий активлар (бинолар, ускуналар ва бошқа шу кабилар);
- 2) емирилишга тегишли бўлган моддий активлар (фойдали қазилмалар, ўрмон бойликлари);
- 3) емирилишга тегишли бўлмаган ва амортизация қилинмайдиган моддий активлар (ер).

**Асосий воситалар ҳисобланмайдиган бошқа таҳлил қилинадиган активлар қаторига тугалланмаган қурилиш, эскириш қиймати билан номоддий активлар ва бошқалар киритилади.**

Молиявий менежментнинг асосий вазифаси асосий маблағларлар таҳлил кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасига асосланган ҳолда уларни молиялаштиришнинг устивор йўналишларини аниqlашdir.

Корхоналарда жорий активларни бошқариш активларни бошқариш тизимининг мухим буғинларидан бири саналади. Жорий активлар кўп холларда *айланма маблағлар* ёки *айланма капитал* деб ҳам юритилади. Умуман олганда корхоналарнинг *айланма маблағлари* - бу унинг жорий активларига қўйилган капиталларнинг қисми ҳисобланади.

Корхона айланма маблағларининг таркиби ва уларни бошқариш масалалари 8-бобда келтирилади.

## 7.2. Асосий воситалар ҳаракатини бошқариш

**Корхонанинг асосий воситалари** деб, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этиб, ўзининг қийматини маҳсулот қийматига ўтказиб борувчи активларга айтилади. Асосий воситаларнинг миқдорини пулда ифодалаш учун асосий фондлар атамасидан ҳам фойдаланилади. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб аталади.

Иқтисодий мақсадларига кўра, асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланади. Ишлаб чиқариш асосий фондлари ўз моҳиятига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш потенциалини ташкил қилиб, уларнинг таркибига қўйидагилар киради:

- \* ишлаб чиқариш бинолари ва иншоатлари;
- \* узатиш қурилмалари;
- \* кувват машиналари ва ускуналари;
- \* ишчи машиналар ва ускуналар;
- \* транспорт воситалари;
- \* ўлчов, тартибга солиш асбоб-ускуна ва қурилмалари;
- \* фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоб-ускуна ва ишлаб чиқариш инвентари.

**Ноишлаб чиқариш асосий фондлари** корхона асосий фондларининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабабли ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди. Булар қаторига асосан корхона балансида турувчи турар жой, ошхона, қозонхона, профилактория, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа обьектлар киритилади. Маданий-маиший ва соғломлаштириш йўналишидаги ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш асосий фондлари билан фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг сақланиши, ўз қийматини секин-аста йўқотиши каби кўп жиҳатлари билан ўхшашдир.

Асосий фондлар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган ролига қараб икки қисмга бўлинади:

- 1) актив (фаол) фондлар,
- 2) пассив (нофаол) асосий фондларга.

**Актив (фаол) асосий фонdlарга** куч берадиган машиналар ва асбоб-ускуналар, иш машиналари ва асбоб-ускуналар, ўтказгич жиҳозлар, ўлчаш ва тартибга солиш асбоблари киради. **Пассив (нофаол)** қисмга эса бинолар, иншоотлар ва транспорт воситалари киритилади. Асосий фонdlарнинг актив (фаол) қисми ишлаб чиқариш асбоб ускуналаридан иборат бўлганлиги учун, улар меҳнат воситалари сифатида маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадилар. Асосий фонdlарнинг пассив (нофаол) қисми эса маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайди, лекин ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз олиб бориш учун шарт-шароит яратади. Одатда асосий фонdlарнинг актив (фаол) қисмининг салмоғи қанча қўп бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти ҳам шунча қўп бўлади. Асосий фонdlарнинг актив (фаол) қисмининг ошириш йўллари қўйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

- 1) ишлаб чиқариш жараёнларини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш;
- 2) ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона фойдаланиш;
- 3) бино ва иншоотларни қуришда қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш ва ҳоказолар.

Асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш ёки ҳолатини яхшилаш тўғридан тўғри харажатларни, жумладан, ундан мақсадли фойдаланиш учун зарур бўлган ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан асосий воситаларнинг **бошланғич қиймати** - бу асосий воситаларни яратиш (қуриш ва қайта қуриш) ёки сотиб олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қиймати бўлиб, жумладан тўланган ва қайта қопланмайдиган солиқлар ва йиғимлар, шуниндек ташиб келтириш ва монтаж қилиш, ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш бўйича харажатларни ва активни тайёр ҳолга келтириш бўйича бошка харажатларни ўз ичига олади. Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати даврий равищда **қайта баҳоланади**. Қайта баҳолаш натижасидан кейинги асосий воситалар қиймати **тикли қиймати** деб аталади. Маълум санада амал қилаетган бозор баҳолари бўйича асосий воситаларнинг қиймати **жорий қиймат** деб аталади. **Қолдиқ қиймат** - асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ёки жорий қийматидан тўпланган амортизация суммасини айриб аниқланган қийматдир. **Тугатиш қиймати** - бу асосий воситаларни тугатишда пайдо бўладиган даромаддан тутиш (эксплуатация) харажатларини айиргандан кейинги қийматдир.

Асосий воситаларнинг эскириши ва эскирган қийматнинг харажатлар таркибиغا киритилиши асосий воситаларнинг **амортизациясида** ифодаланади.

#### **Амортизацияни ҳисоблаш усуllари:**

- 1) қийматни бир текисда ҳисобдан чиқариш усули;
- 2) бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равищда амортизацияни ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули);

3) тезлаштирилган ҳисоблаш усули:

- сонлар йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш усули;
- қолдиқни камайтириш (камайиб борувчи қолдиқ) усули.

**Қийматни бир текисда ҳисобдан чиқариш** усулида объектнинг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат қилиш муддати даври мобайнида бир текисда ҳисобдан чиқарилади. Амортизацияланадиган қиймат объектнинг бошланғич қийматидан унинг тугатиш қийматининг айрмаси сифатида аниқланади. Амортизация нормаси эса хизмат муддатига мутаносиб равишда ҳисоблаблаб чиқилади, масалан хизмат муддати 5 йил бўлганда амортизация нормаси 20 фоизга тенг бўлади.

**Бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равишида амортизацияни ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули)** эскириш эксплуатация натижасидир ва уни ҳисоблаш жараёнида вақт рол ўйнамайди деган фикрга асосланади .

**Қийматни тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули** асосий воситаларнинг эскиришида маънавий эскириши устун туради деган фаразга асосланади. Шунинг учун дастлабки йилларда ҳисобланадиган амортизация суммаси юқори бўлади ва йил сайн камайиб боради. Амортизация нормаси аниқланишини қуидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Юк машинасининг тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил. Фойдаланиш йиллари суммаси - 15 йил (кумулятив сон, 1дан 5гача сонлар йиғиндиси 15га teng). Биринчи йил учун амортизация нормаси 5:15, иккинчи йил учун амортизация нормаси 4:15, учинчи йил учун амортизация нормаси 3:15, тўртинчи йил учун амортизация нормаси 2:15 ва бешинчи йил учун амортизация нормаси 1:15 деб олинади. Демак, бешинчи йил учун ҳисобланадиган амортизация суммаси биринчи йилдагидан 5 марта камроқ бўлади.

**Камайиб борувчи қолдиқ усулида** амортизация нормаси сифатида бир текис усулдагига нисбатан икки баравар оширилган норма қабул қилинади. Лекин амортизацияланадиган қиймат сифатида асосий воситанинг тегишли йилдаги қолдиқ қиймати олинади. Яъни биринчи йилда амортизиация бошланғич қийматга нисбатан ҳисобланади. Иккинчи йилда бошланғич қийматдан биринчи йил ҳисобланган амортизация суммаси чиқарип ташланади ва ҳосил бўлган қолдиқ қийматга нисбатан амортизация ҳисобланади ва ҳоказо.

Корхонада мавжуд асосий воситаларнинг бутлигини таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиб бориш учун асосий воситаларнинг **инвентаризацияси**, яъни йўқламаси ўтказилади. Бу молиявий бошқарув жараёнидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, йўқлама қилишни бошлангунга қадар қуидагиларни текшириш зарур:

- инвентар варақалари, инвентар дафтарлари ёки рўйхатларининг мавжудлиги ва қандай ҳолатдалиги;
- техник паспортлар ёки бошқа техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва қандай ҳолатдалиги;

- корхона томонидан ижарага, сақлашга ва вақтингча фойдаланишга топширилган ёки қабул қилинган асосий воситаларга доир хужжатларнинг мавжудлиги. Хужжатлар йўқ бўлса, уларнинг олиниши ёки расмийлаштирилишини таъминлаш зарур бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ёки техник хужжатларда тафовутлар, ёхуд ноаниқликлар топилган тақдирда уларга тегишли тузатишлар ва аниқликлар киритилиши керак.

Асосий воситаларни инвентаризацияловчи комиссия обьектларни натура (ашё) кўринишида кўздан кечиради ва йўқлама қилиш рўйхатларида уларнинг *тўлик номи, вазифаси, инвентарь рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиши кўрсаткичларини ва аҳволини қайд* этади.

Ҳисобга акс эттирилмаган обьектлар аниқлагандан, шунингдек, ҳисоб регистрларида уларни тавсифлайдиган маълумотлар бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилган обьектлар аниқланса, комиссия йўқлама қилиш рўйхатига ана шу обьектларни ёки етишмайдиган ёки тўғри маълумотларни киритади.

Инвентаризациялаш натижасида аниқланган, лекин *ҳисобда бўлмаган обьектларни баҳолаши жорий қиймат* бўйича амалга оширилади, эскириш эса обьектларнинг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланади. Баҳолаш ва эскириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Асосий воситалар рўйхатга обьектнинг асосий вазифасига мувофиқ номлари бўйича қайд этилади. Агар обьект тикланган, таъмирланган, кенгайтирилган ва ёки қайта жихозланган ва бунинг оқибатида унинг асосий вазифаси ўзгарган булса, у рўйхатга *янги вазифасига мувофиқ келадиган ном* билан киритилади.

Агар комиссия томонидан капитал характеристаги амалга оширилган ишлар (янги қаватларни қуриш, янги қўшимча хоналар қуриш ва бошқа) ёки қурилиш ва иншоатларни қисман тугатиш (айрим конструкция элементларини бузиш) ишлари бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилганлиги аниқланса, комиссия тегишли хужжатлар бўйича обьектнинг бошланғич қийматининг кўпайиши ёки камайиши суммасини аниқлаши ва амалга оширилган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни рўйхатда келтирилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида комиссия бунда айибдор шахсларни ва у ёки бу обьектлардаги ўзгаришлар ҳисоб регистрларида акс этмаганлиги сабабларини аниқлаши лозим.

Машиналар, ускуналар ва куч курилмалари йўқлама қилиш рўйхатларига якка тартибда, *инвентарь рақами, тайёрлаган заводи, чиқарилган йили, вазифаси, қувватлари* ва ҳоказолар кўрсатилган ҳолда киритилади.

Бир хил қийматли, бир цех ёки бўлимга бир вақтда келиб тушган ва гурухлаб ҳисобга олиш инвентарь карточкасида ҳисобга олинган хўжалик

инвентарлари йўқлама қилиш рўйхатларида бу буюмларнинг сонини кўрсатган ҳолда номлари бўйича келтирилади.

Асосий воситаларнинг инвентарь объектларига берилган рақамлар, қоидага кўра, **ўзгармаслиги керак**. Объектлар ўзларининг техник-ишлаб чиқариш вазифасига бўйича киритилиши керак бўлган асосий воситалар гуруҳидан бошқа гуруҳга хато равища киритилган ҳолларда, шунингдек нотўғри рақам куйилганлиги аниқланган ҳолларда рақамлар ўзгартирилиши мумкин.

Инвентаризация пайтида хўжалик юритувчи субъектдан ташқарида бўлган асосий воситалар объектлари (узоқ рейсларда бўлган денгиз ва дарё кемалари, темир йўл ҳаракатдаги таркиби, автомашиналар, капитал таъмирлашга юборилган машина ва ускуналар ва ҳоказо) доимий ишлайдиган ёки ишчи комиссия томонидан, улар хўжаликдан вақтинча чиқиб кетиши пайтига қадар йўқлама қилиниши керак.

Фойдаланишга яроқсиз ва тиклаб бўлмайдиган асосий воситалар, йўқлама қилиш **рўйхатига киритилмайди**. Ана шу объектларга **алоҳида рўйхат** тузилади ва уларни фойдаланишга топшириш вақти ва ушбу объектларни яроқсиз ҳолга келтирган сабаблар (шикастланиш, тўла эскириш ва ҳоказолар) кўрсатилади. Бундай объектларни ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисоби қоидаларида белгилangan тартибда амалга оширилади.

Ўзининг асосий воситаларини инвентаризация қилиш билан бир қаторда **ижарага олинган ва маъсулиятли сақлашда** бўлган асосий воситалар ҳам текширилади. Бундай объектлар бўйича алоҳида рўйхат тузилади, унда ана шу объектлар маъсулиятли сақлаш ёки ижарага қабул қилинганлигини қайси ҳужжатлар билан амалга оширилганлиги кўрсатилади.

Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати **инфляцияни** ва бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда вақти-вақти билан **қайта баҳоланиши** мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби борасидаги қонунчилигига биноан асосий воситалар **ҳар йили қайта баҳолаб борилади**.

Асосий фондларни қайта баҳолашда **Адлия вазирлигига 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтган «1 январ ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» ги Низомга амал қилинади.**

1 январ ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг дастлабки (тиклаш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса харид қилиш қийматидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Низомга биноан асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига қабул қилингандаги уларнинг дастлабки қийматини ўзгартирадиган операцияларга қуидагилар киради:

- белгиланган тартибга асосан вақти - вақти билан ўтказиладиган қайта баҳолаш (қўшимча баҳолаш, арzonлаштириш);
- асосий воситалар объектларини қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш;
- реконструкция қилиш, замонавийлаштириш;
- қисман тугатиш.

**Низом қуйидаги асосий воситалар объектларини қайта баҳолашни назарда тутади:**

- корхона мулкида унинг хўжалик юритишида, тезкор бошқарувда ва узоқ муддатли ижарада (лизингда) бўлган, уларнинг техник ҳолатидан қатъий назар;
- ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган;
- ҳисобдан чиқаришига тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган;
- тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари сингари асосий воситалар объектлари **қайта баҳоланмайди**.

Молия йили давомида қайта баҳолаш Республика Ҳукуматининг қарори ва корхона мол-мулки эгалари (муассислари) нинг қарори билан амалга оширилиши мумкин .

2002 йилдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар 1 январь ҳолатига ўзларининг асосий воситаларини йиллик қайта баҳолашга мажбурлар. Мазкур қоида Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 2002 йилги «Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида» 490-сон қарори билан қонунлаштирилган.

«1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни хар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» ги Низом асосий воситалар қийматини қайта ҳисоблашнинг иккита усулини назарда тутади:

- 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган, янги объектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган **бозор нархлари** бўйича объектлар қийматини **бевосита қайта баҳолаш**;
- асосий фонdlар турлари бўйича ва уларнинг харид қилиш даврларида боғлиқликда табақалangan асосий фонdlар қийматини **ўзгартириш индексларини** қўллаган ҳолда айrim объектларининг дастлабки (**тикланиш**) қийматини индекслаш.

Асосий воситалар қийматини бевосита қайта баҳолаш усули мақбулроқдир, чунки у объектларнинг жорий қийматлари тўғрисидаги холис ахборотга асосланади:

- тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

- қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий фондларни харид қилиш санасига Марказий Банкнинг валюта курсларини қўллаган ҳолда асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги (тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;

- тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

- қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва маҳсус адабиеёларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

- асосий фонdlар қиймати тўғрисидаги эксперт хулосалари.

Асосий воситаларни бевосита қайta ҳисоблаш усули билан қайta баҳолаш пайтида бухгалтерия ҳисобида қайд этилган эскирии *суммаси* қайta баҳолашдан кейинги *тикланиши қийматининг* қайta баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган **қайta ҳисоблаш коэффициенти бўйича индексланиши керак**.

Асосий фонdlарни қайta баҳолашнинг **индекс усули** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 31 декабрга қадар навбатдаги қайta баҳолаш бўйича қўллаш учун тегишли индекслар ишлаб чиқилишини ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини назарда тутади.

### 7.3. Номоддий активлар таркиби ва уларни бошқариш

Хўжалик қонунчилигида **номоддий активлар** деб юридик ҳуқуқлар, шу жумладан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган, *моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган*, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш учун фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк обьектлари тан олинади.

Шунга кўра қуйидаги сифатларга эга бўлган активлар номоддий актив деб аталади:

- моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаслиги;
- номоддий активнинг келажакда корхонага иқтисодий наф (даромад) келтиришга қодирлиги;
- узоқ вақт, 12 ойдан кўп ишлатилиши. (корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланиш муддати 12 ойдан кам бўлган интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқ номоддий активлар таркибига киритилиши мумкин эмас);
- корхона ушбу активни кейинчалик қайta сотишни режалаштиrmайди;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда ёки корхонанинг бошқарув эҳтиёжида фойдаланиш. Номоддий активлардан маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш жараенида фойдаланиш исботи бўлиб технологик ҳужжатлар, сметалар, ушбу номоддий активлар билан хўжалик операцияларини амалга оширишни киритади.

оширилганлигини қайд этадиган бошқа ҳисоб хужжатлари хизмат қилиши мумкин;

- корхонанинг бошқа мулкидан идентификация (ажратиш, булиш) қилиш мумкинлиги. Бир ҳисоб объектининг бошқасидан идентификация қилинишининг асосий белгиси унинг маҳсулот ишлаб чиқаришда, иш бажаришда ёки корхонанинг бошқарув эҳтиёжлари учун мустакил вазифаларни бажаришида ифодаланади;

- активнинг ўзининг мавжудлигини тасдиқловчи расмийлаштирилган хужжатлар ва корхонада интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлак хуқуқнинг (патентлар, лицензиялар, гувоҳномалар, бошқа ҳимоялов хужжатлари) мавжудлиги.

Интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланиш хуқуқини олиш ва бу билан боғлиқ операцияларни корхона бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бундай хуқуқ эгаси бўлган шахс ва фойдаланувчи ўртасида тузилган лицензия, муаллифлик ва шунга ўхшаш бошқа шартномалар асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида **номоддий активларнинг турли хиллари мавжуд** бўлади. Кўпинча уларнинг икки гуруҳини фарқлайдилар:

- интеллектуал мулк обьектлари;
- бошқа номоддий активлар.

Фуқаролик кодексининг 1031-моддаси **интеллектуал мулк обьектларига** қўйидагиларни киритади:

- 1) интеллектуал фаолият натижалари:
  - фан, адабиёт ва санъат асарлари;
  - радио эшилтириш ва телекўрсатув ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшилтириш ва қўрсатувлари;
  - электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот базалари;
  - ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
  - селекция ютуқлари;
  - ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хай);
- 2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:
  - фирма номлари;
  - товар белгилари (хизмат кўрсатиши белгилари);
  - товарлар ишлаб чиқарилган жой номи;
- 3) Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Фуқаролик кодексининг қоидаларига биноан интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектидан уз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда қонуний фойдаланиш **мутлак ҳуқуқи** тегишли бўлади. Ҳуқуқ эгасига мутлак ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг *розилиги* билан йўл қўйилади. Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишига, интеллектуал мулк объектидан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳакли ва, агар бу Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Демак, номоддий активларни ташкил этувчи интеллектуал мулк объектларига улардан фойдаланишнинг мутлак ҳуқуқлари киради. Ушбу мезонга асосан номоддий активларга - интеллектуал мулк объектларига куйидагилар киритилиши керак:

- интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар;
- фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар;
- интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижаларига ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларига, товарларга, ишларга ва хизматларга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар.

Булардан ташқари номоддий активларга ташкилий харажатлар ва фирманинг амалий мавқеини (***фирманинг нархи ёки гудвилл***) киритадилар.

21-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида номоддий активларнинг янада аникроқ таснифини келтирилган:

- патентлар, лицензиялар ва ноу-хай;
- товар маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари;
- дастурий таъминот;
- ер ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи;
- ташкилий харажатлар;
- франчайз;
- муаллифлик ҳуқуқлари;
- гудвилл;
- бошқа номоддий активлар.

**Патент** - тан олинган ва юридик рўйхатдан ўтган мутлақ ҳуқуқ. Патент ҳуқуқи патент жорий қилинадиган маҳсулотнинг алоҳида туридан, ўзига хос жараёндан, фаолиятдан патентнинг амал қилиш муддати давомида бошқа шахслар иштирокисиз фойдаланишнинг, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва назорат қилишининг мутлақ ҳуқуқини мустаҳкамдайди. Патент ҳуқуқлари ҳақ эвазига сотиб олиниши мумкин. Тегишли ҳолларда бу ўз ичига маслаҳат ва

юридик хизматлар, хужжатларни чоп этиш ва кўпайтиришга кетган қўшимча харажатларни ҳам олади.

**Ноу-хау** - «ишлаб чиқариш сирлари», техник, иқтисодий, маъмурий, молиявий ва бошқа ўзига хос маълумотларни ўз ичига оладиган тўлиқ ёки қисман маҳфий билимлар, тажриба, малакалар. Ноу-хау лойиҳалаш, ҳисобкитоб, қурилиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ўтказиш, материаллар ва буюмлар таркиби ва рецепти ва бошқалар бўйича патентланмаган билимлар ва жараёнлар, амалий тажриба, услублар, усуслар ва малакалар, шунингдек дизайн, маркетинг, бошқарув, иқтисод соҳаларига оид тажриба бўлиши мумкин. Ноу-хау корхона муассислари томонидан корхона иштирокчилари ёки муассислари келишуви билан белгиланган қиймат бўйича корхонанинг устав капиталига киритилиши мумкин. Ноу-хауни тижорат таомиллари асосида бериш лицензия муносабатлари билан расмийлаштирилади.

**Товар маркаси** - компанияларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ёки хизматларни идентификация қилиш учун хизмат қиласиган ва ундан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқини мустаҳкамлаш мақсадида рўйхатдан ўтказилган тимсол ёки ном. Товар маркаларини рўйхатдан ўтказиш эгалик қилишни асослаш учун амалга оширилади, рўйхатдан ўтгандан сўнг янгиланиши мумкин.

**Товар белгиси** - бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шу турдаги товарларидан *фарқлаш* учун хизмат қиласиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белги. Товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда мутлақ ҳуқуқقا, шуниндек товар белгисига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишдан иборат мутлақ ҳуқуқقا эга. Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангидаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

**Саноат намуналариға ҳуқуқ** - буюмнинг ташки кўринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечимлардан (дизайн) фойдаланишга алоҳида имтиезлар.

**Дастурний таъминот** - электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар ва маълумотлар базалари. ЭҲМ учун яратилган дастур - муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ тармоклари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва қўрсатмалар мажмии. Маълумотлар базаси - объектив шаклда ифодаланган ҳамда ЭҲМ ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмии.

**Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи.** Ер хусусий мулк бўлмаган шароитларда бу ҳуқуқни пулда ифодалашда муайян қийинчиликлар келиб чиқади. Кўпинча ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи иштирокчиларнинг

корхона устав капиталида улуш қийматининг бир қисми булиши мумкин. Ушбу ҳукуқлар қиймати корхона ташкил қилинаетган ернинг баҳосига боғлиқ ва тарафларниг келишуви билан белгиланади.

**Ташкилий харажатлар** - корхонани ташкил қилиш даврида вужудга келадиган харажатлар. Ушбу харажатлар корхона фаолиятининг техник-иқтисодий асосини, таъсис шартномаларини ишлаб чиқиш корхонани рўйхатдан ўтказиш бўйича йигимларни тўлаш, маслаҳатчилар хизматлари, реклама тадбирлари ва бошқа харажатлардан ташкил топади, корхона фаолиятининг бошланғич давридаги операцион харажатлар ва нобудгарчиликлар бундан мустасно. Ташкилий харажатларниг келгуси даврда фойда келтириши мумкинлиги ушбу харажатларни капитализация қилишга асос бўлади. Харажатларга кетган барча суммани фаолиятнинг биринчи йилига киритиш харажатларниг даромадлар билан мос келмаслигига олиб келади. Ташкилий харажатлар одатда корхона томонидан мустақил танланган вақт давомида амортизация қилинади (лекин, Солик кодекси қоидаларига биноан кўпи билан беш йил ва корхона фаолияти муддати ичидан).

Корхона фаолият кўрсатаетган даврда унинг *ташкилий ҳукуқий шакли* ўзгарганлиги сабабли таъсис ва бошқа ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, корхонани кенгайтириш, фаолият турини ўзгариши, мансабдор шахслар имзолари намуналарини тақдим қилиш, янги штамплар, муҳрлар ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган корхонанинг харажатлари ташкилий харажатларга киритилмайди ва капиталлаштирилмайди.

**Франчайз** - муайян формулалар, технологиялар ва ташки кўринишдан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳукуқ. Франчайзлар аниқ йуналиш ва аниқ хизматлардан фойдаланишга бўлган ҳукуққа эга бўлиш учун тақдим қилинади. Франшиза тўғрисидаги ҳар бир алоҳида контракт франшиза ҳақиқий бўлган вақт даврини, шуниндек франчайзор (имтиёзни тақдим қиладиган субъект) ва франчайзи (ушбу имтиёзни қабул қиладиган субъект)нинг ҳукуқларини ва мажбуриятларини аниқлаштиради. Франчайз атамаси шунингдек, катта корпорация (фирма) лар томонидан унга мутлақ тегишли бўлган товар белгилари фирма номи, ноу-хау ва бошқа ҳукуқларидан маълум ҳудуд ва вақт доирасида бошқа кичик тадбиркорлар томонидан маълум фоиз тўлов эвазига фойдаланиш ҳолатларида ҳам қўлланилади.

**Муаллифлик ҳукуқи** - илмий, адабий, Мусиқий ва бошқа асарлар муаллифларига муаллиф ҳаёт даврида ва муаллиф вафотидан сўнг 50 йил давомида давлат томонидан тақдим қилинадиган ҳимоя шакли.

#### **7.4. Асосий фондларни қиймати, эскириши ва уларни баҳолаш**

Амалиётда асосий воситаларниг корхона баланси ва ҳисботларида акс эттириладиган (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), қиймати **баланс қиймати** деб

аталади. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати уларнинг баланс қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш орқали аниқланади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилган маълумотлар асосида, **корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати** ( $\Phi_{\text{yr}}$ ) белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi_{\text{yr}} = \Phi_{\text{h}} + \frac{\Phi_{\text{n}} T_1 - \Phi_{\text{v}} T_2}{12};$$

Бу ерда:

$\Phi_{\text{h}}$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати;

$\Phi_{\text{n}}$  – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$\Phi_{\text{v}}$  – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий фондлар қиймати;

$T_1$ - фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (оиларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

$T_2$  – ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий ишлаб чиқариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (оилар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

Асосий фондларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий фондлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

**Жисмоний (моддий) эскириши** асосий фондларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий фондлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни (ИФ) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$ИФ = \frac{T_{\phi}}{T_{\text{h}}} \times 100; \quad \text{ёки} \quad ИФ = \frac{I}{P_c} \times 100.$$

Бу ерда:

$T_{\phi}$  - асосий фондларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

$T_{\text{h}}$  - асосий фондлар хизмат қилиши керак бўлган норматив муддат;

$I$  - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

$P_c$  – асосий фондларнинг бошланғич(қайта ташкил қилиш) қиймати.

**Маънавий эскириши** - асосий фондларнинг қадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий фондлар уларнинг ишлаб чиқариш

қийматлари пасайиши натижасида қадрсизланса, иккинчи шаклда асосий фондларнинг қадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради. Асосий фондлар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шаклларини қуидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$ИМ_1 = \frac{\Pi - В}{\Pi} \times 100;$$

$$ИМ_2 = \frac{\Pi_n - \Pi_c}{\Pi_n} \times 100.$$

Бу ерда:

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;

В - асосий фондларнинг тикланиш қиймати;

$\Pi_n$ - янги техниканинг унумдорлиги.

Асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан *амортизация ажратмаларни* айриб ташлайди ҳамда бу ажратмалар кейинчалик харажатлар сифатида маҳсулот таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари қуидаги формула асосида аниқланувчи амортизация нормалари ( $H_a$ ) асосида аниқланади:

$$H_a = \frac{A}{\Pi} * 100$$

Бу ерда:

А - амортизация ажратмалари;

П - асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қиймати.

Йиллик амортизация ажратмалари (А) микдори қуидаги формула асосида аниқланади:

$$A = \frac{\Pi + P_k + M - O}{T}$$

Бу ерда:

$P_k$  – асосий фондлар хизмат қилган муддат давомида капитал таъмиrlашга сарфланган харажатлар;

М - ускуна, машина ва қурилмаларни, улар хизмат қилган давр мобайнида модернизация қилишга сарфланган харажатлар;

О - асосий фондларнинг қолдиқ (ликвидацион) қиймати;

Т - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил.

Амалда амортизация маблағлари асосий фондларни түлиқ қайта тиклаш (реконструкция), капитал таъмирлаш ва ускуналарни модернизация қилиш учун алоҳида равишда йўналтирилади. Бундан келиб чиқсан ҳолда амортизация нормаси икки қисмдан - фондларни реконструкция қилиш ( $H_b$ ) ҳамда капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш ( $H_p$ ) учун ажратилувчи маблағдан иборат бўлади.

Биринчи ҳолда амортизация нормаси қўйидаги формула:

$$H_b = \frac{P - O}{TP} \times 100;$$

иккинчи ҳолда эса:

$$H_p = \frac{P_k + M}{TP}$$

асосида аниқланади

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий фондлар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий фондларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмuni, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қиласи.

Масалан, машина ва асбоб-ускуналарни **капитал таъмирлашда** улар тўлиқ қисмларга бўлинади ва эскирган қисмлар алмаштирилади. Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаши цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, маҳсус заводларда таъмирланади.

**Ўртacha таъмирлаш** техник мазмuni, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қиласи ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

**Жорий таъмирлашда** асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

## 7.5. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий кўрсаткичлари

Асосий воситаларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир этувчи қисми актив асосий воситалар деб аталади (машиналар, ускуналар ва шу кабилар), билвосита таъсир этувчи қисми эса пассив асосий воситалар (бинолар, иншоотлар) деб аталади. Асосий воситалар таркибида актив ва пассив турлари салмоғи турли

тармоқларда фарқланади. Асосий фондларни пассив қисми салмоғи қўйидаги соҳаларда юқори бўлади: озиқ-овқат, тикувчилик, гўшт, сут саъноати, қурилиш материаллари ва ёқилги саноатида. Қўйидаги саноат корхоналарида асосий фондларни актив қисми салмоғи юқори: тўқимачилик, химия, нефтни қайта ишлаш саноатлари, электро энергия, машинасозлик комплексларида.

Асосий фондлардан фойдаланишини баҳолашда фонд самарадорлиги даражаси ва фонд сифими умумий иқтисодий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Фондларнинг самарадорлиги даражаси асосий фондларнинг бир сўмига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини билдиради. Уни қўйидаги формула билан ҳисоблаб чиқиш мумкин.

$$\Phi_C = \frac{Y_m}{A_f}$$

бунда:  $\Phi_C$  - фондларнинг самарадорлик даражаси;

$Y_m$  - товар ёки соф маҳсулот ҳажми, сўм;

$A_f$  - асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртacha қиймати, сўм.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлик кўрсаткичининг ортиши ишлаб чиқариш фондларидан яхши фойдаланганликдан дарак беради.

Фонд сифими асосий ишлаб чиқариш фондининг самарадорлик даражасига тескари кўрсаткич бўлиб, қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi_T = \frac{A_f}{Y_m}$$

Фонд сифими деб, бир сўмлик ялпи маҳсулогга тўғри келаётган асосий фондлар қийматига айтилади.

Фонд самарадорлиги ўсиб бориши учун меҳнат унумдорлигининг ўсиш тезлиги фонд билан таъминланиш ўсишидан юқори бўлиши керак.

Фонд билан таъминланиш ишлаб чиқаришнинг асосий фондлар билан таъминланганлик даражасини ифодалайди, у эса қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi_T = \frac{A_f}{C_{sx}}$$

Бу ерда:  $\Phi_T$  — фонд билан таъминланганлик;

$A_f$  — асосий фондлар қиймати;

$C_{sx}$  — саноат ишлаб чиқариш ходимларининг умумий сони.

Фонд самараси, фонд билан таъминланганлик ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир, яъни

$$M_y = \frac{\Phi_C}{\Phi_T}$$

Бунда:  $M_y$  — меҳнат унумдорлиги, сўм.

Асосий фондларни эскириши уларнинг сифат холатини ифодалайди ва қуидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi_0 = \frac{M_x}{M_n} \cdot 100\%$$

Бунда:  $M_x$  – асосий фондларни ишлатилишининг ҳақиқий муддати, йил ҳисобида;

$M_n$  - асосий фондларнинг нормативдаги хизмат қилиш муддати, йил ҳисобида.

Шуни таъкидлаш керакки, фонд самарадорлиги даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотга, ишлаб чиқариш ҳажми асосий фондларнинг фаол ва суст қисмларидан қандай фойдаланаётганлигига боғлиқдир. Шу мақсадда машина ускуналардан экстенсив ва интенсив фойдаланиш кўрсаткичлари кўлланилади.

Экстенсив фойдаланиш деганда, машина ускуналардан қанча муддат фойдаланганлик, сменалик коэффициенти (суткасига ишлаш соатлари оширилиши, машина ускуналарининг бир текис ишлаган кунлари миқдори кўпайтирилиши, сменаларро бекор туриб қолишларнинг қисқартирилиши) тушунилади. Бу эса экстентив (иш вақтида) фойдаланиш коэффициенти (КЭКС) орқали ифодаланади:

$$K_{EKС} = \frac{A_k}{A_n}$$

бунда:  $A_k$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг корхона балансига ўтган вақтдаги календар вақти, сана;

$A_n$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг корхона балансига ўтган вақтдаги календар вақти, соат.

Интенсив фойдаланиш коэффициенти қуидагича аниқланади.

$$K_{INT} = B_n \cdot B_h$$

Бунда:  $B_h$  - вақт бирлигига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг амалдаги ҳажми;

$B_n$  - худди шу даврда белгиланган техникавий норма ёки режа бўйича маҳсулот ҳажми.

## 7.6. Капитал таркиби ва уни оптималлаштириши.

**Капитал** – молиявий менежментда доимий фойдаланиб келинаётган иқтисодий категориялардандир, мамлакатни бозор муносабатларига ўтиши билан ўзининг янги мазмунига эга бўлди. Корхонанинг ташкил этилиши ва ривожланишида бош иқтисодий негиз бўлиб, капитал ўзини мавжудлиги ва ҳаракати жараёнида давлат, мулқдорлар ва ишчи ходимлар манфаатларини таъминлайди.

Капитал корхона ихтиёридаги мол-мулкнинг ташкил топиш манбаларини характерлайди. Корхона мулкининг ташкил топиши

манбаларига кўра иккига бўлинади: ўз маблағларининг манбай ва мажбуриятлар. Ўз маблағларининг манбай корхона таъсисчилар томонидан киритилган ва ишлаб топилган маблағларидан ташкил топади. Уларга қуидагилар киради: *устав капитали, қўшилган ва заҳира капитали, тақсимланмаган фойда*.

**Устав капитали** — таъсис хужжатларда белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддии активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади. Устав капитали корхона мулкини шакллантиришнинг асосий манбай ҳисобланади. Унинг суммаси корхона уставида ёзилган бўлади ва унинг ўзгартирилиши учун корхона уставига ўзгартириш киритилиши ва корхоналарни рўйхатга олувчи органда қайта рўйхатдан ўтказиш лозим бўлади.

**Қўшилган капитал** акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини ҳамда устав капиталини шакллантиришда пайдо бўладиган курс фарқларини акс эттиради.

**Заҳира капитал** мол—мulkни қайта баҳолаш чоғида хосил бўладиган инфляция заҳираларини, шунингдек текинга олинган мол—мulk қийматини акс эттиради. Шу билан биргаликда қонунчиликда белгиланган тартибда ва миқдорда резерв капиталини ташкил қиласи. Резерв капиталини ташкил қилиш унинг миқдори ва тартиби корхона уставида ёзилган бўлиши лозим.

**Тақсимланмаган фойда** — фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

**Заҳиралар** — ҳисбот йилида корхона томонидан келгуси харажатлар ва тўловларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархига бир маромда қўшиб бориш учун ички имкониятлар ҳисобидан тузиладиган жамғармалардир. Уларга даргумон қарзлар бўйича резервлар, ишчиларга меҳнат таътили учун резервлар, асосий воситалар ремонтни учун резервлар ва бошқалар киради.

**Мақсадли тушумлар** — маълум бир мақсадлар учун келиб тушаётган пул маблағлари киради. Уларга грант, субсидия, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиш учун солиқлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар киради.

**Корхона мажбуриятлари** бўлиб корхонага қарз сифатида жалб қилинган маблағларни ифодалайди. Улар ўз навбатида иккига бўлинади: қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар.

— ҳисбот кунидан бошлаб 12 ой давомида ҳисоб-китоб қилинадиган мажбуриятлар жорий мажбурият ҳисобланади;

— мажбуриятларнинг қолган моддалари узоқ муддатли ҳисобланади.

**Жорий мажбуриятлар:** тавсифи жорий активлар тавсифига ўхшашидир. Кредиторлик қарзи, иш хақи, солиқлар бўйича қарзлар ва бошқа операция харажатлари бўйича қарзлар каби айрим жорий мажбуриятлар жорий

активлар ҳисобидан ҳисоб-китоб қилишни талаб қилади. Улар корхонанинг одатдаги операция циклида фойдаланиладиган айланма маблағни ташкил этувчи моддалар бўйича вужудга келади. Жорий мажбуриятларга шунингдек банк овердрафтлари, тўланадиган дивидендлар, даромад солиқлари, савдо билан боғлиқ бўлмаган ўзга кредиторлик қарзлари, фоизларни тўлашни талаб қиласиган қисқа муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми киради.

### **Капитал таркибини оптималлаштиришда :**

1. Корхона хўжалик фаолиятини келажакда ривожланишини ҳисобга олиш (капитал ҳажми ва таркибини шаклланиши жараёни унинг хўжалик фаолиятини таъминлаш вазифасига бўйсуниши нафақат корхонанинг бошланғич босқичи ҳаракатида, шунингдек яқин келажакдаги фаолияти учун ҳам зарур. Ривожланишини таъминлаш корхона капитали шаклланишида барча эҳтиёжларни қўшиш йўли билан бизнес режа лойиҳаларини тузишни талаб этади).

2. Корхонада шакллантирилган активлари ҳажмини жалб қилинган капиталлари билан мос келишини таъминлаш. (Корхоналар капиталга бўлган умумий эҳтиёжи унинг оборот ва оборотдан ташқари активларига бўлган эҳтиёжидан тузилади.)

Янги тузилаётган корхонада капиталга бўлган умумий эҳтиёжларини аниқлашда одатда икки асосий усулдан фойдаланилади:

- Тўғридан-тўғри ҳисоб усули – бу янгидан тузилаётган корхоналар хўжалик фаолиятини бошлаш мақсадида маълум белгиланган зарурий активлар суммасини аниқлаш орқали унинг капиталга умумий эҳтиёжи ҳисобланади. Бу ҳисоб усули қуйидаги алгоритмдан чиқади: Активларни умумий суммаси жалб қилинган (жойлаштирилган) капиталнинг умумий суммасига тенг. Актив - капитал. Бунда янги тузилаётган корхоналар активларга эҳтиёжи З та вариантда ҳисобланади (минимал зарурий активлар суммаси, зарурий активлар суммаси, максимал зарурий активлар суммаси, яъни алоҳида шакллар бўйича сугуртали заҳираларини етарли ҳажмда таъминлаши).

- Билвосита ҳисоб усули. Капиталга умумий эҳтиёжи турли кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали ойдинлаштирилади. «Маҳсулотнинг капитал сифими» - бу бир бирлик ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки сотилган маҳсулотга тўғри келадиган капитал миқдорини англатади (ўз ва жалб қилинган капитал). Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Ук = Кп \times МХ + БХ,$$

Ук - янги корхонани тузиш учун умумий капиталга эҳтиёж.

Кп - маҳсулотга капитал сифими кўрсаткичи (тармоқ ва аналогик).

МХ - режалаштирилган ўртacha йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари.

БХ – бошланғич харажатлар.

3. Капитал таркибини уни самарали харакати йўли билан оптималлаштиришни таъминлаш. Корхона фаолиятини юқори якуний натижаларини шакллантириш шартини аҳамиятли даражаси фойдаланиладиган капитал таркибидан иборат.

Капитал таркиби ўзида ўзининг хўжалик фаолияти жараёнида ўз ва жалб қилинган молиявий маблағларни, корхонада фойдаланишни солиштиришни ифодалайди. Корхонада фойдаланиладиган капитал таркиби бир қатор жиҳатлар билан аниқланади, у нафақат молиявий балки операцион ва инвестицион фаолиятни ифодалайди. У активларнинг рентабеллиги ва ўз капиталлари коэффициентларига таъсир қиласи. Шунингдек, (иқтисодий ва молиявий рентабеллик даражасига) молиявий барқарорлик ва тўловга қобиллик коэффициентлар тизимини аниқлайди ва якуний ҳисобда фойдалилик даражасини ва корхона ривожланиши жараёнида шакллантиришда хавф-хатарларни аниқлайди.

Назорат учун саволлар:

1. Корхона активларининг иқтисодий моҳияти нималарда ифодаланади?
2. Корхона активлари қандай гуруҳланади?
3. Асосий воситалар ҳаракатини қандай боқарилади?
4. Номоддий активлар таркибини айтиб беринг.
5. Асосий фондлар қиймати, эскириши ва уларни баҳолаш тартибини тушунтиринг.
6. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий кўрсаткичларини айтиб беринг.
7. Корхоналар капиталини иқтисодий моҳиятини тушунтиринг.
8. Капитал таркибини оптималлаштириш зарурлигини изоҳланг.

## **VIII БОБ. КОРХОННИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ**

### **8.1. Айланма капитални баҳолаш шакли ва тартиби**

Тадбиркорлик фаолияти молиявий маблағларини бошқариш жараёнида муҳим ўринни корхонанинг айланма маблағларини баҳолаш эгаллади. Корхона айланма маблағлари қўйидаги кўринишларда мавжуд бўлади:

- товар-моддий заҳиралар қиймати;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш ва муомаладаги жорий харажатлар;
- муомала жараёнидаги пул харажатлари;
- мехнат ҳақи ва бошқалар.

Ҳақиқий таннарх бўйича хом ашё, материаллар ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи, ярим фабрикатлар ва комплект буюмлари, заҳира қисмлар ва идишлар баҳоланади. Ҳақиқий таннархга яна қўйидаги харажатлар кўшилади: моддий ресурсларни келтириш учун қилинган харажатлар, кредит фоизини тўлаш учун қилинган харажатлар, устама ва кўшимчалар, комиссион харажатлар, таъминотчи ташкилотларга тўловлар, ташқи иқтисодий ташкилотга тўловлар, биржада қилинадиган харажатлар, транспорт харажатлари, товарларни сақлаш ва бошқа харажатлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида моддий ресурслариип баҳолари ўзгариб туради. Шунингдек ресурсларни етказиб келиш бўйича харажатлар ҳам ўзгарувчан характерда бўлади. Мувофиқ равишда товар моддий заҳиралар қийматини баҳолашда баҳолаш амалга оширилаётган пайт ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Товар моддий заҳираларни баҳолашда қўйидаги ёндашувлар мавжуд бўлиши мумкин:

- жорий баҳода баҳолаш;
- материал ресурсларни ҳақиқий сотиб олинган баҳода баҳолаш;
- сотиб олинган материалларни ўртача баҳолар орқали баҳолаш.

Жорий баҳода баҳолаш моддий заҳиралар ишлаб чиқаришга сарфланишида уларнинг охирги партияси сотиб олинган баҳолар бўйича баҳоланишини билдиради. Бу усул хўжалик амалиётида ЛИФО усули деб аталади.

Материал ресурсларни ҳақиқий сотиб олинган баҳода баҳолашда маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашда моддий ресурслар қандай баҳоларда сотиб олинган бўлса, шу баҳоларда харажатларга киритилади.

Бу усулни хўжалик амалиётида ФИФО усули деб аталади.

Инфляция шароитларида ЛИФО усули корхона фойдасини камайтириб кўрсатади, ФИФО усули эса фойдани ошириб кўрсатади.

Корхона ва фирмаларда харажатларни молиялаштириш жараёнида молиявий менежмент қўйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- алоҳида кўринишдаги жорий харажатларга маблағларни самарали сарфлаб, юкори рентабеллик даражасига эришиш;
- молиялаштириш жараёни устидан назорат олиб бориш.

Молиявий менежмент асосий эътиборни ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини камайтиришга қаратиши лозим. Жорий харажатларни бошқаришни амалга оширишда ишлаб чиқариш, муомала харажатларининг сметасини назорат қилиб борилади. Бундай молиявий маълумот корхона ичида ва унинг бўлимларида олиб борилаётган харажатларнинг назоратини кечайтиради.

## **8.2. Корхоналарнинг айланма маблағларини шаклланиши**

Молиявий бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари корхоналардаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксиз равища давомийлигини таъминлаш учун зарурий айланма маблағларнинг микдорини аниқлаш ва айланма маблағларга бўлган молиявий эҳтиёжни таъминлашнинг муқобил варианtlари бўйича молиявий қарор қабул қилиши ҳисобланади.

Корхонанинг ўз айланма маблағларини ташкил қилиш манбалари қўйидагилардан иборат:

- дастлаб корхонанинг ташкил бўлиши вақтида унинг ўз маблағлари бўлиб, улар ўз аксини устав фондида топади;
- хўжалик юритиш жараёнида:

а) корхонанинг олган фойдаси ҳисобига; б) агар олган фойдаси етарли бўлмаса, у ҳолда банк кредити ҳисобига; в) айланма маблағларни ташкил қилишнинг ўзига хос манбаларидан бири-барқарор *пассивлардир*, чунки айланма маблағларининг таркибига «барқарор пассивлар» туркумiga киритиладиган қисми ҳам шартли равища тенглаштирилади.

*Барқарор пассивларга* ишчи ва хизматчиларга меҳнат ҳақи бўйича доимо мавжуд қарзлар; келгуси давр харажатлари ва тўловларни қоплаш заҳиралари ва ҳ.к. киритилади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш корхонанинг ўз маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағларни аниқлашдан бошланади.

Ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар( баланс пассивининг 1 бўлими) манбаларининг умумий суммасига барқарор пассивларнинг нормативи доираси бўйича бўлган суммаси қўшилиб асосий фондлар ва оборотдан ташқари активларнинг (баланс активининг 1 бўлими) қиймати чегириб ташланади. Ўз айланма маблағларини норматив доирасида асраш кўрсаткичи корхона хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолатининг барқарорлигини баҳолаш учун катта аҳамиятга эга. Ўз айланма маблағлари мунтазам равища етишмайдиган корхоналарга тижорат банклари томонидан кредит билан таъминлашдан маҳрум этишга қадар чоралар қўллаш масаласи қўйилиб, улар ночор корхоналарнинг қаторига киритилади.

Пул маблағларининг айланниши содир бўладиган вақт оралиғи ишлаб

чиқариш-тижорат жараёning давомийлигини ўзида акс эттиради. Корхоналарнинг хусусий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи молиявий режалаштиришнинг обьекти ҳисобланади ва унинг молиявий режасида ўз аксини топади.

Корхона айланма маблағларини шакллантириш манбалари масаласи бошқа нуқтаи назарда муҳим ҳисобланади. Чунончи, бозор конюнктураси доимий равишда ўзгариб туради, шунинг учун унинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжлари ҳам ўзгариб туради. Айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашида бухгалтерия баланси асосий ахборотлар манбаи ҳисобланади. Корхона раҳбари бухгалтерия баланси билан танишиб чиқиб, айланма маблағлар динамикасига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш заҳиралари суммасининг ўсиши ёки камайиши корхона ўз ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бораётганлигини ёки унинг хом ашё ва материаллар бўйича ўрнатилган меёрдан ортиқча заҳираларни тўплаб бораётганлигини кўрсатиш мумкин.

Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва унинг самардорлик даражасини аниқлаш корхоналар учун қарз маблағларини шакллантиришнинг оптималь имкониятларини аниқлаб беради. Чунки, қарз маблағларини оқилона манбаларини шакллантириш молиявий менжментнинг олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда қарз маблағларини шакллантириш бўйича молиявий қарор қабул қилиш масалалари пассивларни бошқаришнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Албатта, пассивларни бошқаришнинг мазкур усуллари учун ҳам ахборотлар манбалари сифатида асосан корхона молиявий хўжалик фаолиятини ўзида акс эттирувчи корхонанинг йиллик ҳисоб тизими элементларидан кенг фойдаланилади.

### 8.3. Корхонанинг айланма маблағларини бошқариш

Корхоналарда айланма маблағларни бошқариш айланма маблағларнинг айланиши, самардорлик кўрсаткичларини молиявий баҳолаш кўрсаткичлари асосида аниқланади. Бундай кўрсаткичлар тизимига қуйидагилар киритилади:

- хом ашё ва материалларнинг айланувчанлиги;
- кредиторлик қарзларининг айланувчанлиги;
- тайёр маҳсулотнинг айланувчанлиги;
- дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги;
- пул маблағларининг айланиш даври.

Молиявий менжментнинг бошқарув қарорларни қабул қилиш учун зарурий бўлган бундай кўрсаткичлари тизимини ҳисоблаш учун ахборотлар манбаи сифатида корхонанинг баланс маълумотлари ва молиявий ҳисбот маълумотларидан фойдаланилади. Айланма капиталларнинг элементлари узлуксиз равишида ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига ўтади.

Айланма капиталларнинг бир қисми доимий равища ишлаб чиқаришда бўлади(ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот), бошқа кисмлари эса муомала соҳасида бўлади(юклаб жўнатилган товарлар, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари, қимматли қоғозлар). Шунинг учун субъектларнинг айланма капиталларининг таркиби ва миқдори нафақат ишлаб чиқариш билан балки муомала соҳаси учун ҳам мос келиши лозим.

Ишлаб чиқариш ва муомала соҳаси учун *айланма маблағларига* эҳтиёжи турли хўжалик фаолияти учун бир хилда бўлмайди чунки айланма маблағларнинг моддий мазмуни, айланиш тезлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг технологик ва ташкилий асослари ва бошқа омиллар билан аниқланади. Амалиётда айланма капиталларни режалаштириш, ҳисоб ва таҳлил қилиш учун қуидаги белгилари бўйича гурухланади:

- ишлаб чиқаришдаги функционал ролига боғлиқ равища айланма ишлаб чиқариш маблағлари ва муомала фондлари;
- назорат, режалаштириш ва бошқариш амалиётига боғлиқ равища-нормаллаштирилган ва нормаллаштирилмаган айланма маблағлар;
- айланма капиталларнинг шаклланиш манбаларига боғлиқ равища-хусусий айланма маблағлар ва қарз айланма маблағлар;
- ликвидилик кўрсаткичларига боғлиқ равища-абсолют ликвидли айланма маблағлар, тезда сотиш мумкин бўладиган айланма маблағлар, секинроқ сотиш мумкин бўладиган айланма маблағлар;
- моддий мазмунига боғлиқ равища меҳнат буюмлари(хом ашё, материаллар, ёқилғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқалар), тайёр маҳсулотлар, товарлар, пул маблағлари ва бошқалар;
- ҳисоб стандартлари ва балансда акс эттирилиши бўйича - захирадаги айланма маблағлар, пул маблағлари ва бошқалар;
- капиталлар қуйилишининг хатарлари даражаси бўйича - минимал хатарли айланма капиталлар, юқори даражадаги хатарли айланма капиталлар;
- айланма капиталларнинг функционал белгилари бўйича - ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондларига бўлиниши ишлаб чиқариш жараёнида айланма маблағларнинг иштирок этиш вақтини таҳлил қилиш учун муҳимдир.

Айланма маблағлар баланс активининг 2-бўлимида акс этиб, айланишдаги пул маблағларида ифодаланади. Асосий фондлардан фарқли равища айланма маблағлар бир ишлаб чиқариш циклида тўла ўзлаштирилиб, ўз қийматларини тайёр маҳслотнинг таннархига ўтказади ва ҳам буюм-натура, ҳам қиймат ифодасида қайта тикланади, шу тариқа бевосита ҳаракатда бўлади.

Кўриб турибмизки, айланма капиталлар хўжалик муомалалари ўзлуксиз оқимининг бир қисми ҳисобланади. Корхоналарда сотиб олиш жараёни ишлаб чиқариш заҳираларини ва кредиторлик қарзларини кўпайишига олиб келади; ишлаб чиқариш тайёр маҳсулот ҳажмининг

ўёсишига олиб келади; сотиш натижасидаги дебиторлик қарзлари кассадаги ва ҳисоблашиш счетидаги пул маблағларининг қўпайишига олиб келади. Бу муомалалар цикли қўп марта такрорланади ва умуман бундай муомалалар пул тушумлари ва пул тўловлари сифатидаги соддагина ҳаракатни ўзида акс эттиради.

### **Айланма маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнидага функционал роли бўйича таркиби ва тузилиши**

<b>№</b>	<b>Айланма маблаларнинг гурӯхлари</b>	<b>Айланма маблағларинг таркиби</b>	<b>Ахборотлар манбаи сифатида бухгалтерия ҳисоби рақамлари</b>
1.	Айланма ишлаб чиқариш фонdlари(ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма маблағлари)	1.1 Ишлаб чиқариш заҳиралари: -хом ашё -асосий материаллар -яrim фабрикатлар -ёкилги -ёрдамчи материаллар -инвентарь ва жиҳозлар, 1.2 Ишлаб чиқариш жараёнидаги маблағлар: -тугалланмаган ишлаб чиқариш -хусусий яrim фабрикатлар -келгуси давр харажатлари	1010 1010 1020 1030 1060 1080 2010 2110 3110
2.	Муомала фондлари (муомаладаги айланма маблағлар)	2.1 сотилмаган маҳсулотлар: -тайёр маҳсулот -юклаб жўнатилган маҳсулот -қайта сотиш учун товарлар 2.2. Пул маблағлари: -касса -ҳисоб рақами -валюта рақами -қимматли қофозлар -бошқа пул маблағлари -бошқа субъектлар билан ҳисоб ла-шишлар-дебиторлар	2810 2810 2910 5010 5110 5200 5810 5500,5600 40 00-4800

3.	Айланма маблағларнинг умумий суммаси.	(п1+п2)	
----	---------------------------------------	---------	--

#### 8.4. Айланма маблағларнинг самарадорлиги

Киймат кўринишидаги айланма маблағларни самараали бошқариш мезони сифатида вақт омили хизмат қиласди. Айланма маблағлар қанчалик кўп бир кўринишда (ипул ёки товар) турса, айланиш даври секинлашади ва бу ўз навбатида корхонага салбий таъсир кўрсатади.

Айланма маблағлар қанчалик тез айланса, корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланиб борди.

Корхона молиявий натижалари кўп жиҳатдан айланма маблағлардан оқилона фойдаланиш ва улар билан таъминланганлик даражасига боғлик. Айланма маблағлардан фойдаланиш даражасини оборот қилиш кўрсаткичлари акс эттиради, улар барча айланма маблағлар бўйича ёки айланма маблағларнинг муайян турлари бўйича ҳисоблаб чиқиласди. Оборот қилиш кўрсаткичларини жорий активларнинг алоҳида таркибий қисмлари (ишлаб чиқариш заҳиралари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари) бўйича баҳолаш ликвидлик кўрсаткичлари таҳлилини тўлдиради ва чуқурлаштиради.

Айланма маблағларнинг бир маротаба айланиш даври (АД) қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$A_D = \frac{A_{MK} * 360}{M_{MC}}$$

Бунда:  $A_{MK}$  – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиги сўм.

$M_{MC}$  – сотилган маҳсулот миқдори, сўмда.

Айланма маблағларнинг айланиш коэффициентини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$K_a = \frac{M_{MC}}{A_{MK}}$$

Айланма маблағларнинг айланиш даврини ҳисоблашни осонлаштириш учун йиллик кунлар сонини 360 кун, чоракни 90 кун, ойни 30 кун деб қабул қилинган.

Мисол: корхонада бир йилда 25 миллион сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиги 5 миллион сўм бўлганда, айланиш коэффициенти  $=25/5 = 5$  га тенг бўлади.

#### Назорат учун саволлар:

1. Айланма активларни бошқариш сиёсати нималарда ифодаланади?
2. Айланма активлар турларини санаб беринг.

3. Корхона айланма активларини бошқаришнинг асосий босқичларини айтиб беринг.
4. Товар-моддий заҳираларни бошқариш зарурлиги ва аҳамиятини кўрсатинг.
5. Айланма маблағларнинг самарадорлиги нималарда ифодаланади?

## **IX БОБ. КОРХОНАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

### **9.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари**

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларни амалга оширади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган моддий ресурслар (асосий воситаларнинг эскириши, материаллар, уруғлик, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа) ва жонли меҳнат сарфлари ишлаб чиқариш харажатларини ташкил қиласди.

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа молиявий - хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларини қуидагича туркумлаш мумкин (7-чизма):

1. Ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокига кўра:

- ишлаб чиқариш харажатлари;
- ноишлаб чиқариш харажатлари.

2. Ишлаб чиқаришда сарф этиладиган ресурсларнинг манбаига кўра:

- ички харажатлар;
- ташқи харажатлар.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан:

- доимий харажатлар;
- ўзгарувчан харажатлар.

4. Маҳсулотнинг таннархига олиб борилиши жиҳатидан:

- бевосита харажатлар;
- билвосита харажатлар.

5. Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган:

- маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- давр харажатлари;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда заарлар.

## Корхона харажатларининг туркумланиши



**Ишлаб чиқариш харажатлари** бевосита ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ қуидаги харажатлардан ташкил топади:

- бевосита моддий материал харажатлари;
- бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли устама харажатлар.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатга **ноишлаб чиқариш харажатлари** деб юритилади. Унинг таркибига:

- маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар;
- маъмурий бошқарув харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар ва заарлар;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулодда заарлар киради.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ўзига тегишли ресурслар сарфи унинг **ички харажатларини**, ташки мол етказиб берувчилар ва бошқа субъектлардан сотиб олинган ресурслар учун тўловлар корхонанинг **ташқи харажатларини** ташкил қиласди.

Кисқа муддатли даврда маҳсулот ҳажмининг ўсишига нисбатан доимий ва ўзгарувчи харажатлар фарқ қиласди.

**Доимий харажатлар** маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмай, корхонанинг маълум бир вақт оралиғида сарфлаши қатъий белгилаб қўйилган ўзгармас харажатларини ифода этади. Бунга асосий воситаларнинг эскириш, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи, суғурта тўловлари, телефон учун абонентлик тўлови ижара тўловлари ва шунга ўхшашларни мисол қилиб келтириш мумкин. Доимий харажатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маҳсулот ҳажмининг ошиб бориши билан бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи доимий харажатлар камайиб боради.

**Ўзгарувчан харажатларнинг** микдори маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки камайишига қараб ўзгариб туради, яъни маҳсулотнинг ҳажмига мутаносиб бўлади. Ўзгарувчан харажатларнинг таркибига ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва унга нисбатан ажратмалар, хом ашё, ёнилғи-мойлаш материаллари, ёқилғи ва энергия, транспорт харажатлари ҳамда бошқа ресурсларнинг сарфи киради. Ўзгарувчи харажатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маҳсулот ҳажмининг ошиб бориши бир бирлик маҳсулотга тўғри келувчи ўзгарувчан харажатларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.

Доимий ва ўзгарувчи харажатларнинг йигиндиси хўжаликнинг **умумий харажатларини** ташкил қиласди. Бундан ташқари бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган **ўртacha умумий харажатлар** тушунчаси ҳам мавжуд. **Ўртacha доимий харажатлар**, доимий харажатлар суммасини маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмига бўлиш орқали

ҳисобланади. Худди шунингдек, **ўртача ўзгарувчан харажатларни**, ўзгарувчи харажатлар суммасини маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмига бўлиш орқали топиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичида, ҳали моддий ресурслар ва асосий воситалар тўла бандлик даражасига эришмаган даврда ўртача доимий харажатларнинг қиймати юқори бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бориши билан у камайиб бориш хусусиятига эга. Ўртача ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми оптималь чегарага етгунча камайиб боради, аммо ундан кейин ишлаб чиқаришга жалб этилган ортиқча ресурсларнинг самарасиз бўлиши туфайли, ўртача ўзгарувчи харажатлар ортиб боради.

Кейинги ҳар бир қўшимча маҳсулотнинг бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар **чегаравий харажатлар** деб юритилади. Уни умумий харажатлар суммасининг ўсган қисмини маҳсулот ҳажмининг ўсган қисмiga бўлиш орқали топиш мумкин. Чегаравий харажатлар ишлаб чиқарилаётган ҳар бир қўшимча маҳсулот бирлиги хўжаликка қанчага тушишини кўрсатади.

Айрим турдаги ишлаб чиқариш харажатларини яратилаётган маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиш мумкин. Унга ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва истеъмол қилинган моддий ресурслар сарфини киритиш мумкин. Бундай харажатларнинг турлари **бевосита ишлаб чиқариш харажатлари** деб юритилади.

Иккинчи бир харажат турлари бир неча хил маҳсулот етиштириш жараёнида иштирок этиши туфайли (масалан, транспорт воситалари ва технологик жиҳозларнинг эскириши), уларга кетган харажатларни шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига мутаносиб тақсимлашга тўғри келади. Бундай харажатлар **бевосита ишлаб чиқариш харажатлари** деб юритилади.

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш, операцион, молиявий ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ қўйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги элементлар бўйича ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондларнинг эскириш;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдани аниқлашда ҳисобга олинадиган давр харажатларининг элементлари:

- бошқарув харажатлари;
- маҳсулотни сақлаш ва сотиш харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар.

3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдасини аниқлашда ҳисобга олинадиган молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- фоизлар бўйича тўловлар;
- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) олиш тўловлари;
- хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;
- қимматли қофозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- молиявий фаолиятга оид бошқа харажатлар.

4. Корхонанинг одатдаги фаолиятига мос келмайдиган, бир неча йиллар давомида такрорланиб турмайдиган ва корхона (мулк эгасининг) қабул қилган бошқарув қарорларига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган воқеалар ва ҳодисалар (сув тошқини, ёнгин, жала, дўл каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилигининг ўзгариши) натижасида кўрилган заарларни қоплаш харажатлари.

## **9.2. Маҳсулот таннархи таркибига кирувчи харажатларнинг гурухланиши**

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи маҳсулотни ишлабчиқариш ёки қайта ишлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида фойдаланадиган табиий ресурслар, хомашё, материиллар, ёқилги, қувват, асосий фондлар, меҳнат ресурсларини, шунинингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларни киймат баҳосини ифодалайди.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан боғлиқ, ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил этилиши орқали зарур бўлган харажатлар киритилади. Уларга қўйидагилардан иборат:

- материалларга доир тўғри харажатлар;
- меҳнатга доир тўғри харажатлар;
- билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш аҳамиятидаги устами харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қиласиган харажатлар уларнингш иқтисодий мазмунига мувофиқ равища қуидаги элементлари бўйича туркумланади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (ишлатиладиган чиқиндилар қиймати чегириб ташланади);
- ишлаб чиқаришга оид тўғри меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқаришга оид моддий харажатлар қуидаги моддаларни ўз ичига олади:

- ташкаридан сотиб олинадиган, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (иш бажаришда, хизмат кўрсатишда) зарур компонент ҳисобланадиган хом аше ва материаллар;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур меъёрий технологик жараённи таъминлаш учун ва маҳсулотни ўраш ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб олинган материаллар, шунингдек, жиҳозларни, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, инвентар, хўжалик ашёлари ва асосий воситалар таркибига киритилмайдиган меҳнат воситаларини қиймати;
- корхонада монтаж қилиш ва қўшимча ишлов бериш учун сотиб олинган бутлаш буюмлари ва яrim тайёр маҳсулотлар;
- чет ташкилотлар ёки жисмоний шахслар, шунингдек корхонанинг асосий фаолиятига тааллуқли бўлмаган, ишлаб чиқаришлари ва хўжаликлари томонидан бажариладиган ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган ишлар ва хизматлар. Ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш, хом аше ва материалларга ишлов бериш бўйича операцияларни бажариш; истеъмол қилинадиган хом ашё ва материаллар сифатини белгилаш учун синовлар ўтказиш; белгиланган технологик меёrlарга риоя қилиниши устидан назорат; асосий ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш ва ҳоказолар киради. Чет ташкилотларининг корхона ичида юк ташиш бўйича транспорт хизматлари (хом ашё, материаллар, асбоблар, деталлар, яrim тайёр маҳсулотлар бошқа хил юкларни базис (марказий) омбордан цехларга олиб утиш ва тайёр маҳсулотни саклаш омборларига етказиб бериш) ҳам ишлаб чиқаришга оид хизматларга киради;
- табиий хомашё (ерни маданийлаштиришга ажратмалар, ерларни маданийлаштирадиган маҳсус корхонарларга тўлов), ўрмон ҳудудларидан ёғоч материаллари сифатида олиш учун тўлов, сув хўжалиги тизимидағи саноат корхоналари оладиган сув учун тўлов (меъёр чегарасида ва ундан ортиқ). Саноатни хом ашё тармоқлари учун ёғоч материалларидан фойдаланиш ҳуқуқини амортизацияланадиган қиймати ёки фойдали қазилмалар (рудалар) қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари;

- корхона транспорти билан ишлаб чиқариш учун бажарилган хизматларда, технологик мақсадлар, биноларни иситиш, барча турдаги қувватни ишлаб чиқаришда сарфланадиган, четдан сотиб олинган ёқилгини ҳамма турлари;

- корхонани технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шунингдек, хўжалик заруриятларига сарфланадиган сотиб олинадиган барча турдаги қувват (корхонада электр ва бошқа турдаги қувватни ҳосил қилиш, шунингдек, сотиб олинган қувват истемол жойигача етказиш ва қувватни пасайтириб бериш харажатлари тегишли харажат моддаларига киради);

- моддий ресурсларни камоматд ва бузилишидаги йўқотишлар;

- корхонанинг транспорти ва ходимларининг моддий ресурсларни келтириш билан боғлиқ харажатлари (юклаш-тушириш ишлари қўшилган ҳолда) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли моддалари (мехнатга хак тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар)га киритилади;

- моддий ресурслар қийматига моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинган идиш ва ўрамлар учун тўланган корхона харажатлари ҳам қўшилади;

- маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан чиқариладиган чиқиндилар ҳамда идиш ва ўрамларнинг ҳақиқий қиймати сотиш, ишлатиш ёки омборга кирим қилиш нархларида чегирилади. Корхонада жорий этилган технологияга мувофиқ бошқа цехлар бўлинмаларга бундан кейин ҳам ана шу ёки бошқа маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун тўлақонли хом ашё ёки материаллар сифатида берилаётган моддий ресурслар колдиклари таннархдан чегириладиган чиқиндиларга киритилмайди.

Таннархдан чегириладиган чиқиндиларни баҳолаш қуидагича амалга оширилади.

- агар чиқиндилардан асосий ишлаб чиқариш учун, ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, кенг истеъмол буюмларини (маданий-маиший ва хўжалик- рўзгор моллари) тайёрлаш учун фойдаланиш ёки четга сотиши мумкин бўлса, эҳтимолий фойдаланиш нархи бўйича,

- агар чиқиндилар тўлақонли ресурс сифатида фойдаланиш учун четга сотилса, бирламчи оддий ресурсларни тўлиқ нархи бўйича ҳисобга олинади. «Моддий харажатлар» моддаси бўйича акс эттирилган моддий ресурслар қийматига харид қилиш нархлари, қўшимча (устама) ҳақлар, таъминот ташкилотларига тўланадиган воситачилик ҳақлари, товар биржалари, шу жумладан брокерлик хизматлари ҳақлари, божхона божлари ва йигимлари, транспорт харажатлари киритилади.

Ишлаб чиқариш тааллўқли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуидагилар киради:

- корхонада қабул қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб маошлари асосида, ҳақиқатдаа бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан ишлаб чиқариш режаси бўйича дастлабки хужжатларда кўзда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

- қасб маҳорат ва мураббийлик учун тариф ставкалари ва маошларга

устамалар;

- иш тартиби ва меҳнат шартлари билан боғлиқ компенсация тарзидаги тўловлар, шу жумладан:

технологик жараён жадвалида кўзда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва маошларга устама ҳамда қўшимча ҳақлар;

кўп сменали тартибда ишлаганлик, касбларни ўриндошлиқ билан бажарганлик ва хизмат кўрсатиш доираларини кенгайтирганлик учун устама ҳақлар;

оғир, заарли, ўта оғир меҳнат шароитларида ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун иш ҳақига устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхатларига қўра иш ҳақига устамалар;

алоқа, темир йул, сув, автомобиль транспорти ва тош йуллар ходимлари ҳамда фаолиятлари доимий ҳаракатда ёки қўчма (сайёр) хусусиятга эга бўлган ходимлар иш ҳақига ишга кетган вақтидан корхонага қайтиб келиш вақтигача суткасига тўланадиган устамалар;

бевосита курилиш, қайта жиҳозлаш ва мукаммал таъмирлаш ишларида, шунингдек вахта усулида иш бажарилганида ишнинг қўчма (сайёр) хусусиятлари учун ходимларга амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган устама ҳақлар;

ер ости ишларида доимий банд ходимларга уларнинг кириш жойидан шахта (кон)даги иш жойига бориш ва қайтишга меъёrlанган вақти учун қўшимча тўловлар:

меҳнатга ҳақтўлашнинг ҳудудий тартибга солиниши орқали белгилаб қўйилган, шу жумладан туман коэффициентлари ҳамда чўл, сувсиз ва баланд тоғлик жойларда ишлаганлик учун коэффициентлар бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўловлар:

вахта усулида иш бажарилганида вахтада ишлаш жадвалида кўзда тутилган корхона жойлашган жойдан (йиғилиш маеканидан) иш жойига бориш ва қайтишда йўлда бўлган кунлар учун, шунингдек ходимларнинг оби-ҳаво шароитлари ёки транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб колган кунлари учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган ҳақлар:

- ишларни вахта усулида ташкил этилганда иш вақти йиғиндисини ҳисобга олган ҳолда ва бошқа ҳолларда амалдаги қонунчиликда белгиланган меъёрдаги иш вақтидан сўнг бажарилган ишар учун бериладиган дам олиш кунлари учун ходимларга тўланадиган иш ҳақи;

- ишлаб берилмаган вақт учун ҳақ, шу жумладан: амалдаги қонунчиликка мувофиқ, навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътил тўловлари (фойдаланилмаган таътил учун компенсациялар), ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, ёш боласини овқатлантириш учун оналарнинг ишдаги танаффуслари, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун тўловлар;

иш ҳақи қисман сакланиб, мажбурий таътилда бўлган ходимларга тўловлар;

тскширув, қон топшириш ва қон топширишнинг ҳар бир кунидан кейин бериладиган донор ходимларга ҳақ;

давлат мажбуриятларини бажарганлик учун меҳнат ҳақи (ҳарбий йифин), фавқулодда вазиятлар бўйича йифинлар ва ҳоказо);

- агар бажарилаётган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоблар бевосита корхонанинг ўзида қилинса, улар томонидан фукаролик-хуқуқий тусда тузилган шартномалар, шу жумладан пудрат шартномаси бўйича ишларни бажарганлик учун корхона ходимлар жадвалига киритилмаган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;

- қонунда белгиланган тартибга мувофиқ, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловнинг бошқа турлари.

Ишлаб чиқариш ходимларининг ижтимоий таъминоти учун ажратмалар қонунчилиқда белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланади. Улар давлат пенсия фонди, бандлик фонд ива ксаба уюшмаларига ўtkазилади.

Корхона нодавлат пенсия фондларига, ихтиёрий тиббий сугуртага ва ижтимоий сугуртанинг бошқа турларига ажратмалар қилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий фонdlар ва номоддий активларнинг ҳисобланган амортизацияси суммалари ҳам киради. Ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация бўйича харажатлар қўйидагилардир:

- асосий ишлаб чиқариш воситаларнинг, шу жумладан лизинг бўйича харид қилинган, қонунчилиқда белгиланган меъёрларда, уларнинг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб, ҳисобланган амортизация ажратмалари (ҳисобланган эскириш) суммалари, шу жумладан қонун хужжатларнга мувофиқ; амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация;

- ишлаб чиқариш мақсадидаги номоддий активлар эскириши (амортизацияси). Бу уларнинг дастлабки қийматидан ва фойдали ишлатиш муддатидан (лекин корхонанинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган) келиб чиқиб ҳисобланади. Агар номоддий активнинг фойдали ишлатиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаса, корхонанинг фаолият муддатидан ошиб кетмаган ҳолда, бу муддат беш йил деб белгиланади.

Ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа харажатларга қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари, шу жумладан: ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёқилғ, асбоблар, мосламалар, бошқа воситалар ва меҳнат буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

асосий ишлаб чиқариш воситаларини ишчи ҳолатида тутиб туриш харажатлари (техник кўрик ва хизмат кўрсатиш, ўрта, жорий ва мукаммал таъмирлаш харажатлари);

санитария-гигиена меъёрлари бажарилишини таъминлаш харажатлари; таъмирлашни ўтказиш учун захира барпо этиш харажатлари.

Зарурат туғилганда корхоналар Узбекисон Республикаси Молия вазирлиги рухсати билан капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш учун маблағлар

захирадини барпо этишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар "Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар" элементи таркибида акс эттирилади ва харажатларнинг тахмин қилинаётган қийматидан ва аосий воситалар ҳар бир объективнинг капитал таъмирланиши даврийлигидан келиб чиқиб белгиланади. Захирага ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йилининг охиррида қайтадан кўиб чиқилади ва зарурат туғилганда янги молия йилида ажтмалар миқдорлари кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар капитал таъмирлашга захира қилинган маблағлар суммалари мазкур объектни таъмирлашнинг ҳақикатдаги харажатларидан ошиб кетса, ошган сумма ишлаб чиқариш харажатларидан чегириб ташланади. Агар ҳақ.икатлаги харажатлар резерв қилинганидан ошиб кетса, ошган сумма "Ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар"га киритилади;

- ёнгиндан сақланиш ва қўриқлашни таъминлашга доир ҳамда корхоналарни техник ишлатиш, улар фаолиятини назорат қилиш қоидаларида кўзда тутилган бошқа маҳсус талабларни таъминлаш харажатлари. Идорадан ташқари қўриқлаш харажатлари, мазкур ишлаб чиқаришнинг қўриқланиши маҳсус талаб қилинсагина, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига киритилиши мумкин. Акс хрлда улар давр харажатларига киритилади;

- ишлаб чиқариш фаолиятига тааллукли асосий ишлаб чиқариш воситаларининг жорий ижараси билан боғлиқ харажатлар;

- табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги воситаларни тутиб туриш ва ишлатиш билан боғлиқ жорий харажатлар, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация тўловлари;

- ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари билан боғлиқ, ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган, меҳнат ва хавфсизлик техникасининг бир маромли шароитларини таъминлаш харажатлари;

- бевосита ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштироки билан боғлиқ соғликни муҳофаза қилиш харажатлари;

- айрим тармоқлар ходимларига бепул тақдим этиладиган коммунал хизматлар, овкатланиш, озик.-овкат маҳсулотлари қиймати, корхона ходимларига тақдим этилган бепул уй-жойга тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва ҳоказолар учун пул компенсацияси суммалари);

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ. бепул бериладиган, доимий шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар (шу жумладан маҳсус кийим-кечак, маҳсус овкатланиш) қиймати (ёки уларни пасайтирилган нархларда сотиш муносабати билан имтиёзлар суммаси);

- техник бошқарув воситалари, алоқа тармоқдари, огоҳлантириш воситалари, ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бошқа техник бошқарув воситалари, ҳисоблаш марказларини тутиб туриш ва хизмат кўрсатиш харажатлари;

- қонунчиликка мувофиқ, ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун тиббий муассасаларга тўланадиган ҳақ;

- ишлаб чиқариш жараёнига тааллукли ишлаб чиқариш ходимларининг

хизмат сафарлари харажатлари;

- ишлаб чиқариш ходимлари ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурталаш харажатлари:

- яроқсизликдан күрилган йўқотишлар;

- кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли таъмираш ва кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

- ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига қўра ишсиз туришлари туфайли йўқотишлар;

- маҳсулот (хизмат)ни мажбурий сертификатлаш харажатлари, бунга капиталлаштириладиганлар кирмайди;

- суд қарорларига асосан ёки уларсиз ишлаб чиқаришда шикастланганлик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ нафакалар. Касб касаллиги муносабати билан нафакалар тўланиши;

- умумий фойдаланишдаги йўловчи транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига ва уйига ташиш билан боғлиқ харажатлар.

- обьектлар давлат капитал қўйилмалари эвазига бунёд этилаётганда қурилиш хатарларини суғурталаш билан боғлиқ.

харажатлар;

- номоддий актив - гудвилл (фирма нархи)нинг, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган мол-мулкка доир қисми суммаенни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар;

- кон казиш тармоқларида тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатлар таркибида ҳисобга олинмаса (яни асосий воситалар сифатида капиталлаштирилмаган бўлса).

### **9.3. Ялпи фойдадан қопланадиган харажатлар**

**Давр харажатлари** - ишлаб чиқариш жараёни билан тўғридан-тўғри боғлиқ, бўлмаган харажатлар давр харажатлари тоифасига киритилади. Уларга бошқарув, тижорат харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги бошқа харажатлар, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари киради. Ушбу харажатларнингучинчи гурухи корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан боғланмаганлиги. лекин маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва сотиш бўйича асосий фаолияти билан умумий равишда боғланганлиги учун уларни бошқа операцион харажатлар деб аталади. Давр харажатлари таркибидаги харажатларнинг анчагина қисми ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ёки товарлар ҳажмига боғлиқ эмас, аксинча, вақтга, хўжалик фаолиятининг қанча давом этиши билан кўпроқ боғлиқ. Ушбу харажатлар улар пайдо бўлган ҳисбот даврида йиғилади ва молиявий натижаларга киритилади. Давр харажатларига қуйидаги харажатлардан иборат:

- маҳсулотни сотиш харажатлари;

- бошқарув харажатлари;

- бошқа операцион харажатлар, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-

конструкторлик ишланмалари харажатлари, ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини ривожлантириш харажатлари;

- келгусида солиқ.солиш базасидан чиқариб ташланадиган ҳисбот даври харажатлари.

Сотиш харажатларига қуидагиларни ўз ичига олади:

—товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё орқали ва от-уловда ташиш харажатлари. Бунга транспорт воситаларининг тўхтаб қолиши учун тўланган жарималар ҳам киради;

— савдо ва умумий совқатланиш корхоналарининг сотиш бўйича харажатлари, шу жумладан:

маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши билан боғлиқ меҳнатга ҳақ, тўлаш харажатлари, бунга маъмурий-бошқарув аппарати ходимларига ҳақ тўлаш кирмайди;

иш ҳақига тааллуқли ижтимоий суғурта харажатлари; савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага бериш, сакдаш ва таъмирлаш харажатлари;

асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

санитария кийимлари, сочиқ ва дастурхонлар, арzon инвентарь ва хўжалик ашёлари, ошхона анжомлари ва идиш-товоқдарнинг эскириши;

газ, ёқилғи, электр қуввати харажатлари;

товарларни сақлаш, ишлов бериш ва навларга ажратиш харажатлари;

савдо рекламаси харажатлари;

ташиш, саклаш ва сотиша меъёрлар доирасида ва улардан ортиқча товарлар талафотлари;

идишлар харажатлари;

мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш харажатлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси харажатлари;

ҳаво ҳайдагичларни ўрнатиш ва сақлаш. машиналар ва уларнинг ҳаракатланадиган қисмлари, туйнуклар, тешиклар ва ҳоказоларни ғов билан ўраб қўйишнинг жорий (нокапитал тусдаги) харажатлари;

махсус кийим ва маҳсус пойабзалнинг эскириши;

махсус кийим, маҳсус пойабзал ва якка тартибдаги ҳимояянинг бошқа воситалари, дастурхон ва сочиқлар ҳамда санитария кийимини ювиш, тузатиш ва дезинфекциялаш учун корхоналар, таъмирловчи ва бошқа юридик шахсларга ҳақ тўлаш;

махсус кийим ва пойабзални тозалаш ва тузатиш учун сарфланган материаллар қиймати;

умумий совқатланиш ва савдо ходимларини тиббий курикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга тўланадиган ҳақ,;

касса хўжалигини юритиш ва тушумни инкассациялаш чикимлари;

умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз ластрўмлочалар, дастурхонлар, стакан ва тақсимчалар, бир маротаба фойдаланиладиган анжомлар қиймати;

- сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари (маркетинг, реклама харажатлари);

қ юқорида қайд этилмаган сотишга доир бошқа харажатлар.  
Маъмурий харажатларга қуидагилар киритилади:

- бошқарув аппарати ходимлариға тааллуқли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- бошқарув аппарати ходимлариға тааллуқли ижтимоий сұғуртага ажратмалар;
- енгил хизмат автотранспорти ва бошқа микроавтобусларни сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;
- хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари;
- бошқарувнинг техник воситалари, алоқа тармоқдари. огоҳлантириш воситалари, ҳисоблаш марказлари ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган бошқа техник бошқарув воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;
- ижара, хизматлар кўрсатгани учун алоқа тармоқларига ҳақ (АТС, мобил, йўлдош, пейжинг алоқаси ва Интернет):
  - халқаро ва шаҳарлараро телефон сўзлашгувлариға ҳақ тўлаш;
  - маъмурий-бошқарув эҳтиёжпари учун бино ва хоналар ижарасига ҳақ тўлаш;
  - маъмурий мақсаддаги асосий воситаларни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари, шунингдек уларнинг эскириши (амортизацияси);
  - юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва ҳоказоларни сақлашга ажратмалар;
  - ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган ходимлар ва мол-мулкнинг мажбурий ва ихтиёрий сұғуртаси харажатлари;
  - бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари харажатлари;
  - вакиллик харажатлари;
  - хоналарни бепул бериш харажатлари, умумий овқатланиш корхоналарига коммунал хизматлар қийматини тўлаш ва ҳоказо;
  - бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган, табиатни муҳофазаа қилиш мақсадидаги воситаларни сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ, жорий харажатлар, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация тўловлари.

Бошқа операцион харажатлар қуидагилардан иборат:

- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, бундан янги жорий этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлашга қабул қилинадиган ходимлар мустасно;

- лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек обьект ҳузуридаги омборга ташишда юз берган шикасланиш ва носозликларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, занглашга қарши ҳимоя воситалари нуқсонларини юзага келтирган сабабларни тафтиш (ускунани муҳофазалаш) харажатлари ва етказиб бериш ҳамда ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, камчиликлар, шикастланиш ёки заарлар учун масъул етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига мазкур харажатлар тўланиши мумкин бўлмаган

даражада амалга ошириладиган шунга ўхшаш бошқа харажатлар;

- маслаҳат ва ахборот хизматлари учун тўланадиган ҳақлар; аудиторлик хизматларига тўланадиган ҳақ.;

- ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларини сақлашдан кўриладиган заарлар;

—бевосита ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштироки билан боғланмаган СОРЛИКНИ сақлаш ва дам олишни ташкил этиш тадбирлари;

—хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизмат)ларни бажариш харажатлари (шахар ва кургонларни ободонлаштириш ишлари, кишлок хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар);

—компенсацияловчи ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар, шу жумладан:

Узбекистан Республикаси Ҳукуматининг қарорлари бўйича компенсация тўловлари;

кўп йил ишлагани учун бир галги мукофотлар, тақдирлаш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг қарорига кўра натурадаги тўловлар, шунингдек улар бўйича ижтимоий фондларга ҳисобланган суммалар;

мажбуран ишга келмаганлик ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик вақти учун қонун хужжатларига мувофиқ ёки хўжалик юритувчи субъектнинг қарорига кўра ҳақ тўлаш;

мехнат қобилияти вақтинча йўқотилган тақдирда қонун хужжатларига биноан белгиланган ҳақиқий иш ҳақига кадар қўшимча тўловлар;

малака ошириш ва ходимларни қайта тайёрлаш тизимида ўқитилган вақтда асосий иш жойидан ишчиларга, улар ишдан ажратган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг ишчи ва хизматчиларига тўланадиган иш ҳақи;

ўн икки ёшгача икки ва ундан ортиқ болалари ёки ўн олтиёшгача ногирон болалари бўлган аёлларга қонунга мувофиқ қўшимча таътил учун ҳақ тўлаш;

ходимларга бепул товарлар, маҳсулот ва бошқа бойликлар бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланиш, йўлда юриш. дам олиш ва даволанишга йўлланмалар, экскурсиялар, спорт секциялари, тўгараклар, клублардаги машғулотлар, маданий кўнгил очиш ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларида катнашиш, обуна, ходимларнинг шахсий истеъмоли учун товарлар ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар);

— иш ҳақини ҳисоблашда хисобга олинмайдиган тўлов ва харажатлар, шу жумладан:

пенсияга устамалар, пенсияга чиқаёттан меҳнат фахрийларига тўланадиган бир йўла нафақалар;

корхонани қайта тузиш, ходимлар сони ва жадвали қисқариши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлардан бўшатиб олинаётган ходимларга қонунга мувофиқ, тўланадиган тўловлар;

ходимларга тўланадиган моддий ёрдам;

- СОҒЛИҚНИ сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, соғломлаштириш масканлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари ва уй-жой фонди объектларини тутиб турис харажатлари (шу жумладан амортизация ажратмалари ва барча турлардаги таъмирлашни ўтказиш харажатлари);

- вақтингча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

—банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш;

—экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамгармаларига, маданият, халқ таълими, СОҒЛИҚНИ сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассаса ва ташкилотларига бадаллар;

—бюджетга мажбурий тўловлар, солиқдар. йигимлар, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган, давлатнинг мақсадли жамгармаларига ажратмалар, шунингдек, Ҳукумат қарорларига мувофиқ, давлатлараро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш;

- заарлар, жарималар, пенялар, шу жумладан:

бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича талафотлар;

бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган моддий бойликларнинг галафотлар ва камомадлари;

ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотни паст баҳо усули ёки сотишнинг соғ киймати бўйича қайта баҳолаш ёки нархни тушириш натижасида кўрилган заарлар;

идиши билан боғлиқ, операциялар бўйича заарлар;

суд чиқимлари;

даргумон қарзлар бўйича заҳирага ажратмалар;

даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи ва ундириш мумкин бўлмаган бошқа қарзларни ҳисобдан чиқариш заарлари, шунингдек қонунга мувофиқ. юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича даргумон қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган заарлар;

ҳисобот йилида аниқданган ўтган йиллар операциялари бўйича заарлар;

табиий оғатлардан кўрилган қопланмайдиган талафотлар ва заарлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр буюмлар ва бошқа моддий бойликларнинг йўқ қилиниши ва бузилиши, ишлаб чиқариш тўхташидан кўрилган талафотлар ва ҳоказо), шу жумладан табиий оғатларнинг олдини олиш ва оқибатларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар;

айбдорлари аниқланмаган ёки зарур суммаларни айбдор ҳисобига қоплаб бўлмайдиган ҳолларда ўғирликлардан кўрилган заарлар;

хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари) чиқиб кетишидан (балансдан ҳисобдан чиқаришдан) кўрилган заарлар;

хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун, шу жумладан етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан белгиланган ёки эътироф

этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган тўловлар ва бошқа хил чоралар, шунингдек етказилган заарларни тўлаш харажатлари;

солиқ, қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ва пенялар;

тўланган бошқа жарималар;

- ходимларга бериладиган ёки ёрдамчи хўжаликлар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг умумий совқатланиш корхонаси учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича нарх тафовутлари;

ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулк бўйича гудвилл (фирма нархи)нинг белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ, харажатлар ;

- янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, шуннингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари;

- ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажрибасинов ишларини олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, кўргазмалар ва кўриклар, танловларни, сертификатлашни ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар хақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар;

- ижарага берилган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

- бошқа харажатлар.

#### **9.4. Соф фойдадан қопланадиган харажатлар**

+уийдаги харажатлар маҳсулот таннархини аниқлашда ишлаб чиқариш харажатларига киритилсада, солиққонунчилиги уларнинг ссолиқ тўлангандан сўнг корхона ихтиёрида қоладиган соф фойдадан қопланиши лозимлиги белгилаб қўйган:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сув хўжалиги тизимларидан белгиланган лимитлардан ортиқча олинадиган сув учун тўлов;

- ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий ишдан чиқиши нормаларидан ортиқча нобудгарчиликлар, бузилишлар ва камомадлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ишчилари ва бошқа ходимлари меҳнатига харажатлар бўйича қўйидагилар солиқка тортиладиган базага қайтариб кирилади:

. Айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бепул бериладиган овқатлар, маҳсулотлар қиймати,

ходимларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тұлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, күрстілмаган коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсация суммаси:

- хұжалик юритувчи субъект ходимларига Харажатлар таркиби тұғрисидаги Низомнинг «Ишлаб чиқариш таннах» бўлимнинг I.2.7 - бандида кўрсатилтан қўшимча тўловларнинг бошқа турлари:

қўшимча тўловларнинг бошқа турлари:

моддий ёрдам (шу жумладан, кооператив уй-жой қурилиши бошлангич бадал учун, кооператив во якка тартибда уй-жой қурилишига кредитни қисман тұлаш учун ходимларга бепул моддий ердам).

- жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равища (қонунчиликда назарда тутилгандан ортиқча) берилган таътиллар, улар бўйича компенсация тўловлари:

- ходимларга бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки хұжалик юритувчи субъектнинг умумий совқатланиш учун ёрдамчи хұжаликлар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутлар:

- хұжалик юритувчи субъект раҳбарлари қарорига кўра амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш ходимларининг қонунчиликда назарда тутилган нормалардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйичақуидагилар соф фойдадан қопланади:

- жадаллаштирилган усулда амортизацияга ажратилган сумма билан солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ белгиланган нормслар бўйича амортизацияга ажратилган сумма ўртасидаги тафовут.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар бўйича қуйидагилар соф фойдадан қопланади:

- атроф-мухитга ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган чегаравий нормалардан ортиқча ташлаганлик (оқизганлик) учун тўловлар;

- тегишли ваколатли органлар қарорларисиз гўланадиган, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар туфайли меҳнат қилиш лаёқатини йўқотишлар билан боғлиқ нафақалар.

Давр харажатлари бўйича қуйидагилар соф фойдадан қопланади:

- реклама ва маркетинг учун белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар:

- хизмат енгил транспорти ва хизмат микроавтобусини сақлашга сарфланадиган харажатлар, уларнп ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;

- ижара ҳамда хизмат кўрсатганлик учун уяли, йўлдош, пейжинг алоқа узелларига тўлов;
- шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашув белгиланган нормативларидан ортиқча тўлов;
- юқори органлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари, ваозирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар;
- бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун белгиланган нормалардан ортиқча харажат;
- қонунчиликда белгиланган норма ва нормативлар бўйича вакиллар харажатлар;
- умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар;
- ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган, атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни нормалардан ортиқча ташлаганлиги (оқизганлиги) учун тўловлар;
- хўжалик юритувчи субъект соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича ва нормалардаи ортиқча кадрлар тайёрлаш харажатлари;
- лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек обьект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунгача содир бўлган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, занглашдан ҳимоя қилишдаги камчиликлар оқибатида текшириб кўриш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига. ушбу ха'ражатларни камчиликлар, бузилишлар ёки нобудшрчиликпир учун жавобгар етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундириш мумкин бўлмаган микдорда, қопланади;
- хўжалик юритувчи субъект қатнашчиларидан (мулкдорларидан) бирининг ташаббуси бўйича амалга оширилган аудиторлик хизматлари учун тўловлар;
- ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларига сарфланган харажатлардан кўрилган заарлар;
- ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари;
- маҳсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари) билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сарфланган харажатлар;
- хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра бир йўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, узоқ йил ишлаганлик учун тўловлар, шу жумладан натура тўловлари шунингдек улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўtkазилган суммалар;

- ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;
- ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақига, даволаниш ва дам олишга, экскурсияларга, саёхатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўғаракларида, клубларида машғулотларга, маданий кўнгил очар томошаларга, жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ва бошқа шу кабиларга тўловлар;
- ходимларнинг пенсияга чиқишишда меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;
- ходимларга тўланадиган моддий ёрдам;
- соғлиқни сақлаш обьектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари ва болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт обьектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди обьектлари таъминотига (шу жумладан барча турдаги таъмирлашларни ўtkазиш учун амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) жойлардаги давлат ҳокимиюти органлари томонидан белгиланган нормативлардан ортиқча харажатлар;
- экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса), маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар;
- ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тегишипи бўлмаган моддий бойликларни табиий камайиш нормаларидан ортиқча нобудгарчилиги ва камомади;
- суд харажатлари;
- тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар;
- айборлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган заарлар;
- хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан кам ишлатилган асосий воситаларни ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа мол-мулки (активлари)ни сотишдан кўрилган заар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситаларини ва бошқа мол-мулкини (активларини) ҳисобдан чиқариш, текин бериш ва уларнинг бошқача тарзда камайишидан кўрилган заарлар;
- хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулот етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек, етказилган заарларни тўлаш бўйича харажатлар;
- солиқ ҳақидаги қонунларни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарималар ва пенялар;
- тўланган бошқа жарималар;
- бошқа харажатлар.

**Молиявий фаолият** бўйича қуидаги харажатлар соф фойдадан қопланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкаларидан ортиқча қисқа муддатли банк кредитларига хизмат кўрсатиш бўйича, шунингдек, тўлов муддати ўтган ва муддати узайтирилган ссудалар бўйича тўловлар;
- узоқ муддатли банк кредитларига хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар;
- қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар;
- ҚИММАТЛИ қоғозлар қийматини муддатидан олдин тўлаш муносабати билан вужудга келган дисконт, агар у бюджетдан қарзларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

## **9.5. Товар моддий захираларга тегишли харажатлар**

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик ёки, аниқроғи, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари товар-моддий захираларнинг таннаҳи қуидагилардан иборат бўлишини кўрсатиб беради:

- а) товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатлари, жумладан харид қиймати, импорт божхона божлари ва тўловлари, тайёрлов-воситачилик ташкилотларига тўланган комиссион тўловлар, бошқа солиқлар (корхона кейинчалик қайтариб олиши мумкин бўлганлардан ташқари), фрахт қиймати (захираларни сотиб олиш билан боғлиқ трансгюрг тайёрлов ва йўлдаги товарларни суғурталаш харажатлари), сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар;
- б) қайта ишлаш харажатлари, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар, жумладан:
  - ишлаб чиқаришга тааллукли материал харажатлари;
  - асосий ишлаб чиқаришда, яъни дастгоҳ ва ускуналарда хом ашё ва материалларни тайёр маҳсулотга қайта ишлаш билан банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи ва ишлаб чиқаришга тааллукли ижтимоий сугуртага ажратмалар;
  - билвосита харажатлар - бу харажатлар ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари. Масалан, ёрдамчи ишчиларнинг вақғбай иш ҳақи, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг жорий ва капитал таъмиrlаш харажатлари ва маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган шартли доимий харажатлар.
- в) бошқа харажатлар - ТМЗларни керакли жойга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт ва уларни тегишли ҳолатда ушлаб туриш билан боғлиқ бошқа харажатлар (тайёр маҳсулотни омборга ташиб келтириш, якка тартибдаги буюртмалар бўйича товарларни конструкция қилиш харажатлари ва бошқалар).

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ТМЗлар таннаҳи қуидагилардан ташкил топали:

а) хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган ходимларниш (бошқарув ходимлари билан бирга) иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар каби харажатлар;

б) ёрдамчи материаллар харажатлари;

в) хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келган бошқа устама харажатлар.

Ҳамма соҳаларда қўйидагилар ТМЗ таннархига киритилмайди (хизмат кўрсатиши ҳам қўшган ҳолда):

а) меъёрдан ортиқ (корхонада белгиланган энг оқилона бўлган харажатлар меъёри) материаллар. иш кучи ва бошқа режада назардаа тутилмаган харажатлар;

б) агар технологик жараёнда зарур бўлмаса, ишлаб чиқариш циклиниpg алоҳида босқичлари ўртасида ТМЗни саклаш харажатлари;

в) умумий ва маъмурий - бошқарув харажатлари;

г) сотиш билан боғлиқ харажатлар.

3. Товар-моддий заҳираларнинг ганнархини ҳисоблаш усуллари

а) ялпи солишириш (идентификация) усули - ўзаро алмаштирилмайдиган заҳираларнинг алоҳида моддаларининг ёки обьектларининг таннархи ҳар бир модда ёки обьект бўйича алоҳида аниқланади;

б) Ўртача тортилган қиймат усули (АУЕСО) - ТМЗлар ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот давридаги бошида шу турдаги ТМЗ бирликлари ва ҳисобот даври давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган шу турдаги бирликларнинг ўртача тортилган қиймати сифатида аниқланади. ТМЗ бирлигининг ўртача тортилган қиймати ТМЗнинг бутун қийматини шу заҳиралар бирликларининг сонига бўлиш билан аниқланади;

в) биринчи харид баҳолари бўйича баҳолаш усули (FIFO - биринчи кирим - биринчи чиқим) - биринчи навбатда сотиб олинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотиб юборилган товарларга олиб борилиши керак деган тахминга асосланган. Ҳисобот даврининг охирига мавжуд бўлган товарларнинг таннархи, охирги сотиб олинган товарларга тааллуқли бўлади, сотилган товарларнинг таннархи эса олдин сотиб олинганларга мувофиқ келади. FIFO усули товарларни амалдаги ҳақиқий жисмоний ҳаракатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳар қандай тармоқ корхоналари томонидан кўлланилиши мумкин, чунки у товарлар ҳаракатини эмас, қиймат ҳаракатини ҳисобга олади. Инфляция шароитида FIFO усули соғ фойданинг энг юқори бўлган даражасини таъминлайди. Бунинг сабаби шундаки, компаниялар жорий нархлар ошганда сотиш нархларини ҳам оширишга интиладилар, аммо шу ҳолат инобатга олинмайдики, материал заҳиралар нархларнинг ўсишидан илгари сотиб олинган бўлиши мумкин. Нархларни пасайиши шароитида эса тегишли равишда бунга тескари жараён кузатилади. Демак, FIFO усулининг асосий камчилиги шундан иборатки, у фойда кўрсаткичига иқтисодий ривожланиш цикли таъсирини кучайтиради. Ушбу усулнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, ушбу усулнинг кўлланилиши товар заҳираларига жорий харажатларига яқин бўлган баҳони бсрди;

г) охирги харид нархлари бўйича баҳолаш усули (LIFO - охирги кирим - биринчи чиқим) - охирги харид қилинган товарларнинг' таннархи биринчи навбатда сотилган товарларнинг қийматини аниқлаш учун, ҳисобот даврининг охирига бўлган заҳираларнинг таннархи эса биринчи навбатда харид қилинган товарлар таннархи асосида ҳисоб қилинади деган тахминга асосланган. Ушбу усулни қўллаш инфляция шароитида энг кам бўлган фойдани ва дефляция жараёнларида эса энг кўп бўлган соғ фойдани беради. Демак, иқтисодий ривожланиш цикли (юксалиш ва инқироз) таъсирини юмшатиш имкониятини яратади. Ушбу усулнинг камчилиги шундан иборатки, вакт ўган сари LIFO усули бўйича заҳираларни баҳолаш ҳақиқатдан борган сари узоқлашади ва сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатларни ҳам, ўрнини босадиган харажатларни ҳам акс эттира олмайди.

LIFO усули инфляцияга мос равишда солиқ тўланишини кейинга суришга имкон беради. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда бу усулга рухсат этилмаган. Мазкур усулда бир акцияга тўғри келадиган даромад ҳам камроқ бўлиб кўринади.

Бухгалтерия Ҳисобининг Халкаро стандартлари ТМЗларни баҳолашда LIFO усулини қўллашнига тавсия қилмайди.

## 9.6. Харажатларни режалаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада харажатларни режалашгериш харажатлар таркибини аниқлашдан ва маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг режа таннархини дастлабки баҳолашдан бошланади.

Харажатларни режалашгериш ишлаб чиқариш жараёнида иетеъмол қилинадиган товар-моддий заҳираларнинг қиймати ва кутилаёттан фойда ҳажмини аниқлашда юқори самара беради.

Харажатларни дастлабки баҳолаш ва уларни маҳсулотнинг бозор баҳоси билан таққослаш корхонани бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш сари йўналтириш имконини беради. У қуидагилар асосида амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ белгилаш;
- маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси;
- матсериалларни алмашгериш вариантлари;
- материаллар на чет корхоналар хизматларининг қулайлигини баҳолаш.

Ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида асосан смета ва норматив усулдан фойдаланилади.

Смета усулида корхонанинг барча бўлинмалари режалари асосида корхона миқёсида харажатларнинг йифма режаси тузилади.

Ўзбекистонда смета усули анча кенг тарқалган усулдир. Унинг қўлланиши корхонада режалаштириш жараёнини ягона комплекс тизимга келтиришни таъминлайди.

Норматив усул асосида ишлаб чиқариш харажатлари йиллик бюджети тузиб олинади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга олиб, алоҳида маҳсулотлар бўйича харажатларнинг иқтисодий злементлар ва калькуляция моддалари бўйича шахматли жадваллари ишлаб чиқилади.

Харажатларни шахматли жадвали тузилгандан сўнг, корхонанинг фаолият даври учун режалаштириладиган харажатларнинг йиғма бюджетини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Халқаро амалиётда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни режалаштиришда норматив усулдан кенг фойдаланади. Норматив харажатлар қўйидаги формула бўйича хисобланади:

$$Hx = Hmx + Hmc + Hux$$

бу ерда:

$Hx$  - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришнинг норматив харажатлари;

$Hmx$  - норматив моддий харажатлар;

$Hmc$  - норматив меҳнат харажатлари;

$Hux$  - норматив устама харажатлар.

Норматив устама харажатлар норматив бевосита меҳнат харажатларига нисбатан фоизларда ифодаланади. Норматив меҳнат харажатларидан ишчи кучи харажатларини режалашгириш мақсадида фойдаланилади, уларнинг ҳажми қўйидаги формула бўйича аниқланади

$$Ikx = Hmm \cdot Cc$$

бу ерда:

$Ikx$  - ишчи кучининг режалаштириладиган харажатлари;  $Hmm$  - нормалаштирилган маҳсулот миқдори;  $Cc$  - меҳнатпа ҳақ тўлаш соатбай ставкалари (мукофотларсиз).

Режа ижро этилиши жараёнида норматив харажатлардан четланишни баҳолаш ва унинг келиб чиқишидаги қўйидаги сабабларни аниқлаш зарур:

бевосита ва билвосита харажатларнинг ўзгариши, сотиб олинган материаллар қийматидаги четланишлар натижасида;

маҳсулот сифатинн таъминлашга сарфланган харажатлар натижасида;

нормалар ва нормативларнинг ўзгаришлари натижасида;

ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, талаб, баҳо таъеiri ёки бошқа омиллар натижасида.

Харажатларни олдиндан баҳолаш ва таҳлил қилиш таннархи баланд бўлиши кутилаётган ва етарли фойда келтирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан аввал бошданоқ воз кечиш имконини беради.

Харажатларни олдиндан баҳолашга таяниб режалаштириш жараёнида стандарт маҳсулот тайёрлаш учун барча зарур харажатларни етарли даражада тўлиқ ҳиеобга олинади ва бу янги маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиладиган моддий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга замин яратади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган тахминий моддий харажатлар режалаштирилаётган маҳсулот ҳажми ва сотмоддий ресурслар сарфлари нормативларидан ва бозор баҳоларидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги формула ёрдамида хисобланади:

бу ерда:

Мтх - тахминий моддий харажатлар;

Тмбб - товар-моддий заҳираларнинг бозор баҳоси;

Мхс - моддий харажатларнинг бир бирлигининг нормативи.

Маҳсулот ишлаб қиқаришда сарфланадиган меҳнат харажатлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш учун ходимларнинг асосий меҳнат ҳақига кетадиган тахминий харажатлардан ташқари умумишлаб чиқариш, маъмурий-бошқариш, сотиш жараёнларидағи меҳнат сарфларини ҳам эътиборга олиш лозим. Бунинг асосида маҳсулотнинг тўла таннархини аниқлаш мумкин бўлади.

Агар маҳсулотнинг тахминий тўла таннархи унинг кутилаётган бозор баҳосидан ортиқ бўлса, бу ҳолат маҳсулотнинг иқгиодий жиҳатдан рақобатбардош эмаслитини англатади ва ишлаб чиқариш самарадорлини оширишнинг кескин чоралари кўрилишини талаб қиласди.

Маҳсулотнинг алоҳида турлари таннархини режалаштиришдан мақсадлардан бири хомашё ва матсриаллар, технологик эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган ёнилги ва энергия, меҳнат ҳақи харажатлари нормативларига риоя зтилиши устидан таъсирчан назорат олиб боришдир. Шунингдек, материал ва меҳнат сафларини нормалаштириш ва режалаштириш умумишлаб чиқариш, маъмурий харажатлар ва сотиш харажатлари устидан назорат олиб боришига ҳам ижобий таъсир этади.

## **9.7. Харажатларни оптималлаштиришда молиявий левереждан фойдаланиш**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона ўз фаолиятида жалб этилган маблағлардан фойдаланишига тўғри келади. Бу маблағларнинг бир қисми жорий хўжалик операциялари натижасида корхона оборотига жалб этилади: хом ашё ва материалларни олдиндан тўловсиз ёки қисман тўлов билан сотиб олиш, қисқа муддатли кредитлардан фойдаланиш, корхонанинг турли субъектларга қисқа муддатли қарздорлиги вужудга келиши ва бошқалар. Айни пайтда корхона оборотига четдан узоқ муддатга жалб этилган маблағлар ҳам мавжуд бўлади. Буларга узоқ муддатли банк кредитлари, лизинг асосида асосий воситалар олиниши, корхонанинг узоқ муддатли облигацияларининг муомалага чиқарилиши кабилар киради. +иска муддатли жалб этилган маблағларни узоқ муддатли жалб этилган маблағлардан энг мухим фарқи шундаки, кўпчилик ҳолларда корхона қисқа муддатга жалб этилган маблағлар учун маблағ эгасига ҳақ тўламайди. Бу маблағлар ўз муддатларида қайтарилмагандагина корхонанинг улар бўйича муайян харажатлари вужудга келади. Узоқ муддатга жалб этилган маблағлар бўйича доимий равишда фоизлар ёки бошқача кўринишдаги доимий харажатларни амалга оширишга тўғри келади. Бундай мажбурий харажатлар ўз навбатида фойда миқдорини камайтириб, корхонанинг молиявий ахволига таъсир этади.

Корхонадаги ўз маблағлари билан узок муддатта жалб этилган маблағлар ўртасидаги нисбат ва унинг корхона молиявий натижаларига таъсири молиявий левереж тушунчаси орқали ифодаланади. Корхона фаолияти молиявий манбаларида жалб этилган маблағлар улуши қанча кўп бўлса, молиявий левереж даражаси шунча юқори ҳисобланади.

Албатта, четдан катта миқдордаги маблағларнинг корхонага жалб этилиши корхона менежментига йирик ва катта фойда берувчи лойиҳаларни амалга оширишга имкон беради. Лекин бу ҳолда Бирон-бир сабабларга кўра даромадлар ҳажми камайса ёки секинроқ ўса бошласа, бу корхона акциядорларига тақсимлаб берилиши мумкин бўлган фойда миқдорига кучли таъсир кўрсатади. Демак, юқори молиявий левереж шароитида акциядорлар учун молиявий хатар даражаси ортади. Айни пайтда масаланинг иккинчи томони мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Корхона молиявий имкониятлари ва ресурслари кенгайиши фойда ҳажмини оширишга ва дивидендларни кўпайтиришга имкон беради. Бирок, бунинг учун жалб этилган молиявий ресурслардан юксак самара билан фойдаланиш зарур бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида корхонада молиявий левережни ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичларнинг таҳлил этиб бориш лозим. Уларга қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Маблағларнинг ўз ва қарз манбалари нисбати (баланснинг 540-сатрининг 390-сатрига нисбати сифатида аниқланади).
2. Молиявий қарамлик коэффициенти (310-сатрнинг 390-сатрга нисбати).
3. Молиялаш коэффициенти (390–сатрнинг 540–сатрига нисбати).
4. Капитални жалб этиш коэффициенти (540-сатрнинг 310-сатрга нисбати).
5. Автономия коэффициенти (390–сатрнинг 310–сатрга нисбати).
6. Умумий ликвидлик коэффициенти (110+300 – сатрларнинг 540–сатрга нисбати).

Мазкур коэффициентлардаги ўзгаришларда корхона молиявий фаолиятидаги энг муҳим жиҳатлар ўз ифодасини топади. Лекин бу борадаги таҳлил таҳлилчидан молиявий билимлар билан бир қаторда корхона бизнеси хусусиятларини чуқур тушунишни ҳам талаб этади. Молиявий маблағлар таркибида қарз маблағлар кўпайиши ёки камайишини факат бир ёқлама баҳолаш мумкин эмас. Бизнесни тез кенгайтириш имкониятларига эга бўлган компания қарз маблағлардан юксак самара билан фойдалана олади. Демак, бундай компания учун молиявий левереж юқори даражасини салбий баҳоламаслик керак. Аксинча ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари ўсиши объектив омиллар билан чекланган корхонада молиявий левереж ортиши бу ерда маблағлар самарасиз ишлатилаётганлигини кўрсатади.

Корхона кредит сиёсатини ишлаб чиқиш учун баланс пассиви таркибини ўз ва қарз маблағлар нисбати даражасини чуқур таҳлил этиш лозим. +иска муддатли қарз олиш масаласи корхонанинг ўз айланма маблағлари этишмовчилигини мавжуд бўлганда пайдо бўлади. Албатта, қисқа муддатли кредитларнинг кутилаётган самарадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилиниши зарур.

Муайян ҳолларда узоқ муддатли активларга йўналтириш мақсадларида кредит олиш масаласи вужудга келади. Бундай қарорга келиш пайтидаги энг муҳим мезон олинаётган узоқ муддатли молиявий ресурс ишга солинишидан кўриладиган фойда даражаси фоиз ставкасидан етарли даражада юқори бўлишидир. Қарз маблағларини жалб қилиш хақида қарор қабул қилишда уларни қайтариш режасини тузиш, кредит даври учун фоиз ставкасини ва фоизлар суммасини аниқлаш, уларнинг тўланиши манбаларини топиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, кредитни олиш билан боғлиқ ҳаражатлар хам ҳисобга олиниши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартағи «Пул массасининг ўсишини чеклаш ва молиявий интизомга риоя қилиниши учун маъсулиятни ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида» ва 2002 йил 28 августдаги «Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари корхоналарга узоқ муддатли қарз маблағлари жалб этилиши учун имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.Хусусан, 2002 йил 30 мартағи Фармон корхоналарга муомалага ўз облигацияларини чиқариш борасида катта ҳуқуқлар берди. Бу ҳуқуқлардан фойдаланиш облигациялар воситасида корхонага маблағлар жалб этиш корхона фаолияти устидан молиявий назорат олдига ҳам қаттиқ талаблар қўймоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Ҳаражатларни молиявий бошқаришнинг моҳияти нимада?
2. Таннарх таркибиға кирувчи ҳаражатлар қандай гурӯхларга бўлинади?
3. Таннархга киритиладиган ва фойда ҳисобидан қопланадиган ҳаражатлар қандай аниқланади?
4. Соғ фойдадан қайси ҳаражатлар қопланади?
5. Левереж қандай аниқланади?
6. Ҳаражатларни режалаштириш мазмунини тушунтириңг.

## **Х БОБ. КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛЛАРИ**

### **10.1. Хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб шакллари**

Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар нақд пулсиз шаклда олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банкдаги ҳисобларда ёзувлар йўли билан пул маблағларини тўловчи ҳисобидан олувчи ҳисобига ўтказилишини билдиради. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўзининг қатор афзалликларига кўра ҳозирги замон иқтисодиетида белгиловчи ўринни эгаллади. Бундай ҳисоб-китобларда муомала харажатлари кескин камайишига эришилади, ҳисоб-китоблар банк орқали амалга оширилиши давлат томонидан иқтисодиет тартибга солиниши ва назорат қилинишига қулайлик яратади, ҳисоб-китоблар ошкоралиги ҳаракатланаётган пул маблағлари ҳалол ишлаб топилганлигининг ўзига хос кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Банкдаги ҳисобни очишда банк билан корхона ўртасида ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилади. Шартномага биноан банк ўз зиммасига мавжуд қонунчиликка мувофиқ равишда комплекс ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш, пул маблағлари мижоз ҳисобида дахлсиз сақланишини таъминлаш ва уларни мижознинг биринчи талабидаёқ мижозга қайтариш, мижознинг тижорат сирини сақлаш мажбуриятларини олади. Мижоз ўз зиммасига норматив хужжатлар талабларига риоя қилиш, ўз барча пул маблағларини банкда сақлаш, касса операциялари тартибларига риоя қилиш, банк билан келишилган муддатларда бухгалтерия ва статистика ҳисботларини, хукумат томонидан банкка юклangan вазифалар адо этилиши учун зарур бошқа маълумотларни етказиб бериш, банкни ўзининг хукуқий-ташкилий мақомидаги ўзгаришлардан хабардор қилиш ва бошқа мажбуриятларни олади.

Шартномада банк мижозга кўрсатадиган хизмат турлари бўйича хизмат ҳақи қиймати ва олиниш тартиби, томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллардаги моддий жавобгарлик, келишмовчиликларни ҳал этиши тартиби, шартноманинг амал қилиши муддатлари ва бошқа шартлар акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси "*Корхоналар тўғрисида*" қонунига биноан корхона ҳисоб-китоб ҳисобидан иш ҳақи ва бюджетга тўловлар, шунингдек, давлат мажбурий сугутраси ва пенсия фондига тўловлар биринчи навбатда амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар бошқа турлари календарь навбати бўйича бажарилади. Хўжалик суди корхонани банкрот деб топганда корхона ҳисобидан тўловлар навбати "*Банкротлик тўғрисида*" қонун талаблари асосида белгиланади.

Корхоналар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қўйидаги хужжатлар асосида амалга оширилади:

- тўлов топшириқларномалари;
- тўлов талабномалари;
- аккредитивлар;
- чеклар;
- тижорат банкларининг векселлари;
- инкассо топшириқномалари.
- пластик карточкалар

Тўловлар тўловчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан еки банк билан битишуvgа мувофиқ банк ссудалари ҳисобидан бажарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги "**Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида**" Фармонига биноан товарлар ва хизматлар етказиб бериш 15 фоизли олдиндан тўловсиз бажарилиши мумкин эмас.

Маблағлар олувчи ҳисобига тўловчи ҳисобидан чиқарилгандан сўнг езиб қуйилади. Тўловчилар ва олувчилар ўртасидаги низоли масалалар банкнинг аралашувисиз ҳал этилади.

Тўлов талабномаларидан ташқари тўлов ҳужжатлари уларнинг суммасидан қатъи назар ҳисобда мавжуд маблағлар доирасида қабул қилинади.

Чеклар қўлда сиёҳ еки шарикли ручкада ёзилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш ва ўчиришларга йўл қўйилмайди.

Маблағни тўловчининг ҳисобидан чиқариш факат ҳисоб-китоб ҳужжатининг биринчи нусхаси еки электрон тўловлар тизими орқали узатилган ҳужжат асосида амалга оширилади.

**Тўлов топшириқномаси** корхонанинг унга хизмат кўрсатаётган банкка корхона ҳисобидан маълум маблағни тўлаб бериш ҳақидаги топшириғидир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 31 январдаги хатига биноан республика ичida олдиндан тўлов бўйича тўлов топшириқномалари шартнома номерини, ҳисоб-китоблар тартибини ва 15 фоиздан кам бўлмаган ҳолда олдиндан ўтказилаётган тўловнинг битишув умумий суммасига фоизлардаги нисбатини кўрсатилган ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги "**Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида**" Фармонига мувофиқ Республика доирасида 15 фоизлик олдиндан тўловсиз ёки муддати ўтган дебитор қарзи мавжуд бўлган ҳолда товар етказиб берилиши тақиқланган. Республикадан ташқарига товар жўнатиш олдиндан тўлов олинган еки аккредитив очилган ёки харидорларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг гарантияларини олган ҳоллардагина амалга оширилиши лозим.

Корхона ҳисобида маблағ етарли бўлмаса еки банк ссудаси ҳисобидан тўлаб бериш имкониятлари бўлмаса тўлов топшириқномалари қабул қилинмайди. Тўлов топшириқномаси банк ссудаси ҳисобидан тўлаб берилиши учун банк билан мижоз ўртасида тегишли шартнома расмийлаштирилган бўлиши зарур.

Банк ссудалари бўйича қарзларни тўлашга мўлжалланган мақсадли ўтказма маблағлар корхона ҳисоб-китоб ҳисобига туширилмай тўғридан-тўғри қарзни қайтаришга йўналтирилади, қарз бўлмаган ҳолда эса ҳисоб-китоб рақамига туширилади.

**Тўлов талабномаси** маблағ олувчи томонидан тўловчига нисбатан банк орқали муайян суммани тўлаб бериш ҳақидаги талаби мавжуд ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Маблағ олувчи талабномасини ўзига хизмат қўрсатаётган банкка инкассога тақдим этади. Тўлов талабномалари акцептли ва акцептсиз қўлланиши мумкин. Акцепт тўлов талабномаси тўловчига томонидан тан олинишини билдиради. Белгиланган ҳолларда тўлов талабномасини тўловчи тан олиши ёки олмаслигидан қатъи назар банк тўловчи ҳисобидан тўловни олувчига ўтказиб беради (акцептсиз).

Тўлов талабномаларини **аввалдан акцептлаши шакли** қўлланади. Аввалдан акцептлашда талабнома банкка келиб тушган кунни ҳисобга олмаганда **уч кун** ичида тўловчи раддия билдирмаса, шу муддатнинг эртасига банк талабномани тўловчи ҳисобидан қондиради. Зарур ҳолларда корхона раҳбарининг илтимосига кўра банк акцепт муддатини 10 кунгача узайтириши мумкин. Акцептлаш муддатлари олувчи ва тўловчининг ўзаро шартномаларида албатта қайдд этилган бўлиши керак. Талабнома банкка келиб тушиши билан мижозга хабар берилиши лозим.

Аввалдан акцепт тартиби банк томонидан тўловчи билан келишилган ҳолда белгилаб қуйилади.

Марказий банк қуйидаги ҳолларда ҳисоб-китоблар бўйича талабномалар аввалдан акцепт тартибида тўланишини белгилаган:

- тўлов мазкур тартиби шартномада назарда тутилган бўлса;
- ҳудудий бошқарувли корхоналарнинг давлат резервларига қўйилаётган товарлар бўйича ўз корхоналари билан ҳисоб-китоблари;
- бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматига тегишли бюджет ташкилотларини ҳам қўшган ҳолда, товар етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобларида;
- бюджет ҳисобларига эга бўлган хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларнинг товар етказиб берувчилар ва харидорлар билан бюджет ҳисобларига тааллуқли ҳисоб-китобларида;
- Ички ишлар Вазирлигининг идорадан ташқари муҳофаза органлари ҳисоб-китоблари;
- маҳаллий бошқарув органларининг ҳисоб-китоблари.

Акцептни рад этиш, у асослаб берилмаган бўлса, банк томонидан қабул қилинмайди. Банк раддияда қайд этилган сабаблар ҳақиқатда содир бўлган ёки бўлмаганлигини текширмайди. Банк муассасаси раҳбари банқда акцептни рад этишни қабул қилиш хуқуқи берилган шахслар доирасини белгилайди. Банк акцептни рад этиш бўйича низоларни кўриб чиқмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган ҳоллардагина тўловчи ҳисобидан маблағни акцептсиз тўлаб берилиши мумкин.

Бу ҳолда талабномада тўловнинг йўналиши ва акцептсиз тўлов ундириш ҳуқуқини берувчи қонунчилик акти (санаси, номери ва тегишли пункти) кўрсатилади. Банк илова қилинаетган ҳужжатларнинг талабномада кўрсатилган реквизитларга мувофиқ эканлигини текширади, лекин бу ҳужжатларнинг мазмuni ва йўқолиши учун жавоб бермайди. Акцептсиз тўлов талабномалари барча нусхалари олд томони юқори қисми четида "Акцептсиз" штампи босилади. Мазкур ёзувсиз талабномаларга нисбатан акцептлаш қўлланади.

Аввалдан акцентлаш усули қўлланганда талабноманинг юқори қисми четида "**Аввалдан акцепт**" штампи қўйилади ёки йирик ҳарфларда шундай деб езиб қўйилади.

Агар шартномада товар етказиб берувчи тўловчига муайян ҳужжатларни жўнатиши лозим бўлса, бу иш товар жўнатилиши биланоқ, банкка инкассога талабнома топширилишидан олдин амалга оширилади. Талабномада ҳужжатлар тўловчига жўнатилган сана кўрсатилади.

Шартномада товар етказиб берувчи томонидан тўловчига ҳужжатлар тақдим этилиши белгиланмаган бўлса, талабномада "Кўзда тутилмаган" деган белги қўйилади.

Акцептсиз тўланадиган талабномалар операцион кун давомида келиб тушса, шу куни тўлаб берилади. Тўловчи ҳисобида маблағ бўлмаса еки етмай қолса (шу жумладан кредит олиш ҳисобига ҳам), тўланмаган сумма "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" еки "Капитал қуйилмаларни молиялаш бўйича муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" ҳисобларига картотекага (карточка-2) қуйилади. Операцион кун тугагандан сўнг келиб тушган талабномаларга "кечки" штамп босилади ва эртасига тўлаб берилади еки картотекага олинади.

**Тўлов талабнома-топшириқномаси** маҳсулот етказиб берувчининг банкини четлаб ўтган ҳолда бевосита сотиб оловчига шартнома бўйича етказиб берилиган товарлар еки бажарилган ишлар қийматини ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаб бериш ҳақидаги талабидир.

Тўловчи тўлов талабнома-топшириқномасини олгач, у бўйича тўлов имкониятини аниқлаб, акцептланган тўлов талабнома-топшириқномасини банкка маблағ тўловчи ҳисобидан оловчига үтказиб берилиши учун тақдим этади.

**Аккредитив** мижознинг топшириги билан банк томонидан мижознинг шартнома бўйича контрагенти олдида олинаетган шартли пул мажбуриятидир. Бу мажбуриятга кўра аккредитив очган банк (банк-эмитент) маҳсулот етказиб берувчига аккредитив шартлари бажарилган ҳолда тўловни амалга оширади еки бошқа банкка шундай ваколатни беради.

Аккредитивларнинг қуидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (гарантияланган) аккредитивлар;
- чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган аккредитивлар.

Қопланган аккредитивда банк-эмитент тўловчининг ўз маблағларини еки унга кредитга берилган маблағларни маҳсулот етказиб берувчи банкидаги(ижрочи банк) "Аkkредитивлар" алоҳида баланс ҳисобига ўтказиб беради.

Қопланмаган(гарантияланган) аккредитивда ижрочи банкка олдиндан пул ўтказиб қўйилмайди. Лекин ижрочи банкка банк-эмитентнинг ижрочи банкдаги вакиллик ҳисобидан аккредитив бутун суммасини тўлатиб олиш ҳуқуқи берилади. қопланмаган аккредитив банк-эмитент билан сотиб оловчи корхона ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқа банклар билан вакиллик алоқалари мавжуд бўлса очилиши мумкин. Корхонанинг қопланмаган аккредитив очиш ҳақидаги илтимосномаси банк-эмитентда алоҳида балансидан ташқари ҳисобда кирим қилинади.

Аkkредитивда унинг чақириб олинадиган еки чақириб олинмайдиган эканлиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма мавжуд бўлмаса аккредитив чақириб олинадиган деб ҳисобланади. Чакириб олинадиган аккредитив маҳсулот етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан банк-эмитент томонидан ўзгартирилиши еки бекор қилиниши мумкин. Чакириб олинадиган аккредитив шартларини ўзгартириш ҳақида фармойишни тўловчи маҳсулот етказиб берувчига фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин. Банк-эмитент ижрочи банкка, у эса ўз навбатида маҳсулот етказиб берувчига хабар қиласи. Бироқ, маҳсулот етказиб берувчининг унга хабар етказилгунга қадар аккредитивнинг талабларига мувофиқ банкка топширган ва банк қабул қилган хужжатлари тўлаб берилиши керак.

Чакириб олинмайдиган аккредитив маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши еки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аkkредитив фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китобларга мўлжалланади. Аkkредитив муддати ва ҳисоб-китоблар тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган шартномада келишилади.

Аkkредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар электрон почта орқали амалга оширилади.

Ишлатимаган аккредитив суммаси электрон почта орқали қайтарилади. Аkkредитивдан нақд пул билан тўлов бажариш мумкин эмас.

#### 4. Чеклар билан ҳисоб-китоблар

Ҳисоб-китоб чеки ҳисоб эгаси ҳисобидан (чек берувчидан) оловчи (чек эгаси) ҳисобига муайян суммани ўтказиб бериш ҳақида банкнинг маҳсус (стандарт) бланкида тузилган банкка ёзма топшириқномадир. Чеклар хўжалик субъектлари билан жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиласи.

Ҳисоб-китоб чеки номли пул ҳужжати бўлиб, банк томонидан омонатчига банкда омонатда сақланаётган маблағи ёки нақд пул билан топширилган маблағ ҳисобига берилиши мумкин. Омонатчи ёки пул топширувчи хоҳишига биноан чек бошқа шахс номига ёзиб берилиши ҳам мумкин. Бир шахс номига бир неча чек ёзиб берилиши ҳам мумкин.

Банкнинг ҳисоб-китоб чеклари ташкилотлар номига ёки кўрсатувчига деб берилмайди.

Ҳисоб-китоб чеки икки қисмдан: чекнинг ўзидан ва илдиздан иборат.. У берилган кундан ташқари 4 ой мобайнида ҳақиқий деб топилади. Банк ўз ихтиёри билан бошқа муддатни ҳам белгилаши мумкин.

Ишлатилмаган чек уч йил мобайнида банк муассасасига тақдим этилмаса, унинг суммаси банк юқори муассасаси балансига ўтказилади ва у чек эгаси чекни тақдим этганда маблағни тўлаш имконияти масаласини ҳал этади.

Ҳисоб-китоб чекида тузатиш ва учиреб ёзишларга йўл қўйилмайди. Хато содир этилган бланк бузилган деб ҳисобланиб, ўрнига янги тўлғазилади. Бланк бузилганда "Ҳисоб-китоб" сўзидаги харфлардан қисми кесиб олиниб, бланкка кундалангига "Бузилган" деб ёзилади. Ёзув остига бўлим бош бухгалтери ва кассир имзо чекади.

Бузилган бланк чиқим касса ордерига қўшиб тикилади.

Савдо корхонаси томонидан банкка топширилган ҳисоб-китоб чеклари бошқа банк томонидан берилган ҳисоб-китоб чеклари бўлса, чеклар суммасига вакиллик ҳисоби дебетланади ва Марказий банк муассасаси орқали тегишли банкка дебет авизоси жўнатилади.

Суммаси савдо корхонаси ҳисобига туширилган чекларнинг бет томонига "**Текширилди**" штампи босилади.

**Вексел-** қатъий белгиланган шаклдаги ёзувли қарз мажбурияти бўлиб, унинг эгасига векселда белгиланган муддат тугагандан сўнг қарздордан унда кўрсатилган суммани сўzsиз талаб қилиш хукуқини беради. Векселлар тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилади. Тижорат банкидан векселни сотиб олган юридик шахс уни пул эквиваленти сифатида хўжалик операцияларида тўлов воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Векселнинг турли субъектлар ўртасида айланишини ифодаловчи илова-варағлари мавжуд бўлиб, унга эгалик қилган ҳар бир корхонанинг муҳри икки маротаба босилади. Биринчи маротаба векселни қабул қилиб олишда ва иккинчи маротаба уни топширишда босилади. Векселда белгиланган муддат тугаши билан унга эгалик қилувчи корхона ўз банки орқали векселни муомалага киритган банкка қайтаради. Ўз навбатида эмитент банкдан вексел қиймати нақд пулсиз ҳисоб-китоб кўринишида вексел топширувчи корхонага тўлаб берилади.

## 10.2. Тўлов топшириқлари орқали ҳисоб-китоблар

Тўлов топшириқномаси корхонанинг унга хизмат кўрсатаётган банкка корхона ҳисобидан маълум маблағни тўлаб бериш ҳақидаги топшириғидир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 31 январдаги хатига биноан республика ичida олдиндан тўлов бўйича тўлов топшириқномалари шартнома номерини, ҳисоб-китоблар тартибини ва 15 фоиздан кам бўлмаган ҳолда олдиндан ўтказилаётган тўловнинг битишув умумий суммасига фоизлардаги нисбатини кўрсатилган ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги Фармонига мувофиқ Республика доирасида 15 фоизлик олдиндан тўловсиз ёки муддати ўтган дебитор қарзи мавжуд бўлган ҳолда товар етказиб берилиши таъкиқланган. Республикада ташқарига товар жўнатиш олдиндан тўлов олинган ёки акредитив очилган ёки харидорларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг гарантияларини олган ҳоллардагина амалга оширилиши лозим.

Корхона ҳисобида маблағ етарли бўлмаса ёки банк ссудаси ҳисобидан тўлаб бермш имкониятлари бўлмаса тўлов топшириқномалари қабул килинмайди. Тўлов топшириқномаси банк ссудаси ҳисобида тўлаб берилиши учун банк билан мижоз ўртасида тегишли шартнома расмийлаштирилган бўлиши зарур.

Бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошгقا жамоат ташкилотлари, хўжалик ҳисобида эмас корхоналар тўлов топшириқномалари уларнинг ҳисобида етарли маблағи бўлган ҳолдагина қабул қилинади.

Хўжалик бошқариш органлари (вазириклар ва концернлар) корхоналарга банкдан ва товар етказиб берувчидан муддати ўтган қарзларни қайтариш, мукофотлар тўлаш ва бошқа мақсадлар учун маблағлар ўтказиш бўйича топшириқномалар беришлари мумкин. Банк ссудалари бўйича қарзларни тўлашга мўлжалланган мақсадли ўтказма маблағлар корхона ҳисоб-китоб ҳисобига туширилмай тўғридан-тўғри қарзни қайтаришга йўналтирилади, қарз маблағлар 2- картотекадаги қарзларни тўлашга йўтталтирилишидан олдин ҳисоб-китоб ҳисобига туширилади ва эртасига колдирмай 2-карточка хужжатларига тўлов бажарилади. Ходимларни мукофотлаш ёки бир марталик моддий ёрдам учун келиб тушган маблағлар ҳисоб-китоб ҳисобига ёзилиб, ўз мақсадига мувофиқ ишлатилиши учун 5 кунгача муддатга бронлаштириб кўйилади.

Тўлов тотшириқномалари 0401002 бланкда, битта банкда хизмат кўрсатилаётган уч ёки ундан ортиқ олувчиларга маблағ ўтказишда эса 0401003 бланкада тўлдирилади. Топшириқномада тўлов қандай мақсадларда ва нима учун амалга оширилаётганлиги аниқ кўрсатилиши лозим. Тўлов топшириқномалари икки нусхада тузилади (1-нусха мемориал ордер сифатида ишлатилади, 2-нусха тўловчига топшириқнома қабул қилинганлиги ҳақида имзо ва банк штампи босилган ҳолда берилади. Топшириқномадаги сумма топшириқномада кўрсатилган ҳисобдан тўланиши керак.

### 10.3. Чеклар билан ҳисоб-китоблар

Ҳисоб-китоб чеки ҳисоб эгаси ҳисобидан (чек берувчидан) олувчи (чек эгаси) ҳисобига муайян суммани ўтказиб бериш ҳақида банкнинг маҳсус (стандарт) бланкида тузилган банкка ёзма топшириқномадир. Чеклар хўжалик субъектлари билан жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиласи.

Банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари аҳоли томонидан савдо ташкилотларида қиймати 200 сўмдан юқори товарларни сотиб олишда

ишлатилади. Ҳисоб-китоб чеки номли пул ҳужжати бўлиб, банк томонидан омонатчига банкда омонатда

сақланаётган маблағи ёки нақд пул билан топширилган маблағ ҳисобига берилиши мумкин. Омонатчи ёки пул топширувчи хоҳишига биноан чек бошқа шахс номига ёзиб берилиши ҳам мумкин. Бир шахс номига бир неча чек ёзиб берилиши ҳам мумкин. Банкнинг ҳисоб-китоб чеклари ташкилотлар номига ёки кўрсатувчига деб берилмайди.

Ҳисоб-китоб чеки икки қисмдан: чекнинг ўзидан ва илдиздан иборат. Бланкада контрол рақамлар мавжуд (минглар, юзлар ва ўнлар). Чек 10 сўмданга ортиб борадиган яхлит суммаларга берилади. У берилган кундан ташқари 4 ой мобайнида ҳақиқий деб топилади. Банк ўз ихтиёри билаи бошқа муддатни ҳам белгилаши мумкин.

Ишлатилмаган чек уч йил мобайнида банк муассасасига тақдим этилмаса, унинг суммаси банк юқори муассасаси балансига ўтказилади ва у чек эгаси чекни тақдим этганда маблағни тўлаш имконияти масаласини ҳал этади.

Банкнинг масъул ижрочиси ҳисоб чекидаги ёзувларни сиёҳда ёки шарикли ручкада амалга оширади ва қуидагиларни бажаради:

а) чекда ва илдизда чек берилаётган шахсиинг фамилияси, исми ва насабини, чек бераётган банк номери ва жойлашган жойини, вакиллик ҳисоби номерини, чек амал қиласиган муддатни (сана, ой, йил) ва чек берилган санани (ой номи ёзувда) қайд этади;

б) оловчига илдизга чек олганлиги ҳақида имзо қўйдиради, чек бошқа шахс

номига берилганда чек илдизининг орқа томонида "Чек \_\_\_\_\_ (фамилия, исм, насаб) га ёзилсин" деб кўрсатишни сўрайди. Чек оловчи ҳисоб-китоб чекида фамилия, исм ва насаб гўғри кўрсатилганлигини текшириб кўриши ва имзо чекиши лозим.

в) масъул ижрои ҳисоб-китоб чеки ва чек илдизини имзолайди. чекни контрол рақамлар бўйича, чек суммасига монанд ҳолда ажратади;

г) шундан сўнг чекка аниқ қилиб муҳр босади, алоҳида журналда чекнинг серия ва номерини, номига чек ёзилган шахснинг фамилияси ва инициалларини, журналнинг "нақд пул-кирим" графасида чек суммасини ёзади. Чек оловчига чек илдизига номерини куйган ҳолда чек олиш учун номерли талон беради.

Ҳисоб-китоб чеки омонатдаги маблағдан берилганда 52-шаклдаги чиқим ордери тулгазилади. Унга омонатчи ва масъул ижрои имзо қўядилар. Ордернинг орқа томонида берилаётган ҳисоб-китоб чекининг серия ва номери кўрсатилади.

Чек илдизида эса "Чек №\_\_\_\_\_ ҳисобидан чиқарилган суммага берилади" мазмунида

ёзиб қўйилади. Ордер суммаси омонатчи шахсий ҳисобида қайд этилади.

Ҳисоб-китоб чеки қисман омонатдан, қисман топширилаётган нақд пул ҳисобидан берилганда 32-шаклдаги чиқим ордери омонатдан чиқарилаётган сумма

микдоригагина тузилади. Ҳисоб-китоб чеки илдизида "№  сўм ҳисобдан чиқарилди, нақд сўм топширилди" деб кўрсатилади;

д) масъул ижрочи ҳисоб-китоб чеки ва чекнинг илдизини, чиқим ордери ва омонат дафтарчасини (чек тўла ёки қисман омонат ҳисобидан берилганда) кассирга топширади.

Ҳисоб-китоб чеки учун нақд пулда тўланган суммалар йиғма ордерга ёзиб борилади.

Ҳисоб-китоб чекида тузатиш ва учириб ёзишларга. йўл қўйилмайди. Хато содир этилган бланк бузилган деб ҳисобланиб, ўрнига янги тўлғазилади. Бланк бузилганда "Ҳисоб-китоб" сўзидағи харфлардан қисми кесиб олиниб. Бланкка кундалангига "Бузилган" деб ёзилади. Ёзув остига бўлим бош бухгалтери ва кассир имзо чекади.

Бузилган бланк чиқим касса ордерига қўшиб тикилади.

Кассир қуидаги ишларни бажаради:

-хужжатларда ёзувлар тўғри бажарилганлигини текширади ва уларга шарикли ручкада имзо чекади;

-чек илдизидаги белгига мувофиқ талон номерига асосан чек оловчи шахсни чақиради;

-чек оловчидан нақд пул ва чек учун тўловчи қабул қиласди;

-чек оловчига ҳисоб-китоб чекини ва омонат дафтарчасини беради, тўла ёки қисман нақд иул эвазига берилаётган чекнинг илдизини операция куни охиригача ўзида олиб қолади, тўласича омонат ҳисобига берилгаи чекнинг илдизини масъул ижроига қайтаради.

Операция кунини якунлашда банк кассири ҳисоб-китоб чеклари илдизлари бандеролида зарур реквизитлардан ташқари нақд нулда қабул қилинган суммани ва омонатдан чиқарилган суммани кўрсатади ва чек илдизларини масъул ижроига топширади.

Масъул ижрочи бу чек илдизларини кассирдаи кун давомида олишгаш чек илдизлари (тўла равишда омонатдан берилган чеклар илдизлари) билан қўшиб, бандеролда чеклар умумий суммасини, олинган нақд пул суммасини ва омонат ҳисобларидан чиқарилгаи суммани алоҳида-алоҳида кўрсатади.

Ҳисоб-китоб чеклари илдизлари кун хужжатлари ҳисботи таркибида тикиб қўйилади.

Омонатчиларга ҳисоб-китоб чеклари омонатлар ҳисобидан сўнгги назорат маълумотлари асосида берилади.

Банкда олинган, ишлатилган ва қайтирилган бланклар ҳисоби қимматли қоғозларни ҳаракатии ҳисобга олиш дафтирида юритилади. Кун давомида ишлатилган бланклар чиқим ордерлари билан "Қатъий ҳисбот бланкалари" ҳисобидан чиқарилади.

Савдо корхонасида чекни қабул қилишда унинг бланки белгиланган намунага тўғри келиши, чек суммаси контрол рақамларга монандлиги, банк мухри ва имзолари мавжудлиги, чекни тақдим этувчи шахс (паспорт ёки унинг ўринли босувчи хужжат асосида), чекнинг муддати ўтмаганлиги текшириб олинади. Савдо корхонасида ҳисоб-китоб чекини пулга алмаштириб берилмайди. Лекин, чек суммаси ҳарид қилишиётган товар

қийматидан ортиқ бўлса чек қийматининг 25 фоизигача 100 сўмдан ортиқ бўлмаган сумма нақд пул шаклида қайтим сифатида берилиши мумкин.

Савдо корхонаси ҳисоб-китоб чекларини банкка инкассаторлар орқали пул тушуми билан бирга топширади. Инкассация йўқ ҳолда эса ҳисоб-китоблар чеклар банкка реестр тузиб топширилади.

Ҳисоб-китоб чекларини нақд пулга қўшиб инқассация орқали топширишда нусхалаш қоғозидан фойдаланган ҳолда З иусхада илова қайдномаси (0400000) тузади. 1-нусха халтага солинади, 2-нусха ("Юк хати") халта билан инкассаторга берилади, 3-нусха ("Илова қайдномаси нусхаси") савдо корхонасида инкассаторга халтани қабул қилиб олганлиги ҳақида имзо қўйдириб олиб қолинади.

Банкка келиб тушган ҳисоб-китоб чеклари орқа томонида савдо корхона штампи ва мансабдор шахси имзоси билан чек қабул қилингандиги тасдиғи мавжудлиги текширилади. Тасдиқланмаган чеклар савдо корхонасндан тасдик олингунга қадар балансдан ташқари "Турли қийматлар ва ҳужжатлар" ҳисобида ҳисобга олинади. Илова қайдномаси ва юк хатининг тескари томонида банк кассири ва назоратчиси имзолари билан чекнинг қабул қилинмаслиги сабаблари кўрсатилади. Қабул қилинмаган чек ҳақида савдо корхонасига сўров юборилади.

Савдо корхонаси чек қабул қилингандигини директор имзоси, муҳр ёки штами билан тасдиқлайди. Тасдиқ чекка қўшиб қўйилади.

Сумма "Турли қийматлар ва ҳужжатлар" ҳисобидан савдо корхонаси ҳисобига ёзилади.

Савдо корхонаси томонидан банкка топширилган ҳисоб-китоб чеклари бошқа банк томонидан берилган ҳисоб-китоб чеклари бўлса, чеклар суммасига вакиллик ҳисоби дебетланади ва Марказий банк муассасаси орқали тегишли банкка дебет авизоси жўнатилади.

Суммаси савдо корхонаси ҳисобига туширилган чекларнинг бет томонига "Текширилди" штампи босилади.

Ишлатилмаган ҳисоб-китоб чеки банкка паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат билан биргаликда такдим этилади.

Банк масъул ижрочиси:

а) чекнинг ҳақиқийлиги ва чек эгаси шахси унга мувофиқлигини текшириб олади. Ишончнома бўйича чек қабул қилинганда ишончнома тўғри расмийлаштирилганлиги, муддати ўтмаганлиги, ишончнома берувчи имзосининг чек илдизидаги имзо билан бир хиллиги, чек тоиширувчининг паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжаг асосида шахсини текширади. Чекнинг ва ишончноманинг тескари томонига топширувчи шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларни ёзиб қўяди;

б) чекнинг бет томонида қуида ёзувни бажаради: "Суммани № \_\_\_\_\_ ҳисобга ёзилсин";

в) ҳисоб-китоб чекини банк муассасаси бош бухгалтерига топширади ва паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни эгасига қайтаради.

Бош бухгалтер ҳисоб-китоб чекини олгач, унинг суммасини омонат ҳисобига ўтказиш операциясни бажаради. Операцион кундалиқда, шахсий ҳисобда ва пул омонатлари дафтарчасида ҳисоб-китоб чеки номери албатта кўрсатилади. Ҳисоб-китоб чекининг тескари томонида "Савдо ташкилотларининг белгиси" графасида пул қайта туширилаётган омонат ҳисоби номери ёзилади. Ёзувларнинг ҳаммасига тегишли имзо қўйилади. Бош бухгалтер ҳисоб-чекини "Ҳисоб-китоб" сўзи харфлари бир қисмини киркиб олиш орқали яроқсизлантиради ва кун хужжатларига тикади.

#### **10.4. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар**

Аккредитивлар мижознинг топшириги билан банк томонидан мижознинг шартнома бўйича контрагенти олдида олинаётган шартли пул мажбуриятидир. Бу мажбуриятга кўра аккредитив очган банк (банк эмитент) маҳсулот етказиб берувчига аккредитив шартлари бажарилган ҳолда тўловни амалга оширади ёки бошқа банкка шундай ваколатни беради.

Аккредитивнинг қўйидаги турлари очилиши мумкин:

-қопланган (депонентлаиган) ёки қопланмаган (гарантияланмаган) аккредитивлар;

-чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган аккредитивлар.

Қопланган аккредитивда банк-эмитент тўловчининг ўз маблағларини ёки унга кредитга берилган маблағларни маҳсулот етказиб берувчи банкидаги (ижрочи банк) "Аккредитивлар" алоҳида баланс ҳисобига ўтказиб берилади.

Қопланмаган (гарантияланмаган) аккредитивда ижрочи банкка олдиндан пул ўтказиб қўйилмайди. Лекин ижрочи банкка банк-эмитентнинг ижрочи банкдаги вакиллик ҳисобидан аккредитив бутун суммасини тўлатиб олиш ҳуқуки берилади. Қопланмаган аккредитив банк-эмитент билан сотиб оловчи корхона ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқа банклар билан вакиллик алоқалари мавжуд бўлса очилиши мумкин. Корхонанинг қопланмаган аккредитив очиш ҳақидаги илтимосномаси банк-эмигентда алоҳида балансдан ташқари ҳисобда кирим қилинади.

Аккредитивда уиинг чақириб олинадиган ёки чақириб олинмайдиган эканлиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма мавжуд бўлмаса аккредитив чақириб олинадиган деб ҳисобланади. Чақириб олинадиган аккредитив маҳсулот етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан банк-эмитент томонидан ўзгаририлиши ёки бекор қилиниши мумкин. Чақириб олинадиган аккредитив шартларни ўзгаририш ҳақида фармойишни тўловчи маҳсулот етказиб берувчига факат банк эмитент орқали бериши мумкин. Банк-эмитент ижрочи банкка, у эса ўз навбатида маҳсулот етказиб берувчига хабар қиласи. Бироқ, маҳсулот етказиб борувчининг унга хабар етказилгунга қадар аккредитивнинг талабларига мувофиқ банкка топширган ва банк қабул қилган хужжатлари тўлаб берилиши керак.

Чақириб олинмайдиган аккредитив маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгаририлиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив фақат битта маҳсулот етказпб берувчи билан ҳисоб-китобларга мўлжалланади. Аккредитив муддати ва ҳисоб-китоблар тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилгап шартномада келишилади. Шартномада қуидагилар бўлиши лозим:

- банк-эмитентнинг номи;
- аккредитив тури ва ижро этилиши усули;
- маҳсулот етказиб берувчи аккредитив очилганлиги хақида хабардор қилиш усули;
- аккредитив бўйича маблағии олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товар жўнатилгандан сўнг ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари. ҳужжатларнинг тўлдирилиши ва расмийлаштиришга талаблар. Бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

Сотиб олувчининг банкида қуидаги ишлар бажарилади.

Тўловчи ўзига хизмат кўрсатаётган банкка (банк-эмитент) аккредитивга электрон ариза (0401005 шакл) тақдим этади. Аризада қуидагилар албатта кўрсатилиши лозим:

- аккредитив очиш учун сабаб бўлаётган шартноманинг иомери;
- аккредитивнинг амал қилиниши муддати (аккредитивни ёпиш санаси ва ойи);
- маҳсулот етказиб берувчииниг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи;
- аккредитив бўйича тўловлар бажариладиган ҳужжатларнинг тўла ва аниқ номи, уларни тақдим этиш муддатлари ва расмийлаштирилиши тартиби (уларнинг батафсил рўйхати аризага илова қилиниши мумкин);
- зарур маълумотларни ҳам кўрсатган ҳолда аккредитив тури;
- қандай товарлар (хизматлар) жўнатилиши учун аккредитив очилмоқда, товарларни жўнатиш муддатлари;
- аккредитив суммаси;
- аккредитивни амалга ошириш усули.

Тўловчи маҳсулот жўнатувчидан аккредитив бўйича ижрочи банкда унга очиладиган шахсий ҳисоб номерини аниқлаб олган ҳолда ариза бериши лозим. Бусиз "A" филиал аккредитивга электрон аризани шакллантира олмайди.

Тўловчи банкида келиб тушган аккредитивларни ҳисобга олиш учун балансдан ташқари "Тўланадиган аккредигивлар" ҳисоби очилади. Ижрога қабул қилинган аккредитив маҳсус журналда рўйхатга олинади. Унда сана, тартиб номери, маҳсулот етказиб берувчи номи, аккредитив муддати ва сумма кўрсатилади. Аккредитив журналдаги қайд этиш тартиб номери биркитиб қўйилади. Аккредитив ишлатиб бўлинганлиги хақида ижрочи банкдан хабар олингандан сўнг тўловчи банки банкдан ташқари ҳисобдаги суммани ҳисобдан чиқаради. Аккредитив тўла ишлатилмасдан сумма туловчи банкдаги ҳисоб-китоб ҳисобига қайтарилганда ҳам балансдан ташқари ҳисоб ёпилади.

Маҳсулот етказиб берувчи банкида аккредитив бўйича қуидагича иш олиб борилади.

Банк-эмитентдан маблағ келиб тушгач, маҳсулот етказиб берувчи банкида "Аkkредитивлар" алоҳида баланс ҳисобида маҳсулот етказиб берувчига алоҳида шахсий ҳисоб очилади. Ижро учун қабул қилинган аккредитив маҳсус журналда рўйхатга олинади. Маҳсулот етказиб берувчига аккредитив келиб тушганлиги хақида хабар аккредитив бўйича шахсий ҳисобга имзо қўйдирган ҳолда аккредитив келган куни ёки ундан кейинги иш кунида топширилиши керак. Аккредитивнинг ижроси ёки тўлови маҳсулот етказиб берувчи банкининг ўзи томонидан бажарилади. Маҳсулот етказиб берувчи аккредитив шартларида белгилаб қўйилган бўлса, аккредитивдан фойдаланишдан муддатидан илгари воз кечиши мумкин.

Аккредитив бўйича тўлов унинг барча шартлари бажарилсагина амалга оширилади. Бирон-бир талаб бажарилмаса, тўлов бажарилмайди. Маҳсулот етказиб берувчининг банки барча шартлар бажарилишини, пту жумладан ҳисоблар реестри тўғри расмийлаштирилиши, уида имзолар ва муҳр намуналарга мувофиқлигини текширишга мажбур. Агар аккредитив шартларида сотиб оловчи вақилининг акценти назарда тутилган бўлса, акцепт ёзуви мавжудлиги, вакил имзосининг намунага мувофиқ келиши текширилади.

Ҳисоблар реестрлари уларда жўнатиш санаси, товар-транспорт ҳужжатлари номерлари, товар алоқа корхоналари орқали жўнатилганда поча квитанциялари, товар сотиб оловчи вакил томонидан қабул қилингач жўиатилгаида эса қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари номери ва санаси, жўнатилган транспорт тури кўрсатилмаган бўлса тўловга қабул қилинмайди. Ҳисоблар реестри банкка уч нусхада топширилади:

1-нусха мемориал ордер бўлиб хизмат қиласи, 3-нусха тилхат сифатида маҳсулот етказиб берувчига қайтарилади, 2-нусха товар-транспорт ҳужжатлари ва банк аккредитивлар" ҳисобида акс эттириш учун юборилади.

Тўловчи вакил акцепти назарда тутилган ҳолларда вакил ижрочи банкка ўз наспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатии, ўз имзоси намунасини, аккредитив очган ташкилот томонидаи берилган сафар гувохномаси ёки ишончномасини тақдим этади. Акцептланган ҳужжатларда вакил

"\_\_\_\_\_ "даги N\_\_\_\_\_ аккредитив ҳисобидан  
сана

\_\_\_\_\_ нинг вакили томонидап акцептланди.  
(сотиб оловчи корхона номи)

Имзо: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил."

кўринишда ёзувни бажаради.

Ишлатилмаган аккредитив суммаси электрои почта орқали қайтарилади. Аккредитивдаи нақд пул билан тўлов бажариш мумкин эмас.

Маҳсулот етказиб берувчи банкида аккредигив қуидаги ҳолларда ёпилади:

а) аккредитив муддати тугаганда аккредитив ёпилганлиги ҳақида ижрочи банк-эмитентга хабар қиласи;

б) маҳсулот етказиб берувчи аккредитив фойдаланишдан муддатидан олдин воз кечганлиги ҳақида ариза берганда, банк-эмитентга маблағ ўтказиб берилади;

Банкнинг айби бўлмаган барча ҳолларда маҳсулот етказиб берувчига даъволар банкнинг иштирокисиз қурилади. Банк ҳужжатлар йўлда тўхталиб ёки йўқолиб қолиши учун жавобгар эмас.

## **10.5. Тўлов талабномалари орқали ҳисоб-китоблар**

Тўлов талабномаси маблағ олуви томонидан тўловчига нисбатан банк орқали муайян суммани тўлаб бериш ҳақидаги талаби мавжуд ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Маблағ олуви талабномасини ўзита хизмат кўрсатаётган банкка инкассога тақдим этади. Тўлов талабномалари акцептли ва акцептсиз қўлланиши мумкин. Акцепт тўлов талабномаси тўловчи томонидан тан олинишини билдиради. Белгиланган ҳолларда тўлов талабномасини тўловчи тан олиши ёки олмаслигидан қатъий назар банк тўловчи ҳисобидаи тўловни ўтказиб беради (акцептсиз).

Тўлов талабномаларни аввалдан акцептлаш шакли қўлланади. Аввалдан акцентлашда талабнома банкка келиб тушган қунни ҳисобга олмаганда уч кун ичида тўловчи раддия билдириласа, шу муддатнинг эртасига банк талабномани тўловчи ҳисобидан қондиради. Зарур ҳолларда корхона раҳбарининг илтимосига кўра банк акцепт муддатини 10 кунгача узайтириши мумкини. Акцептлаш муддатлари олуви ва тўловчининг ўзаро шартномаларида албатта қайд этилган бўлиши керак. Талабнома банкка келиб тушиши билан мижозга хабар берилиши лозим.

Аввалдан акцепт тартиби банк томонидаи тў.ттовчи билан келиптилган ҳолда белгилаб қўйилади.

Марказий банк қуйидаги ҳолларда ҳисоб-китоблар бўйича талабномалар аввалдан акцепт тартибида тўланиши белгилаган:

-тўлов мазкур тартиби шартиомада назарда тутилган бўлса;  
-худудий бошқарувли корхоналарнинг давлат резервларида қўйилаётган товарлар бўйича ўз корхоналари билан ҳисоб-китоблари;  
-бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматига тегишли бюджет ташкилотларини ҳам қўшган ҳолда, товар етказиб берилувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобларида;

-бюджет ҳисобларига эга бўлган хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларнинг товар етказиб берувчилар ва харидорлар билан бюджет ҳисобларига тааллукли ҳисоб-китобларида;

- Ички ишлар Вазирлигининг идорадан ташқари муҳофаза органлари ҳисоб-китоблари;

-маҳаллий бошқарув органларининг ҳисоб-китоблари.

Акцентни рад этиш у асослаб берилмаган бўлса банк томонидаи кабул қилинмайди. Банк раддияда қайд этилган сабаблар ҳақиқатда содир бўлган ёки бўлмаганлигини текширмайди. Банк муассасаси раҳбари банкда акттептни рад этишини қабул қилиш ҳукуқини берилган шахслар доирасини белгилайди. Банк акцептни рад этиш бўйича низоларни кўриб чиқмайди.

Ўзбекистонда 1995 йил 1 февралдан тўлов талабнома-топшириқномалари ва акцептли тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш бекор қилинган эди. 1996 йил 28 февралда Марказий банк томонидан тўлов талабнома-топшириқномалари ва акцептли тўлов талабномалари орқали ҳисоб-китобларни яна кўллаш тавсия этилди. Шу билан бирга банкларга тўловдан сўнг акцептни рад этиш катъий ман этилади. Жўнатилган товарлар ва бажарилган ишлар бўйича тўлов талабномаларини қабул қилишда баиклар талабнома текстида талабнома олинган аванс (бунак) (сотилган маҳсулот қийматининг камида 15 фоизи) чегириб қолингандан сўнги суммага тузилганлиги ҳақида ёзув мавжудлигини текширишлари лозим. Бундай ёзувсиз хужжат ижрога кабул қилимай қайтарилади.

Ўзбекистои Республикаси қонунчилигига белгиланган ҳоллардагина тўловчи ҳисобидан маблағни акцептеиз тўлаб берилиши мумкин.

Бу ҳолда талабномада тўловнинг йўналиши ва акцептсиз тўлов ундириш ҳукуқини берувчи қонунчилик акти (санаси, иомери ва тегишли Пункти) кўрсатилади. Банк илова қилинаётган хужжагларнинг талабномада кўрсатилган реквизитларга мувофиқ эканлигини текширади, лекин бу хужжатларнинг мазмуни ва йўқолиши учун жавоб бермайди. Акцептсиз тўлов талабномаларн барча нусхалари олд томони юқори қисми четида "Акцептсиз" штампи босилади. Мазкур ёзувсиз талабномаларга нисбатан акцептлапт қўлланади

Тўлов талабномаси 0401001 бланкда тўлдирилади. Агар талабнома опецификацияси билан яхлит варакни ташкил этмаса, унга товар-транспорт хужжатларга ёки уларнинг ўрнини босувчи хужжатлар қўшиб топширилиши лозим. Марказий банк ўрнатган қоидаларда кўрсатилган бўлмаса, банк бошқа иловаларни қабул кilmайдi.

Маҳсулот етказиб берувчи талабномаларда шартнома санаси ва номерини (зарур ҳолларда контрактация шартномаси мавжудлигини), товарлар жўнатилган санани ва товар-транспорт ёки топшириш - қабул қилиш хужжатлари номерини, транспорт турини, товарларни почта орқали жўнатишда эса nocta квитанциялари номерларини кўрсатиши шарт. Маҳсулот харидорнинг транспортида жўнатилганда "Жўнатиш усули" графасида "Харидорнинг транспортида олиб кетилади, ишончнома №\_\_\_\_\_ деб кўрсатилади.

Аввалдан акцептлаш усули қўлланганда талабноманинг юқори қисми четида "Аввалдан акцепт" штампи қўйилади ёки йирик харфларда шундай деб ёзиб қўйилади.

Талабномада ёки спецификацияда ёки товар-транспорт хужжатларида товар на идишларнинг баҳоси нимага асосланганлигп кўрсатилади ҳамда товар қийматига кирмаган идиш қиймати алоҳида қаторда акс эттирилади.

Талабнома банкка 4 нусхада (кўшилган қиймат солиги алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилганда яна битта қўшимча нусха билан) топширилади:

- биринчи нусха тўловчи банкида мемориал ордер учун;
- иккинчи нусха маҳсулот етказиб берувчига инкассо операцияси бажарилгач, ҳисобдатт (чучнрма бттлатт бттрга қайтариш учуп;
- учинчи нусха товар-трансиорт хужжатлари билан тўловчи банкита етиб келган куннинг эртасигадан кечиктирмай тўловчига топширилади;
- тўртинчи нусха бир шаҳар доирасидаги ҳисоб-китобларда маҳсулот етказиб берувчи банкида маблағни ҳисобга туширишда мемориал ордер бўлиб хизмат килади.

Агар шартномада товар етказиб берувчи тўловчига муайян хужжатларни жўнатиши лозим бўлса, бу иш товар жўнатилиши билан, банкка инкассога талабнома топширилишидан олдин амалга оширилади.

Талабномада хужжатлар тўловчига жўнатилган сана кўрсатилади. Шартномада товар етказиб берувчи томонидан тўловчига хужжатлар тақдим этилиши белгиланмаган бўлса талабномада "Кўзда тутилмаган" деган белги кўйилади.

Талабнома инкассога шартномада белгиланган муддатдан кечиктprmай топширилиши керак. Талабнома ёки талабномалар икки нусхада тузилган 0401014 шаклда реестр билан топширилади. Реестрнинг биринчи нусхасида имзо ҳукуқига эга икки мансабдор шахс имзоси ва корхона муҳри қўйилади. Биринчи нусхада банкда колиб, иккинчи нусха хужжатлар иникассога қабул килинганлиги ҳақида имзо билан маҳсулот етказиб берувчига қайтарилади.

Товар етказиб берувчининг илтимосига биноан хизмат кўрсатувчи банк тўловчи банкига тўлов талабномаси қондирилмаётганлиги сабаблари ҳақида сўров жўнатади. Тўловчи банки сўров олиниши билан 1-2 кунда жавоб юбориши лозим. Зарур бўлганда товар етказиб берувчининг илтимосига кўра банк қайта сўров жўнатиши мумкин.

Маҳсулот етказиб берувчи банки тўлов талабномаларини инкассога иш куни давомида қабул қилади. қоидаларга номувофиқ талабномалар қабул қилинмайди ва реестрдан учириб ташланади, реестрнинг яқунларига тузатиш киритилади. Тўловчи банкига жўнатилаётган талабномаларнинг биринчи икки нусхасига МФО номери кўрсатилган ҳолдаги банк штампи қўйилади.

Банк қабул қилган хужжатларнинг банк муассасаларига жўнатиш ёки етказиш учун товар етказиб берувчи қўлига берилиши тақиқланади. Тўловчининг банкида тўлов талабномалари барча нусхалари банкка келиб тушган санаси кўрсатилади. Аввалдан акцепт билан тўланадиган талабномалар биринчи нусхаларида банкка келиб тушган санаси, бошқа барча нусхаларида тўлаб бериш санаси кўрсатилади.

Сотилиши таъқиқланган маҳсулот бўйича, белгиланган қоидаларга риоя этмасдан тўлдирилган ёки тўловчи шу банк муассасасида бўлмаган талабномалар ижросиз қайтариб юборилади. Товар ва хизматлар учун

талабнома қоидаларга биноан расмийлаштирилмаганлиги учун тўловга қабул қилинмаётган бўлса, банк тўловчидан мазкур талабномани аввалдан акцепт муддатларида тўлаб бериш имкониягларини сўраб кўради. Тўловчи ёзма равишда талабномани рад этса (қоида бузилиши ҳарактерини кўрсатиб) у ижросиз қайтарилади. Талабнома маҳсулог жўнатувчи банкига тўловчи банки раҳбари ёки унинг ўринbosари кўрсатмасига мувофиқ (04811096) хабарнома билан қайтариб юборилади.

Аввалдан акцепт бўйича тўланадиган талабномалар тўлов учун акцептни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасига (картотека-1) тўлов муддатлари ва муддатлар ичida тўловчилар бўйича жойлаштирилади. Ву талабномалар олинган куни "Тўлов учун акцептни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" журналида икки нусхада рўйхатга олинади. Журналда қуйидаги реквизитлар мавжуд: келиб тушиш санаси ва тўлов муддати, тўловчи ҳисоб номери, талабнома номери (охирги учта рақами) ва суммаси. Журналда ҳар бир муддатда галабномалар суммаси ва жами суммаси кўрсатилиши керак.

Тўловчиларни хабардор қилиш учун мўлжалланган талабномалар рўйхатга олиш журнали тегишли қисми нусхаси билан товар-транспорт ҳужжатларини илова қилган ҳолда тегишли корхоналарга олинган куннинг эртасидан кечиктирмай берилади (тилхатсиз). Корхоналар томонидан олинмаган ҳужжатлар уларнинг банкдаги ҳисобидан навбатдаги кучирмага илова қилинади.

Талабнома тўловчи банкига товар-транспорт ҳужжатлари илова қилинмасдан келиб тушса ҳам тўловга тақдим этилиши мумкин. Тўловчи ёзма раддия берганда (қоида бузилганлигининг ҳарактерини кўрсатиб), у ижросиз қайтарилади.

Акцептсиз тўланадиган талабномалар операцион кун давомида келиб тушса, шу куни тўлаб берилади. Тўловчи ҳисобида маблағ бўлмаса ёки етмай қолса (шу жумладан кредит олиш ҳисобига ҳам), тўланмаган сумма "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" ёки "Капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" ҳисобларига картотекага (картотека-2) кўйилади. Операцион кун тугагандан сўнг келиб тушган талабномаларга "Кечки" штамп босилади ва эртасига тўлаб берилади ёки картотекага олинади.

Картотека-2 га олинган ҳужжатлар бўйича маҳсулот жўнатувчилар банкига тўланмаганлиги сабаблари ҳақида хабарнома ўша куниёқ жўнатилади.

Муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатлари тўловчи ҳисобига маблағ тушишини етарли бўлмаганда қисман тўлаб борилиши ҳам мумкин.

Акцептни тўла ёки қисман рад этишда тўловчи банкка банк телеграф кодида тузилган телеграмма тақдим этади. Телеграмма 4 нусхада тузилиб, учинчн нусхани корхона ҳисоби бўйича фармойишларнн имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар имзолайдилар. Учинчи нусхада "Телеграмма қийматини бизнинг №\_\_ ҳисобимиздан ундиринг" деган ёзув бўлиши лозим. Тўловчи банкидан олувчи банкигача почта йўли 3 кундан ортмаса ёки рад этилган

сумма 1000 сўмдан кам бўлса, хабар почта орқали жўнатилади (пochtotелеграмма).

Тўла раддия берилаётган талабнома тўловчига товар-транспортларни ҳам телеграмма билан қайта топширади. Ёзма раддия бериш имкониятига эга бўлмаган корхоналар раҳбарлари банк раҳбари ижозати билан телеграф ёки телефон орқали раддия беришлари мумкин.

Имзолар алоқа бўлиш томонидан тасдиқланади. Телефон орқали раддияда ундан сўнг ёзма тасдик берилади.

Тўла раддия олинган талабномалар картотекалардан олиниб, телеграмма нусхалари ва товар-транспорт ҳужжатлари билан маҳсулот етказиб берувчи банкга жўнатилади.

Қисман раддияда талабнома акцептланган суммада картотекаларда қолади (тўлангунча ёки картотека-2 га ўтказилгунга қадар). Талабномадаги дастлабки сумма устидан чизилиб, акцептланган сумма ёзилади.

Назорат учун саволлар:

- 1.Хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб шаклларини таърифланг.
2. Накд пулсиз ҳисоб-китоблар қандай тартибда олиб борилади?
- 3.Тўлов топшириқлари орқали ҳисоб-китоблар қандай тартибда олиб борилади?
- 4.Чеклар билан ҳисоб-китобларни олиб бориш таргиби нималардан иборат?
5. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар қилиш тартибини тушунтиринг.
6. Тўлов талабномалари орқали ҳисоб-китоблар қандай ҳолларда қўлланилади?

## **XI БОБ. ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

### **11.1. Дебиторлик қарzlари ва уларни бошқариш**

**Дебитор қарздорлик** - бозор иқтисодининг объектив унсури ва унинг даражаси фирманинг кредит сиёсати ва иқтисодий шарт-шароитига таъсир курсатади. Дебитор қарздорлигининг ўсиши сотишнинг кенгайиши билан боғлиқ, демак, даромад ошади. Лекин, бошқа томонидан дебитор қарzlарини ундириш ва чорасиз қарzlар бўйича йўқотишлиар хавфи ошади. Молиявий менежернинг вазифаси дебитор қарzlлари оқилона чегараларини аниқлаб олишдир.

Нормал иқтисодий шароитларда дебиторлик қарzlари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корхонанинг молиявий ахволини яхшилашга ёрдам берадиган зарур ҳодисадир. Лекин унинг нооқилона кўламлари микро ва макро даражаларда корхоналарнинг ликвидсизлигини, тўловга қобилиятсизлигини келтириб чиқаради. Булар эса корхоналарни банкрот бўлишга олиб боради, давлат бюджетига даромад тушишини камайтиради.

Нормал жараён туфайли келиб чиккан дебиторлик қарзига қуйидагилар киради:

- маҳсулот етказиб берувчиларга шартнома асосида берилган бўнаклар (газ, электр энергияси, автотранспорт ва алоққ хизматлари, материаллар харид қилиш);
- тўловларнинг товар билан қайтарилимаган қисми;
- ҳисобот бериш шарти билан пул олган (берилган бунаклар бўйича) шахсларнинг белгиланган ҳисобот топшириш муддатлари доирасидаги қарzlари.

Нормал бўлмаган дебиторлик қарзи: камомадлар, талон-тарожлар ва ўғриликлар бўйича қарzlарни, товарлар (ёки хизматлар) миқдори ва сифати белгиланган ассортиментга мос келмаслиги туфайли билдирилган ҳамда жавоб берувчилар тан олган ёки ҳакамлар қарор қилган қарzlардир.

Хўжалик фаолияти жараёнида тугалланмаган ҳисоб-китоблар бўйича нормал кредиторлик қарzlари қонуний тарзда вужудга келади. Булар қуйидагилардан иборат:

- ҳисобварақлар бўйича белгиланган ҳақ тўлаш муддатлари доирасида маҳсулот етказиб берувчилар олдидағи қарздорлик;
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ишчи ва хизматчилар олдидағи ҳамда ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича касаба ташкилотлари олдидағи қарздорлик;
- моддий бойликлар уларнинг ҳақини тўлаш муддатига қараганда олдинроқ келганлигини муносабати билан пайдо бўлган қарздорлик;
- солиқлар бўйича давлат олдидағи қарздорлик ва бошқалар.

Дебиторлик қарзи – корхонанинг айланмасидан чиқиб қолган ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларда турган маблағларидир. Корхонанинг ўз

маблағлари ёки бошқа корхоналарнинг маблағлари бу қарзларни қоплаш манбай булиб хизмат қиласи.

Дебиторлик қарзи–маблағларни айланмадан иммобилизациялаш, кредиторлик қарзи – бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини ишлаб чиқаришга вактингча жалб этишдир.

Дебиторлик қарзи қайтарилганида ҳисоб-китоб вараклари, валюта ҳисобварақларидаги, кассадаги пул маблағлари ёки товар-моддий бойликлар кўпаяди. Баланс якуни ўзгармайди. Лекин агар корхона бошқа корхоналар ёки банклардан кредитлар олиш ҳисобига маблағ берган бўлса, баланс якуни шу суммага кўпаяди, яъни кредиторлик қарзи – бошқа юридик ёки жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлар суммаси кўпаяди.

**Дебиторлик қарзи** айланма активларнинг бир қисми булиб, «Айланма активлар» деган баланс активининг 2-бўлимида кўрсатилади. У баланснинг куйидаги моддалари бўйича гурухларга ажратилган:

- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар;
- бўнак тўловлари;
- бюджет билан ҳисоб-китоблар;
- ходимлар билан ҳисоб китоблар;
- шўъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
- уюшмага кирган корхоналар билан ҳисоб-китоблар;
- муассислар билан ҳисоб китоблар;
- бошқа дебиторлар.

«Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» деган модда буюртмачиларга бериленган товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарзни акс эттиради. Бунда қарзнинг товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича тўловларни корхона ҳисоб-китоб варагига тушириш, ўзаро талабларни инобатга олиш ёки олинган векселлар билан таъминлаш оркали тўлангунча бўлган пайтдаги холати акс эттирилади.

Ҳар бир корхона раҳбари дебиторлик қарzlари ҳолати фақат шу корхонанинг эмас, балки унга ҳамкор корхоналарнинг ва умуман бутун республика иқтисодиётининг молиявий ахволига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири эканини доимо назарда тутиши керак

**Дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги.** Дебиторлик мажбуриятлари ёки қарzlари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида этибор берилади. Негаки дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона молиявий ахволига баҳо беришининг мухим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Корхона «Айланма активлар»ида дебиторлик қарздорлигини акс эттирилишини кўриб чиқамиш:

**Дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати**  
**(минг сўмда)**

<b>Дебиторлик мажбуриятлари моддалари</b>	<b>Давр охириг а жами</b>	<b>Шу жумладан юзага чиқиши муддатлари бўйича</b>				
		<i>1 ойгача</i>	<i>1 ойдан 2 ойгача</i>	<i>3 ойдан 6 ойгача</i>	<i>6 ойдан 1 йилгача</i>	<i>1 йилдан ортиқ</i>
1.Ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	235470	98670	89000	26470	20190	1140
2.Бўнак (аванс) тўловлари	18840	*	18840	*	*	*
3.Бюджет билан ҳисоблашишлар	465	465	*	*	*	*
4.Ходимлар билан ҳисоблашишлар	795	375	*	*	420	*
5.Шульба корхоналар билан ҳисоблашишлар	44385	*	44385	*	*	*
6.Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	-	*	*	*	*	*
7.Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар	38760	*	29970	8790	*	*
8.Бошқа дебиторлар	6540	1815	3810	*	782	133
<b>Жами</b>	<b>345255</b>	<b>101305</b>	<b>186000</b>	<b>35265</b>	<b>21392</b>	<b>1273</b>

Дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги деганда қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффициенти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги сотишдан олинган тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига бўлиш асосида аниқланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг календар кунига қўпайтириш ва сотишдан олинган соғ тушум

суммасига бўлиш асосида дебиторлик қарзларининг айланишлар куни аниқланади.

Корхонада дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан +160410 минг сўмга ошган. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан +972525 минг сўмга усган. Бунинг таъсирида дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиш даври ўтган йилга нисбатан 3 кунга тежалишига эришилган. Яъни дебиторлик мажбуриятларининг ундириб олиниши бир қадар тезлашган. Бу тезлашиш бевосита маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ошиши ҳисобига рўй берган.

### **Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлигини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1.Дебиторлик мажбуриятлари жами (минг сўмда)	184845	345255	+160410
2.Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум (минг сўмда)	1015935	1988460	+972525
3.Оборот активлари (минг сўмда)	846420	1430730	+584310
4.Муддати ўтган дебиторлик қарзлари (минг сўмда)	1877	1273	-604
5.Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (2к/1к)	5,496	5,759	+0,263
6.Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1к*360/2к)	65,5	62,5	-3
7.Оборот активлари таркибида дебиторлик қарзлари, фоизда. (1к/3к*100)	21,8	24,1	+2,3
8.Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши, фоизда. (4к/1к*100)	1,01	0,36	-0,65

Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами оборот активлари таркибидаги салмоғи ўтган йининг шу даврига нисбатан 2,3 % га ортиши аввало дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ортиши ҳисобига рўй берган. Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами дебиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврида 1,01 % ни жорий даврнинг охирги ҳисобот санасига эса 0,36 % ни ташкил килган.

Юкоридаги боғланишлардан бевосита дебиторлик мажбуриятларининг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини ҳам аниқлашимиз мумкин.

### **Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даври ўзгаришининг омилли таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Дебиторлик қарзларини айланиш коэффициенти (<math>Kd</math>)</b>	<b>Дебиторлик мажбуриятларини айланиш даври(<math>Dd</math>)</b>
1.Ўтган йил	5,496	65,5
2.Шартли ҳисобот йили	10,757	33,4
3.ҳисобот йили	5,759	62,5
Жами фарқ	+0,263	-3
Таъсир этувчи омиллар	*	*
1.Сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши	+5,261	-32,1
2.Дебиторлик қарzlари суммасининг ўзгариши	-4,998	+29,1

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даврига омиллар таъсири қўйидагича бўлган. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан +0,263 га ортган. Бу ўзгаришда маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши таъсирида айланиш коэффициенти +5,261 га (10,757-5,496) дебиторлик қарzlари хажмининг ўзгариши ҳисобига эса айланиш коэффициенти -4,998 га (5,759-10,757) камайган. Бу ерда: $10,757=1988460/184845$  (214-саҳифадаги жадвалга қаранг).

Хар иккала омил таъсирида айланиш коэффициенти +0,263 (5,261-4,998) коэффициентга ўзгарган. Ушбу омиллар таъсири дебиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсаткичи бўйича қўйидагича бўлган. Яъни; сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳисобига ўзгариш -32,1 қунга, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг усиши ҳисобига +29,1 қунга (62,5-33,4) ўзгариш кузатилган. Бу ерда:  $33,4=184845*360/1988460$  (214-саҳифадаги жадвалга қаранг).

**Дебиторлик қарзларининг шартли айланиш коэффициенти ва айланиш даврининг хисоби.**

Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффициенти қуийдаги формулага асосан аниқланади:

$$K\partial = \frac{Tc}{Dm}$$

Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври эса қуийдаги формула асосан аниқланади:

$$D\partial = \frac{Dm \times 360}{Tc}$$

Ушбу формулаларда:

$Tc$  – Сотишдан олинган соф тушум (хисобот йилда ҳақиқатда).

$Dm$ - Дебиторлик мажбуриятлари (ўтган йилнинг шу даври бўйича)

## 11.2. Кредиторлик қарзлари ва уларнинг таҳлили

Кредиторлик мажбуриятлари қарши томонга корхонанинг тўлайдиган мажбуриятларини характерлайди. Биз юкорида унинг таркибига нималар киришини ва уларнинг юзага келиш сабабларини таркиблаб ўтган эдик. Кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вақтида келиб тушмаслигини ҳам кўрсатиш мумкин.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида қарздор бўлган томонлар бўйича мажбуриятларнинг қаторланиши, уларни тўлаш муддатлари бўйича таркибланишига баҳо берилади. Шунингдек дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбуриятларининг айланиши коэффициенти ва даври аниқланади. Лекин бунда қатнашувчи кўрсаткичлар фарқланади. Кредиторлик мажбуриятлари айланишини ўрганишда асосий кўрсаткичлар сифатида насияга олинган ёки ҳали пули тўланмаган моллар, ашёлар, иш ва хизматлар суммасига ҳамда кредиторлик мажбуриятларининг ҳақиқий кўрсаткичларига мурожаат қилинади.

Кредиторлик мажбуриятларини тўлаш муддатлари бўйича қўйидаги таркибини белгилаш мумкин:

- тўлаш муддати келган мажбуриятлар
- тўлаш муддати ўтиб кетган мажбуриятлари

Йил календар даврининг тақсими бўйича кредиторлик мажбуриятларининг қўйидаги шаклларини белгилаш мумкин:

- 1 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 ойдан 2 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 3 ойдан 6 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 6 ойдан бир йилгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 йилдан ортиқ муддатга бўлган мажбуриятлар.

### **Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлили**

(минг сўмда)

<b>Кредиторлик мажбуриятлари</b>	<b>Жами</b>	<b>Шу жумладан юзага чиқиши даври бўйича</b>				
		<i>1 ойгача</i>	<i>1 ойдан 2 ойга ча</i>	<i>3 ойдан 6 ойга ча</i>	<i>6 ойдан 1 йилгача</i>	<i>1 йилдан ортиқ</i>
1.Мол етказиб берувчиларга қарзлар	32866	21724	5780	3933	457	972
2.Бюджет бўйича қарзлар	218	218	*	*	*	*
3.Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	2016	1980	36	*	*	*
4.Ижтимоий сугурта ва таъминот бўйича қарзлар	765	742	23	*	*	*
5.Мулкий ва шахсий сугурталар бўйича қарзлар	1476	*	900	540	36	*
6.Бюджетдан ташкари тўловлар бўйича қарзлар	416	216	200		*	*
7.Шульба корхоналарига қарзлар	2320	396	1537	387	*	*
8.Уюшма корхоналарига қарзлар	15338	9475	4588	*	1275	*
9.Бошқа кредиторлар	387	387				
<b>Жами</b>	<b>55802</b>	<b>35137</b>	<b>13065</b>	<b>4860</b>	<b>1768</b>	<b>972</b>

Корхонада жами кредиторлик қарзларининг ҳисобот даври охирига бўлган ҳолати 55802 минг сўмни ташкил килган. Шундан 1 ойгача бўлаган кредиторлик қарзлари 35137 минг сўмни, 1 ойдан 2 ойгача бўлган

кредиторлик қарзлари суммаси 13065 минг сўмни, 3 ойдан 6 ойгача бўлган кредиторлик қарзлари суммаси 4860 минг сўмни ташкил килган. Муддати ўтказиб юборилган лекин ундирилмаган кредиторлик қарзлари суммаси 972 минг сўмни ташкил килган.

Кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиси даражаларини ўрганиш асосида тўлиқ баҳо бериш мумкин. Кредиторлик қарзлари айланувчанлиги бўйича қўйидаги боғланишлар жадвалини келтириб ўтиш мумкин.

Корхонада кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26041 минг сўмга усган. Уларнинг айланувчанлик даражаси ҳам ўтган йилга қадар бир қадар яхшиланган. Жумладан кредиторлик қарзларининг айланиси коэффициенти +0,103 га, куни эса 3,2 кунга камайган. Демакки корхона кредиторлик қарзини тўлаш муддати 3,2 кунга тезлашган дейиш мумкин. Бу албатта катта қўрсаткич эмас. Лекин шунга карамай корхона уларни тезлаштириш чораларини кўрмоғи лозим.

Кредиторлик мажбуриятларининг жами мажбуриятлар таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 фоизга камайган.

### **Кредиторлик мажбуриятларининг айланиси таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўтган йил</b>	<b>Хисобот йили</b>	<b>Фарқи</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
1.Кредиторлик мажбуриятлари, (минг сўмда)	29761	55802	+26041
2.Махсулот сотишдан олинган соғ тушум, (минг сўмда)	100980	195120	+94140
3.Мажбуриятлар, (минг сўмда)	52056	117758	+65702
4. Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани, (минг сўмда)	1161	972	-189
5.Кредиторлик қарзларининг айланиси коэффициенти, (2к/1қ)	3,393	3,496	+0,103
6.Кредиторлик қарзларининг айланиси даври, кунда (1қ*360/2қ)	106,1	102,9	-3,2
7. Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, фоизда (1қ/3қ*100)	57,1	47,4	-9,7
8. Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, фоизда (4қ/1қ*100)	3,9	1,7	-2,2

Муддати ўтган кредиторлик мажбуриятлари эса сумма бўйича 189 минг сўмга кам бўлган, ёки 2,2 фоизга  $((1161/29761*100)-(972/55802*100))$  камайган.

## Кредиторлик қарzlари айланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Кредиторлик қарzlари айланиш коэффициенти ( $K_k$ )	Кредиторлик қарzlари айланиш даври ( $K_d$ )
1.Ўтган йил	3,393	106,1
2.Шартли ҳисобот йили	6,556	54,91
3.ҳисобот йили	3,496	102,9
Жами фарқ	+0,103	-3,2
Таъсир этувчи омиллар	*	*
1.Сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши	+3,163	-51,2
2.Кредиторлик қарzlари суммасининг ўзгариши	-3,06	+48,0

**Кредиторлик қарzlарининг шартли айланиш коэффициенти ва айланиш даврининг ҳисоби.**

Кредиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффициенти қўйидаги формулага асосан аниқланади:

$$K_k = \frac{Tc}{Km}$$

Кредиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври эса қўйидаги формула асосан аниқланади:

$$K_d = \frac{Km \times 360}{Tc}$$

Ушбу формулаларда:

$Tc$  – Сотишдан олинган соф тушум (ҳисобот йилда ҳақиқатда).

$Km$  – Кредиторлик мажбуриятлари (ўтган йилнинг шу даври бўйича)

Кредиторлик қарzlари айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 0,103 даражага ортган. Бу ўзгаришда маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгаришини таъсири +3,163 га, кредиторлик қарzlари суммасининг ўзгариши эса -3,06 га тенг бўлган.

Кредиторлик қарzlарининг тўлаш муддати ўтган йилга нисбатан -3,2 кунга тезлашган. Бу ўзгаришда маҳсулотлар таннархининг ёки сотиб олинган кийматликлар ва хизматлар суммасининг ўзгариши таъсири -51,2 кунга, кредиторлик қарzlари суммасининг ўзгариши эса +48,0 кунга тенг бўлган.

### **11.3. Дебеторлик ва кредиторлик қарzlарни камайтириш йўллари**

Дебеторлик кредиторлик қарzlарининг олдини олишни битта тадбир белгilaш ёки уни назорат килиш асосида уddaлаб бўлмайди. Бунинг учун бевосита кенг камровли дастур ишлаб чиқиш лозим.

Дебеторлик қарzlарининг ҳолатини яхшилашнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборатdir:

- зарур маҳсулотни етказиб бериш ва харид қилиш шартномаларини ўз вақтида ва тўғри тузиш;
- ҳисоб-китоб ва тўлов хужжатларини ўз вақтида тўғри расмийлаштириш;
- маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорларнинг молиявий ахволини ўрганиш;
- маҳсулот хажмини ошириш ва сифатини яхшилаш;
- корхонада маркетинг хизматларини яхшилаш;
- маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- корхоналарнинг молиявий ахволини ўз вақтида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижаларини мақсадга мувофиқ ҳолатда ушлаб туриш чораларини кўриш.

Дебеторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш макбулdir:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллигини ошириш ва уларнинг шартларига катъий амал этиш;
- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича хукукий жавобгарлик чораларини кўриш;
- замонавий ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш;
- даргумон қарzlар бўйича резервлар ташкил килиш механизмини ишлаб чиқиш ва бошқалар;

Дебеторларга таъсир кўрсатишнинг энг кенг қўлланадиган усулларига хат жўнатиш, телефон қилиш, шахсан бориб келиш, дебетор қарzlарни бошқа ташкилотларга сотиб юбориш киради.

Дебеторлик қарzlарини бошқа ташкилотларга сотиб юбориш - **факторинг** операцияси деб аталади.

**Факторинг** – дебетор қарz мажбуриятини фактор воситачига ўтказаётган субъектнинг қарz ундириш таваккалчилигини камайтириш

мақсадида тузиладиган шартномадир. Субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммоси пайдо бўлганда, яъни товар-моддий қийматликларни жўнатган субъект харидордан маҳсулот ҳақини ўз муддатида ундиrolmasa ёки бундай қарзлар шубҳали, уларни ундириш эҳтимоли кам бўлса факторинг воситасида қарзни ундириш амалиёти кўлланилади.

Факторингда воситачи корхона (одатда банк) қарз берган субъектдан маълум бир комиссион тўлов эвазига қарздордан маблағни ундириш ҳукуқини қўлга киритади. Факторинг шартномаси тузилиши билан субъект ундиrolмай турган қарзнинг аксарият қисмини факторинг субъектидан (ёки банкдан) олади. Сўнгра факторинг корхонаси қарздор корхонага қарзни ундириш бўйича даъво қўзғатади.

Факторингнинг афзаллиги шундаки, у нотўловлар муаммосини қисман бўлсада ечишга имкон беради.

Дебитор қарзларни назорат ва таҳлил қилишнинг умумий схемаси одатда ўз таркибига қуйидаги босқичларни олади.

1-босқич. Алоҳида дебитор қарзларнинг критик даражаси белгилаб олинади. Бу суммадан юқори бўлган ҳар бир қарздорликнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўла текшириб чиқилади.

2-босқич. қолган ҳисоб-китоб ҳужжатларидан назорат учун тўплам танлаб олинади, танлашнинг турли усуслари кўлланиши мумкин.

3-босқич. Текшириш учун танлаб олинган ҳисоб-китоб ҳужжатларидағи дебитор қарзлар қанчалик реал эканлиги текширилади. Хусусан, қарздорлардан бу сумманинг хақиқийлигини тасдиқлашлари сўралиши мумкин.

4-босқич. Аниқланган хатоларнинг мухимлигига баҳо берилади.

Назорат учун саволлар:

1. Дебиторлик қарзлари нима?
2. Кредиторлик қарзлари нима?
3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг шартли айланиш коэффициенти ва айланиш даврининг ҳисоблашда қайси кўрсаткичлар роль ўйнайди? .
4. Дебитор қарзларни бошқаришнинг моҳияти нимадан иборат .
5. Дебеторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш йўлларини тушунтиринг.

## **XII БОБ. ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

### **12.1. Пул оқимларни бошқаришнинг моҳияти**

Пул оқимларини бошқариш зарурияти биринчи навбатда қўйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

1) корхона жорий фаолиятини олиб бориш нуқтаи назаридан пул маблағлари энг муҳим роль ўйнайди, чунки хўжалик жараёнларидағи ҳар қандай ресурслар етишмовчилигини пулни ишга солиш орқали ҳал этиш мумкин, яъни пул универсал ресурс бўлиб майдонга чиқади;

2) фойда ва пул маблағлари битта нарса эмас, фойда олиб ишлаётган корхона ҳам пул маблағларига эга бўлмаса ёки пул етишмовчилиги мавжуд бўлса жиддий қийинчиликларга дуч келади. Хўжалик ҳаётида эҳтиёжларни фойда эмас, балки пул маблағлари қондиради;

3) корхона фаолияти самарадорлигини режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолаш учун пул киримлари ва чиқимларининг асосий ҳажмларини фаолиятнинг қайси йўналашлари ҳосил қилаётганлигини билиш лозим.

Корхонада фойда билан пул оқимлари ҳаракатининг ўзаро мувофиқ келмаслиги молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланиладиган усулларнинг хусусиятлардан ҳам келиб чиқади. Фойдани аниқлашда ҳали тўлаб берилмаган, лекин харидорларга етказиб берилган маҳсулот қиймати даромад деб тан олинади. Натижада фойда ҳосил бўлади, лекин унга мувофиқ келадиган пул тушуми ҳам мавжуд бўлмайди. Албатта корхонада пул маблағлари етишмовчилиги уларнинг ноўрин сарфланиши ёки мажбуриятлар муддатлари ва ҳажмларини пул тушумлари муддатлари ва ҳажмларига мувофиқ келмаслиги туфайли ҳам содир бўлиши мумкин барча ҳолларда корхоналардаги пул оқимлари тўғрисида тасаввурга эга эга бўлиш, бу оқимларни башоратлаш ва режалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу вазифалар бажарилишининг ахборот базасини таъминлаш мақсадида корхоналар молиявий ҳисоботлари таркибида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот бўлиши лозимлиги қонунчиликда белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикасида унинг мазмуни ва таркибий тузилиши 9-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида кўрсатиб берилган.

**Пул ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот** корхонанинг операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти натижасида олинган ва сарфланган ўз пул маблағларини кўрсатиш орқали ҳисобот даври ичida пул маблағларининг ўзгаришини тушунтиради. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни ҳисоботда акс эттириш қўйидагиларни аниқл ашга ёрдам беради:

-корхонанинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини ишлаб топиш қобилияти ва тегишли йўналишларда пул оқимларини ишлатишга эҳтиёжи;

-корхонанинг соғ активларидағи ўзгаришлар, унинг молиявий имкониятлари (унинг ликвидлигини ва тўлов қобилияти билан бирга) ва

унинг ўзгариб турган шароит ва имкониятларга мослашиш учун ўз вақтида пул микдорига ва пул оқимларига таъсир эгиш қобилияти;

-ҳар хил корхоналарнинг операцион фаолиятларини таққослаш.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботда қуйидаги фаолдият турлари ёритилади:

Операцион фаолият- юридик шахснинг даромад олиш юзасидан асосий фаолияги ва инвестиция ва молиявий фаолиягга мансуб бўлмаган бошқа фаолиятидир.

Операцион фаолиятидан пул оқимларининг ҳажми ташкилотнинг ссудаларни тўлаш учун етарли пул маблағларини жамлаш, ишлаб чиқариш даражасини сақлаш, дивидендларни тўлаш ва ташқи молиялашгириш манбаларини жалб қилмай янги капитал қўйилмаларни амалга ошириш ишларини қила олишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Инвестиция фяолияти - бу пул эквивалентларига кирмайдиган узоқ муддатли активларни ва бошқа инвесгицияларини сотиб олиш ва сотиш, тўланадиган кредитларнинг берилиши ва олиниши.

Молиявий фаолият - бу фаолият натижасида корхонанинг ўз капиталининг ва қарзларининг ҳажмида ва тузилишида ўзгаришлар содир бўлади.

Инвестиция ва молиявий фаолият билан боғлиқ пулсиз муомалалар. Фақат асосий воситаларга, узоқ муддатли кредитларга ёки акциядорлик капиталига тегишли бўлган инвестиция ва молиявий характердаги пулсиз муомалаларга узоқ муддатли кредитлар ҳисобига асосий воситаларни сотиб олиш, оддий акцияларни облигацияларга конвертациялаш ва бошқалар киради. Улар пул ҳаракати тўғрисидаги ҳисботда акс эттирилмаслиги ҳам мумкин эди, чунки компаниянинг пул маблағари ҳаракатига жорий даврда ўз таъсирини кўрсатмайди. Аммо, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботнинг мақсадларидан бири - инвестиция ва молиявий фаолиятни акс эттириш бўлганлиги учун ва шу каби муомалалар компаниянинг пул маблағларининг ҳолатига келгусида таъсир қўрсатгани учун, бу муомалалар пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисботда акс эттирилиши керак. Бунииг учун ҳисботдаа «Инвесчиция ва молиявий тавсифдаги пулсиз муомалаларнинг рўйхати» деб номланган маҳсус бўлими мавжуд.

Операцион фаолият жараёнида содир бўлган пул маблағларининг ҳаракатлари ўз таркибиغا қўйидагиларни олиши:

### **Пул маблағлари ҳаракатланишининг асосий йўналишлари**

<b>Пул маблағларининг кирими</b>	<b>Пул маблағларининг чиқими</b>
Маҳсулот, товарлар ва хизматларни сотиш	Товар ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўловлар
Роялтилардан (патент, авторлик хуқуқидан фойдаланганлик учун тўловлар ва бошқалар), турли тавсифдаги тақдирлашлар, фоиз	Корхона ходимларига пуллик тўловлар, операцион харажатлар

даромадидан, комиссион йигимлардан ва бошқалардан даромадлар	
Товар-моддий заҳираларниг камайиши	Товар-моддий заҳираларнинг кўпайиши
Савдо ва воситачилик мақсадларида тузиладиган битимлар бўйича пулларнинг келиб тушиши	Тўланган фоизлар
Жорий мажбуриятларининг кўпайиши, жумладан инвестиция ва молиявий фаолиятга кирмайдиган даромад солиғи бўйича	Жорий мажбуриятларининг камайиши, жумладан инвестиция ва молиявий фаолиятга кирмайдиган даромадга солиқ бўйича
Пулсиз харажатлар: а) асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг амортизацияси, табиий ресурсларининг камайиши б) қарзларга оид қимматли коғозлар бўйича чегирмаларининг амортизацияси	Пулсиз муомалалари: а) қарзларга оид қимматли коғозлар бўйича устаманинг амортизацияси

Инвестиция фаолияти натижасида, содир бўладиган пул маблағларининг ҳаракати қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Пул маблағларининг кирими	Пул маблағларининг чиқими
Ер, бинолар, ускуналар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активларни сотищдан тушумлар	Ерни, биноларни, ускуналарни, номоддий (масалан, патентларни) ва бошқа узоқ муддагли активларни сотиб олиш тўловлари. Капиталлаштириш билан боғлиқ тажриба-конструкгорлик ишларига тўловлар хамда пудратчиларни жалб қиласдан корхона томонидан яратиладиган ер, бино, ускуналарга тўловлар
Бошқа ташкилотларнинг акцияларини ёки бошқа қарз мажбуриятларини чиқиб кетишидан  сотилишидан киримлар (пул маблағларнинг эквивалентлари деб ҳисобланган ёки сотув учун сақланадиган мажбуриятлар учун бўладиган тўловлардан ташқари	Бошқа корхоналарнинг акцияларига ёки қарз мажбурияларига қўйилмалар. Капиталда иштирок этиш улушига бадаллар (пул маблағ-ларининг эквивалентлари ҳисобланган ёки сотиш учун сақланаётган тўлов хужжаглари бўйича тўловлардан ташқари)
Бошқа корхоналарга берилган бўнакларнинг қайтарилиши ва қарзларнинг тўланнишидан киримлар ( <u>операцион фаолият бўлган фоиз даромадларидан ташқари</u> )	Бошқа корхоналарга берилган бўнак гўловлари ва қарзлар

қуидагилар молиявий фаолиятдаги пул оқимларини ташкил этади:

<b>Пул маблағларининг кирими</b>	<b>Пул маблағларининг чиқими</b>
Акциялариинг чиқаришдан келган пул маблағлари	қайтариб согиб олинган ўз акциялари учун гўловлар
қарз маблағларидан келган тушум (чиқарилган векселлар, облигациялар гаров хатлари ва бошқа қисқа ва узоқ муддатли қарзлар)	карзларнинг тўланиши (операцион фаолиятнинг қарзлар бўйича фоизлардан ташқари)
	<p>Акциядорларга дивидендларни тўланиши ва капиталнииг бошқа турдаги тақсимланиши.</p> <p>Молиявий ижара билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар бўйича тўловлар</p>

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот пул маблағлари ҳаракатланишига даҳлдор бўлган операцияларни ажратиб кўрсатиши лозим. Буни амалга ошириш учун пул маблағлари кирими ва чиқимини ҳисоблаб чиқаришнинг тўғри ва эгри усули қўлланиши мумкин.

Тўғри усул асосий кирим ва тўловларни ёритилишида пул маблағлари ҳаракатининг ҳар бир моддаси акс эттирилишини кўзда тутади. Шунинг учун у келгусидаги пул оқимларини аниқлашда керак бўлиши мумкин бўлган ахборот сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Тўғри усул қўлланишида маълумотлар қуидагилардан олиниши мумкин:

1. Ҳисоб регистрларидан.
2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг сотишдан олинган даромадни, сотишнинг таннархи ва бошқа моддаларидан тегишли тузатишлар орқали.
3. Ҳисобот даври давомида ТМЗдаги, дебиторлик ва кредиторлик қарзлардаги ўзгаришлар.
4. Пулсиз моддалар.
5. Натижалари пул маблағларининг ҳаракатига таъсири кўпроқ инвестиция ва молиявий фаолиятга тегишли бўлган бошқа моддалар (берилган еки олинган кредитлар бўйича фоизлар иа бошқалар).

## **12.2. Пул оқимларини прогнозлаш**

Пул оқимларини прогнозлаш мохиятига кўра корхона учун келгуси даврда кутиладиган пул маблағлари тушумлари манбаларини ва турли

йўналишлар бўйича пул маблағлари чиқимларини миқдоран аниқлашдан иборат. Пул маблағлари ҳаракатини прогнозлашда айнан қандай кўрсаткичларнинг танлаб олиниши корхона фаолияти хусусиятларига боғлиқ. Унга йириклишган (агрегат) кўрсаткичлар бир қаторда батафсилоқлари ҳам қўлланиши мумкин. Кўпчилик ҳоларда кўрсаткичларни катта аниқлик билан прогнозлаш қийин. Шунинг учун одатда пул маблағлари оқимини прогнозлашда режалаштирилаётган давр учун бу оқимнинг асосий элементлари ҳисоблаб чиқилади, яъни сотиш ҳажми, нақд ҳисоб-китобга сотиш, дебитор қарзлар, кредитор қарзлар ва бошқалар назарда тутилади. Прогноз бирон-бир даврга, уни кичик даврларга бўлган ҳолда амалга оширилади. Йиллик прогноз чораклар ёки ойларга ажратилган ҳолда, чораклик прогноз ойларга ажратилган ҳолда тузилади.

Бунда қуйидагилар бажарилади:

1. Кичик даврлар бўйича пул тушумларни прогнозлаш.
2. Кичик даврлар бўйича пул маблағларининг чиқиб кетишини прогнозлаш.
3. Кичик даврлар учун пул маблағларининг соф оқимини аниқлаш.
4. Кичик даврлар бўйича қисқа муддатли молиялашга жами эҳтиёжни аниқлаш.

Биринчи босқичда олиниши кутиладиган пул тушумларининг ҳажми ҳисоблаб чиқилади. БХМС (Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари) қоидаларга биноан ҳисоб регистрларида маҳсулот сотишдан даромад товарлар ҳаридорларга жўнатилган пайтда ҳисобга олинади. Ўз навбатида товарлар нақд ҳисоб-китобларга ва кредитга сотилиши мумкин. Корхоналарнинг кўпчилигига сотилган товарлар қиймати тўлаб берилиши учун муайян вақт ўтади. Шунинг учун сотилган маҳсулот учун пул тушумининг қанчаси режалаштирилаётган даврда ва қанчаси ундан кейин келиб тушишини аниқлаш лозим.

Режалаштирилаётган даврда кутилаётган пул тушумлари оқимини аниқроқ прогнозлаш учун дебитор қарзларни уларнинг сўндирилиши муддатлари бўйича гурухлаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига етказиб берилаётган товарлар учун дебитор қарзлар тўланиши муддати 90 кунгача деб белгиланган. Шунга мувофиқ ҳолда хўжалик амалиётида дебитор қарзлари сўндирилиши муддати 30 кунгача, 60 кунгача, 90 кунгача ва ҳ.к. гурухларга ажратган ҳолда таҳлил этилади. Таҳлилни ойма-ой амалга ошириш ва ҳар бир ойга келиб тушадиган дебитор қарзларни аниқлаб олиш мақбул деб қаралади. Пул маблағлари келиб тушишининг маҳсулот сотишдан бошқа манбалари мавжуд бўлса улар ҳам ҳар бир даврда эътиборга олиниши лозим.

Иккинчи босқичда пул маблағларининг чиқиб кетиши ҳажмлари ҳисоблаб чиқилади. Корхона жорий хўжалик фаолиятида пул маблағлари чиқиб кетишининг уч асосий йўналишлари мавжуд: давлат бюджетига тўловлар, иш ҳақи бўйича ходимларга тўловлар ва етказиб берувчиларга тўловлар. Давлат бюджетига солиқлар бўйича тўловларнинг катта қисмини

жорий давр тугамасданоқ тўлашга тўғри келади. Иш ҳақи бўйича тўловлар эса давр тугаши биланоқ амалга оширилиши лозим. Соликлар ва иш ҳақи бўйича тўловларнинг кечикиб бажарилиши бажарилиши корхонага нисбатан давлат органлари томонидан маъмурий ва молиявий характердаги жиддий чоралар кўрилишига олиб келиши мумкин. Етказиб берувчиларга кредитор қарзлар эса корхона томонидан бир мунча "чўзиброк" бажарилиши мумкин. Бу ҳолда кредитор қарзлар корхонани қисқа муддатли молиялашнинг манбаига айланади. Таъкидлаш лизимки, ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида товарлар асосан кредитга сотилсада, дебитор қарзлар тезроқ тўланишини рафбатлантирувчи чегирмалар кенг кўлланилади. Бу ҳолда кредитор қарзларни кечикириб тўлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмай қолади. Пул маблағларининг чиқиб кетиши фоизлар ва дивидендлар тўланиши, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ижара учун тўловлар, капитал қўйилмаларни амалга ошириш ва бошқалар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Учинчи босқичда аввалги икки босқичнинг натижалари бир-бирига таққослаган ҳолда умумлаштирилади ва соф пул оқими ҳисоблаб чиқилади.

Тўртинчи босқичда қисқа муддатли молиялашга бўлган жами эҳтиёж аниқланади. Унда ҳар бир кичик давр учун пул маблағларининг жорий етишмовчилигини қоплаш учун зарур қўшимча маблағларни қайси манбалардан қўлга киритилиши режалаштириб олинади (масалан, қисқа муддатли банк кредитлари). Шу билан зарур пул маблағлари миқдорини белгилаб олишда корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида пул маблағларининг муайян минимум миқдори мавжуд бўлиши лозимлигини этиборга олиш лозим. Бу минимум олдиндан режалаштирилмаган, лекин корхона учун жуда зарур эҳтиёжларни қондиришга ёки ўта фойдали қўйилмалар имконияти тўсатдан пайдо бўлганда ундан фойдалана олишни таъминлашга қаратилган.

### **12.3. Пул маблағларининг оптимал даражасини аниқлаш**

Банкдаги ва кассадаги жами пул маблағлари оптимал қолдиги миқдорини аниқлаш молиявий бошқаришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Албатта, корхонанинг вақтинча бўш пул маблағлари қисқа муддатли молиявий активларга йўналтирилиши мумкин. Лекин мутлақ ликвидлиги даражаси бўйича пул маблағлари бошқа барча айланма активлардан устун туради. Ҳар қандай айланма активни пулга айлантириш эса муайян вақтни ва пулга айлантириш бўйича харажатларни талаб этади.

Етказиб берувчиларнинг ҳисобларини ўз вақтида тўлаб бериш учун корхона мутлақ ликвидликнинг муайян даражасига эга бўлиши лозим. Мутлақ ликвидликни таъминлаш муайян харажатларни тақозо этади. Бу харажатларни аниқ ҳисоблаб чиқиш қийин. Шунинг учун мутлақ ликвидликни таъминлаш харажати сифатида пул маблағлари ўртача қолидги суммасини давлат қимматли қоғозларига (давлат облигацияларга) инвестициялашдан олиниши мумкин бўлган даромад миқдори қабул қилинади (муқобил харажатлар назариясига асосан). Бунинг сабаби давлат қимматли қоғозлари энг кам хатарга эга эканлигидир. Молиявий мазмунига

кўра, ҳисобдаги пул маблағлари ўртача қолдиги корхона ишлатмай сақлаётган маблағларни ифодалайди ва корхона бу маблағлардан даромад олмаяпти. Корхонанинг банкдаги ва кассадаги пул маблағлари заҳираси ортиши билан ликвидликни таъминлаш харажатлари ҳам ортади. Агар пул маблағларининг корхона активларида улуши кам бўлса, қўшимча пул маблағлари сақланиши фойдали, лекин пул маблағлари қолдиги кўп бўлса ҳам уни оширилса, бу корхонани олиниши мумкин бўлган даромадлардан маҳрум этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона пул маблағлари бўйича оқилона сиёsat олиб борилиши лозим. Бир томондан, ҳўжалик молия фаолияти эҳтиёжлари ўз вақтида қондириб борилиши учун бўш пул маблағларининг муайян даражаси таъминлаб турилиши талаб этилади. Иккинчи томондан, бу маблағлар ликвид қимматли қоғозларга жойлаштирилган сумма билан тўлдирилади. Зарурат туғилганда қимматли қоғозлар зудлик билан пулга айлантирилади. Пул маблағлари қолдғининг белгилаб олинган даражадан ортиқчаси вужудга келса, у ликвид қимматли қоғозларга йўналтирилади.

Шундай қилиб умумий мазмунга кўра пул маблағларига нисбатан ҳам ишлаб чиқариш заҳираларини бошқариш назарияси қоидаларини қўллаш мумкин. Пул маблағларини бошқаришда қўйидаги масалаларнинг ечимини топиш лозим бўлади:

- а) пул маблағлари ва пул эквивалентларининг умумий ҳажми;
- б) пул маблағлари ва пул эквивалентларининг қанчасини банкдаги ҳисобларда, қанчасини тез сотиладиган қимматли қоғозлар кўринишида сақлаш керак;
- с) пул маблағлари ва тез сотиладиган активларнинг қанча миқдорини ва қайси пайтларда бир-бирига айлантириш зарур.

Россиялик иқтисодчи В.В.Ковалёвнинг "Введение в финансовый менеджмент" асарида (Москва, "Финансъ и статистика", 2000, 544-550-бетлар) /арб ҳўжалик амалиётида пул маблағлари мақбул қолдигини аниқлаш учун қўлланиладиган моделлар тавсифлаб берилган.

В.Баумоль модели (1952 й). Корхона пул маблағларининг максимал даражасига эга бўлган ҳолда иш бошлайди ва уларни давр мобайнида мунтазам равишда сарфлаб борилади деб олинади. Товарлар ва хизматларни сотишдан тушган барча пул маблағлари қисқа муддатли қимматли қоғозларга йўналтирилади. Пул маблағлари камайиб, корхона учун хавфсиз деб ҳособланадиган минимал даражага тушганда, қимматли қоғозларни сотиб, пул маблағлари ҳажмини дастлабки миқдорга етказилади. Пул маблағлари ҳажмини тўлдириш суммаси ( $Q$ ) қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$Q = \sqrt{\frac{2 * v * c}{r}},$$

бу ерда  $V$ -даврда (йил, чорак, ой) пул маблағларига эҳтиёжнинг прогнозланаётган ҳажми,  $c$ - пул маблағларини қимматли қоғозларга айлантиришнинг бир марталик харажатлари,  $r$ -қисқа муддатли молиявий

кўйилмалар (масалан, давлат қимматли қоғозлари) бўйича олиниши мумкин бўлган фоиз даромади даражаси.

Мазкур формулада пул маблағлари заҳираси ўртача суммаси  $Q \cdot f_2$  га тенг бўлади. қимматли қоғозларини пулга айлантириш бўйича битишувлари сони  $K$  эса пул маблағларига жами эҳтиёжнинг пул маблағлари ўртача заҳирасига нисбати каби аниқланади:

$$K = \frac{V}{Q}$$

Бундай сиёsatни амалга ошириш харажатлари қуидаги аниқланади:

$$CT = C \cdot K + r * \frac{Q}{2}$$

Формуладаги биринчи қўшилувчи ( $C \cdot K$ ) тўғри харажатларни, иккинчи қўшилувчи ( $r * \frac{Q}{2}$ ) эса пул маблағларини қимматли қоғозларга инвестицияламасдан харакатсиз сақлаш туфайли бой берилган нафни ифодалайди.

Молиявий бошқарувчи мазкур модель бўйича иш олиб борадиган бўлса, пул маблағларининг мақсадли қолигини бошқариш бўйича тавсиялар қуидаги кўринишда бўлади:

- агар пул маблағлари ва ликвидли қимматли қоғозларни бир-бирига айлантиришнинг бир марталик харажатлари юқори бўлса, мақсадли қолдиқ нисбатан юқори бўлиши тавсия этилади;
- агар пул маблағларини сақлаб туриш харажатлари (хатарсиз молиявий активлар бўйича олинмай қолаётган фоиз даромади) юқори бўлса, мақсадли қолдиқнинг нисбатан паст даражасини сақлаш маъқулроқ.

М.Миллер ва Д.Opp модели (1966 й). Моделни тузишда Бернулли жараёнидан фойдаланилган, яъни даврдан даврга пул маблағлари келиб тушиши ва чиқиб кетиши бир-бирига боғлиқ бўлмаган тасодифий воқеалар деб қаралган. Моделга кўра корхонанинг пул маблағлари юқори даражага етгунга қадар тартибсиз ўзгариб боради. Пул маблағлари заҳираси миқдори бу даражага етиши билан корхона уни белгилаб олинган нормал даражага (қайтиш нуқтаси) қайташиб учун ликвид қимматли қоғозларни сотиб ола бошлайди. Пул маблағлари заҳиралари уларнинг қисқариши йўналишида ўзгарадиган бўлса, заҳираларнинг белгилаб олинган минимал даражасига қадар бунга йўл кўйилади. Заҳиралар минимал даражасига етиб борганда жамғарилган қимматли қоғозлар пул маблағларининг нормал заҳирасига эришиш мақсадида сотиб юборилади.

Мазкур ёндашувда молиявий бошқарувчи пул маблағлари заҳираларининг энг юқори, нормал ва минимал даражаларини корхона фаолияти хусусиятларидан ва корхона фаолияти эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда аниқлаши лозим бўлади. Энг юқори ва қуий чегаралар ўртасидаги тафовутни (вариация кенглиги) белгилаб олишда қуидаги қоидага риоя қилиниши лозим: пул оқимларининг қунлик ўзгаришлари ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ доимий харажатлар юқори бўлса, вариация кенглигини ошириш керак ва аксинча. қимматли

қоғозлар бўйича фоиз ставкаси ошганда вариация кенглигини қисқартириш тавсия қилинади.

Модель асосида бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Корхонанинг банкдаги ҳисобида доимий равишда сақлаб турилиши мақсадга мувофиқ бўлган пул маблағларининг минимал миқдори ( $C_2$ ) белгиланади (корхонанинг ҳисобларини тўлаб бериш, банкнинг ва кредиторларнинг талабларини қондириш ва бошқа эҳтиёжлардан келиб чиқиб, эксперт йўли билан аниқланади).
2. Статистик маълумотлар бўйича корхона ҳисобига ҳар куни келиб тушаётган маблағлар вариацияси аниқланади (Var).
3. Маблағларни банкдаги ҳисобларда сақлаш харажатлари ( $Z_s$ ) (қисқа муддатли қимматли қоғозлардан даромаднинг кунлик ставкаси суммасига teng деб олинади) ва пул маблағлари билан қимматли қоғозларни бир-бирига айлантириш харажатлари ( $Z_t$ ) (бу микдорни доимий деб олинади) аниқланади.
4. қуйидаги формула асосида банкдаги ҳисобда пул маблағлари қолдиги вариация кенглиги ( $R$ ) ҳисоблаб чиқилади:

$$R = 3 * \sqrt[3]{\frac{3 * Z_t * V_{ar}}{4 * Z_s}}$$

5. Банкдаги ҳисобдаги пул маблағларининг юқори чегарасини аниқланади ( $C_h$ ). Бу чегарадан пул маблағлари ортиб кетганда, уларнинг бир қисмини қисқа муддатли қимматли қоғозларга айлантириш зарур:

$$C_h * C_e > R.$$

6. қайтиш нуқтаси ( $C_r$ ) аниқланади. Бу ҳисобдаги пул маблағлари қолдиги ( $C_l$ ,  $C_h$ ) интервал чегараларидан ташқарига чиқсанда қайтиш лозим бўлган ҳисобдаги пул маблағлари миқдори:

$$C_r * C_l > \frac{R}{3}.$$

### **Назорат учун саволлар:**

1. Пул оқимларини бошқариш зарурлигини изоҳланг.
2. Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тушунтиринг.
3. Пул оқимларини режалаштириш мазмунини таърифлаб беринг.
4. Пул маблағларини оптималлаштириш қандай амалга оширилади?

## **XIII БОБ. КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚ МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **13.1 Солиқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Солиқлар хўжалик юритиш амалиётидаги мураккаб муаммоларданdir. Солиқлар - ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун давлат томонидан қонунчилик асосида ундириб олинадиган мажбурий тўловлардир. Улар давлат ўз вазифаларини ижро этиши учун молиявий замин бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитларида давлат бюджети даромадлари асосан улардан (турли мамлакатларда 50дан 95 фоизгача) ташкил топади.

Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети даромадларининг ҳам асосий қисми солиқлар ҳисобига шакллантирилади. Солиқларнинг ҳуқуқий асоси эса Солиқ кодексида ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз солиқ тизими ўз таркибига умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йигимларни олади.

Солиқлар ва йигимлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки у ваколат берган давлат органи томонидан белгиланади. Солиқ солища барча юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар қонун олдида тенглик тамойили асосида ёндашилади. Олинган барча даромадларга солиққа тортилиши назарда тутилади.

Солиқ кодексида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгиланган, солиқ ишларини юритиш тартиби ва солиқ ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар тартибга солинган.

Солиқлар ўз моҳияти бўйича миллий даромадни қайта тақсимлаш механизмларидан биридир. Иқтисодиётни тартибга солища улардан самарали фойдаланиш зарур. Шунинг учун солиқ тўловларнинг амалга оширилишида томонлар манфаатларни мувофиқлаштириш назарда тутилади. Солиқ механизми – солиқ ишини ташкил қилишнинг элементлари, тамойиллари ва услубларидан иборатдир. Солиқ механизми мамлакатдаги юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаоллигига кучли таъсир этувчи омилдир.

Солиқларнинг асосланганлиги солиқ тушумлари етарли ҳажмига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Солиқ механизмининг таъсирчанлиги айнан шунга боғлиқ. Иқтисодиётни эркинлаштирилиши ва мамлакатни модернизациялаш шароитларида солиқларнинг роли ортиб бормоқда. Солиқ тизими ва унинг амал қилиш механизми такомиллашиб бораётганлиги ҳозирги пайтда мамлакатдаги тадбиркорлик фаоллиги юксалишини таъмин этмоқда ва иқтисодий ўзгаришлар муваффақиятини белгилаб бермоқда.

Иқтисодий нашрларда солиқларнинг “манба яратувчи”, “ташвиқ қилувчи” - йўналтирувчи”, “мажбурловчи”, “рухий таъсир этувчи” ва бошқа шу каби функциялари қайд этилади. Шунингдек, солиққа тортишни қиёсий таҳлил этган холда, халқаро солиқ тажрибасини, хусусан, ривожланган мамлакатлар - АҚШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Япония ва бошқа қатор

давлатларда солиқ дастаклари ёрдамида миллий иқтисод ривожи учун шартшароитлар яратилғанлиги таҳлил этилади.

Халқаро тажриба солиқ муносабатлари ҳар бир мамлакатда ўзига хос равиша “аралаш иқтисодиёт” орқали эркин тадбиркорликка кенг йўл очиб беришини кўрсатмоқда. Тадбиркорлик фаолияти, биринчи навбатда, солиқ сиёсати таъсирида давлат томонидан тартибга солиб ва рафбатлантириб турилади.

Солиқ тизими мамлакат иқтисодий юксалиши учун мустаҳкам таянч ролини ўйнайди. Мазкур тизимни ривожлантиришдаги устувор вазифалар:

- қонунчилик,adolatlılik тамойиллари асосланган солиқ механизмини янада такомиллаштириш;
- замонавий солиқ хизмати идоралари фаолиятини изчиллик билан олиб бориш;
- солиқ ва солиққа тортиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали механизмини яратиш;
- мамлакатда солиқ назарияси асосларини ишлаб чиқиш ва муваффақият билан амалиётга жорий этиш;
- солиқ тўловчиларда юқори солиқ маданиятини қарор топтиришдан иборатdir.

Солиқ менежментига таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитларнинг таҳлили унинг мақсадли тизим эканлигини кўрсатади. Солиқ менежментининг услубий-амалий жиҳатдан мураккаблиги, солиқларнинг бир вақтнинг ўзида иқтисодий-молиявий, сиёсий-хуқуқий ва ижтимоий ҳодиса эканлиги билан белгиланади. Тизим сифатида солиқ менежменти солиқ субъектларидан турли бюджетларга мажбурий ва қайтимсиз тўловлар кўринишидаги пул оқимини режалаштиради, мувофиқлаштиради ва унинг назоратини уюштиради.

Солиқ менежментининг бош мақсади турли субъектлар ва аҳолига давлат томонидан қонунга асосланган ҳолда жорий этилган солиқлар ва солиқ режими воситасида таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилғандир.

### **13.2. Бошқарув қарорларини қабул қилишда даромадлар ва уларни солиққа тортилишининг таҳлили**

Солиқ кодекси ва «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси) га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага мувофиқ республикамизда қуидаги юридик шахслардан ташқари барча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фойда солиғини тўлайдилар:

- Махсус Йўриқномага асосан даромад (фойда) солиғини тўловчи хорижий юридик шахслар.
- Ягона солиқ тўловчи ҳисобланган микро фирмалар ва кичик корхоналар.
- Асосий фаолияти бўйича ялпи даромаддан солиқ тўловчи савдо ва

умумий овқатланиш корхоналари.

- Асосий фаолияти бўйича ягона ер солигини тўловчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар.

Корхоналарнинг инвестицияларини даромад (фойда) солигига таъсири ушбу солиққа доир кўрсаткичларнинг шаклланишида ёрқин намоён бўлади. Уларни ҳисоблаш тартиби республикамизда Солик Кодекси, “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда охирги молиявий натижаларни шаклантириш” тўғрисида низом<sup>7</sup>, шунингдек даромад (фойда) солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджеттага тўлаш тўғрисидаги йўриқнома билан белгиланган.

Фойда солиғи тўлагунга қадар бўлган молиявий натижа (фойда ёки зарар) корхоналарнинг алоҳида фаолият турларидан, шу жумладан инвестация фаолиятидан, олинган даромад ва харажатлар суммаларининг фарқидан иборат бўлади. Инвестициялардан олинган даромадларнинг алоҳида турлари, жумладан, қўйидаги гурух даромадларда ва уларни акс эттирувчи счёtlарда ўз аксини топади.

<b>Даромадларнинг гурухлари</b>	<b>Инвестиция фаолияти бўйича алоҳида гурухларга кирувчи даромадлар ва уларни счёtlарда акс эттирилиши</b>
1. Сотишдан олинган даромадлар	<p>■ Ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларни таъсис бадали, қарз сифатида бошқа корхоналарга инвестиция қилишдан олинган даромадлар. Ушбу даромадлар : <b>Дебет 0600 “Инвестициялар ҳисоби счёtlари”</b> <b>Кредит 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар”</b> ёзуви билан акс эттирилади.</p> <p>■ Товарларни таъсис бадали, қарз сифатида бошқа корхоналарга инвестиция қилишдан олинган даромадлар. Ушбу даромадлар: <b>Дебет 0600 “Инвестициялар ҳисоби счёtlари”</b> <b>Кредит 9020 “Товарларни сотишдан олинган даромадлар”</b> ёзуви билан акс эттирилади.</p> <p>■ Ишлар ва хизматларни таъсис бадали, қарз сифатида бошқа корхоналарга инвестиция қилишдан олинган даромадлар. Ушбу даромадлар: <b>Дебет 0600 “Инвестициялар ҳисоби счёtlари”</b> <b>Кредит 9030 “Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар”</b> ёзуви билан акс эттирилади.</p>

<sup>7</sup> «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда охирги молиявий натижаларни шаклантириш тўғрисида низом». ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

2. Асосий фаолиятдан олинган башқа даромадлар	<p>■ Материалларш, номоддий активларни, тугалланмаган капитал қурилиш объектларини, ўрнатишга мўлжалланган жиҳозларни таъсис бадали, қарз сифатида башқа корхоналарга инвестиция қилишдан олинган даромадлар. Ушбу даромадлар:</p> <p><b>Дебет 9220 “Башқа активларнинг чиқими”</b></p> <p><b>Кредит 9320 “Башқа активларнинг чиқимидан олинган фойда” ёзуви билан акс эттирилади.</b></p>
	<p>■ Асосий воситаларни таъсис бадали, қарз сифатида башқа корхоналарга инвестиция қилишдан олинган даромадлар. Ушбу даромадлар:</p> <p><b>Дебет 9210 “Асосий воситаларнинг чиқими”</b></p> <p><b>Кредит 9310 “Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда” ёзуви билан акс эттирилади.</b></p> <p>■ Тугалланмаган капитал қурилиш объектларини инвентаризациясида аниқланган ортиқчалар.</p> <p>Ушбу даромадлар:</p> <p><b>Дебет 0810 “Тугалланмаган қурилиш”</b></p> <p><b>Кредит 9390 “Башқа операдион даромадлар” ёзуви билан акс эттирилади.</b></p> <p>■ Капитал инвестицияларга доир кредиторлик ва депонентлик қарзларининг воз кечилишидан олинган даромадлар. Ушбу даромадлар:</p> <p><b>Дебет 6010 “Таъминотчилаар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар”,</b></p> <p><b>6720 “Депонентлаштирилган иш ҳақи”</b></p> <p><b>Кредит 9360 “Кредиторлик ва депонентлик қарзларининг воз кечилишидан олинган даромадлар” ёзувлари билан акс эттирилади.</b></p>

3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ Инвестиция фаолиятидан дивидендлар кўринишида олинган даромадлар. Ушбу даромадлар:  <b>Дебет 4840 “Олинадиган дивидендлар”</b>  <b>Кредит 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”</b> ёзув билан акс эттирилади.</li> <li>■ Инвестиция фаолиятидан фоизлар кўринишида олинган даромадлар. Ушбу даромадлар:  <b>Дебет 4830 “Олинадиган фоизлар”</b>  <b>Кредит 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”</b> ёзуви билан акс эттирилади.</li> <li>■ Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар. Ушбу даромадлар:  <b>Дебет 0610 “Узоқ муддатли қимматли қоғозлар”,</b>  <b>5810 “Қисқа муддатли қимматли қоғозлар”</b>  <b>Кредит 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар”</b> ёзувлари билан акс эттирилади.</li> </ul>
4. Фавқулоддаги фойда	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ Табиий офатлар, қонунларнинг ўзгариши ва инқилобий ўзгаришлар натижасида вужудга келган моддий активлар кўринишидаги ва воз кечшган кредиторлик қарзлари сифатидаги фавқулоддаги даромадлар.  Бундай даромадлар моддий активларни ва кредиторлик қарзларини акс эттирувчи счетларнинг дебетида ва 9710 “Фавқулоддаги фойда” счётининг кредитида акс</li> </ul>

Тайёр маҳсулот, товарлар ишлар ва хизматларни таъсис бадали сифатида киритишдан кўрилган фойда ва заараларни бевосита юқорида келтирилган бухгалтерия ёзувлари орқали аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун сотищдан олинган даромадлар счёtlарининг (9010-9030) кредити бўйича инвестицияга доир сотиш ҳажмига киритилган операциялар суммасидан сотиш таннахси счёtlарининг (9110-9130) дебетида ёзилган сотиш таннахига киритилган инвестицияларнинг ҳақиқий таннархдаги суммасини айриш лозим. Агар 9010-9030-счёtlарнинг кредитига ёзилган инвестициялардан олинган даромадларнинг суммаси 9110-9130-счёtlарнинг дебетига ёзилган инвестицияларнинг таннахидан қайта бўлса, бу тайёр маҳсулотлар, товарлар, шилар ва хизматларни инвестиция қилишдан олинган фокда суммасини, аксинчаси эса ушбу инвестициядан кўрилган зарарни кўрсатади.

Солиқка тортиладиган даромад (фойда)нинг шаклланишида солик солиши базасига қайта қўшиладиган, солик солиши базасидан ҳисббот йилда чегириб ташланмайдиган ва чегириб ташланадиган, шунингдек бошқа солик турини (дивиденд солиғини) обьекти ҳисобланган олинган дивидендлар ва фоизлар хам катта роль ўйнайдилар. Айнан ушбу ҳисб обьектлари суммасига ҳисб фойдаси ва имтиёзларсиз солиқка тортиладиган фойда кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қиласди. Бу кўрсаткичлар ўртасидаги

фарқлар суммасида инвестициялар ва инвестиция фаолиятига доир харажатлар ҳам ўз аксини топади. Жумладан, солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар таркибига «Харажатлар таркиби тўғрисида низом» нинг 1-иловасига мувофиқ инвестициялар ва инвестиция фаолиятига доир қўйидаги харажат ва заарлар ҳам киритилади:

- *Материалларни, номоддий активларни, тугалланмаган капитал қурилиш обьектларини, ўрнатишга мўлжалланган жиҳозларни таъсис бадали, қарз сифатида бошқа корхоналарга инвестиция қилишидан кўрилган заарлар (таннархдан паст баҳолар бўйича инвестиция қилинганде ва инвестицияга доир ККС корхона ҳисобидан тўланганде);*
- *Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида бошқа корхоналарга инвестиция қилишидан кўрилган заарлар (корхонада З йилдан кам муддатда тадбиркорлик фаолиятида ишлатилган асосий воситалар бўйича). З йилдан кўп муддатда корхонада тадбиркорлик фаолиятида ишлатилган ва кейинчалик инвестиция сифатида киритилган асосий воситалар бўйича кўрилган заарлар солиқ солиш базасига қайта қўшилмайди.*
- *Тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни инвестиция сифатида киритишида корхона ҳисобидан ҳисобланган ККС суммаси.*
- *Тугалланмаган капитал қурилиш обьектларини инвентаризациясида аниқланган ва корхона ҳисобидан қопланган камомадлардан кўрилган заарлар.*
- *Капитал қурилиши, қарз ва кредит шартномаларини бузии ҳоллари учун ҳисобланган ва тўланган жарималар.*
- *Тугалланмаган капитал қурилиш обьектларини бепул бершидан кўрилган заарлар.*
- *Қимматли қоғозларни сотишидан кўрилган заарлар.*

Янги барпо этилаётган корхоналарда қурилиш дирекциясини сақлаш, унга доир бошқарув тизимини шакллантириш, янги яратилаётган иш жойлари учун ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек «Харажатлар таркиби тўғрисида низом»нинг 2-иловасида келтирилган бошқа харажатлар юз берган ҳисобот даврида 21-сон БҲМС га асосан 9440 «Келгусида солиқ базасидан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари» счётида акс эттирилади. Ҳисобот йили охирида ушбу счётнинг дебетида тўпланган сумма 9900 «Охирги молиявий натижা» счётига ёпилади. Бир вақтнинг ўзида 9900 «Охирги молиявий натижা» счётига ўтказилган сумма балансдан ташқари 012 «Келгуси даврларда солиқ солиш базасидан чегириладиган харажатлар» счётига олиб борилади (унинг кирим қисмига киритилади).

Солиқ кодекси ва даромад (фойда) солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага, шунингдек 21-сон БҲМС га мувофиқ ушбу характердаги харажатлар юз берган ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайди, балки келгусида ушбу харажатларни иқтисодий манфаат келтириш муддати давомида ёки 10 йил ичида (уларни қайси

бирининг муддати қисқа бўлса, ўша муддатгача) бир маромда солик солиш базасидан чегирилиб борилади. Солик базасидан чегирилиб ташланадиган сумма 012 «Келгуси даврларда солик солиш базасидан чегириладиган харажатлар» счётининг чиқимиға олиб борилади. Шундай қилиб, 012 «Келгуси даврларда солик солиш базасидан чегириладиган харажатлар» счётида қолган қолдиқ келгусида солик базасидан чегириладиган суммани кўрсатиб туради.

Соликка тортиладиган даромад (фойда)ни топишда корхонанинг инвестиция фаолиятидан олинган дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлар ҳам чегириб ташланади.

Дивиденд - корхоналарнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг акциялари бўйича ҳисобланган, шунингдек уларни устав капиталидаги таъсис бадалини ҳиссасига кўра тақсимланадиган фойдадан олинган даромад. Фоизлар - депозит счёtlарга қўйилган пул маблағлари, шунингдек қарз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар бўйича ҳисобланган даромад.

Солик қонунчилигига мувофиқ дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлар соликка тортилади. Ушбу солик дивиденд ёки фоиз тўловчи корхона томонидан ушлаб қолиниши ва бюджетга ўтказиб берилиши лозим. Дивиденд ёки фоиз тўловчи корхоналар дивиденд ёки фоиз кўринишидаги даромадларни олувчи корхонага ҳисобланган ва ушлаб қолинган солик тўғрисида қуидаги шаклда маълумотнома тақдим этадилар:

<b>Давр</b>	<b>Жами ҳисобланган дивиденд (фоиз) суммаси</b>	<b>Дивиденд (фоиз)дан ушланган солик</b>	<b>Тўланадиган дивиденд (фоиз) суммаси</b>

Дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар уларни олувчи корхоналарда ҳисоблаш тамойилига мувофиқ эълон қилинган кундан (тасдиқловчи хужжатни олган кундан) бошлаб, дивиденд ва фоизларни қачон келиб тушишидан қатъи назар, ҳисобга олиниши лозим.

Дивидендлар уни бераётган корхонанинг устав капиталига қўшимча таъсис бадали сифатида қолдирилса ёки унинг қўшимча акцияларини сотиб олишга йўналтирилса, у ҳолда ушбу дивидендлар олинган деб ҳисобланади, лекин солик қонунчилигига мувофиқ 15% ставкали соликка тортилмайди. Қўшимча таъсис бадали сифатида қолдирилган ёки қўшимча акцияларни сотиб олишга йўналтирилган дивидендлар суммаси тегишли хужжатлар билан (устав, таъсис шартномаси, келишув баённомалари, счёт-фактура ва бошқалар) тасдиқланиши лозим.

Молиявий қўйилмалардан дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадларни ҳисобланиши, улардан соликларни ушланиши, шунингдек

уларга доир бошқа операциялар 21-сон БХМСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуидагича акс эттирилади:

	<b>Операциянинг</b>	<b>Дебет</b>	<b>Кредит</b>	<b>Асос</b>	<b>Сумма</b>
<i>1. Дивиденд ва фоизларни олувчи корхоналарда</i>					
1	Ҳисобланган дивиденд суммасига	4840	9520	Маълу- мотнома	500000
2	Ҳисобланган фоизлар суммасига	4830	9530	Маълу- мотнома	200000
3	Дивиденд ва фоизларнинг келиб тушиши	5110	4830, 4840	Банк кўчирмаси	700000
4	Дивидендларни таъсис бадали сифатида қолдирилиши	0620-0690	4840	Таъсис шартнома-си	500000
5	Дивиденд ҳисобидан янги акцияларнинг сотиб олиниши	0610 5810	4840	Шартнома, счёт-фактура	500000
6	Ҳисобланган фоизларни депозит счётларда, янги қарз ва кредит сифатида қолдирилиши	0600 5800	4830	Шартнома	200000
<i>2. Дивиденд ва фоизларни берувчи корхоналарда</i>					
1	Дивидендларни ҳисобланиши	8710	6610	Маълу- мотнома	575000
2	Дивидендан 15% солиқнинг ушланиши	6610	6410	Ҳисоб-китоб	75000
3	Фоизларнинг ҳисобланиши	9610	6920	Шартнома	230000
4	Фоизлардан 15% солиқнинг ушланиши	6920	6410	Ҳисоб-китоб	30000
5	Дивиденд ва фоизларнинг ўтказиб берилиши	6610 6910	5110	Банк кўчирмаси	700000
6	Дивиденд ва фоизлар бўйича 15% солиқнинг бюджетга ўтказилиши	6410	5110	Банк кўчирмаси	105000
7	Дивидендларнинг капиталлашуви	6610	8310 8320 8340	Шартнома	575000
8	Олинган фоизларнинг қарз ва кредит сифатида қолдирилиши	6910	6820 7820	Шартнома	200000

Солиқ қонунчилиги инвестициялардан дивиденд ва фоизлар кўринишида олинган даромадлар бўйича 15% лик солиқни ушлаш ва бюджетга ўтказиб беришнинг масъулиятини ушбу даромадларни тўловчи корхонага юклаган. Дивиденд ва фоизлардан тўланадиган 15% лик даромад солиғи бюджетта дивиденд ва фоизлар тўлови амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 санасидан кечиктирилмай ўтказиб берилиши лозим. Бундан ташқари дивиденд ва фоизларни тўловчи корхоналар молиявий йил тугагач, 30 кун ичидаги солиқ идорасига ва ўзининг инвесторларига юкорида келтирилган шаклдаги маълумотномани тақдим этишлари лозим.

Корхоналарнинг даромад (фойда) солиғини хисоблашда солиқка тортиладиган даромад (фойда) суммасидан солиқ қонунчилигига белгилаб қўйилган имтиёзлар, шу жумладан инвестицияга доир имтиёзлар, чегириб ташланади.

Даромад (фойда) солиғини хисоблашда солиқка тортиладиган даромад (фойда) суммасидан чегирилиб ташланадиган инвестициялар бўйича имтиёзлар фақат капитал инвестицияларга тааллуқли бўлиб, улар давлатнинг корхоналарга ўз моддий-техника базасини ривожлантиришга, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ мактаблар, академик лицейлар ва коллежларни куришга хусусий ва кредитга олган маблағларини сарфлагани учун берган ёрдами хисобланади.

Солиқ қонунчилигига кўра капитал инвестицияларга сарфланган хусусий ва кредитга олинган маблағлар хисобот йилида хисобланган эскириш суммасини тўлиқ ишлатган ҳолда, лекин солиқка тортиладиган даромад (фойда)нинг 30%дан ортиқ бўлмаган миқдорида солиқ солиши базасидан чегирилади. Имтиёзларни хисоблашда хусусий маблағлар эвазига қилинган капитал инвестициялар бўйича ҳақиқатда сарфланган харажатлар, кредитга олинган маблағлар эвазига қилинган капитал инвестициялар бўйича эса олинган кредитларни ҳақиқатда қайтарилган қисми (кредитлар бўйича банкка тўланган фоизлардан ташқари) асос қилиб олинади.

### **13.3. Корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсири**

Ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашуви, корхоналар иқтисодий фаоллигининг ошиши нуқтаи назаридан солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсири кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади. Корхоналарда хўжалик юритишнинг молиявий барқарорлиги ва самарадорлиги солиқларга қай даражада боғлиқлиги, солиқлар корхонада қабул қилинадиган молиявий қарорларни қанчалик даражада белгилаши мумкинлиги каби саволларга жавоб излаш керак бўлади.

Солиқлар қандай манбадан, қандай базадан, қандай миқдорларда ва қайси вақтда ундирилишидан қатъи назар улар албатта корхонанинг у ёки бу молиявий натижаларини ўзгартиради. Солиқларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва хеч қандай норозиликсиз тўланиши учун биринчи навбатда солиқка тортиш механизмининг нақадар тўғри ва адолатли ташкил қилинишига боғлиқ бўлади.

Солиқقا тортиш тизимининг адолатлилигини аввало яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг давлат, корхона ва аҳоли ўртасида қандай нисбатда тақсимланаётганлигига ифодаланади.

Юридик шахслар фаолиятига солиқлар таъсирини ўрганишда асосий мезон бўлиб солиқ юки ҳисобланиши мумкин.

$$\text{Сю} = (\text{Ст}/\text{Сб}) * 100\%$$

Бу ерда Сю - солиқ юки, фоизда

Ст — солиқ тўловлари, минг сўмда

Сб - солиқ базаси, минг сўмда

Солиқ юкининг юқори бўлиши ишлаб чиқариш ҳажмини чегаралайди, тадбиркорликка рағбатларни сусайтиради ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган интилишни йўқотади. Бундай шароитда корхоналар солиқдан қочишга ҳаракат қилишади.

Солиқларнинг корхоналар молиявий натижаларига таъсири нуқтаи назаридан солиқ юкини ифодаловчи тўртта кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиши мумкин :

$$\text{Сю1} = ((\text{ККС} + \text{Ак} + \dots) / (\text{Мст})) * 100\%$$

$$\text{Сю2} = ((\text{Ссув} + \text{Смулк} + \text{Сэкол} + \text{Анф}) / (\text{Тн})) * 100\%$$

$$\text{Сю3} = ((\text{Сфойда} + \text{Бса}) / (\text{Фс})) * 100\%$$

$$\text{Сю4} = ((\text{Дс} / (\text{Ихф})) * 100\%$$

Бу ерда:

Сю1, Сю2, Сю3, Сю4 — мос равища билвосита солиқлар, таннархга киритилувчи солиқлар, фойда (даромад)дан олинувчи, ишловчилар иш ҳақидан даромад солиқлари юки, фоизда.

ККС - қўшилган қиймат солиги,

Ак - акцизлар,

Ссув - сув ресурсларидан фойдаланганлик учун,

Смулк - юридик шахслар мол-мулкига солик,

Сэкол – экология солиги,

Анф - нобюджет фондларга ажратмалар,

Сфойда - даромад (фойда) солиги,

Бса - фойда (даромад) дан бошқа солиқ ва ажратмалар,

Дс - ишловчилар даромадидан солиқ ва тўловларнинг миқдорлари,

Мст - маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан тушган тушум,

Тн - маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари,

Фс - солиқقا тортилувчи фойда (даромад),

Ихф - ишловчиларнинг иш ҳақи фонди.

Истеъмол солиқлари ёки эгри солиқлар ҳисобланувчи қўшилган қиймат солиги ва акциз солигини кўриб чиқамиз. Маълумки, истеъмолчиларга нисбатан солиқларни пасайтириш уларнинг товарларга талабини оширади. Истеъмолга солиқларни камайтириш фақат барқарор ва юқори истеъмол мавжуд бўлғандагина истеъмолни ошира олмайди. ҚҚСнинг бир неча ижобий томонлари мавжуд. Уни корхоналар якуний молиявий натижасига нейтрал деб ҳисоблайдилар ва ундирилиш даражаси юқори. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ундирилганлиги сабабли бюджетга узлуксиз даромадлар келишини таъминлайди. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда ҚҚС корхоналар молиявий ҳолатига анча таъсир кўрсатмоқда. Масалан, корхона ҚҚСдан озод қилинган бўлса ёки озод қилинган товар ишлаб чиқарса сотиб олинган барча хом-ашё ва ресурслар учун тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш ҳукуқига эга бўлмайди ва уни ишлаб чиқариш таннархига киритади. Натижада корхона рентабеллиги пасайиб, фойда микдорига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолда корхона ҚҚСдан озод этилишга ёки имтиёзли товар ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлмайди. Бу турдаги корхоналар оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарса, бу товарларни умумий тартибда солиқ тўловчи корхоналар сотиб олиши қийин бўлади. Чунки ҚҚСдан озод корхона ҳисоб-фактурага ҚҚСсиз деб ёзиб беради, умумий тартибда солиқ тўловчи корхона эса сотиб олинган товарларнинг бутун айланмасидан ҚҚС тўлашига тўғри келади. Қўшилган қиймат солигида солиқ солиш обьекти бўлиб товарларнинг сотилиш буйича айланмалар ҳисобланади.

Корхоналар манфаатлари нуқтаи-назаридан солиқларнинг обьектга ёки базага қандай нисбатда бўлиши қўп нарсани англатмайди, аммо солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини қандай ўзгартириши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш ва сотиш (муомала) харажатлари таркибиға киритилувчи солиқлар ҳам корхоналар ихтиёрида қолувчи фойда ҳажмларига таъсир этади. Бу харажатлар таркибиға киритилувчи солиқларга куйидагилар киради:

- Юридик шахслар мол-мулк солиги
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Юридик шахслар учун ер солиги
- Экология солиги
- Мажбурий ажратмалар (йул фонди, бандлик фонди, нафақа фонди, касаба ўюшмалари федерациясига)

Бу солиқлар кейинги вақтларда тўғри ёки эгри солиқларга таркибиға киритилмасдан ресурс тўловлари деб номланмоқда. Бу гуруҳ солиқларнинг хусусияти шундаки, корхона фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий назар улар тўланиши лозим (худди эгри солиқлардек). Ҳозирги иқтисодий шароитда улар эгри солиқларга яқиндир, аммо солиқ юкига таъсири бевоситадир, чунки корхона фойда олмаган тақдирда ҳам, улар ўзгаришсиз бюджетга тўланади ва уларнинг баъзида заарига ишлашига, айланма маблағларнинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бюджетдан ташқари

фондларга ажратмалар ҳам солиқ юкига жиддий таъсир қиласи. Булар ҳам давр харажатларида хисобга олинганлиги сабабли, корхонанинг фойдаси шаклланишига билвосита таъсир кўрсатади.

Назорат учун саволлар:

1. Солиқ менежментининг моҳиятини таърифланг.
2. Солиқ менежменти жараёнини тушунтиринг.
3. Солиқ менежментига таъсир этувчи омилларни сананг.
4. Солиқ юкининг корхона хўжалик фаолиятига таъсирини тушунтиринг.
5. Даромадлар ва уларни солиққа тортилишининг бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсирини тушунтиринг.

## **XIV БОБ. КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ**

### **14.1. Корхона фаолиятини молиявий назорат қилишнинг мазмуни ва йўналишлари**

Молиявий бошқарув жараёнида назорат функциялари ҳам амалга оширилишининг жуда муҳим ўрин эгаллаши, молиявий назоратсиз самарали молиявий бошқарувга эришиб бўлмаслиги корхона молиясининг моҳиятидан келиб чиқади. Молия назариясининг чет эллардаги деярли барча тадқиқотчилари молиянинг моҳияти ва функцияларини таърифлашда унинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси билан бир қаторда назорат функциясига алоҳида эътибор берадилар.

Молиянинг тақсимлаш функцияси обьектлари деб мамлакат миқёсида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад, корхона миқёсида эга тушумлар, даромадлар, харажатлар, қарзлар ва фойда ҳисобланади. Мамлакат миқёсида молиявий ресурслар ҳудудлараро ва тармоқлараро қайта тақсимланади, шунингдек умум миллий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилади. Корхона миқёсида молиявий ресурслар шаклланиши ва йўналтирилишида корхона фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадлари биринчи ўринда туради.

Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни қанчалик даражада оқилона, тежамли ва самарали юз бераётганлигини молиявий назорат орқали аниқланади. Молиявий назоратнинг обьекти бир томондан ресурслар ва даромадлар тўла ва имкони борича арzon шаклланиши бўлса, иккинчи томондан бу ресурсларнинг тежаб-тергаб ва юқори самара билан ишлатилишидир. Молиявий назорат натижаларига суюнган ҳолда молиявий ресурслар тақсимланиши пропорциялари, уз вақтида ва тўлалигича корхона ихтиёрига келиб тушиши ва, энг муҳими, ушбу ресурслардан қай ҳолатда тежамли ва самарали фойдаланилаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлинади.

Молиянинг назорат функцияси алоҳида тарзда эмас, балки унинг ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва ресурслардан самарали фойдаланишни рагбатлантириш каби вазифалари билан уйғунлашган ҳолда амал қиласи. Бу функциялар биргаликда содир бўлиши молиянинг иқтисодий моҳияти том маънода ягона эканлигидан келиб чиқади. Айниқса, тақсимлаш ва назорат функцияларида молиявий муносабатларнинг бир-биридан ажратиб бўлмайдиган томонлари бирлиги акс этади. Корхонанинг кундалик реал ҳаётида ҳар бир молиявий муносабатда молиянинг юқорида санаб ўтилган барча функциялари мужассамлашган бўлади, соф ҳолда фақат битта функцияни бажаришга йуналтирилган молиявий муносабатни топишнинг иложи йўқ.

Молиянинг назорат функцияси амалга оширилиши учун молиявий ахборот зарур бўлади. Молиявий ахборот биринчи навбатда бухгалтерия, статистик ва тезкор ҳисботлардан олинади. Молиявий маълумотлар корхона

фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилишга ва хўжалик фаолиятнинг салоҳиятини иқтисодий баҳолашга имконият яратади ва, пировардида, юзага келган салбий кўрсаткичларни унга таяниб бартараф этишга имконият вужудга келади.

Ўз-ўзидан равшанки, бозор муносабатлари шароитида молиявий назорат корхона фаолияти билан манфаатлари у ёки бу тарзда боғланиб кетган субъектлар томонидан амалга оширилади. Мазкур субъектларни корхонадаги молиявий жараёнларнинг уларнинг манфаатларига таъсир этувчи турли жиҳатлари қизиқтиради. Шундай бўлсада, молиявий назоратнинг умумий муштарак мақсадини кўрсатиш мумкин, у ҳам бўлса, молиявий ресурслардан иқтисодий самарали, ўз вақтида ва тўлалигича, мақсадли фойдаланишни таъминлашдир.

Умуман олганимизда, молиявий назорат корхонани иқтисодий назорат тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг йўналишлари бир томондан давлатнинг ва кенг жамоатчиликнинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан - мулкдорларнинг, ходимларнинг, инвесторларнинг ва потенциал инвесторларнинг, кредиторларнинг ва корхона ҳамкорларининг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган. Бозор муносабатлари ривожланиши билан молиявий назоратнинг аҳамияти кескин ортиб бормоқда.

Шундай қилиб, молиявий назорат молиянинг назорат функциясини ҳаётга татбиқ этиш кўринишида намоён бўлади, молиявий назоратнинг йўналишлари ва мазмуни молиявий муносабатларнинг моҳияти билан белгиланади. Айни пайтда молиявий назорат мазмуни ва йўналишлари иқтисодиётнинг тараққиёти, иқтисодий ислоҳотлар туфайли ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгариши туфайли ўзгаради ва бойиб боради. Чунончи, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги, хўжалик юритиш ҳукуқларининг кенгайиши, уларнинг молиявий фаолиятни олиб боришдаги мустақиллиги, тадбиркорликнинг ранг-баранг тус олиши, мулк шакллари хилма-хиллашуви, иқтисодиётни эркинлаштирилиши жараёни молиявий назоратнинг мазмуни бойишига олиб келади.

Молиявий назоратни маҳсус шаклларни ва услубларни қўллаш орқали хўжалик юритувчи ва бошқарув органларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни текширишга қаратилган ҳаракатлар ва тафтишлар йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин.

Давлат органлари ва йирик иқтисодий тузилмалар томонидан молиявий назорат олиб борилишида, одатда, юқори малакали ва тажрибали мутахасислардан таркиб топган маҳсус бўлинмалар ташкил этилади. Уларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари энг асосий жиҳатларида қонунчилик орқали қатъий равишда тартибга солинган бўлади. Корхоналарда эса молиявий назорат биринчи навбатда корхонанинг молиявий хизмати томонидан, алоҳида бундай хизмат мавжуд бўлмаган ҳолларда эса бош бухгалтер томонидан амалга оширилади.

Молиявий назорат макроиктисодиётдаги, тармоқдаги ва корхонадаги иқтисодий назоратнинг таркибий қисми, у барча даражаларда қиймат пропорциялари шаклланишига дахлдордир. Молиявий назорат ҳар бир

соҳада қўлланади ва ҳар бир соҳада ўзига хос мақсадли йўналишга эга бўлади. Молиявий назоратнинг обьекти бўлиб молиявий ресурсларнинг ҳаракатланиши, шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши хизмат қилади.

Молиявий ресурслар эса иқтисодиётнинг барча бўғинларидағи жамғармалар (фондлар) шаклидаги пул ресурслариdir.

Молиявий назорат жараёнида бевосита текшириш предметлари турли молиявий кўрсаткичлар, аввало, фойда, даромад, тўғри ва эгри солиқлар, рентабеллик, маҳсулот таннархи, муомала ҳаражатлари, молиявий қўйилмалар, жалб этилган маблағлар, турли хил мақсадлар ва фондларга ажратмалардир. Бу кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ ва уйғунлашган ҳарактерга эга бўлади, Шунинг учун молиявий назорат хўжалик юритувчиларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик юритиш, тижорат ҳамда молия-кредит механизмидаги ўзаро боғлиқликларнинг барча томонларини қамраб олади.

Макроиқтисодиёт миқёсида молиявий назорат қўйидаги таҳлил ва текширишларни ўзида акс эттиради:

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш талабларига риоя этилиши;
- ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад тақсимланиши ва қайта тақсимланишида оптималликни таъминлаш;
- давлат бюджети даромадларини ташкил этиш ва ижросини таъминлаш (бюджет назорати);
- корхона, ташкилот ва бюджет муассасаларида молиявий меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- хўжалик субъектлари молиявий ҳолати ва солиқ назорати.

Макроиқтисодий даражада молиявий назорат олдига қўйидаги вазифалар қўйилади:

- халқ хўжалигида ва алоҳида тармоқларда пул даромадлари ва фондлари билан молиявий ресурсларга бўлган талаб ўртасидаги мутаносибликка кўмаклашиш;
- давлат бюджети олдидаги молиявий мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқлигича бажарилишини таъминлаш;
- молиявий ресурсларни юксалтириш ва жамлашда мавжуд резервларни аниқлаш;
- таннархни пасайтириш ҳисобига рентабелликни ошириш йўлларини кўрсатиш;
- хўжалик субъектларининг пул ресурслари ва моддий бойликларни мақсадга мувофиқ обьектларга сарфлашга таъсир ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини тўғри юргизиш;
- амалдаги қонунчиликка ва норматив актларга риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, турли хил мулк шаклидаги корхоналарни солиқка тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- корхоналарнинг ташки иқтисодий фаолияти ва валюта операцияларидан юксак иқтисодий самара олиниши учун шарт-шароитлар яратилишига ёрдам бериш ва бошқалар.

Молиявий назорат иқтисодиётнинг барча жабҳаларида молиявий интизомни таъминлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган. Молиявий интизомни мустаҳкамлашнинг таъсирчан чораси молиявий жавобгарлиқдир. Молиявий жавобгарлик механизми молия интизомини бузган корхонага ёки шахсга нисбатан ҳам маъмурий, ҳам иқтисодий чоралар қўлланишини назарда тутади. Иқтисодий усул билан таъсир кўрсатиш муайян молиявий санкциялар қўринишида амалга оширилади.

Молиявий жавобгарлик механизми иқтисодиётдаги барча субъектларнинг молиявий маъсулияти мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Бунда молиявий санкцияларнинг амалдаги таъсирчанлигига эришиш бош масала ҳисобланади. Ўз навбатида молиявий санкциялар таъсири факат уларнинг миқдоригагина боғлиқ эмас, балки биринчи ўринда молиявий сунстельмопларнинг эътиборсиз қондирилмаслиги жуда муҳим аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида ва хўжалик бошқарувидаги кўп қиррали мураккаб вазифаларни хал этишда молиявий назорат фаол роль ўйнайди. Шунга биноан унинг ташкил этилиши муайян талабларга мувофиқ келиши лозим.

Молиявий назоратни, уни амалга оширувчи субъектларнинг мавқеи ва расмий мақомидан келиб чиқсан ҳолда, қуидаги турларга ажратадилар:

- давлат молиявий назорати;
- корхона ичида молиявий назорат;
- жамоатчилик молиявий назорати;
- холис (аудиторлик) молиявий назорати.

Давлат молиявий назоратини умумдавлат бошқарув органлари ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда давлатнинг ваколатли органлари амалга оширадилар. Умумдавлат бошқарув органлари томонидан молиявий назорат турли кўринишларда мамлакат худудидаги барча хўжалик субъектларини мулкчилик шаклидан ва ташкилий буйсунишидан қатъий назар қамраб олади. Хўжалик субъектлари фаолиятини у ёки бу тарзда бошқарувчи вазирликлар ва идоралар томонидан назорат уларнинг қўл остидаги субъектларнигина қамраб олади.

Корхона ичида молиявий назоратни корхона, ташқилот ёки муассаса ичида ташкил этилган иқтисодий хизмат (бухгалтерия, молия бўлими, ички аудит) амалга оширади. Назорат обьекти эса корхонадаги молиявий-иқтисодий жараёнлар ва корхона таркибига кирувчи тузилмавий бўлинмаларнинг фаолиятидир.

Жамоатчилик молиявий назоратини алоҳида гурӯҳ ёки мутахассислар ихтиёрий равишда ва меҳнат ҳақи талаб қилмасдан амалга оширадилар. Жамоатчилик вакиллари томонидан нималарнинг ва қандай молиявий назорат қилиниши назоратдан кўзда тутилган мақсадларга боғлиқ бўлади.

Холис (аудиторлик) молиявий назоратини маҳсус аудит фирмалари амалга оширади. Унинг мақсади корхона молиявий-хўжалик фаолиятига у билан манфаатлари боғлиқ шахслар манфаатлари ҳимоя қилиниши нуқтаи назаридан мустақил ва холис баҳо беришdir.

Молиявий назорат дастлабки, жорий ва сўнгги (якунловчи) назорат кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Дастлабки молиявий назорат юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик жараёни олиб борилиши учун муҳим аҳамиятга эга. У корхона молия режасини ишлаб чиқишида, кўриб чиқишида ва тасдиқлашда, муассасалар ва ташкилотларнинг харажатлар смета ишлаб чиқилишида, таъсис хужжатларини имзолашдан олдин бажарилиши лозим бўлган жараёнлар тартибини ўз ичига олади. Шундай қилиб, дастлабки молиявий назорат корхонада молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга кўмаклашади. Молиявий назоратнинг бу шакли амалдаги қонунчилик ва норматив актлар бузилишининг олдини олишга хизмат қиласи.

Жорий молиявий назорат корхонанинг жорий фаолияти мобайнида, молия-хўжалик операциялари жараёнида, молия режалари бажарилаётган пайтда қўлланади. Ушбу шаклнинг асосий аҳамияти шундаки, у корхонанинг ички резервларини ўз вақтида излаб топишга ва дарҳол ишга солишга ердам беради. Жорий молиявий назорат корхона, ташкилот ёки муассасанинг молия хизмати орқали молиявий интизом бузилишининг олдини олиш мақсадидаги кундалик тадбирларни амалга оширади.

Молиявий назоратнинг сўнгги ёки якунловчи шакли ҳисббот даври ёки молия йили тугагандан сўнг амалга ошириладиган тадбирлар йифиндисидир. Бунда, бюджетни ижро этишдан давлат пул ресурсларнинг мақсадга мувофиқ харажат қилингандиги, корхона ва ташкилотнинг молиявий режаси бажарилиши, бюджет муассасиси сметанинг бажарилиши натижалари текширилади.

Якуний назорат дастлабки ва жорий назоратлар натижаларига суянган ҳолда, улар билан узвий боғлиқликда амалга оширилади.

Молиявий назорат амалга оширилиши усуулларига қараб текшириш, таҳлил, тафтиш ва аудит сифатида бажарилиши мумкин.

Текшириш усули орқали бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбботлари баланс ва харажат хужжатлари асосида корхона молия-хўжалик фаолиятининг алоҳида масалалари кўриб чиқилади. Текшириш жараёнида молиявий интизом бузилишлари ва нуқсонлар аниқланади, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Молиявий назоратнинг таҳлил усули одатда унинг барча бошқа усууллари қўлланаётган пайтларда ҳам ишга солинади. Шу билан бирга таҳлил назорат жараёни учун мустақил аҳамиятга ҳам эга. Молиявий назоратнинг таҳлил усули мунтазам ва омилкор бўлиши лозим, чунки у кўпроқ даражада даврий ва йиллик ҳисбботлар маълумотлари асосида бажарилади. Таҳлил маблағлар харажатлари нормаларга мувофиқ бўлишини ва режалар бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Молиявий назоратнинг тафтиш усули корхона ва ташкилотнинг ҳисббот давридаги молия-хўжалик фаолиятини текширишнинг энг қатъий ва принципиал усули ҳисбланади. Тафтиш мобайнида тафтиш қилинаётган

даврдаги фаолиятнинг ёки тафтиш билан қамраб олинаётган фаолият соҳасининг барча жиҳатлари истисносиз равища тўла текшириб чиқилади. Шунинг учун тафтиш молиявий назоратнинг энг қимматга тушадиган усулидир.

Амалиётда ҳар қандай тафтишни амалга оширишдан олдин маҳсус дастур қабул қилиниб, унда тафтиш мақсади, обьекти, мавзуси ва вазифаларни бажариш билан боғлик бўлган асосий масалалар акс эттирилади. Тафтишнинг мақсадига мувофиқ ҳолда режа ва ҳисоботдаги маълумотларни қиёслаш, нақд маблағларни текшириш, ҳужжатли ва қарама-қарши текшириш, товар-моддий бойликларни инвентаризациялаш ва бошқа шу каби назорат усуllibари ишга солинади.

Тафтиш натижалари тафтишни амалга оширган мутахассислар томонидан тузиладиган далолатнома кўринишида расмийлаштирилади. Далолатномада корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятида юзага келган камчиликлар ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар кўрсатилади.

Молиявий назоратнинг субъектлари молиявий назоратни амалга ошириш вазифаси юкланган маҳсус органлар ва ташқилотлардир. Жумладан, Молия вазирлиги таркибидаги молия органлари давлат молиясига ва унинг марказий бўғини бўлган давлат бюджетига пул ресурсларини жалб этилишини ва харажатларнинг мақсадли ҳамда самарали амалга оширилишини назорат қилиб туради. Молия вазирлиги таркибида назорат-тафтиш бошқармаси (департаменти) фаолият олиб борса, маҳаллий-худудий молия бошқармаларида бош назорат-тафтиш бўлинмалари функционал ишларни олиб боради.

Шунингдек, давлат номидан молиявий назорат олиб бориш вазифаси солик органлари з иммасига ҳам юкланган. Давлат солик қўмитаси молиявий назоратни тезкор амалга оширишнинг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида» ги қонунига биноан ўз фаолиятини олиб боради. Давлат солик хизматининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- соликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, соликларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солик тўловчиларга соликлар бўйича мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш;
- солик сиёсатининг руёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;
- соликка тортиладиган обьектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;
- соликлар бўйича ҳукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий назоратнинг янги тури вужудга келди ва у аудиторлик назорати сифатида намоён ъўлмоқда. Аудитнинг тафтишдан энг биринчи тафовути шундаки, аудит текшируви

корхонадан мустақил бўлган, холис ва профессионал текширувчи томонидан ўзаро келишилган ҳак эвазига амалга оширилади.

Аудит текшируви мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналарда ўтказилиши мумкин. Аудиторлик фирмаси бу мустақил муассаса бўлиб, унинг мустақиллиги назоратнинг объективлигини таъминлашга ва юқори сифат даражасига хизмат қиласди. Аудитор давлат хизматчиси эмас, балки молия, ҳисоб ва назорат соҳасидаги юқори малакали мутахассис бўлган бухгалтердир.

Аудиторлар Аудиторлар палатасига бирлашганлар. Бу аудитор кадрларни ягона андозалар асосида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш аудиторларнинг профессионал билимлари юқори даражасини таъминлашга ва назорат қилишга хизмат қиласди.

Аудит текшируви ички (фирма доирасидаги) ва ташқи бўлиши мумкин. Ички аудит – бу компания ичидаги аудит хизмати бўлиб, унинг бош идораси таркибида ёки филиал ва бўлинмалар таркибида ҳам бўлиши мумкин. Ички аудит корхонада молия-хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга, бошқарув қарорларининг уз вактида ва тўғри ижро этилишини таъминлашга, фойда ва рентабелликни оширишга йўналтирилган. Ички аудитнинг вазифалари га куйидагилар киради:

- даврий ва йиллик ҳисботларни тайёрлаш чогида бухгалтерия ҳисоби коида ва принциплари га риоя қилинишини таъминлаш;
- ташқи аудитор тафсияларини қайта ишлаш, кўриб чиқиш;
- корхона раҳбарига фирма молия стратегиясининг барча масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- молиявий ҳисботлар ва маълумотларнинг аниқлиги, шубҳасизлиги ва ўз вақтидалигини текшириш;
- корхона активларнинг бутлигини сақлаш бўйича борилаётган чоратадбирларнинг таҳлили;
- ликвид маҳсулотларни эҳтиёт қилилиниши ва резервларни аниқлаш;
- фирманинг ва филиалларнинг молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш ва бошқалар.

Ташқи аудитни ихтисослашган аудит фирмалари олиб борадилар. Ташқи аудитнинг асосий вазифаси корхона молиявий ҳисботларининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш. Лекин шу билан бирга аудит жараёнида корхонанинг молия-хўжалик фаолияти чуқур таҳлил этилади ва ундан нуқсонларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади. Ташқи аудитнинг мақсадлари ва вазифаларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- корхонанинг молия-хўжалик фаолиятининг ва бухгалтерия ҳисоби юритилишининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш ва унга баҳо бериш;
- корхона ички аудит хизматнинг таъсирчанлигини ва самарадорлигини аниқлаш;
- корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳо бериш;
- корхона фаолиятининг яхшилаш бўйича молиявий тавсиялар бериш;

- солиқка тортиладиган даромадлар тұла ва түғри ҳисобга олинганлигини аниклаб бериш, корхонага нисбатан молиявий жарималар күлланишининг олдини олишга күмаклашиш;

- аудит текширувини ўтказиш ҳақидаги шартномада келишиб олинган бошқа вазифалар.

Аудит текширувини шартли равища уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси тайёргарлик босқичи бўлиб, унда маълумотлар танланади ва бир тизимга келтирилади, ҳисботлардаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида улар таққослаб чиқилади. Иккинчи босқичда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари маълумотлари таҳлил этилади. Учинчи босқичда хулоса ишлаб чиқилади. Аудитор корхонанинг тижорат сири сақланишига кафолат бериши лозим. Корхона фаолияти ҳақидаги маълумотлар аудитор томонидан у ёки бу тарзда ошкор қилинишига фақат қонунчиликда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Молия вазирлигидан лицензия олиш ҳамда «Аудиторлик тўғрисида»ги қонун талабларга мувофиқ келиш талаб этилади.

## 14.2. Корхона фаолиятида молиявий назоратни ташкил этиш

Молиявий менежментнинг назорат функцияси корхонада пул оқимлари устидан назорат сифатида амалга оширилади. Бунда тўлов ва ҳисбекитобларнинг олиб борилишидаги молиявий кўрсаткичларнинг ўзгаришлари устидан назорат ва таҳлил молиявий стратегиянинг изчил равища амалга оширилишига күмаклашади.

Молиявий менежментнинг назорат функцияси корхонада даромад манбаларини, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида пул фонdlари структурасини аниклаш, корхонанинг пул фонdlари ва моддий ресурсларидан фойдаланишда даромадлар ва харажатларни тартибга солиш мақсадларига хизмат қиласи.

Корхонанинг моддий ва молиявий маблағларини, даромад ва харажатларини баланслаштиришда хом ашё, моддий ресурслардан самарали фойдаланиши, меҳнат умумдорлигини ошириш, қарзлар ва тўловларни ўз вақтида тўлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун корхонада молиявий назорат **куйидаги йўналишларда** намоён бўлади:

- корхона шакланадиган барча фонdlари молиялаштириш манбалари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилиши устидан назорат;
- корхонада ишлаб чиқариш истеъмоли ва ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларига асосланган ҳолда фонdlар структурасига амал қилиниши устидан назорат;
- Молия ресурсларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назорат.

Корхонада молиявий назоратнинг таъсирчанлигини ошириш учун нормативлар ишлаб чиқилиши ва кўлланиши яхши натижа беради. Бунда пул ресурслари фондининг манбалари ва молиялаштириш ҳажми аникланади. Нормативлардан фойдаланиб, молиявий ресурслар тартибга солинади,

иқтисодий муносабатлар йўлга қуйилади. Пул фондларидан фойдаланиш смета бўйича ёки молиявий режа бўйича ташкил этилади, унга суянган ҳолда фойдаланишнинг мақсадли ҳамда самарали амалга оширилиши устидан назорат олиб борилади.

Мулкчилик турли шаклига мансуб корхоналарда бошқарув органлари таркибий тузилиши фарқланади, молиявий назоратнинг умумий мазмуни, умуман олганда, бир хил ва корхоналароро тафовутлар кўпроқ даражада мулкчилик шаклига эмас, балки корхонанинг тармоқ хусусиятларига боғлиқ бўлади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонуннинг 63-моддасига биноан акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан **ички назоратни** тафтиш комиссияси ва аудитор амалга оширадилар. Мазкур қонунда акциядорлик жамиятининг бошқарув органларига қўйилган умумий мажбурий талаблар мавжуд, лекин шу билан биргаликда у акциядорларнинг жамиятни бошқаришни ташкил этиш, ваколатларни бошқарув органларни ўртасида тақсимлаш, доимий ёки вақтингчалик назорат органларини ташкил этишининг турли вариантларини танлаш ҳуқуқини назарда тутади. Умуман олганда қонунда акциядорлик жамиятларида бошқарув ва назорат вазифалари амалга оширилишида қуидаги органлар тузилиши назарда тутилган:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- кузатув кенгаши;
- ижроия органи;
- тафтиш комиссияси;
- аудитор;
- саноқ комиссияси;
- тугатиш комиссияси.

Бу органлар сайлаб ёки тайинлаб қўйилишида акциядорлар бевосита ёки билвосита иштирок эта оладилар. Назорат органлари таркибига шартли равишда акциядорлар реестрини юритувчи мустақил реестр сақловчини ҳам киритиш мумкин. Чунки у бажарадиган назорат ва ҳисоб юритиш вазифалари акциядорлик жамиятини бошқаришга таъсир этади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуннинг 64-моддасида акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органи эканлиги қайд этилган. Умумий йиғилиш жамиятни ташкил этиш, унинг фаолияти, уни қайта ташкил этиш, тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади, жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади.

Овоз берувчи акцияларнинг эгалари сони ўттиз кишидан кам бўлган жамиятда кузатув кенгаши вазифалари жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилиши зиммасига юкланиши мумкин.


Акциядорлар умумий йиғилиши одатда бир йилда бир марта умумий ҳисбот йиғилиши сифатда чақирилади. Умумий йиғилишлар оралиғида акциядорлар номидан жамиятнинг **кузатув кенгаши** иш олиб боради.

Кузатув кенгашининг микдор таркиби акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари сони беш юздан ортиқ бўлган жамиятда **кузатув кенгаши** аъзолари сони 7 кишидан, овоз берувчи акцияларнинг эгалари мингтадан ортиқ бўлган жамиятда эса 9 тадан кам бўлиши мумкин эмас.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуннинг 83-моддасига биноан акциядор **кузатув кенгаши** аъзоларни сайлашда ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки бир неча номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Қонуннинг 76-моддасига биноан **кузатув кенгаши** аъзоларни сайлашда куммулятив овоз бериш қўлланади, яъни барча номзодларга берилган овозлар сони йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акциялар сони билан белгиланади ва ундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

### Акциядорлик жамиятини бошқариш ва назорат қилиш органлари



**Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни ижроия органи амалга оширади.** Бу вазифани яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиал ижроия органи (бошқарув) бажариши мумкин.

**Директор** акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритади, битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар чиқаради ва кўрсатмалар беради. **Назоратни амалга ошириши** учун акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият уставига мувофиқ **тафтиши комиссияси** - жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат килувчи **ички назорат** органи сайланади. Унинг аъзоси бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг ҳам аъзоси бўлиши ёки жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мумкин эмас. Умумий йиғилиш қарори билан коллегиал орган - **тафтиши комиссияси** ўрнига тафтишчи сайланиши мумкин.

**Аудитор** номзоди акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Жамиятнинг **молия-хўжалик фаолиятини текшириши** жамият билан аудитор ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Аудитор хизматига тўланадиган ҳақ микдори жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуннинг 73-моддасига мувофиқ овоз берувчи акциялар эгаларининг сони юздан ортиқ бўлган жамиятда **саноқ комиссияси** тузилади. **Саноқ комиссияси** таркиби камидан уч кишидан иборат бўлиши лозим. Овоз берувчи акциялар эгалари сони беш юздан ортиқ бўлган жамиятда саноқ комиссияси вазифалари жамиятнинг **ихтисослаштирилган реестр сақловчиси** зиммасига юкланиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган молиявий назоратни амалга оширишга дахлдор бўлган органлар орасида аудиторнинг алоҳида мавқега эга эканлигини таъкидлаш лозим. Аудит акциядорлик жамиятида мулқдорларнинг буюртмаси асосида ўтказилади, чунки аудиторнинг номзодини акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаши лозим. Шундай экан, ёлланма хизмат сифатида аудит корхона хўжалик фаолиятининг **ички назорат** қилинишини билдиради. Айни пайтда ўзининг расмий мақомига кура аудит молиявий ахборотдан манфаатдор ташқи фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши ҳам талаб этилади. Бу томондан аудит корхонага нисбатан **ташқи молиявий назорат** бўлиб майдонга чиқади.

Корхона фаолиятини **ташқаридан молиявий назорат** қилиш солиқ органлари, тижорат банклари, божхона органлари, қимматли қофозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи орган, начор корхоналар ишлари бўйича давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилади. Булар орасида солиқ назорати ва банк назорати марказий ўрин эгаллайди.

**Солиқ органлари** томонидан қўйидагилар назорат қилинади:

- давлат олдидағи корхонанинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларининг тўла ҳажмда ва ўз вақтида бажарилиши;

- бухгалтерия ҳисобида корхона даромадлари ва харажатларининг, молмулкнинг тўғри ва тўла акс эттирилиши;
- нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўла ҳажмда банкка топширилиши;
- тўлов интизомига риоя этилиши, дебитор ва кредитор қарзлар бўйича амалдаги қонунчиликка риоя этилиши;
- ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида берилиши;
- экспорт-импорт операциялари тартибига ва валюта қонунчилигига риоя этилиши.

**Банк назорати** ҳам солик назоратида белгиланган деярли барча йўналишларни қамраб олади. Банклар бундан ташқари корхона билан кредит муносабатларига ҳам киришишлари мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда банк кредитнинг мақсадли ишлатилишини назорат қиласи ҳам корхона молиявий аҳволининг мониторингини олиб боради.

### **14.3. Молиявий назоратда қўлланадиган асосий кўрсаткичлар**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг барқарор ривожланиши ва юқори даромад келтириши унинг молиявий кўрсаткичларида ўз ифодасини топади. Шу туфайли бу кўрсаткичлар корхонанинг инвесторлар учун жозибадорлигини белгилаб беради. Молиявий кўрсаткичлар қанчалик яхши бўлса, корхонага йўналтирилган ва йўналтирилаётган инвестициялар (молиявий ресурслар) бўйича таваккалчилик ёки хатар шунчалик паст ҳисобланади.

**Молиявий кўрсаткичлар** корхона молиявий аҳволини ифодаловчи нисбий кўрсаткичлардир. Шунинг учун уларни ўтган давр ёки турдош корхоналар билан таққослаб кўрадилар. Айни пайтда абсолют миқдорларда ифодаланувчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд, лекин уларни турли корхоналар бўйича ҳамма вақт ҳам таққослаб бўлавермайди.

Молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш маблағларни йўналтириш турли варианtlаридан молиявий жиҳатдан энг ишончлиси ва самаралисини танлаб олишда ёрдам беради. **Молиявий кўрсаткичларни қўйидаги гурӯҳларга** бўлиш мумкин:

1. Ликвидлик кўрсаткичлари.
2. Активларни бошқариш кўрсаткичлари.
3. Рентабеллик кўрсаткичлари.
4. Қарзларни бошқариш кўрсаткичлари.

Корхона молиявий барқарорлигининг энг муҳим мезонларидан бири унинг **ликвидигини** баҳолашдир. Корхонанинг ликвидлиги унинг қисқа муддатли қарзлари бўйича тўловларни бажара олиш қобилиятини ифодалайди. Активларнинг энг ликвид тури пул маблағларидир. Пулдан қарзларни тўлаш учун ҳам, моддий ресурслар сотиб олиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Ўз қийматини йўқотмасдан тез муддатларда пулга айлана оладиган активлар ликвид активлар деб ҳисобланади.

Ликвидлик кўрсаткичларидан биринчиси **тўлов қобилияти коэффициенти ёки қоплаш коэффициенти** деб аталади. У айланма маблағлар миқдорини (Ай) жорий мажбуриятлар ҳажмига (ЖМ) бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади:

$$K1 = \frac{Ай}{ЖМ}$$

Айланма маблағлар таркибига пул маблағлари, омбордаги товарлар ва дебиторлик қарзлари киради. Жорий мажбуриятлар банкдан қисқа муддатли қарздорлик, моддий ресурсларни етказиб берувчилардан қарзлар, бюджетдан ва нобюджет фондлардан қарзларни ва иш ҳақи бўйича қарзларни ўз ичига олади.

Акциядорлик жамияти жорий қарзларни қисқа муддатларда тўлаб бера олмаса, **банкротлик хавфи** вужудга келади. қисқа муддатли қарздорликда тўлов муддати жуда тез етиб келади. Шунинг учун корхона маблағларининг муайян қисми уларни ўз вақтида қоплаш учун шай ҳолда бўлиши керак. Бу эса активларнинг ликвидлик даражасига боғлиқ. Одатда **корхонанинг айланма маблағлари қанча кўп бўлса, корхонанинг ликвидлик даражаси шунча юқори бўлади**, чунки айланма маблағларни пулга тезроқ айлантириш мумкин. Маскур кўрсаткич 2:1 дан 3:1 гача бўлган ҳолатни нормал деб ҳисоблайдилар. Кўрсаткич 1:1 дан кам эканлиги асосий воситалар ҳам қисман қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан молиялаштирилаётганлигини билдиради. Бу иқтисодий нуктаи назардан салбий баҳоланади.

Иккинчи кўрсаткич «тез» **ликвидлик коэффициенти** деб аталади:

$$K2 = \frac{Ай - ТМЗ}{ЖМ}$$

Бу ерда ТМЗ - товар-моддий заҳиралар.

Товар-моддий заҳираларнинг ликвидлиги ҳамма вақт ҳам кутилган даражада бўлавермайди. Шунинг учун биринчи кўрсаткичга тегишли тузатиш киритилади. Иккинчи кўрсаткичнинг 1,2:1 дан 1,8:1 гача даражаси нормал ҳисобланади.

Учинчи кўрсаткич **абсолют ликвидлик коэффициенти** деб аталади. Унинг миқдори пул маблағлари (Пм) ва тез сотиладиган қимматли қоғозларнинг (Кк) қисқа муддатли қарздорликка нисбати каби ҳисоблаб чиқилади:

$$K3 = \frac{Пм + Кк}{ЖМ}$$

Кўпчилик мутахассислар мазкур кўрсаткичнинг миқдори 0,2:1 дан пасайиб кетса, корхонада молиявий тенглик вужудга келади деб ҳисоблайдилар.

Корхона бошқарув органлари молиявий-иктисодий фаолияти сифатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисоб-китоблар бўйича **айланувчанлик коэффициентидир**:

$$K4 = \frac{\text{Дебиторлик қарзлари}}{\text{Реализация ҳажми/360}}$$

Бу кўрсаткич дебиторлик қарзларини сотиш ҳажмига таққослаган ҳолда сотилган товарлар учун тўловлар қанчалик тез муддатларда ундирилаётганлигини акс эттиради. Бу кўрсаткич самараасиз бошқарув, кучли рақобат ёки харидорларнинг тўловга ноқобиллиги натижасида ёмонлашиши мумкин. Яна бир кўрсаткич корхона товар-моддий заҳираларининг *айланниши тезлиги коэффициентидир*:

$$K5 = \frac{\text{ТМЗ}}{\text{Реализация ҳажми}}$$

Корхона молиявий аҳволини таҳлил қилишда «соф айланма капитал» тушунчасидан фойдаланадилар:

$$K6 = \text{айланма маблағлар} - \text{қисқа муддатли кредиторлик қарзлари}.$$

**Соф айланма капиталнинг** мавжудлиги айланма маблағларнинг корхона ўз манбалари ёки узоқли муддатли қарз манбалари ҳисобига шаклланишини характерлайди ва бу молиявий барқарорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Худди шу кўрсаткични соф айланма капиталнинг жорий мажбуриятларга нисбати каби ҳисоблаб чиқилганда ҳаракатчан қоплыш коэффициенти ҳосил бўлади. Бу коэффициентнинг бирдан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги хўжалик фаолияти натижасида уз маблағлари жамғариворлиги борилишида, маблағларнинг уз ва қарз манбалари нисбатида, асосий воситалар бирламчи қийматида жамғарилган амортизациянинг улушкида моддий айланма маблағларнинг ўз манбалари билан тахминланганлигига ҳам ифодаланади.

**Автономия (мустақиллик) коэффициенти** корхонанинг жами мулкида корхона эгалари қанча миқдорда улушга эга эканликларини кўрсатиб туради. Бу коэффициент ишлаб чиқариш корхоналарида 0,5 дан кам бўлмаслиги лозим. Иқтисодий жиҳатдан мақбул даражаси 0,7-0,8 ҳисобланади, чунки хўжалик амалиётида ҳар қандай корхона кредиторлик қарзларидан фойдаланиб ишлашига тўғри келади.

**Банкротликни башиоратлаш коэффициенти** соф айланма капиталнинг баланс активи умумий суммасидаги улушкини ифодалайди. Агар фирма молиявий қийинчиликларга дуч келса бу кўрсаткич тезлик билан пасайиб кета бошлайди.

**Иммобилизация коэффициенти** (амортизациянинг жамғарилиши коэффициенти) асосий воситаларнинг умумий аҳволини характерлайди. Бу коэффициент жамғарилган амортизациянинг асосий воситалар дастлабки қийматига нисбатан каби аниқланади. Унинг 0,5 дан ортиб кетиши корхонадаги асосий воситалар анча эскириб колганлигини билдиради.

**Молиявий барқарорлик коэффициенти** баланс пассиви умумий сўммасида корхона уз фаолиятида узоқ муддат фойдалана оладиган манбалар

улушини ифодалайди. Автономия коэффициентидан унинг фарқли жойи шундаки, бу ерда узок муддатли қарзлар ва мақсадли молиявий тушумлар корхона ўз пассивлари билан бирлаштирган ҳолда олинади.

Корхона фаолиятига баҳо беришда **айланма маблағлардан фойдаланиши кўрсаткичлари** муҳим ўрин тутади.

Ўз айланма маблағлари мавжудлигини аниқлаш учун баланс пассиви биринчи бўлими умумий суммасидан (маблағлар ўз манбалари) баланс активининг биринчи қисми умумий суммаси (узок муддатли активлар) айриб ташланади. Бу кўрсаткични **баланс ликвидлиги** ёки **иичи капитал** деб ҳам атайдилар. Баланси ноликвид корхона кредит қобилиятига эга эмас деб ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. Корхона фаолиятини молиявий назорат қилишнинг мазмунини тушунтиринг.
2. Молиявий назоратнинг хуқуқий асослари нималардан иборат?
3. Корхона фаолиятида молиявий назоратни ташкил этиш қандай амалга оширилади?
4. Молиявий назоратда қўлланадиган асосий кўрсаткичларни тавсифлаб беринг.
5. Баланс ликвидлиги нима?

## **XV БОБ. МОЛИЯВИЙ ТАВАККАЛЧИЛИК (РИСКЛАР) МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

### **15.1. Таваккалчилик (риск) тушунчаси ва уни бошқариш**

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожланиб бориши билан хўжалик юритишнинг асосини ташқил этувчи рақобатнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бундай шароитда муваффақиятли фаолият юритиш учун тадбиркорлар самарали бошқарув услубларини билишлари, таваккалчилик чегараларини аниқлай олишлари, мавжуд варианлардан энг мақбулини танлай олишлари керак. Бу эса тадбиркорнинг ишбилармонлик ўобилияти билан белгиланади ва ҳар бир тадбиркордан маълум даражада билим ва малака талаб қиласди.

**Тадбиркорлик** – фойда олиш мақсадида ўз мол-мулкини таваккалчилик асосида бизнесга тикиш жараёни эканлиги туфайли, бундай фаолият доимий равишда маълум бир хатарлар билан боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз ва хорижда тўпланган тажрибалар тадбиркорлик фаолиятини таваккалчиликсиз амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган инсонларнинг ҳаёти умид ва тушкунлик, тинимсиз меҳнат ва хавотирларга тўла бўлади.

Тадбиркор таваккалчилиги юқори бўлган ишга тайёр бўлган одамлар ўаторига киради. У таваккалчилиги ўта юқори бўлган лойиҳаларни ечиши ва ҳал қилиши мумкин ёки таваккалчиликнинг даражаси унчалик кучли бўлмаган бизнес билан шуғулланиши мумкин.

**Таваккалчилик (риск)** – келгусидаги вазият ноаниқ бўлган шароитда пировард натижа яхши бўлишига умид боғлаб, мол-мулк ёки фойдадан маҳрум бўлиш (тўлиқ ёки қисман) хавфини ўз бўйнига олиб амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик турларининг моҳияти ва келиб чиқиш хусусиятларига кўра қуидагича туркумлаш мумкин :

- табиий жараёнлар билан боғлиқ таваккалчилик;
- ишлаб чиқариш фаолиятига оид таваккалчилик;
- маҳсулотларни ташиб ва асрар жараёни билан боғлиқ таваккалчилик;
- тиҷорат фаолиятига оид таваккалчилик;
- молиявий фаолиятга оид таваккалчилик;
- сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятдаги таваккалчилик.

Таваккалчиликни туғдирадиган хавфларнинг турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг баъзи бирлари субъектнинг ўз фаолиятини натижасида юзага келса, иккинчи турлари унга боғлиқ бўлмаган ташқи омилларнинг таъсирида юзага келади.

<b>Таваккалчиликнинг турлари</b>	<b>Таркиби</b>
Табиий жараёнлар билан боғлиқ таваккалчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фавқулодда юз берадиган табиий оғатларнинг (ер қимирлаши, ёнгин, сув тошқини, жала, дўл, довул, қурғоқчилик ва бошқа) хавфи;</li> <li>- табиий-иклимий шароитлар, об-ҳавонинг кескин ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарлар ва бошқалар.</li> </ul>
Ишлаб чиқаришга оид таваккалчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши ёки тўхтаб қолиши хавфи;</li> <li>- моддий ресурслар бўйича таъминотдаги узилишларнинг хавфи;</li> <li>- технологик асбоб-ускуналарнинг жисмоний ва маънавий эскириши, издан чиқиши ва бузилиш хавфи;</li> <li>- бино-иншоотларнинг емирилиши, чўкиши ва қулаши билан боғлиқ хавфлар;</li> <li>- сифатсиз хом ашё оқибатида яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш хавфи;</li> <li>- меҳнат хавфсизлигига риоя этмаслик оқибатида ходимларнинг жароҳат олиши хавфи ва бошқалар.</li> </ul>
Маҳсулотларни асраш ва ташишга оид таваккалчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- транспорт воситаларида юкларни ташиш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган йўқотишлар ва нобудгарчиликлар;</li> <li>- маҳсулотларни асраш жараёнида юз бериши мумкин табиий меъёрдаги ва ундан юқори бўлган бузилишлар ва нобудгарчиликлар хавфи;</li> <li>- товар-моддий қийматликларни ўғирлаш ва талон-тарож қилиш оқибатида кўрилиши мумкин бўлган заарлар.</li> </ul>
Тижорат фаолиятига оид таваккалчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар хавфи;</li> <li>- истеъмолчилар талабининг тушиб кетиши хавфи;</li> <li>- бозорда таклиф ҳажмининг кескин ошиб кетиши хавфи;</li> <li>- маҳсулотнинг сотилмай қолиши хавфи;</li> <li>- рақобат кўрашига бардош беролмаслик хавфи;</li> <li>- маҳсулот баҳосининг кескин пасайиши хавфи ва бошқалар.</li> </ul>
Молиявий фаолиятга оид таваккалчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- пулнинг қадрсизланиши ва инфляция хавфи;</li> <li>- валюта ҳисоб раўамидаги маблағларнинг салбий фарқланиши хавфи;</li> <li>- инвестицион сарфларнинг ўзини ўопламаслиги хавфи;</li> <li>- пул оўимлари ва айланма маблағларнинг</li> </ul>

	<p>етишмаслиги хавфи;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- дебитор ва кредитор ўарзларнинг кўпайиб кетиши хавфи;</li> <li>- нотўловлар хавфи;</li> <li>- қимматли қоғозлар қийматининг тушиб кетиши хавфи;</li> <li>- ўарзга олинган маблағларни қайтаролмаслик хавфи ва бошқалар.</li> </ul>
Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳарактердаги таваккалчилик	<ul style="list-style-type: none"> <li>- миллий можаролар, ҳарбий тўқнашувлар, ғалаёнлар, терроризм хавфи;</li> <li>- иш ташлашлар, коррупция ва жиноятчилик хавфи;</li> <li>- кутилмаганда солиў, божхона ва бошқа меърий қонунчилик ҳужжатларининг ўзгариши;</li> <li>- иқтисодий бекарорлик ва ўсиш суръатларининг пасайиши;</li> <li>- экспорт ва импорт тартибини мураккаблаштириш хавфи.</li> </ul>

Ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган таваккалчилик кўпинча қўйидаги сабабларга кўра вужудга келиши мумкин:

- бошқарув ходимларининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва бошқа соҳаларда нотўғри қарорлар қабул қилиши;
- ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишидаги хатоликлар;
- ходимларнинг ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошуви;

-субъектни ривожлантириш стратегияси ва бизнес режасини нотўғри шакллантириш;

- ўзини қопламайдиган ва аниқ ҳисоб-китоблар қилинмаган лойиҳаларга қўл уриш;
- даромадлар ва харажатларни доимий назорат остига олмаслик;
- бизнесдаги ташқи шерикларни танлашга масъулиятсизлик билан ёндошув;
- бухгалтерия ҳисобини тўғри ва аниқ юритмаслик;
- ҳисобот шаклларини тўғри ва аниқ тўлғасмаслик;
- бозор конъюктурасини, рақобат мухитини, талаб ва таклиф нисбатини, истеъмолчиларнинг ҳатти-ҳаракатини ва бошқа омилларни доимий кузатиб бормаслик.

Бундай таваккалчиликларнинг турларини субъект бошқарувчилари доимий равишда кузатиб боришлари ва улар натижасида юзага келадиган зарарларни пасайтириш тадбирларини белгилаб боришлари мумкин.

Ташқи омилларнинг таъсири натижасида юзага келадиган таваккалчилик турлари субъект бошқарувчилари ёки ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмай, кўпинча фавқулодда шарт-шароитларнинг таъсирида юзага келади.

Хар қандай тадбиркорлик фирмаси таваккалчилик билан боғлиқ фаолият олиб борар экан, доимий равища таваккалчилик турларини аниқлади, маъқул бўлган чегарасини белгилайди ҳамда унинг кескин оқибатларидан ўзини ҳимоялаш йўлларини қидиради.

Таваккалчилиқдаги хавф даражасини аниқлаш, унинг олдини олиш йўлларини излаб топиш ва оқибатида юз бериши мумкин бўлган заарларни пасайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга оид фаолиятни **таваккалчиликни бошқариши тизими** деб аталади.

Тадбиркорнинг **таваккалчиликни бошқариши** доирасидаги фаолияти ўз субъектининг даромадлигига таҳдид соловчи таваккалчиликларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Таваккалчилиқни оқилона бошқариш субъектнинг узоқ муддатли истиқболда муваффақиятга эришиш имкониятини оширади, унинг молиявий ҳолатининг ёмонлашиш хавфини бир мунча бўлсада камайтиради.

Тадбиркор учун пайдо бўладиган таваккалчиликни тахминий билиш зарурдир, лекин бунинг ўзи етарли эмас. Муҳими, таваккалчиликнинг аниқ тури корхона фаолиятига қандай таъсир кўрсатаётганлиги ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқлаб, уни тўғри баҳолай билиш ва шундан сўнг субъектининг иқтисодий самарадорлигига таъсирини ҳисоблаб топишдир. Таваккалчилиқни бошқариш бир-бирини тўлдириб борувчи бир нечта босқичлардан иборат бўлади.

Таваккалчилиқни бошқаришда энг аввало юзага келиши мумкин бўлган унинг турлари аниқланади, улар таҳлил этилади ва заарнинг кутиладиган даражаси ҳисобланади. Кейинги босқичда унинг олдини олиш, кўрилиши мумкин бўлган заарларни пасайтириш ёки суғурталаш тадбирлари ишлаб чиқилади ва уни бошқариш усуллари танланади. Охирги босқичда эса кўрилган заарларни қоплаш, оқибатларини таҳлил этиш ва бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Умуман олганда, таваккалчилиқни бошқариш тадбиркорга ресурслардан янада оқилона фойдаланиш, жавобгарликни тақсимлаш, фирма фаолиятининг натижаларини яхшилаш ва таваккалчиликнинг таъсиридан ҳавфсизлигини таъминлаш имконини яратилади.

## 15.2. Таваккалчилиқни баҳолаш усуллари

Таваккалчиликларни бошқариш жараёнида асосий эътибор уни баҳолашга қаратилади.

**Таваккалчилиқни баҳолаш** –унинг даражасини микдорий ёки сифат ўлчамлари билан аниқлашдир.

Таваккалчиликнинг тахминий эҳтимолини аниқлаш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Илмий адабиётларда тадбиркорлик таваккалчиликларини баҳолашнинг 4 усули келтирилади:

- *Статистик усул;*
- *Эксперт усули;*
- *Аналитик усул;*

- **Комбинациялаширилган усул.**

**Статистик усулда** субъектнинг ва тармоқдаги бошқа турдош субъектларнинг бир неча йиллик фаолияти давомида юз берган таваккалчилик ҳодисалари ҳамда уларнинг таъсирида кўрилган заарларнинг даражаси ўрганиб чиқилади.

**Эксперт усулида** иш тажрибаси юқори ва мазкур соҳада эксперт ҳисобланган юқори малакали мутахассисларнинг фикрлари, аниқ ҳисобкитоблари ва тавсиялари эътиборга олинади.

**Аналитик усулда** иқтисодий-математик усуллар, вазиятли иш ўйинлари ва эўтимоллар назариясидаги моделлар ёрдамида таваккалчиликнинг даражасига баҳо берилади.

**Комбинациялаширилган усул** юқорида келтирилган барча усулларни ёки улардан бир нечтасини кўллаш орқали амалга оширилади.

Тадбиркорлик таваккалчилигини ҳал қилиш жараёнида тадбиркор олдида мавжуд усуллардан бирини, яъни талабга жавоб берадиганини танлаш масаласи кўндаланг турди. Бунинг учун тадбиркор барча ҳолатларни таҳлил қилиб чиқиши керак. Тадбиркорлик таваккалчилигини баҳолаш ва ҳисобларнинг аниқлиги мутахассисларнинг малакасига ва улар ҳал қилаётган ҳолатга боғлик.

Ўз фаолияти учун маъқул бўлган таваккалчилик даражаси, қоида бўйича, активлар ва хусусий капиталнинг қиймати, пул оқимларининг миқдори, тўловга қобиллик даражаси, соф фойда ва рентабеллик каби кўрсаткичлар билан аниқланади.

Таваккалчиликнинг **йўл қўйилиши мумкин бўлган, жиддий зарар тугдиралигидан ва ўта хавфли** даражалари мавжуд бўлади.

**Йўл қўйилиши мумкин бўлган** таваккалчилик даражасида кўрилган заарларнинг миқдори субъектнинг ҳақиқатда эришган соф фойдаси миқдоридан ошиб кетмагани маъқул.

**Зарарнинг миқдори  $\leq$  Соф фойда**

**Жиддий зарар тугдиралигидан** таваккалчилик даражасида кўрилган заарларнинг миқдори субъектнинг соф фойдасидан юқори, аммо, жорий ликвидликни таъминлайдиган активларининг қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

**Соф фойда < Зарарнинг миқдори  $\leq$  Жорий ликвидли активлар**

**Ўта хавфли** таваккалчилик даражасида кўрилган заарлар субъектнинг жорий ликвидлигини таъминлайдиган активларининг қийматидан ошиб, хусусий капиталига тенглашиши ҳам мумкин. Ўта хавфли таваккалчилик оқибатида корхонанинг банкротликка учраш эҳтимоли вужудга келади.

**Жорий ликвидли активлар < Зарарнинг миқдори  $\leq$  Хусусий капитал**

Кўрилган заарнинг миқдори корхонанинг хусусий капиталидан ортиб кетганда (*Заарнинг миқдори > Хусусий капитал*) корхона тўловга қобиллигини йўқотади ва сўзсиз банкрот деб эълон қилинади.

Таваккалчиликни баҳолашда *коэффициентлардан* фойдаланиш мумкин. Соф фойдага, жорий ликвидли маблағларга ва хусусий капиталга нисбатан таваккалчилик коэффициентларини ҳисоблаш мумкин:

$$K_{c\phi} = \frac{3M}{C\Phi}, \quad K_{жслм} = \frac{3M}{ЖЛМ}, \quad K_{хк} = \frac{3M}{ХК}.$$

Бу ерда,

*K<sub>cφ</sub>*, *K<sub>жслм</sub>*, *K<sub>хк</sub>* – соф фойдага, жорий ликвидли маблағларга ва хусусий капиталга нисбатан таваккалчилик коэффициентлари;dir;

*3M* – кўрилган заарнинг миқдори, сўм;

*CΦ* – субъектнинг соф фойдаси, сўм;

*ЖЛМ* – корхонанинг жорий ликвидли маблағлари, сўм;

*ХК* – корхонанинг хусусий капитали, сўм.

Таваккалчилик коэффициентларини ҳисоблашда қўйидаги ҳолатларга ётиборни қаратиш керак. Агар соф фойдага нисбатан ҳисобланган таваккалчилик коэффициенти бирдан ортиб кетса, кўрилган зарар йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ортиб, жиддий зарар туғдирадиган таваккалчиликка айланганини билдиради ва зарарни миқдорини корхонанинг жорий ликвидли маблағларига нисбатан солишириш зарурияти туғилади. Жорий ликвидли маблағларга нисбатан ҳисобланган таваккалчилик коэффициенти бирдан ортиб кетганда эса, таваккалчилик даражаси корхона учун ўта хавфли эканлигидан дарак беради ва зарар миқдорини хусусий капитал билан солишириш зарурияти туғилади. Ҳар учала формулада ҳам таваккалчилик коэффициентлари бирдан кичик ёки тенг (*K<sub>m</sub>≤1*) бўлсагина ҳисобланаётган таваккалчилик мезонига мос келади.

Корхона қанча катта капиталга эгалик қилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги, рентабеллик даражаси ва жорий активлар ликвидлиги юқори бўлса, унинг таваккалчиликка таъсири шунча кам бўлади ва тадбиркор таваккалчилик вазиятларида қўрқмасдан масалаларни ҳал қилиши мумкин.

Таваккалчиликни баҳолаш ҳар бир тадбиркорнинг ақл-идрокига боғлиқ. Консерватив тоифадаги тадбиркорлар, одатда, янгиликларга кўп интилмасдан, мумкин бўлган ҳар қандай таваккалчиликдан ўочишга ҳаракат қиласидар. Бошқа тоифадаги тадбиркорлар эса, агар таваккалчилик меъёр даражасида бўлиб, уни баҳолаш ва олдини олиш ёки оқибатларини пасайтириш мумкин бўлса, таваккал қилиш йўлини танлайдилар. Кўпчилик мутахассислар фикрига кўра, таваккалчиликка бормасдан бизнесда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Таваккалчиликка бўлган муносабат тадбиркор эга бўлган сармоя миқдорига ҳам боғлиқ. Масалан, тадбиркорнинг сармояси 100 минг сўмга тенг бўлса, унинг учун 20000 сўмлик зарар жуда катта йўқотиш бўлади. Агар

у 10 млн. сўмлик саромояга эга бўлсачи? Бу ҳолда 20000 сўмга тенг зарар билан таваккалчилик қилиш унчалик хавф туғдирмайди.

### **15.3. Таваккалчиликни камайтириш йўллари**

Мавжуд ноаниқликлар ва хатарлар тадбиркорни ўз лойиҳасининг фойдалилигини чуқур таҳлил этишга, ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларни тежамкорлик асосида пухта сарфлашга, асосий воситалар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишга, баҳо сиёсатини тўғри белгилашга ундейди. Акс ҳолда корхона фаолияти инўироз билан якун топиши мумкин.

Таваккалчиликни камайтиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

- 1. Таваккалчиликнинг пайдо бўлишидан қочиши.**
- 2. Таваккалчиликнинг таъсирини камайтириши.**

Биринчи ҳолатда тадбиркор ўз фаолиятига хавф туғдирадиган ҳар ўнданай хатарни четлаб ўтишга ҳаракат қиласди.

*Иккинчи ҳолатда эса тадбиркор таваккалчиликнинг субъект ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига таъсирини (зарарни) пасайтириш чораларини излайди.*

Таваккалчиликни камайтиришнинг йўналишларини белгилашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак:

- агар тадбиркорнинг фаолият тури муқаррар равишда таваккалчилик билан боғланган бўлса, бундай ҳолатда уни четлаб ўтиш имконияти бўлмайди;
- бир турдаги таваккалчиликдан қочиш унинг иккинчи турини туғдириши мумкин;
- таваккалчиликдан қочиш юқори даражада фойда келтирадиган соҳаларда бизнес имкониятларини чеклайди;
- тадбиркорлик фаолиятининг кўлами йирик ва кутилаётган фойданинг миқдори қанча кўп бўлса, таваккалчиликнинг юзага келиши эҳтимоли ҳам шунча юқори бўлади ва ҳоказо.

Таваккалчиликни камайтиришда тадбиркор унинг таъсирини **ўзига олиши, тақсимлаши ёки бошқаларга ўтказиши** мумкин.

Таваккалчиликни **ўзига олиши** қуйидаги қўринишларда бўлиши мумкин:

**1. Олдиндан режалаштирилган ҳолда зарарларни тўпловчи маҳсус заҳира жамғармаларини яратиш.**

**2. Режалаштирилмаган таваккалчиликдан қўрилган зарарларни фойда ёки активлар ҳисобидан қоплаш.**

Олдиндан режалаштирилган заҳира жамғармаларини яратиш ўзини-ўзи суғурталаш жараёнини англатади. Субъект фавқулодда юз берадиган таваккалчилик ҳолатлари учун фойдадан ажратма ҳисобига маҳсус жамғарма (таваккалчилик жамғармаси) яратади. Масалан, йирик тадбиркорлик субъекти унча қиммат бўлмаган ускунани тасодифий хатарлардан суғурталашни маҳсус суғурта компанияси орқали оширишни маъқул

кўрмайди. Ўзини-ўзи суғурталаш зарар эҳтимоли кичик бўлгандагина мақсадга мувофиқ. Бироқ, заҳира жамғармаси фойда келтирмайдиган ўлик капитал эканлиги учун, тадбиркорлар бундай жамғармани қисқартиришга ҳаракат қиласидилар.

Иккинчи ҳолатда, яъни режалаштирилмаган таваккалчиликни ўзига олишда тадбиркорлик фирмаси таваккалчилик натижасидаги йўқотишларни фойда ёки активлардан қоплашига тўғри келади. Агар йўқотишлар ҳажми фойдадан катта бўлса, жорий ликвидли активлар ёки хусусий капиталнинг бир қисмидан воз кечишга тўғри келади.

Тадбиркорлик таваккалчилигини пасайтиришнинг яна бир усули бу таваккалчиликни **тақсимлаш** ёки **бирлаштириш** йўли билан йўқотишларни Қисқартириш ҳисобланади.

**Таваккалчиликни тақсимлаш**, одатда, тадбиркорлик фирмасининг активларини тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

Мулк тадбиркор оиласининг турли аъзолари номига ўтказилади ёки шу мақсад учун яратилган корпорация ва траст фирмалари номига ўтказилади. Бунда бир мақсад атрофида бирлашган тадбиркор оиласининг аъзолари ёки яқин алоқада бўлган тадбиркорларнинг гурухи (ширкат, корпорация, концерн ва бошқа) таваккалчилик қилиш оқибатида кўрилиши мумкин бўлган фойда ва заарларни ўзаро тақсимлайдилар.

Таваккалчиликни тақсимлаш орқали камайтириш усулларидан бири – **диверсификациялашдир**. Унинг моҳияти бир-бири билан боғлиқ бўлган турли хилдаги фаолият кўринишлари ўртасида капитал қуйилмаларни ва товар-моддий ресурсларни тақсимлашдан иборат. Агар таваккалчилик оқибатида бир фаолият туридан зарар кўрилса, бошқасидан кўрилган фойда ҳисобидан уни қоплаш мумкин.

Диверсификациялаш ишлаб чиқариш, тижорат ва инвестиция фаолияти соҳаларида таваккалчиликнинг даражасини камайтириш имконини яратади. Уни диверсификациялаш қўйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- капитал сарфларни бир нечта фаолият турларига бўлиб сарфлаш;
- ҳар хил турдаги юқори даромад келтирадиган қимматли қоғозларга инвестиция қилиш;
- моддий-техник таъминоти бўйича ташқи шерикларнинг сонини кўпайтириш;
- турли сегментларни ўамраб олган бозор ва истеъмолчиларнинг талабига мос товарлар ишлаб чиқариш;
- бозор конъюктураси ва истеъмолчилар сегментига мос келувчи турли баҳо сиёсатини юритиш;
- юқ ташувчи турли транспорт субъектларининг хизматидан фойдаланиш;
- товар-моддий заҳираларни бир нечта жойда бўлиб асраш ва ҳоказо.

Амалиётда диверсификациялаш таваккалчиликни факат камайтириши эмас, аксинча ошириши ҳам мумкин. Тадбиркор ўз маблағини самарасиз

ишлаб чиқариш фаолиятига сарфлаган таўдирда таваккалчилик эҳтимоли ортади.

**Таваккалчиликни бирлаштириши** икки ёки ундан ортиқ корхоналарнинг қўшилиши натижасида содир бўлади ва бунинг натижасида янги ташқил топган корхона дастлабкиларига қараганда кўп активга эга бўлади. Таваккалчилик хатарларини пасайтириш йўлида тадбиркорларнинг ўз капиталларини бирлаштириши, улар ўртасида олинган фойдани ва заараларни бўлиш имконини яратади. Ушбу ҳолат корхонани таваккалчиликдан бутунлай ҳоли қилмайди, лекин унинг хатар даражасини бир мунча пасайтиришга ёрдам беради.

**Таваккалчиликни бошқаларга ўтказиши ёки таваккалчилик трансферти** – тадбиркорлик таваккалчилигини камайтиришнинг яна бир усули ҳисобланади. Бунда таваккалчилик хатарлари шартнома асосида иккинчи бир юридик шахс зиммасига ўтказилади.

Таваккалчиликни бошқаларга ўтказишнинг икки томон учун ҳам фойдали сабаблари мавжуд:

1. Таваккалчиликни ўзига олишда кўрилиши мумкин бўлган заараларнинг миқдори таваккалчиликни ўтказишдагига нисбатан кўп бўлиши мумкин.

2. Таваккалчилик ўтказиладиган ташқи субъект хатарларни камайтиришнинг самарали усулларини билиши ва кўпроқ имкониятларга эга бўлиши мумкин.

3. Таваккалчиликни ўтказувчи маълум тўлов эвазига эҳтимол тутилган зааралардан ўзини ҳимоялашга эришса, таваккалчиликни олувчи ўтказувчилар бадали ҳисобидан даромад кўриш имкониятига эга бўлади.

Таваккалчиликни ўтказишнинг қуидаги шакллари учрайди:

1. **Курилиши шартномалари** – бундай шартномани тузиш орқали тадбиркор турли обьектларни қуриш билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликни қурилиш фирмасининг бўйнига ўтказади.

2. **Юкларни асраш ва жўнатиши шартномасини** имзолаш орқали тадбиркор маҳсулотларни ташиш ва асраш даврида юз бериши мумкин бўлган йўқотишлар ва бузилишлар бўйича хатарин маълум тўлов эвазига транспорт компаниясининг зиммасига ўтказади.

3. **Сотииши, хизмат кўрсатиши ва таъминлаши шартномаси** тадбиркорга товар ва хизматларни тарқатиш билан боғлиқ таваккалчилик хатарларини дистрибуторлар зиммасига ўтказиш орқали, эҳтимол тутилган йўқотишларни камайтиришга имкон яратади. Бу йўл билан субъект истеъмолчи сифатида асосий воситалар ва асбоб-ускуналарнинг бузилиши, ишдан чиқиши хатарларини кафолат муддати давомида уларни ишлаб чиқарган ёки сотган компаниянинг зиммасига ўтказади.

4. **Ижара** – таваккалчиликни ўтказишнинг кенг қўлланиладиган усулларидан бири. Кейинги пайтларда кенг тарқалаётган ижара турларидан бири молиявий ижара ёки лизингдир. Ижарага берувчи ўз мулкини маълум

бир давр оралиғига ижарага бериб, унинг сақланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ таваккалчиликни ижарага олувчининг зиммасига ўтказади.

**5. Факторинг** – дебитор қарз мажбуриятини фактор воситачига ўтказаётган субъектнинг қарз ундириш таваккалчилигини камайтириш мақсадида тузиладиган шартномадир. Субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммоси пайдо бўлганда, яъни товар-моддий қийматликларни жўнатган субъект харидордан маҳсулот ҳақини ўз муддатида ундиrolmasa ёки бундай қарзлар шубҳали, уларни ундириш эҳтимоли кам бўлса факторинг воситасида қарзни ундириш амалиёти кўлланилади.

Факторингда воситачи корхона (одатда банк) қарз берган субъектдан маълум бир комиссион тўлов эвазига қарздордан маблағни ундириш хуқуқини кўлга киритади. Факторинг шартномаси тузилиши билан субъект ундиrolмай турган қарзнинг аксарият қисмини факторинг субъектидан (ёки банкдан) олади. Сўнгра факторинг корхонаси қарздор корхонага қарзни ундириш бўйича даъво кўзғатади.

Факторингнинг афзаллиги шундаки, у нотўловлар муаммосини қисман бўлсада ечишга имкон беради.

**6. Субъектнинг фаолияти** билан боғлиқ таваккалчиликни ўтказиш-нинг энг самарали усулларидан бири – *суғуртадир*. Суғурталашда субъектнинг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий фаолияти ёки табиий омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг таваккалчилиги маълум ҳақ тўлаш эвазига, шартнома асосида суғурта компаниясининг зиммасига ўтказилади. Таваккалчиликнинг бирор тури натижасида субъект заар кўрса, зарарнинг катта қисми суғурта шартномасига асосан суғурта компанияси томонидан ўопланади.

Суғурта обьекти сифатида қуйидагилар чиқиши мумкин:

- субъект активларини бузилиш, ишдан чиқиш, ёнғин ва бошқа табиий оғатлардан суғурталаш, яъни мулк суғуртаси;
- субъект қабул қиласидаган ва жўнатиладиган юклар суғуртаси;
- қарзга олинган маблағларнинг қайтарилмаслиги, яъни кредит таваккалчилиги суғуртаси;
- гаровга қўйилган мулкни суғурталаш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларини табиий оғатлар, касалликлар ва зааркундалардан суғурталаш;
- ходимларни ишлаб чиқариш жарағнидаги баҳтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва ҳоказо.

**7. Хеджирлаш** – молиявий ёки тижорат фаолиятида баҳоларнинг (валюта курсининг) тебраниб туришидан йўқотишларни камайтириш учун таваккалчиликни фьючерс шартномалари ёрдамида суғурталаш шакли хисобланади.

Баҳо (курс)нинг ўзгариши таваккалчилигини суғурталашга хизмат қилувчи шартнома «хедж» деб аталади. Хеджирлашни амалга оширувчи субъект «хеджер» деб аталади.

Хеджерлашнинг икки тури мавжуд:

1. *Ошишдан хеджирлаш;*
2. *Пасайишдан хеджирлаш.*

*Ошишдан хеджирлаш* келгусида субъект истеъмол қиладиган моддий ресурсларнинг нархлари (валюта курслар)ининг ошиши эҳтимолидан суғурталаниши зарур бўлган ҳолатларда қўлланилади. Масалан, ресурснинг баҳоси (ёки валюта курси, қимматли қоғоз нархи) уч ойдан кейин ўсади деб тахмин қилинмоқда ва у субъектга З ойдан кейин керак бўлади. Баҳолар (курснинг) ошишидан кўриладиган йўқотишларни қоплаш учун, ресурсларни буғунги кундаги баҳоларда сотиб олиш шартномасини қўлга киритиш лозим бўлади. Агар З ойдан кейин ресурснинг баҳоси ошиб кетган таўдирда ҳам, фьючерс шартномасини сотган субъект ресурсни шартнома сотилган санадаги (З ой олдинги) баҳоларда етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Шу йўл билан ошишдан хеджерлашни амалга оширувчи хеджер ўзини келгусида баҳоларни ошишидан кўрилиши мумкин бўлган заардан суғурталайди.

*Пасайишдан хеджирлаш* келгусида товарнинг баҳоси пасайиши таваккалчилигидан қочиб, унинг олди-сотди шартномасини фьючерс бозоридаги ҳозирги баҳо даражасида сотиш билан боғлиқ биржа операциясини англатади. Пасайишдан хеджерлашни амалга оширувчи хеджер келажакда сотадиган товар шартномасини биржада шошилинч сотиб, ўзини келажакда кўриши мумкин бўлган заардан суғурталайди.

Айтайлик, бўрдоқичилик билан шғулланувчи фермер 6 ойдан кейин бозорга хар бири 500 килограммдан бўлган 50 та новвосни сотишини режалаштирган. Бозор ҳолатини таҳлил этиш асосида фермер 6 ойдан кейин 1 кг гўштнинг баҳоси 10000 сўмдан 8000 сўмга тушиб кетади деган тахминга келди. Бундай ҳолатда у 6 ойдан кейин 250 центнер гўшт сотиш шартномасини тахмин қилинаётган йўқотишларни қоплаш мақсадида буғунги кундаги баҳоларда (10000 сўмдан) сотади.

Хеджер шошилинч шартномаларни сотиш ёки сотиб олиш ёрдамида бозорлардаги баҳоларнинг ноаниқлигидан келиб чиқадиган таваккалчиликтин камайтиришга ҳаракат қиласи.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Молиявий таваккалчиликтининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Молиявий таваккалчиликтининг асосий турларига таъриф беринг.
3. Молиявий таваккалчиликтин бошқаришнинг тамойилларини санаб беринг.
4. Молиявий таваккалчиликтин даражасига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?
5. Молиявий таваккалчиликтин камайтириш йўлларини сананг.

## XVI БОБ. БАНКРОТЛИК ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ

### 16.1. Банкротлик тушунчаси ва аломатлари

**Банкротлик** - бу пул мажбуриятлари тўлаб берилмаслиги оқибатида корхонанинг мажбурий тугатилишидир. Банкротликнинг бевосита ифодаси корхонанинг ўз қарздорлик мажбуриятларини тўлаб бериш (векселни муддатида тўлаш, банк қарзларини қайтариш ва ҳ.к.) имконияти йўқлигига кўринади. Бу эса корхонани мажбурий сотилишига, кредиторларнинг талабларини эса сотилган мулк ҳисобидан қондирилишига олиб келади.

**Банкротликнинг аломатлари** қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, юридик шахсларнинг пул маблағлари бўйича тўлашга қодир эмаслиги, аниқлик киритиладиган бўлса, тегишли мажбуриятлар ва тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан **олти ой** давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, бундай ҳолат *банкротлик аломати* деб этироф этилади.

**Иккинчидан**, жисмоний шахс (юридик шахс мақоми олмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахс)нинг пул маблағлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловларни тўлашга қодир эмаслигини, ёки, агар тегишли мажбуриятлар ва тўловларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан **уч ой** давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса ҳамда мажбуриятлар унга тегишли молмulkнинг қийматидан ошиб кетган бўлса, банкротлик аломатлари юзага келган бўлади.

Демак, хўжалик юритиш субъектининг *банкрот бўлиши деганда, унинг қарз мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлашга ва бошқа кредиторларнинг талабларини қондиришга, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фонdlарига мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушиунилади.*

Қонунчиликка биноан банкрот деб эътироф этилган корхонанинг молмulkи унинг қарз мажбуриятлари бўйича даъваларни қондиришга қонунчиликда белгиланган тартибда йўналтирилади. Корхонанинг молмulkи мазкур даъваларни қондириш учун етарли бўлмаган ҳолларда корхона раҳбарларининг ёки эгаларининг мулкий маъсулияти қонунчиликда белгилаб қуилган. Маъсулияти чекланган корхоналарда (акциядорлик жамиятлари ҳам улар жумласига киради) корхона мулкдорлари корхона мажбуриятлари бўйича **жавобгар эмаслар**. Лекин корхона эгаларининг қасдан ҳаракатлари банкротликка олиб келган ҳолларда бундай жавобгарлик вужудга келади. Хусусий корхоналарда мулк эгалари корхона мажбуриятлари бўйича **жавоб берадилар**, чунки улар корхонани бевосита тасарруф этадилар.

Банкротлик таомилини қўллаш эҳтимоли бозор иқтисодиёти субъектларининг рақобат шароитларида юксак маъсулият ва ўзига нисбатан талабчанлик руҳида ишлашини таъминлайди. Айни пайтда бу тартиб корхона

кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилади, чунки улар интизомсиз қарздорларга нисбатан банкротлик таомилини қўлланиши хақида **хўжалик судига** даъво билан мурожаат қилишлари мумкин.

Юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик, фаолияти билан шуғуланаётган жисмоний шахслар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларининг жами мол-мулклари билан жавобгар бўладилар.

Мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда қарздор ўз қарzlари бўйича қонун ҳужжатларда белгилаб қуйилган тартиб ва миқдорларда жавобгар бўлади. Қарз ундиришга тортилиши мумкин бўлмаган мол-мулк қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ёлланиб шартнома (контракт) бўйича ишловчи шахслар хўжалик юритиш субъектларнинг қарzlари бўйича мулкий жавобгар бўлмайдилар.

## 16.2. Банкротликда қўлланиладиган тушунчалар

Банкротликда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**банкротлик** (иктисодий начорлик) - хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги;

**келишув битими** - тарафларнинг суд низосини ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битими;

**кредиторлар** - қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбуриятини бажариш бўйича қайси юридик ёки жисмоний шахс олдида жавобгар бўлса, айни шу юридик ёки жисмоний шахслар (қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса, айни шу фуқаро, шунингдек ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) бундан мустасно);

**кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси)** вакили - банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этишига кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан ваколат берилган шахс;

**кузатув** - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиши мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар қўлланиладиган банкротлик таомили;

**мажбурий тўловлар** - давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар; (**ЎзР 31.12.2008 й. ЎРҚ-197-сон Конуни таҳриридаги хат боши**)

**мораторий** - қарздор юридик шахс томонидан пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилишини тўхтатиб туриш;

**пул мажбурияти** - қарздорнинг фуқаролик-хуқуқий шартномаси бўйича ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кредиторга муайян пул суммасини тўлаш мажбурияти;

**суд бошқарувчиси** (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташки бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) - банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида хўжалик суди томонидан тайинланадиган шахс;

**судгача санация қилиш** - қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар;

**суд санацияси** - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидағи қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

**ташки бошқарув** - хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташки бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

**тугатишга доир иш юритиш** - хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарзлардан қутулган деб эълон қилиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили;

**шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона** - ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблагандага тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс;

**қарздор** - пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

**қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили** - банкротлик таомили ўтказилаётганда қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ваколат берган шахс;

### **16.3. Банкротлик ҳолатига олиб келувчи кўрсаткичлар**

**Банкрот бўлишига олиб келган гайри қонуний хатти-ҳаракатлар деганда**, корхоналар, мулкдорлар, кредиторлар ёки ўзга шахсларнинг қасдан ёки бепарволик оқибатида содир этган, хўжалик юритиш субъекти ёхуд кредитор (кредиторлар)га зиён етказган хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ

қоидабузарликлар тушунилади. Жумладан, **қуийидағилар ғайри ҳуқуқий хатти-харакатларга киради:**

- қарздор мол-мулкининг ҳаммасини ёки муайян қисмини ёхуд унинг мажбуриятларини яширганлик;
- қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳисоб-китобга доир ҳар қандай хужжатни яширганлик, йўқ қилиб юборганлик, қалбакилаштирганлик;
- мол-мулкни (шу жумладан, пул маблағларини) яшириш мақсадида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берганлик;
- бухгалтерия хужжатларига зарур қайдларни киритмаганлик;
- қарздорнинг қарзга олинган ва ҳақи тўланмаган мол-мулкининг ҳаммаси ёки муайян қисмини сотганлик, йўқ қилиб юборганлик, гаровга қўйганлик;
- мансабдор шахслар ёки мулқдорларнинг шахсий манфаатлари, учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида хўжалик юритиш субъектининг тўловга лаёқатсизлигини баттар кучайтирганлик;
- кредиторлардан сийлов олиш ёки уларга тегишли тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашга эришиш учун кредиторларни чалғитиш мақсадида ўзини ёлғондан (сохта) ночор деб эълон қилганлик;
- кредитор (кредиторлар) га зиён етказиш мақсадида бошқа ҳар қандай усул билан хўжалик юритиш субъектини атайин банкротликка дучор қилганлик;
- бошқа кредиторларга зиён келтирган ҳолда муйян кредиторларнинг талабларини қондиришга афзаллик берганлик, талабнинг ана шундай йўсинда қондирилишига рози бўлганлик;
- солиқлар ва қарзларнинг тўлашдан кочиб кутулиш мақсадида қарздорнинг атайин ўзини-ўзи тугатганлиги.

Банкрот бўлишга олиб келган ғайри ҳуқуқий хатти-харакатлар содир этган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Қарздор корхонанинг ихтиёрий равища тугатилиши тўғрисида ва банкрот бўлишлiği ҳақида расмий равища эълон қилиш хусусидаги қарорни хўжалик юритиш субъекти ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни **тўлай олмаслигини ва унинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти йўқлиги таҳлил натижасида** аниқлангач қабул қилинади. Корхонанинг ихтиёрий равища тугатилиши тўғрисидаги қарорга рози эмаслик хўжалик судида **банкрот бўлганлигига** доир иш қўзғатишига сабаб бўлади.

Қарздор корхона, мазкур хўжалик юритиш субъекти мол-мулкининг эгаси, унинг ихтиёрий равища тугатилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган пайтдан эътиборан хўжалик юритиш субъекти **тугатилиши жараёнида деб ҳисобланади**.

Қарздор корхона ихтиёрий равища тугатилиши тўғрисидаги эълон **расмий матбуотда** чоп этилади.

Корхона фаолиятини баҳолашда, аввало, унинг **тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларидан** келиб чиқилади. Шунинг учун

молиявий ҳолатни чуқур таҳлил қилиш айни шу кўрсаткичлардан бошланади.

Юқорида қайд этилганидек, **тўловга қобиллик** деганда, корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китобларни амалга оширишга қодирлиги тушунилади. Бундай мажбуриятларига иш ҳақи бўйича ходимлар билан, олинган товар-моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар билан, ссудалар бўйича банклар билан ва бюджет билан ҳисоб-китоблар ва бошқалар киради.

**Тўловга ноқобиллик** вақтинчалик ҳамда узок муддатли, доимий бўлиши мумкин. Бунинг сабаблари ички, яъни молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, сотувлар ҳажми ва тегишли равишда тушумнинг камлиги, айланма маблағлар етарли эмаслиги ҳамда ташқи битимлардан тўловларнинг ўз вақтида келмаслигига боғлиқдир.

Тўловга ноқобиллик белгилари балансни ўқишидаёқ оқсаётган, қаноатлантирмайдиган моддаларнинг мавжудлиги ва заарлар акс этиши билан кўзга ташланади.

Тўловга қобилликнинг энг аниқ умумлаштирилган кўрсаткичи сафарбар **ликвидлик коэффициенти** бўлиб, у барча **оборот маблағларини** сафарбар қилганда, корхона қисқа муддатли мажбуриятларнинг қандай қисми қоплаши мумкинлигини кўрсатади.

Тўловга қобилликни тавсифлаш кўрсаткичларининг асосийларининг ҳисобланишини кўрсатиб чиқамиз.

**Муддатли ликвидлик коэффициенти** ликвидлик ёки қоплаш коэффициентининг бир тури бўлиб унда суръатда фақат пул маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар ва соф дебиторлик қарзи ҳисобга олинади. Товар-моддий заҳиралар мажбуран сотилганда олинадиган пул маблағлари уларни харид қилгандаги харажатлардан анча кам бўлади.

Чунончи, хорижий иқтисодчилар маълумотларига қараганда, банкрот бўлган корхоналарни тугатиш пайтида олинадиган маблағ ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисобидаги қийматнинг кўпи билан 40 фоизини ташкил этади.

Муддатли ликвидлик коэффициенти =  $\frac{\text{пул маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалари ва соф дебиторлик қарзи (170-сатр 1-шаклдан 290-сатр 1-шаклдан)}}{\text{қисқа муддатли мажбуриятлар (1 шакл 420 сатрдан - 530 сатргача)}}$

Бунда кавс ичида бухгалтерия балансидан олинадиган кўрсаткичларнинг сатр рақамлари берилган.

Бу коэффициентнинг қиймати 1 дан кам бўлмаслик керак, деб ҳисобланади. Муддатли ликвидлик коэффициентининг жуда юқори кўрсаткичи соф дебиторлик қарзининг асоссиз равишида ўсиб кетиши натижасида бўлиши мумкин.

**Жорий ликвидлик коэффициенти** корхонанинг хўжалик фаолиятини юритиш ва қисқа муддатли мажбуриятларни ўз вақтида сўндириш учун оборот маблағларига эгалигини акс эттиради. Жорий ликвидлик коэффициенти корхонада мавжуд ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарз ва бошқа маблағлари амалдаги қийматининг (баланс активи 2-бўлими якунлари йифиндиси) банк қисқа муддатли кредитлари, қисқа муддатли қарзлар ва кредиторлик қарзи кўринишидаги энг қисқа муддатли мажбуриятларга (баланс пассиви 2-бўлими якуни, бундан 400,410,380,370 сатрлар чегирилади) нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Жорий ликвидлик коэффициентини ҳисоб - китоб қилиш учун қуидаги формула қўлланади:

$$K1 = \frac{A2}{540-(400+410+370+380)}$$

Бунда А2 - баланс активининг 2 бўлими якуни.

**Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти** корхонада молиявий барқарорликни таъминлаш учун зарур ўз оборот маблағлари мавжудлигини кўрсатади. Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициентини ўз маблағлари манбалари (баланс пассивнинг 1 бўлими якуни) ва асосий маблағлар ҳамда бошқа оборотдан ташқари активлар (баланс активнинг 1-бўлими якуни) айирмасининг корхонада мавжуд ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган қурилиш, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва бошқалар кўринишидаги оборот маблағлари (баланс активи 2-бўлими якуний йифиндиси) амалдаги қийматига нисбати сифатида аниқланади. Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициентини ҳисоблаш формуласи қуидаги кўринишига эга:

$$K2 = \frac{\Pi1 - \Pi2}{A2}$$

Бу ерда П1- баланс пассивнинг 1-бўлим якуни,  
П2- баланс пассивнинг 2- бўлим якуни,  
А2- баланс активининг 2- бўлим якуни.

Қуидаги шартлардан бири бажарилмаса, корхона баланси таркиби қониқарсиз, **корхона эса тўловга ноқобил деб топилади**.

1). Ҳисобот даври охирида жорий ликвидлик коэффициенти 2-дан кам қийматган эга бўлса.

2). Ҳисобот даври охирида ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,1 дан кам қийматга эга бўлса.

Корхонанинг тўловга ноқобил деб топилиши унинг ноchorлигининг тан олинишини англаатмайди, эгасининг фуқаролик ҳукуқий жавобгар бўлишига

олиб келмайди. Бироқ, иқтисодий аҳволи оғирлашган корхона фаолияти корхоналар иқтисодий ночорлиги масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари назорати остига олинади. Корхона раҳбарлари ва эгалари тегишли равиша огоҳлантирилади. Бу корхона молиявий ҳолатининг оператив назоратини таъминлаш ва **ночорликнинг олдини олиш бўйича вақтида** чоралар қўришга, шунингдек, корхонанинг танг ҳолатдан мустақил чиқишини рағбатлантиришга имкон беради.

Кредиторлар даъволари бўйича корхоналар ночорлиги тўғрисида иш кўрилаётганда хўжалик судларининг расмий талаби билан юқорида кўрсатилган *коэффициентлар қийматларига асосланиб*, корхонанинг молиявий ҳолати ва балansi таркибини баҳолаш ҳақида хулоса тайёрланади. Мазкур вазифа **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги “Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги корхоналар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш мақсадлари” тўғрисидаги 465-сонли қарорига мувофиқ шу қўмита зиммасига юклangan.**

Корхонанинг ночорлиги, корхона раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ 1658-сонли «Корхоналар банкротлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ва 1995 йил 12 майдаги ПФ 115-сонли «Халқ хўжалигига ҳисоб-китобларни уз вақтида бажариш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонларида кўзда тутилган жавобгарлик чораларини кўриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

#### **16.4. Банкротликнинг олдини олиш ва корхонани молиявий соғломлаштириш тадбирлари**

**Санация** - банкротликнинг олдидан олиш мақсадида қарздорнинг муассислари (қатнашчилари) ва мол мулк эгаси томонидан банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига тақдим этилгунга қадар қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир. Бунда санацияга тортилган ташкилотни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қарздор билан тузилган келишувга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

Судгача санация қилиш банкротлик бўйича иш қўзғатилгунга қадар амалга оширилади ҳамда қарздорнинг тўлов қобилияти ва иқтисодий жиҳатдан қодирлигини кўтариш, келгусида самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шундай қилиб, банкротлик ва санация тушунчалари ўзаро фарқ қиласди, лекин бир-биридан ажратиш мумкин эмас. **Санация банкротлик аломатларига эга иқтисодий ночор бўлган хўжаликни жар ёққисдан куткаришга қаратилган тадбир сифатида қаралиши лозим.**

Корхонанинг санация қилишнинг **икки шакли** мавжуд:

- давлат маблағларини жалб этган ҳолда;
- давлат маблағларини жалб этмаган ҳолда.

Судгача давлат маблағларини жалб этган ҳолда санация қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан ваколат берилган идора амалга оширади. Алоҳида тўхталиб утиш керак бўлган яна бир муҳим масала маблағларни жалб этиш шартидир. Кўпчилик раҳбар ходимларда айниқса, биринчи бор санация жараёни бошланган пайтда уларга давлат томонидан қайтариб бермаслик шарти билан молиявий ёрдам берилади, деган тушунчалар пайдо бўлиши мумкин. Бундай тушунчалар ҳеч қандай асосга эга эмас. Яъни, давлат маблағларни жалб этган ҳолда санацияга тортилган тақдирда ҳам, улар қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга берилади.

***Санация доирасидаги чоралар қўйидагилардан иборат:***

- ўзаро қарз сурини ташкил этиш;
- тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлиқ ёки қисман сотиб олиш;
- солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ва давлат кредитларини қайтариш жараёнларини санация муддати бўйича узайтириш;
- корхонани рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;
- ташқаридан юқори малакали мутахассисларин жалб этиш;
- ходимлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш;
- корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг уз фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш;
- корхона ўз фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тегишли қарзларни тўлаш муддатини узайтириш, уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзларнинг муайян қисмидан кечиш тўғрисида корхона ва кредитор ўртасида битим тузиш;
- ташқаридан бошқаришни жорий этиш.

***«Банкротлик тўғрисида»ги қонунга*** (Янги таҳрири ЎзР 24.04.2003 й. 474-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. **Олдинги таҳрири 28.08.1998** йилда амалга оширилган. **Дастлаб 05.05.1994** й. Да N 1054-XII-сон билан қабул қилинган ) асосан қарздорни суддан олдин санация қилиш (33-модда) ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгacha муддатга жорий қилинади. Лекин шундай ҳолатни эсдан чиқармаслик керакки, белгиланган муддат тугагунга қадар ҳам санация тўхтатилиши мумкин. Санация қилишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни суд ёки ҳукумат комиссияси чиқаради.

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув муддати тугашидан 15 кун олдин шунингдек, унинг муддатидан олдин тугалланиши учун асослар мавжуд бўлганда, минтақавий комиссия орқали ҳукумат комиссиясига якуний ҳисобот тақдим этади. Санация жараёни белгиланган муддатдан олдин қуйидаги ҳолатларда тўхтатилиши мумкин:

- корхоналарни санация қилиш борасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилмаётганлиги сабабли;
- соғломлаштириш режасида белгиланган мақсадларга эришилиши муносабати билан;
- санация қилишнинг самарасиз эканлиги аниқланганлиги сабабли;
- мақсадга эришилмаган тақдирда.

қонунчиликка асосан банкротлик аломатларига эга бўлган, яъни узлуксиз заар кўриб ишловчи, тўловга қобилиятысиз ва иқтисодий жиҳатдан ноҳор аҳвол колган барча кўринишдаги бозор субъектлари санация объектлари бўлиши мумкин.

Санацияга тортилган корхоналар мол-мулкининг мулқдорлари, кредиторлари, ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслар, ёки ушбу жараёнда мулк эгаси, қарздор ва кредитор сифатида қатнашувчи томонлар санация субъектлари бўлиши мумкин.

## **16.5. Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини мониторинг ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби**

**«Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини мониторинг ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби»** тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида ҚАРОР Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига **2005 йил 14 апрелда №1469-рақам** билан рўйхатга олинган.

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг **“Банкротлик тўғрисида”**ги Конунига асосан ишлаб чиқилган ва Давлат мулки ҳиссаси мавжуд бўлган ҳамда катта корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини мониторинг ва таҳлил қилиш мезонларини белгилайди. Мониторинг ва таҳлил қилишдан мақсад - корхоналар молиявий аҳволини диагностика қилиш, улар фаолиятида иқтисодий рисклар ва иқтисодий нобарқарорлик аломатларини аниқлаш ҳамда судгача санация қилиш ва иқтисодий нобарқарор корхоналар учун уларни соғломлаштириш ёки банкротлик расмиятчиликларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатdir.

### **Мезонлар тизими**

Корхоналар иқтисодий аҳволига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади:

А) барқарор; Б) иқтисодий танг аҳволдаги; В) иқтисодий бекарор: - тўлов қобилиятини тиклашга имконияти мавжуд; - тўлов қобилиятини тиклашга имконияти мавжуд эмас;

### **Асосий курсаткичлар (Мезонлар)**

Иқтисодий аҳволни баҳолаш учун асосий курсаткичлар (мезонлар) булиб:

- A) тўлов қобилияти коэффициенти-Ктк;**
  - Б) хусусий айланма маблаглар билан таъминланганлик коэффициенти-Кхам;**
  - В) ҳаражат ва активлар рентабеллигининг коэффициенти-Кхр, Кар;**
- Якуний қарор қабул қилиш учун қўйидаги қўшимча курсаткичлар

қўлланилади:

- *Корхонанинг ўз маблағлари ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати* *коэффициенти* –Кўк;
- *Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши коэффициенти*-Кич;
- *Асосий воситаларнинг емирилиши коэффициенти*- Каве.

Бунда иқтисодий таҳлил ўтказиш учун корхоналарни танлашда қуйидаги аломатларнинг мавжудлиги асос бўлади:

- мажбурий тўловлар ҳамда пул маблағлари бўйича мажбуриятлар юзасидан белгиланган тўлов муддатидан уч ойдан ошган муддати ўтган кредиторлик қарзларининг мавжудлиги;
- корхонанинг тўлов қобилиятысизлиги, яъни қисқа муддатли қарзларини жорий активлар ҳисобига тўлаш имконини йўқлиги;
- паст рентабеллилик ва заарар билан ишлаш.

### **Корхоналарнинг иқтисодий аҳволини баҳолаш кўрсаткичларининг тавсифи**

Тўлов муддати уч ойдан ошган муддати ўтган кредиторлик қарзлари бўйича маълумотларни Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги №140-сонли буйруги билан тасдиқланган молиявий ҳисбот шаклларидан №1-шакл “Бухгалтерия баланси” нинг 4-қатор 602-сатридан ёки № 2-а шаклдаги “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот” нинг 4- қатори, 4-сатридан олинади.

**1. Тўлов қобилияти коэффициенти (Ктқ)** корхонанинг қисқа муддатли қарзларини тўлай олиш имкониятини кўрсатади. У дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширилиши ва тайёр маҳсулотларни қулай шароитларда сотилишини кўрсатиш билан бирга жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари имкониятларини ифодалайди:

$$\text{Ктқ} = \frac{\text{Жорий (айланма)} \quad \text{A2}}{\text{активлар}} = \frac{\text{Жорий}}{\text{мажбуриятлар}} \quad \text{П2 - Умк}$$

**A2 - Жорий (айланма) активлар** (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқалар), баланс активининг **П2** -бўлими,390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс пассивининг **П2-бўлими**, 770-сатр;

**Умк** – узоқ муддатли қарзлар (баланс пассивининг 490-сатри).

Агар-да ҳисбот даврининг якунига тўлов қобилияти коэффициенти 1,25 дан паст қўрсаткичга эга бўлса, корхона мазкур қўрсаткич бўйича тўлов қобилиятига эга эмас деб эътироф этилади. Мазкур коэффициент қийматини 1,25 га яқинлашиб бориши корхонанинг тўлов қобилиятини паст даражада эканлигини кўрсатади.

**2. Хусусий (ўз) айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти (Кхам)** корхонанинг барқарор молиявий фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ўз айланма маблағларига етарли даражада эга эканлигини кўрсатади:

$$(П1 + Умқ2) - A1$$

$$Кхам = \frac{-----}{A2}, \text{ бу ерда:}$$

**A1** – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва бошқалар), баланс активининг I-бўлими, 130-сатр;

**П1** – Ўз маблағлари манбалари (устав капитали, резерв капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва бошқалар), баланс пассивининг I-бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Умқ2** – Узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар, (бухгалтерия балансининг 570 и 580-сатрларидан ҳисоблаш йўли билан).

Касрнинг сурати -корхонанинг қанча миқдордаги ўз маблағлари ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигини кўрсатади. Махражи эса барча айланма маблағлар суммасини ўз ичига олади. Бу коэффициентнинг минимал қиймати 0.2 ни ташкил этади.

Хусусий (ўз) айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ҳисобот даврининг якунида 0.2 дан паст кўрсаткичга эга бўлса, корхона ўз айланма маблағлар билан таъминланмаган деб эътироф этилади.

**3. Рентабеллилик коэффициентлари** корхоналарнинг молиявий – хўжалик фаолиятининг фойдалилик (заарлилик) даражасини белгилайди.

**3.1 Харажатлар рентабеллилиги коэффициенти (Кхр)** қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Кхр = \frac{\Phi_{стг}}{X}, \text{ бу ерда:}$$

**Фстг** – солиқقا тўлагунгача бўлган фойда миқдори - №2 шаклдаги “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг - 5-қатор, 240-сатри, ёки минус ифодаси билан заарар- 6-қатор 240-сатри;

**X** – барча харажатлар, №2-шаклдаги “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”нинг (020 “Қатор 6” + 040 “Қатор 6” + 170 “Қатор 6” + 230 “Қатор 6”) сатрларнинг йифиндиси.

**3.2 Активлар рентабеллилиги коэффициенти – (Кар)** фақат йил якунида қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Кар = \frac{\Phi_{стг}}{ИсБ}, \text{ бу ерда:}$$

**ИсБ** — баланс активи ва пассивининг ўртача кўрсаткичи, ўртача арифметик қиймат ёки ўртача хронологик формула билан аниқланади.

Агар-да ҳисобот даврида рентабеллилик коэффициентлари:

-нулдан кичик (манфий кўрсаткич) қийматга эга бўлса- корхона зарар билан ишлётган деб эътироф этилади.

- 0.05 дан кичик қийматга эга бўлса – корхона паст рентабелли деб эътироф этилади (монополист корхоналардан ташқари).

**4. Корхонанинг ўз маблағлари ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати (жорий молиявий мустақиллик) коэффициенти –(Кўқ)** корхонанинг қисқа муддатли қарзларини ўз маблағлари ҳисобидан қайтара олиш даражасини белгилайди ва қуидаги формула билан аниқланади:

**П1**

**Кўқ = -----.**

**П2 – Умқ**

Агарда ҳисобот даври якунига корхонанинг ўз маблағлари ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициенти 1 дан кичик қийматга эга бўлса, бу- корхонада молиявий рискни мавжудлигидан далолат беради. Коэффициентнинг пасайиши молиявий рискнинг ўсишидан дарак беради.

**5. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти-**(Кич) ишлаб чиқариш қувватларининг ишлатилиш даражасини белгилайди

**Q факт.**

**Ким = -----, бу ерда:**

**Q лойиха – (Qижара + Qконсерв.)**

**Q факт.** – ҳисобот даврида нисбий қиймат ифодасида амалда ишлаб чиқилган маҳсулот (хизматлар) ҳажми;

**Q лойиха** –аниқ белгиланган муддат ичидаги асосий технологик жиҳозлардан ўрнатилган иш режими доирасида максимал даражада фойдаланган тақдирда ишлаб чиқазилиши мумкин бўлган нисбий қиймат ифодасидаги маҳсулот (хизмат) ҳажми.

**Q ижара** – ижарага берилган ишлаб чиқариш қувватларига мос келадиган (таққослама) маҳсулот ҳажми ;

**Q консерв.** – консервация қилинган қувватларга мос келадиган (таққослама) маҳсулот ҳажми .

Агарда, ҳисобот даврида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти 0.5 дан кичик қийматга эга бўлса, мазкур корхона ишлаб чиқариш қувватларидан паст даражада фойдаланувчи деб эътироф этилади.

**6. Асосий воситаларнинг емирилиш коэффициенти –(Кем)** маълум даврда корхона асосий воситаларининг емирилиш даражасини аниқлайди ва емирилиш суммасини уларнинг дастлабки қийматига нисбати сифатида ифодаланади:

**Аве**

**Кем = -----, бу ерда:**

**Адқ**

**Аве** – асосий воситаларнинг емирилиши - № 1 шакл “Бухгалтерия баланси” нинг 011-сатри,

**Адқ** – асосий воситаларнинг дастлабки қиймати -№ 1 шакл “Бухгалтерия баланси” нинг 010-сатри,

Агарда ҳисобот даврининг яқунида асосий воситаларнинг емирилиш коэффициенти 0.5 дан катта қийматга эга бўлса – корхона сезиларли даражада емирилган асосий воситаларга эга деб эътироф этилади.

### **Корхоналарни гурухларга ажратиш**

**А.** “**Барқарор**” корхоналар гурухига “**иқтисодий риск**” ва “**иқтисодий нобарқарор**” гурухларига мансуб бўлмаган корхоналар киради.

**Б.** “**Иқтисодий риск**” гурухига 1-бандда кўрсатилган тўлов қобилиятини мавжуд эмаслиги ёки 3-бандда кўрсатилган ҳолатлар бўйича паст рентабеллик ҳамда иқтисодий риск аломатлари мавжуд корхоналар киради.

**В.“Иқтисодий нобарқарор”** корхоналар гурухига пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўлов муддатидан 3 ойдан узок муддат ичida муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган корхоналар киради.

Бунда:

“**Тўлов қобилиятини тиклашга имконияти мавжуд**” корхоналар қаторига юқоридаги критерияларга эга бўлган, лекин бу қарздорликларни тўлашга имконияти мавжуд (3 ойдан ўтган муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд, лекин уларни қоплаш учун маблағлари бор, рентабелли ёки ўз айланма маблағлари етарли миқдорда) корхоналар киради.

“**Тўлов қобилиятини тиклашга имконияти мавжуд эмас**” деб эътироф этиладиган корхоналар қаторига беш юз минимал оклад миқдоридан кам бўлмаган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган ҳамда уни тўлашга имконияти бўлмаган, паст рентабелли (заарга ишлайдиган), шунингдек ўз айланма маблағлари билан таъминланмаганлик белгилари (4-банд) мавжуд бўлган корхоналар киради.

## **16.6. Корхонани тугатишга доир ишни юритиш**

Корхонани тугатишга доир ишни юритиш, кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ва noctor қарздорни қарзлардан қутулган деб эълон қилиш, томонларни ўзаро ғайри хуқуқий ҳатти-харакатлардан ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

Ишончли вакил, кредиторларнинг йиғилиши (кредиторлар комитети), noctor қарздор ва бошқа манфаатдор томонлар тугатишга доир ишни юритиш қатнашчилари ҳисобланади.

Хўжалик суди хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлганлиги тўғрисида ҳал қилув қарор қабул қилган тақдирда ишончли шахс бошчилигига тугатиш комиссияси тузилади.

Тугатиш комиссиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- банкрот бўлган хўжалик юритиш субъекти жойлашган ердаги расмий матбуотда унинг тугатилиши тўғрисида ва кредиторларнинг ўз даъволарини тақдим этишлари тартиби хусусида эълон бериш;
- банкрот бўлган хўжалик юритиш субъекти тугатилиши тўғрисида кредиторлар ва манфаатдор томонларни хабардор қилиш;
- банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектининг мол-мулки, шу жумладан гаровга қўйилган мол-мулки тўғрисида ҳисобот тузиш;
- тугатиш балансини тузиш ва уни хўжалик судига тақдим этиш;
- банкрот бўлган хўжалик хўжалик юритиш субъектини тугатиш режасини тузиб чиқиш;
- жорий ишларни охирига етказиб бориш;
- банкрот бўлтан хўжалик юритиш субъекти мулкини манфаатдор томонлар фойдасини кўзлаб, босқичма-босқич тугатиш;
- кредиторларга, хўжалик судига, давлат назорати солиқ органларига, бошқа манфаатдор ташкилотлар ва шахсларга банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектининг мол-мулки тўғрисида, мол-мулкни тугатиш қандай бораёғланлиги ҳақида ахборот бериш;
- банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш қандай ўтганлиги тўғрисида якунловчи ҳисобот тайёрлаш ва уни хўжалик судига тақдим этиш.

Банкрот бўлган корхоналарни тугатиш режасида қўйидагилар акс эттирилади:

- банкрот бўлган корхона молиявий аҳволининг тўла ва холис баёни;
- кредиторларнинг даъволарини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва мутаносиблигини;
- банкрот бўлган корхона мол-мулк эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари ҳисобига олинганлигини;
- сотилиши лозим бўлган мол-мулкнинг рўйхатини;
- мол-мулкни сотиш усули, жойи ва вақтини;
- суд харажатларини тўлаш, экспертларнинг, тугатиш комиссияси аъзоларининг, ишончли вакиллар ва бошқа шахсларнинг фаолиятига ҳак тулаш шартларини.

Банкрот бўлган корхонани тугатиш режаси кредиторлар билан келишилган бўлиши керак ва у, агар даъво суммасининг камидан учдан икки қисмнинг эгаси бўлган кредиторлар томонидан қувватланса, маъқулланган ҳисобланади. Агар гугатиш режаси маъқулланмаса, кредиторлар эса банкрот бўлган корхона тугатиш учун ўzlари тузган режани белгиланган муддатда тақдим этмасалар, хўжалик суди тугатиш комиссияси тақдим этган режани тасдиқлайди.

Тугатишга доир ишни юритишдаги ишончли вакил жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Ишончли вакил:

- кредиторлар талабларини қондиришга мўлжалланган мол-мулкни жамлайди; -қарздорнинг молиявий аҳволи ва мол-мулки тўғрисида давлат назорат ва солиқ органларига, шунингдек кредиторлар ахборот тақдпм этади;

- тугатиш комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади;
- ишни юритиш учун бухгалтер ва бошқа шахсларни тайинлайди;
- экспертларни жалб қилади;
- корхона ишлаб чиқариш фаолиятини таъқиқлаб қўйишга ёки унга рухсат этишга ҳақли бўлади;
- мол-мулкни яшириб қолиш ёхуд соликлар ва қарзларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида банкрот бўлганликка доир иш бошланишидан ёки иқтисодий ночорлик гўғрисида ариза берилишидан олдин бир йил мобайнида хўжалик юритиш субъекти битим тузиш натижасида мол-мулкнинг сотиш пайтида бозор баҳосига нисбатан анча паст ҳақ олган ёки хўжалик юритиш субъекти тўловга лаёқатсиз бўлса, бундай битимларни ҳақиқий эмас деб топиш масаласини хўжалик суди олдига қўйиш мумкин;
- корхона мол-мулкини бошқариб туради.

Корхона ишончли вакил талаби бўйича унга қарз суммасини кўрсатган ҳолда ўз кредиторлари ва дебиторларининг тўла рўйхагини, актив ва пассивларининг муфассал балансини, молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисботни, иш дафтарлари, счёtlар ва бошқа ҳужжатлардаги барча зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

Кредиторларга қўйидаги хукуқлар берилган:

- хўжалик судида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектиниш молиявий аҳволи тўғрисида ва унга карашли мол-мулкнинг ҳолати ҳақида маълумот олиш;
- ишончли вакилининг хатти-ҳаракатини назорат қилиш;
- банкрот бўлган хўжалик юритиш субъектини тугатиш режаси билан танишиш;
- ишончли вакилнинг, тугатиш комиссиясининг хатти-ҳаракати устидан хўжалик судига шикоят қилиш.

Ночор қарздорнинг барча активлари, улар балансларида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан катъий назар, тугатиладиган мол-мулкини жамлаш учун асос бўлади.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида ишончли вакил жалб этилган экспертлар ёки аудиторлар ёрдамида ночор қарздорнинг мол-мулкини рўйхатга олади ва нархлайди, шунингдек унинг мажбуриятларини баҳолайди.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Банкротлик нима?
2. Банкротлик мезонларига нима киради?
3. Банкротлик ҳолатига олиб келувчи кўрсаткичлар нималардан иборат?
4. Жорий ликвидлик нима?
5. Муддатли ликвидлик коэффициенти қадай аниқланади?
6. Санация нима?
7. Корхонани тугатишда қандай ишлар амалга оширилади?

## **Адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2011й. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.: Адолат,2010й. 400 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 25.05.2000 й. 69-II сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни. 30.04.1998 й. 611-I-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги Қонуни. 30.04.1998 й. 609-I-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни. 06.12.2001 й. 310-II-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ўртоқликлари тўғрисида» ги қонуни. 06.12.2001 й. 308-II-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
8. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 11.12.2003 й. 558-II-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
9. Ўзбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 26.04.1996 й. 223-I-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
- 10.Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги Қонуни. 21.12.1995й. 154-I-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
- 11.Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 25.04.1996 й. 5-6 сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
- 12.Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қонуни. 25.12.2007 й. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
- 13.Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни. 24.04.2003 й. 474-II-сон - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
- 14.Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 30.08.1996й. 279-I-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида"ги Қарори. - "Халқ сўзи" газетаси, 15.06.2005 й. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидағи омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисида” 2011 йил 7 февраль, ПҚ-1474-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 6-сон, 47-модда).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармони. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли Фармони. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хукуқий-меъёрий хужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги корхоналар иқтисодий начорлиги ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш мақсадлари тўғрисида” ги 465-сонли қарори. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўз. Р. Адлия вазирлигига 2005 йил 14 апрелда №1469-рақам билан рўйхатга олинган «Корхоналарнинг молиявий-иктисодий аҳволини мониторинг ва тахлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби» тугрисидаги Йурикномани тасдиқлаш ҳақида қарор. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2005 йил 14 апрелда №1469-рақам билан рўйхатга олинган «Корхоналарнинг молиявий-иктисодий аҳволини мониторинг ва тахлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби» тугрисидаги Йурикномани тасдиқлаш ҳақида қарор. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь
4. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади” Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. - “Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.
5. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси.-Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. - ”Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь.

### **V. Дарсликлар**

1. Бланк Е.Г. Основы финансового менеджмента.- М.: ИНФРА, 2004г.

2. Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.- 269с.
3. Пряничников С.Б. Финансовый менеджмент Учебник. - Н.: Новгород. НОВО. - 168с
4. Международный финансовый контроль: Учебник для студентов.- М: ЮНИТИ–ДАНА, 2005.-496 стр.
5. Кудина М.В. Финансовый менеджмент. Деловая литература. Курс лекций. 2003. -160стр.
6. Яблукова Р.З. Финансовый менеджмент в вопросах и ответах. – М. : Проспект, 2005. 256с.
7. Желкина А.Н. Управление финансами. Финансовый анализ предприятия: Учебник.-М: ИНФРА-М, 2005 – 332 стр.
8. Леонтьев В.Е. Финансовый менеджмент: Учебник. – М: Элит, 2005. – 560 стр.
9. Грачева Е.Ю., Толстопятенко Г.П., Рыжкова Е.А. Финансовый контроль. – М: «Камерон», 2004.- 272 стр. 1
- 10.Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Дело и Сервис, 2004. – 144 с.
- 11.Ванхорн, Джеймс, С, Вахович, мл., Джон, М. Основы финансового менеджмента, 12-е издание: Пер. с англ. — М.: ООО "И.Д. Вильяме", 2008. — 1232 с: ил. — Парал. тит. англ. ISBN 978-5-8459-1074-5 (рус.)

## **VI. Ўқув қўлланмалар**

1. Анискин Ю.П. Организация и управление малым бизнесом: Учеб. пособ. – М.: Финансы и статистика, 2008.
2. Гаврилова А.Н. Сысоева Е.Ф., Барабанов, А.И., Чигарев, Финансовый менеджмент. Учебное пособие. М.; КНОРУС, 2006. -336с
3. Ковалев В.В. Финансовый учет и анализ: концептуальные основы. - М.: Финансы и статистика, 2004. – 720 с.
4. Пряничников С.Б. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. Н.Новгород. НОВО, 2005. – 168с
5. Шеремет А.Д. Финансы предприятий: менеджмент и анализ. Учебное пособие. М. :ИНФРА М , 2006, 479с.
6. Ефимова М.Р. Финансово-экономические расчеты. Пособие для менеджеров: Учеб пос. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 185 с.
7. Миронов М.Г. Финансовый менеджмент (Справочник руководителя). - М.: ГроссМедиа, 2004. – 144 с.
8. Петросян Н. Э., Аверин А. Ю., Финансовый менеджмент. Под ред. Борисовой В.Д. – Пенза: ПГПУ им. В. Г. Белинского, 2008. -128с.
9. Ходиев Б.Ю., Самадов А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А ва бош. «Кичик тадбиркорликда молиявий менежмент» (ўқув амалий қўлланма).- Тошкент: ЕХ ТЕМПУС дастури «Матадор-2000» лойиҳаси, 2004.-144 бет

- 10.Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. – Т.: ТДИУ, 2010.
- 11.Қўчқаров ва бошқалар. Менежмент стратегияси. Ўқув қўлланма.-Т: “Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси”, 2003.- 184 бет.
- 12.Абдукаримов И.Т. Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма. Самарканд: СамДУ, 2001. -77с.
- 13.Маликов Т. О.Олимжонов. Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма -Т: Академия, 1999. – 193 б.
- 14.Акрамов Э. Корхоналарнинг молиявий холати таҳлили .-Т.: Молия .2005 й.
15. М.Р. Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, Б.К.Фойибназаров, А.Н. Самадов, Р.Ходжаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010, – 274бет.
- 16.Юлдашев А. Сирожиддинов И. Молиявий менежмент: Ўқув қўлланма/ Наманган, 2001. -112 б.
17. Шеремет А. Д., Сайфуллин Р. С. Методика финансового анализа. М.: Инфра, 1995.

## **VII. Интернет сайtlари**

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)  
[www.nalog.ru](http://www.nalog.ru)  
[www.nalog.uz](http://www.nalog.uz).  
[www.iet.ru](http://www.iet.ru)  
[www.uz](http://www.uz)  
[www.gov.uz](http://www.gov.uz)  
[www.stat.uz](http://www.stat.uz)  
[www.lex.uz](http://www.lex.uz).

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ**

**3**

### **I БОБ. МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ МОҲИЯТИ ВА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ ШАКЛЛАРИ**

1.1. Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиши хусусиятлари	5
1.2. Молиявий менежмент тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти	9
1.3. Молиявий менежментнинг ривожланиш босқичлари ва назариялари.	14
1.4. Мулкдор - тадбиркор - молиявий менежер	18
1.5. Молиявий менежментнинг механизми ва стратегияси	20
1.6. Молиявий менежмент концепцияси	22
1.7. Молиявий менежментнинг функциялари	25

### **II БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

2.1. Корхоналарнинг ташкилий-хуқуқий шакллари	29
2.2. Масъулияти чекланган жамиятларда молиявий менежмент	37
2.3. Акциядорлик жамиятларда молиявий менежмент	39
2.4. Нотижорат ташкилотларида молиявий менежмент	47
2.5. Хусусий (кичик) корхоналарда молиявий менежмент	49
2.6. Кўшма корхоналарда молиявий менежмент	53
2.7. Молия-саноат гурӯҳларида молиявий менежмент	54

### **III БОБ. КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ**

3.1. Молиявий режалаштириш-молиявий бошқаришнинг таркибий қисми Молиявий режалаштиришнинг моҳияти, тамойиллари ва вазифалари	57
3.2. Молиявий режалаштиришнинг асосий кўрсаткичлари ва усуллари	59
3.3. Молиявий режалаштириш ва тахминлаштириш тизими ҳамда уларни қўллаш	62
3.4. Корхона бюджетини тузиш ва бюджет режасини ишлаб чиқиш	65
3.5. Молиявий ўсиш режаси	68

### **IV БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ БОШҚАРИШ**

4.1. Тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш	71
4.2. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини молиялаштириш	75

4.3. Молиявий ривожланиш стратегияси	76
4.4. Факторинг ва траст операцияларини бошқариш	79
4.5. Лизинг операциялари. Молиявий лизинг	83

## V БОБ. КОРХОНАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ

5.1. Банк кредитининг моҳияти ва асосий қоидалари	88
5.2. Кредит олиш тартиби, гаров ва кафолат	92
5.3. Кредит шартномасининг моҳияти ва уни тузиш тартиби	94
5.4. Кредитлаш шакллари ва уларни бошқариш	97
5.5. Банкларнинг вексель операциялари	104

## VI БОБ. ЖАМГАРМАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

6.1. Жамғармалар ва инвестициялар ҳақида тушунча	111
6.2. Давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялар	113
6.3. Инвестиция портфели	115
6.4. Қимматли қоғозлар эмиссияси	117
6.5. Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси	120

## VII БОБ. КОРХОННИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ

7.1. Корхона активларининг иқтисодий моҳияти ва гурухланиши	124
7.2. Асосий воситалар харакатини бошқариш	125
7.3. Номоддий активлар таркиби ва уларни бошқариш	131
7.4. Асосий фондларни қиймати, эскириши ва уларни баҳолаш	135
7.5. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий қўрсаткичлари	138
7.6. Капитал таркиби ва уни оптималлаштириш	140

## VIII БОБ. КОРХОННИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Айланма капитални баҳолаш шакли ва тартиби	144
8.2. Корхоналарнинг айланма маблағларини шаклланиши	145
8.3. Корхонанинг айланма маблағларини бошқариш	147
8.4. Айланма маблағларнинг самарадорлиги	149

## IX БОБ. КОРХОНАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ БОШҚАРИШИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

9.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти, таркиби ва элементлари	151
9.2. Маҳсулот таннахи таркибига кирувчи харажатларнинг гурухланиши	155
9.3. Ялпи фойдадан қопланадиган харажатлар	161
9.4. Соф фойдадан қопланадиган харажатлар	166
9.5. Товар-моддий захираларга тегишли харажатлар	170

9.6. Харажатларни режалаштириш	172
9.7. Харажатларни оптималлаштиришда молиявий левереждан фойдаланиш	
174	
<b>X БОБ. КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛЛАРИ</b>	
10.1. Хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб шакллари	177
10.2. Тўлов топшириклари орқали ҳисоб-китоблар	182
10.3. Чеклар билан ҳисоб-китоблар	183
10.4. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар	187
10.5. Тўлов талабномалари орқали ҳисоб-китоблар	190
<b>XI БОБ. ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ</b>	
11.1. Дебиторлик қарzlари ва уларни бошқариш	195
11.2. Кредиторлик карzlари ва уни тахлили	200
11.3. Дебиторлик ва кредиторлик қарzlарни камайтириш йўллари.	203
<b>XII БОБ ХЎЖАЛИК СУБЬЕКТЛАРИДА ПУЛ ОҚИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ</b>	
12.1. Пул оқимларни бошқаришнинг моҳияти	206
12.2. Пул оқимларини прогнозлаш	210
12.3. Пул маблағларининг оптимал даражасини аниқлаш	211
<b>XIII БОБ. СОЛИҚ МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b>	
13.1. Солиқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари	215
13.2. Бошқарув қарорларини қабул қилишда даромадлар ва уларни солиқقا тортилишининг тахлили	216
13.3. Корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсири	223
<b>XIV БОБ. КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ</b>	
14.1. Корхона фаолиятини молиявий назорат қилишнинг мазмуни ва йўналишлари	227
14.2. Корхона фаолиятида молиявий назоратни ташкил этиш	234
14.3. Молиявий назоратда кўлланадиган асосий кўрсаткичлар	238
<b>XV БОБ. МОЛИЯВИЙ РИСКЛАР МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b>	
15.1. Таваккалчилик тушунчаси ва уни бошқариш	242
15.2. Таваккалчиликни баҳолаш усуллари	245
15.3. Таваккалчиликни камайтириш йўллари	248

## XVI БОБ. БАНКРОТЛИК ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ

16.1. Банкротлик тушунчаси ва аломатлари	253
16.2. Банкротликда қўлланиладиган тушунчалар	254
16.3. Банкротлик ҳолатига олиб келувчи кўрсаткичлар.	255
16.4. Банкротликнинг олдини олиш ва корхонани молиявий соғломлаштириш тадбирлари	259
16.5. Давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг молиявий-иктисодий ахволини мониторинг ва тахлил килиш мезонларини аниклаш тартиби	261
16.6. Корхонани тугатишга доир ишни юритиш	265
Фойдаланилган адабиётлар	268

## **ОГЛАВЛЕНИЕ**

### **ВВЕДЕНИЕ**

#### **I ГЛАВА. СУЩНОСТЬ ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА И ФОРМЫ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ**

- 1.1. Особенности развития экономики Республики Узбекистан в условиях рыночных отношений
- 1.2. Понятие, сущность и значение финансового менеджмента
- 1.3. Этапы развития и теории финансового менеджмента
- 1.4. Собственник - предприниматель - финансовый менеджер
- 1.5. Механизм и стратегия финансового менеджмента
- 1.6. Концепция финансового менеджмента
- 1.7. Функции финансового менеджмента

#### **II ГЛАВА. ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ФОРМЫ ПРЕДПРИЯТИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И ОРГАНИЗАЦИЯ В НИХ ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА**

- 2.1. Организационно-правовые формы предприятий
- 2.2. Финансовый менеджмент в обществах с ограниченной ответственностью
- 2.3. Финансовый менеджмент в акционерных обществах
- 2.4. Финансовый менеджмент в некоммерческих организациях
- 2.5. Финансовый менеджмент в частных (малых) предприятиях
- 2.6. Финансовый менеджмент в совместных предприятиях
- 2.7. Финансовый менеджмент в финансово-промышленных группах

#### **III ГЛАВА. ФИНАНСОВОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ**

- 3.1. Финансовое планирование - составная часть финансового управления.  
Сущность, принципы и задачи финансового планирования.
- 3.2. Основные показатели и методы финансового планирования
- 3.3. Система финансового планирования и прогнозирования, ее применение
- 3.4. Составление бюджета предприятия и разработка бюджетного плана
- 3.5. План финансового роста

#### **IV ГЛАВА. ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ И УПРАВЛЕНИЕ ЕЮ**

- 4.1. Обеспечения предпринимательской деятельности финансовыми ресурсами
- 4.2. Самообеспечение и самофинансирование
- 4.3. Стратегия финансового развития
- 4.4. Управление факторинговыми и трастовыми операциями
- 4.5. Лизинговые операции. Финансовый лизинг

## **V ГЛАВА. УПРАВЛЕНИЕ ПРОЦЕССОМ КРЕДИТОВАНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ**

- 5.1. Сущность и основные принципы банковского кредитования
- 5.2. Порядок получения кредита, залог и поручительство
- 5.3. Сущность кредитного договора и порядок его составления
- 5.4. Формы кредитования и управления ими
- 5.5. Вексельные операции банков

## **VI ГЛАВА. НАКОПЛЕНИЯ, ИНВЕСТИЦИИ И ФИНАНСОВЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ ПРИ ЭМИССИИ ЦЕННЫХ БУМАГ**

- 6.1. Понятия о накоплениях и инвестициях
- 6.2. Государственные и частные инвестиции
- 6.3. Инвестиционный портфель
- 6.4. Эмиссия ценных бумаг
- 6.5. Инфраструктура рынка ценных бумаг

## **VII ГЛАВА. УПРАВЛЕНИЯ ДОЛГОСРОЧНЫМИ АКТИВАМИ ПРЕДПРИЯТИЯ**

- 7.1. Экономическая сущность и группировка активов предприятия
- 7.2. Управление движением основных средств
- 7.3. Структура нематериальных активов и управления ими
- 7.4. Стоимость основных фондов, их износ и оценка
- 7.5. Экономические показатели основных производственных фондов
- 7.6. Структура капитала и ее оптимизация

## **VIII ГЛАВА. ОБОРОТНЫЕ СРЕДСТВА ПРЕДПРИЯТИЯ И ПОРЯДОК ИХ ОЦЕНКИ**

- 8.1. Форма и порядок оценки оборотного капитала
- 8.2. Формирование оборотных средств предприятия
- 8.3. Управление оборотными средствами предприятия
- 8.4. Эффективность оборотных средств

## **IX ГЛАВА. ОПТИМИЗАЦИЯ УПРАВЛЕНИЯ ИЗДЕРЖКАМИ И ДОХОДАМИ ПРЕДПРИЯТИЯ**

- 9.1. Сущность, структура и элементы производственных издержек
- 9.2. Группировка издержек, входящих в состав себестоимости продукции
- 9.3. Издержки, покрываемые из валовой прибыли
- 9.4. Издержки, покрываемые из чистой прибыли
- 9.5. Издержки, относящиеся к товарно-материальным запасам
- 9.6. Планирование издержек
- 9.7. Применение финансового левереджа при оптимизации издержек

## **X ГЛАВА. ФОРМЫ ВЗАИМНЫХ РАСЧЕТОВ МЕЖДУ ПРЕДПРИЯТИЯМИ**

- 10.1. Формы взаимных расчетов между хозяйствующими субъектами
- 10.2. Расчеты платежными поручениями

- 10.3. Расчеты чеками
- 10.4. Расчеты аккредитивами
- 10.5. Расчеты с применением платежных требований

## XI ГЛАВА. УПРАВЛЕНИЕ ДЕБИТОРСКОЙ И КРЕДИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТЬЮ

- 11.1. Дебиторская задолженность и ее управление
- 11.2. Кредиторская задолженность и ее анализ
- 11.3. Пути сокращения дебиторской и кредиторской задолженности

## XII ГЛАВА. УПРАВЛЕНИЕ ДЕНЕЖНЫМИ ПОТОКАМИ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ

- 12.1. Сущность управления денежными потоками
- 12.2. Прогнозирование денежных потоков
- 12.3. Определение оптимального уровня денежных средств

## XIII ГЛАВА. ОРГАНИЗАЦИЯ НАЛОГОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА

- 13.1. Налоговая система и ее особенности
- 13.2. Доходы и анализ их налогообложения при принятии управленческих решений
- 13.3. Влияние налогов на финансово-хозяйственную деятельность предприятий

## XIV ГЛАВА. ФИНАНСОВЫЙ КОНТРОЛЬ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

- 14.1. Содержание и направления финансового контроля деятельности предприятия
- 14.2. Организация финансового контроля деятельности предприятия
- 14.3. Основные показатели, применяемые при финансовом контроле

## XV ГЛАВА. ОРГАНИЗАЦИЯ МЕНЕДЖМЕНТА ФИНАНСОВЫХ РИСКОВ

- 15.1. Понятие рисков и управление ими
- 15.2. Методы оценки рисков
- 15.3. Пути снижения рисков

## XVI ГЛАВА. УПРАВЛЕНИЕ ПРОЦЕССОМ БАНКРОТСТВА

- 16.1. Понятие и признаки банкротства
- 16.2. Понятия, применяемые при банкротстве
- 16.3. Показатели, приводящие к состоянию банкротства
- 16.4. Предотвращение банкротства и меры финансового оздоровления предприятия
- 16.5. Порядок мониторинга и критерии анализа финансово-экономического состояния предприятий с государственной долей
- 16.6. Ведение дела по ликвидации предприятия

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

## **TABLE OF CONTENTS**

### **INTRODUCTION**

#### **I HEAD. ESSENCE OF FINANCIAL MANAGEMENT AND THE FINANCE ADMINISTRATION FORM**

- 1.1. Features of development of economy of Republic Uzbekistan in the conditions of market relations
- 1.2. Concept, essence and value of financial management
- 1.3. Stages of development and the theory of financial management
- 1.4. The proprietor - the businessman - the financial manager
- 1.5. The mechanism and strategy of financial management
- 1.6. The concept of financial management
- 1.7. Functions of financial management

#### **II HEAD. ORGANIZATIONAL-LEGAL FORMS OF THE ENTERPRISES IN REPUBLIC UZBEKISTAN AND THE ORGANIZATION IN THEM OF FINANCIAL MANAGEMENT**

- 2.1. Organizational-legal forms of the enterprises
- 2.2. Financial management in societies with limited liability
- 2.3. Financial management in joint-stock companies
- 2.4. Financial management in the noncommercial organisations
- 2.5. Financial management in the private (small) enterprises
- 2.6. Financial management in joint ventures
- 2.7. Financial management in financial and industrial groups

#### **III HEAD. FINANCIAL PLANNING AT THE ENTERPRISES**

- 3.1. Financial planning - a finance administration component. Essence, principles and financial planning problems.
- 3.2. The basic indicators and financial planning methods
- 3.3. Financial planning and forecasting system, its application
- 3.4. Drawing up of the budget of the enterprise and working out of the budgetary plan
- 3.5. The plan of financial growth

#### **IV HEAD. MAINTENANCE OF ENTERPRISE ACTIVITY WITH FINANCIAL RESOURCES AND MANAGEMENT OF IT**

- 4.1. Maintenance of enterprise activity with financial resources
- 4.2. Self-maintenance and self-financing
- 4.3. Strategy of financial development
- 4.4. Management faktorings and trusts operations

#### 4.5. Leasing operations. Financial leasing

### V HEAD. MANAGEMENT OF PROCESS OF CREDITING OF THE ENTERPRISES

- 5.1. Essence and main principles of bank crediting
- 5.2. An order of reception of the credit, pledge and the guarantee
- 5.3. Essence of the credit contract and an order of its drawing up
- 5.4. Forms of crediting and management of them
- 5.5. Bill operations of banks

### VI HEAD. ACCUMULATION, INVESTMENTS AND FINANCIAL MANAGEMENT AT ISSUE OF SECURITIES

- 6.1. Concepts about accumulation and investments
- 6.2. The state and private investments
- 6.3. An investment portfolio
- 6.4. Issue of securities
- 6.5. A securities market infrastructure

### VII HEAD. MANAGEMENTS OF LONG-TERM ACTIVES OF THE ENTERPRISE

- 7.1. Economic essence and grouping of actives of the enterprise
- 7.2. Traffic control of the basic means
- 7.3. Structure of non-material actives and management of them
- 7.4. Cost of a fixed capital, their deterioration and an estimation
- 7.5. Economic indicators of the basic production assets
- 7.6. Structure of the capital and its optimisation

### VIII HEAD. CIRCULATING ASSETS OF THE ENTERPRISE AND THE ORDER OF THEIR ESTIMATION

- 8.1. The form and an order of an estimation of a working capital
- 8.2. Formation of circulating assets of the enterprise
- 8.3. Management of enterprise circulating assets
- 8.4. Efficiency of circulating assets

### IX HEAD. OPTIMIZATION OF MANAGEMENT BY COSTS AND ENTERPRISE INCOMES

- 9.1. Essence, structure and elements of industrial costs
- 9.2. Grouping of the costs which are a part of the cost price of production
- 9.3. The costs covered from total profit
- 9.4. The costs covered from net profit
- 9.5. The costs concerning commodity-material stocks
- 9.6. Planning of costs

9.7. Application financial leverage by optimisation of costs

X HEAD. FORMS OF MUTUAL CALCULATIONS BETWEEN THE ENTERPRISES

- 10.1. Forms of mutual calculations between managing subjects
- 10.2. Calculations by payment commissions
- 10.3. Calculations by checks
- 10.4. Calculations by letters of credit
- 10.5. Calculations with application of payment requirements

XI HEAD. MANAGEMENT OF DEBITORSKY AND CREDITOR DEBTS

- 11.1. Debtor debts and its management
- 11.2. Creditor debts and its analysis
- 11.3. Reduction ways debtors and creditor debts

XII HEAD. MANAGEMENT OF MONETARY STREAMS IN MANAGING SUBJECTS

- 12.1. Essence of management of monetary streams
- 12.2. Forecasting of monetary streams
- 12.3. Definition of an optimum level of money resources

XIII HEAD. THE ORGANIZATION OF TAX MANAGEMENT

- 13.1. Tax system and its features
- 13.2. Incomes and the analysis of their taxation at acceptance of administrative decisions
- 13.3. Influence of taxes on financial and economic activity of the enterprises

XIV HEAD. THE FINANCIAL CONTROL AT THE ENTERPRISES

- 14.1. The maintenance and directions of the financial control of activity of the enterprise
- 14.2. The organisation of the financial control of activity of the enterprise
- 14.3. The basic indicators applied at the financial control

XV HEAD. THE ORGANIZATION OF MANAGEMENT OF FINANCIAL RISKS

- 15.1. Concept of risks and management of them
- 15.2. Methods of an estimation of risks
- 15.3. Ways of decrease in risks

XVI HEAD. MANAGEMENT OF BANKRUPTCY PROCESS

- 16.1. Concept and bankruptcy signs
- 16.2. The concepts applied at bankruptcy
- 16.3. The indicators leading to a condition of bankruptcy

- 16.4. Prevention of bankruptcy and a measure of financial improvement of the enterprise
- 16.5. An order of monitoring and criteria of the analysis of a financial and economic condition of the enterprises with the state share
- 16.6. Business conducting on enterprise liquidation

#### THE USED LITERATURE